

*Ўкшамой*

# *Сифрон*



Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2010 й.

**84(5Ў)6**

**Ў67**

**Ўқтамой**

Сирдон / Ўқтамой. — Т.;Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. — 296 б.

**ББК 84 (5Ў)6**

Ушбу китобимни дунёдаги энг гўзал аёл – меҳрибон онажоним Оминахон Муҳаммадюсуп қизига бағишлайман.

Истеъдоғли шоира Ўқтамой (Холдорова)нинг қўлингиздаги китоби унинг ижодий фаолиятидан бир гулдастадир. Унда кўнгил аталмиш дунёнинг гўзал ва нозик тебранишлари ўз ифодасини топган. Зеро китобнинг «Сирдон» деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Тўпламдан ўрин олган мақола, сухбат ва бадиаларда қадриятларимиз ҳақиқидаги мушоҳадалар сизни бефарқ қолдирмайди.

ISBN 978-9943-06-284-9

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2010 й.

# ШЕЗРЛАР



\* \* \*

Хазондек қовжираб, тутдек тўкилиб,  
Сирғалиб тушяпман оёқларингга  
Изларингни тавоф этмоқлик учун.

Кўз ёшлар ёмгири тинмайди йиллаб,  
Ёғаяпман ёшимдан кўкарап майса:  
Сенинг бағрингдаги шафқат майсасин  
Үйфотиб мақсадуга етмоқлик учун.

Ўйлайман ўйларинг рангинлигини,  
Рангсиз кунларимни гуллатиб қўйиб,  
Ёндириб сахронинг барханларида  
Кетдингми қўнгилдан кетмоқлик учун.

Ўзимга қайтияпман, тўзиган бардош,  
Тўфондек қутирган хаёлларингнинг  
Бахридан бир ҳатлаб ўтмоқлик учун.



\* \* \*

Шамол-фаррошлардай  
хаёлларингни –  
Супуриб ташласам хаёлларимдан,  
Кошки, улар кўнглим қайтиб бузмаса.  
Ёки бир кун тўплаб хазонларингни,  
Ёқиб юборсайдим оловларимда.  
Кулларингни берсам дайди елларга,  
Улар кўкка сочиб-сочиб ўйнашса.  
Жонимни оғритар хотираларинг,  
Беҳуш сўқмоғингни кезмоқдан бездим,  
Бир оғир юклардан эзилдим, бездим,  
Кетаман илинжлар арқофин узиб.  
Кўнгилга суюндим, тикони ботар,  
Ишқ эса ўзини солар бозорга.  
Товон тўлайсанми, берурмисан бож  
Дардларинг ортмоқлаб юрган ҳаммолга?

\* \* \*

Ёстиғим бардошдир,  
Ёстиқ сирдошим,  
Унга чизилгандир  
Анвойи гуллар.  
Хар кеч сугораман  
Маъюс гулларни,  
Кўзларим ёши-ла  
Гунчалар кулар.  
Муроса қиласман  
Хар кун тун билан  
Сабри тугаб соғинч  
Томади чак-чак.  
Бу товушдан чўчиб,  
Кетади учеб  
Гулга қўниб турган  
Думбул капалак.  
Ёшим томиб-томиб  
Бўлар кўлмакча,  
Менинг ҳасратимдан  
Безиган гуллар  
Жон деб оқиб кетар  
Ирмоқчаларда.  
Ёстиқда қолмади  
Бирор-бир шакл.  
Ҳамон дарбадарман  
Ҳижрон чўлида.  
Паймонаси тўлиб,  
Бир кун мени ҳам  
Оқизиб кетмасми  
Соғинч селида?

\* \* \*

Мен кўклам фармони—  
япроқман,  
Баҳорда дарахтларнинг  
Шохларига санчиб  
ташланган.  
Кўнглим ишқнинг  
товоnlарида  
Чумолидай янчиб  
ташланган.



\* \* \*

Ёлғизлик ҳориттан маъюс кептарнинг  
Кўзидан думалар бир томчи ёш  
Томчи зилдай оғир ва паришонхотир.  
Шиддат-ла тушаркан ерга гурсиллаб  
Суяклари парчаланиб кетар ҳар томон  
Гумбурлаган садо ўтакасин ёради туннинг  
Майсалар бир сакраб тушар сесканиб  
Бир донни талашаётган  
Очофат чумолилар қочади тумтарақай.  
Чах-чаҳлашаётган икки қушнинг  
Капалаклари учди учишдан аввал.  
Ур-ийқит бу талотўмлардан  
Сичқон кўпроқ фойда кўрганди:  
Инин пуллаб олди минг бир тангага  
Кечагина тухумдан чиққан  
Фаррош шаббода довдиар  
Сочилган томчининг суягини  
Қай гўрга элтишни билмасдан.

\* \* \*

Мен сизсиз ҳеч кимман,  
Ёпишдим маҳкам  
Совуқ нигоҳингиз  
Этакларига.  
Азоблар улгайтди  
Тушиб қолдим сўнг,  
Сигмасдан соғинчнинг  
Чўнтакларига.

\* \* \*

Соғинчлар бағрингга  
Нишлар урганида,  
Келдинг бир сархуш  
Аччиқ ёшларингни  
Пиёлада қўтариб.  
Висол бода тутди,  
Тўйиб-тўйиб ичдинг  
Жонингта тегди ишқ.  
Кетдинг — муҳаббатнинг  
Кўкрагидан итариб.

\* \* \*

Ёмғир ўлчагич,  
Ёмғир ўлчагич!  
Йилларким йиғилган  
Күнгил жомида  
Хижрондан, соғинчдан  
Селга айланган  
Күз ёшларим ёмғирларини  
Үлчай оласанми,  
Ёмғир ўлчагич?



\* \* \*

Юлдузлар – ошиқнинг кўз ёшларидир,  
Бунча кўп осмонда қотган кўз ёшлар.  
Елкамда бир тоғдек дардни кўтариб  
Кетаяпман,  
букилиб борар бардошлар.  
Фам тунларин йиғлаб, танҳо кечирдим,  
Сириң сочиб бўлмас дунёи дунга.  
Кийдим азобларнинг ямоқ кўйлагин  
Сирлар чечак бўлди,  
кўмгандим ерга.  
Ёдингизда ёзлаб,  
Қаҳрингизда қишлиб,  
Гўзал азобларда яшайман Сизда.  
Бир телба кўнгилнинг раъйига қараб,  
Ижара турибман юрагингизда.



\* \* \*

Мен — хатоман,  
хатоларга тайрилдим-а,  
Кенг йўл қолиб,  
Сўқмоқларга қайрилдим-а,  
Армонларим  
Майса бўлиб ёйилдилар.  
Ўқтам эдим,  
Қани менинг ўқтамлигим?  
Софингчимнинг қирларида  
Лола унди,  
Аҳволимни кўриб тунлар  
Сочин юлди,  
Юраккинам,  
Ҳижронларга, наҳот, кўндинг?  
ўқтам эдим,  
Қани менинг ўқтамлигим?  
Бу очунда кўрмаганим  
Фам қолдиму?  
Ёшим дарё бўлди,  
Кўзда нам қолдиму?  
Тийра дилим ёритарга  
шам қолдиму?  
ўқтамлигим қани  
менинг, ўқтамлигим?  
Умидларим лойқаланди  
Лойлар бўлди,  
Софингчларим оқа-оқа,  
Сойлар бўлди,  
Армонларим оққушларга  
боғлар бўлдим,

ўқтамлигим қани,  
менинг, ўқтамлигим?  
Юрагимдан сизар  
мехр булоқлари,  
Ундан сувлар ичар  
яқин-йироқларим,  
Кетар бўлсам,  
мени боғлар  
сўроқларму?  
ўқтам дили бўлганму деб  
ўқтамгулнинг?

\* \* \*

Ўтган кун-хотира,  
Ортга қайтмоқ йўқ.  
Кузакман-сомондек  
Сарфараёттан.  
Бошимда қиличин  
Қайрар қаҳратон,  
Телба дил кўкламни –  
Софинаётири.

\* \* \*

Сизни излай-излай  
Хориди умид,  
Илинж – күзимдаги  
Охирги томчи.  
Дардлим,  
Борлигингиз билардим, бироқ  
Исмингиз пайпаслаб  
Йўл юрдим қанча.  
Сиз ёқсан бир ёлқин  
Чорлади мени,  
Музлаган дардларим  
Ёқиб келдим мен.  
Саҳрои Кабирда  
Адашиб тентиб,  
Ўзимни ахтариб,  
Топиб келдим мен.  
Мен сизга ирмоқдек  
Чопиб келяпман,  
Кўнглимни сийлаган  
Дараларим-ла  
Тута оласизми  
Ховучингизда  
Қумдек қуйқалангандан  
Зарраларимни.  
Дайдиган ҳилолдай  
топмадим тўзим,  
Топган ватаним – сиз  
Бунчалар ҳазин.  
Ҳарир кўрпа бўлсин  
Қабоқларингиз

Кўзингиз тафтида  
Олай пича тин.  
Бахтнинг кулбаси йўқ,  
Дарвеш аслида  
Биз оқиб кетяпмиз  
Тонглар мавжида.  
Мен сизни ахтариб,  
Ўзимни топдим,  
Сизни йўқотмоғим  
Буюк фожеа.

\* \* \*

Уйғониб кетади  
Намозшомгуллар  
Тун кавшининг фирч-фирч  
Товушларидан.  
Ой нурин ютоқиб  
Ичади улар  
Туннинг қора  
Ҳовучларидан.

\* \* \*

Хаёлларинг яшашга қўймас,  
Софинг чинқиради кечалар.  
Иложсизлик илинжларимни  
Бораяпти бир-бир парчалаб.  
Сени ўйлаб, сени соғиниб  
Хаёлларинг ташлайман суриб.  
Улар бунча тошқин, бунча сур,  
Келаверар қайта бостириб.  
Гоҳ бу жангда енгиб, енгилиб,  
Ороми йўқ шамолдай ҳордим.  
Хаёлларинг суриб турмасам  
Юрагимни чиқарлар ёриб.  
У ён, бу ён сурилиб минг бор  
Кетиб қолган ширин таъмлари.  
Юрагимга оғир ботмоқда  
Ушалмас орзунинг аламлари.  
Хаёлингга фарқ этиб мени  
Ломакондамисан, шахризод?  
Дарддай оғир бу юмушлардан  
Қачон келиб қиласан озод?

\* \* \*

Тун лайлируй руҳимда  
Рақс тушар довдираб.  
Чопаман ҳар күчада  
Сени излаб, ҳолсираб.  
Юрагим оқаёттир  
Ишқнинг тентак сойига.  
Кўзларим ботиб кетар  
Софингларнинг лойига.  
Ховучимга тўкилар  
Бўзлаётган бўзларинг.  
Лўлининг тўрвасидан  
Тушиб қолган сўзларинг.



## **ГУЛ ДАРАХТИ**

**Ҳиндистонда улкан  
гул дарахтларини кўрдим.  
муаллиф**

Нозланади нозанин гуллар  
Кўллар етмас ёноқларига.  
Нафасларин кўнглимга босиб,  
Юзим қўйсам дудоқларига.  
Минг йилларки, бир Сўз деёлмай  
Туйгулари чиққанми тошиб.  
Ё келмаган ёрин кутавериб  
Сабрлари гуллаган ошиқ.



\* \* \*

Кўклаб кетган соғинчларимни  
Ўғирчада янчаётир тун.  
Атиргулнинг пинжига кириб,  
Япроқлар-ла олгим келар тин.  
Жийдаларнинг ҳушбўй ҳидига  
Арқон солиб учсам ҳалинчак.  
Ой нурининг кокилларини  
Ўргим келаяпти бирдак.  
Чўқаяпман дунёларингга,  
Хаёлларим сенда тунайди.  
Қайда бўлма, сен бор жойда  
Менинг туйгуларим гуллайди.

\* \* \*

Бошимга қилас болиш  
Райхонлар япрогини.  
Райхонлар билса-билисинг  
Кўнглимнинг титрогини.  
Учаётир муҳаббат  
Қанотлари қирсиллаб.  
Кела қол, сув сеп, ёмғир,  
Юрак ёнар чирсиллаб.  
Эшитмайди оҳларим  
Ул дилозор йироқда.  
Ташлаб кетди  
Ўлжасин  
Илинтириб тузоқقا.



\* \* \*

Бу — не ёмғирдирки,  
Меҳрдай ёғиб  
Мудраб ёттан  
Ггулу чечакларни  
Қитиқлаб-қитиқлаб  
Уйготолмаса.

Бу — не күнгилдирки,  
Ёмғирдек күз ёшларим  
Бағрингизда  
Қишлиб ёттан  
Шафқат майсаларин  
Күзфотолмаса.

\* \* \*

Умрим — узун күйлагим,  
Түқилган минг хатодан.  
Бошдан-оёқ вужудим  
Юрак деган матодан.

\* \* \*

Мени абгор этган кунларинг  
Юрагим анор каби  
Чокларидан сўқилиб кетган,  
Хозирда биттан.  
Исмимнинг хунлари, уволи  
Ёқангдан бир куни тутгай.  
Мени эсламагил,  
Сен ва сенинг озорларинг ҳам  
Аллақачон мунгли –  
Хотирамнинг варақларидан  
Йиртилиб кетган.



## **ТУШКУНЛИК**

Бу менинг қудуғим —  
Фамлар бостириб келаётганида  
Паккам, хилватхонам.  
Баъзан бу хилхонада  
Хилватда чилла ўлтираман,  
Хеч кимсага сездирмай.  
Бу жарлиқдан чиқиши  
Иложини излайман.  
Чиқиб кетарман ҳам  
Ўзимда куч топиб,  
Дамо-дам чорлайди қудук —  
Тушкунлик!  
Туш-кунлик!!  
Туш-кенглик!!!

## ***САЧРАТҚИЛАР***

\* \* \*

Сабрларга сүяниб қолдим,  
Унга меҳрим зўрлигиданмас,  
Иложимнинг  
Йўқлигидан.

\* \* \*

Ўзимни сенинг кўзларингнинг  
Паноҳига топширдим.  
Фақат у ерда  
Бирор ифода йўқ  
Фамхўрликни  
Ифодалайдиган.

\* \* \*

Чумолидай фамлар  
Келар бостириб –  
Кўнглим куюкларин  
Сезиб ҳидини.

\* \* \*

Ёмгиrlарин ичдим  
Софингнинг соғиб,  
Сарғайған сабримнинг  
Тўқаётирман.  
Сенинг ҳайратингдан  
Яралдим, дунё,  
Чўксам, ҳайратингга  
Чўқаётирман.

\* \* \*

Мени эзаётган нарса  
Ортиқча тошларнинг  
Залвори эмас,  
Керакли тошларнинг  
Хархашалари.

\* \* \*

Хотира – кун бўйи  
кўзимда олинган  
сувратларни  
хаёл сайтларига  
мухрламоқдир.

\* \* \*

Кўзларимнинг айби кўп,  
Уни чўқилашар  
Аламзада ҳижроннинг  
Чуғурчуқлари.

\* \* \*

Кўнглим сенсиз  
Сочилиб ётибди  
Бир хирмон бўлиб.  
Юрагимда чекилган афсус  
Дудлари кўзимни ачитди.

\* \* \*

Қарғиши қиррали тиф —  
Афсунгар бир куч.  
Кимгадир уни ошираёттанингда  
Эҳтиёт бўл,  
Ўзингта ҳам тегиши мумкин  
Бир учи.

\* \* \*

Эй гўримга фишт қалаётган  
Чумоли-чўлиқлар,  
Шу фиштлардан  
Ўзингизга қаср қуриб,  
Яшасангиз бўлмайдими  
Кайфлар суреб?

\* \* \*

Бағрингни юмшоқ дедилар,  
Экиб кўрдим унга эзгулик уругларини.  
Фақат у ердан тўп-тўп бўлиб  
Униб чиқди сассиқ алафлар.  
Ҳайратда лол қотдим,  
Ё ер танлашда адашдим чоғи,  
Ёки кимдир уругларни  
Алмаштириб қўйган, кетганимдан сўнг.

\* \* \*

Мени тушунмаслигингни тушундим,  
Сени бошқа ўйламаслик учун ўйляяпман.

\* \* \*

Фамларимнинг, ташвишларимнинг ипи чувалган,  
Ипак қуртидек ўраляпман ўз қобигимга.  
Бу қурт эрта-индин учиб кетар капалак бўлиб.  
Мен эртага нимага айланаман,  
Бир йул топиб чиқиб кета оламанми, қобигим ёриб.

## **ТҮРТЛИКЛАР**

\* \* \*

Хаёт – машшоқ, мен – раққос,  
Бир ўйин бошлаб қўйдим.  
Бошқаролмай умримни,  
Тақдирга ташлаб қўйдим.

\* \* \*

Ўнгу сўлим – чакалакзор  
Тану жоним қонаб юрдим.  
Юрсам ҳамки қайси йўлдан,  
Кўнглингизга қараб юрдим.

\* \* \*

Кун беринг, деб ёзғирдим дилтанг,  
Фурур синиб кетди зулмдан.  
Мен яшамай қўйганим аниқ  
Муросага келган кунимдан.

\* \* \*

Бунча фамга ботаяпсан, Куз,  
Ўйлаб дов-даражтинг фамини.  
Мен тўрт фасл тотаяпман-ку  
Айрилиқни аччиқ таъмини.

\* \* \*

Болам, яша одамдай,  
Танангни қўй тақдирга.  
Қаён қочгунг толедан  
Чида, қоработирга.  
Ёргуликка чиқарсан,  
Хаёлларга суюниб.  
Жонингта кўзин тиккан  
Кунлар қолар уялиб.  
Сени қайфу туққанму  
Ўчирасан шамларни?  
Нега сотиб оласан  
Йўқ ердаги фамларни?

## **ХАДИК**

Мен йўл четидаги  
Сўққабош дарахтга ўхшайман, она.  
Менга ўтган-кеттан,  
Яхши-ёмонлар,  
Билиб-бilmасдан,  
Иргитиб ўтишар  
Кўлларидағи тошни.  
Баҳайбат, бардошли  
Дарахтман, ахир,  
Кўрқмай отаверсин,  
Бағритош одамлар.  
Енгларга яшириб,  
Қийналиб юргандан кўра.  
Бироқ менга отилаётган  
Бу тошлар  
Сизга тегиб кетишидан  
Жуда-жуда қўрқаман, она!

\* \* \*

Осмон эдим,  
Сени деб ер бўлдим.  
Майсалар устига чиқиб  
Топтадилар бу ерни.  
Дарё эдим,  
Сени деб кўл бўлдим,  
Итбалиқлар, кўлбақалар  
Ватан тутди бу ерни.  
Дур ундирган тупроқ эдим,  
Шўр бўлдим.  
Шўришимдан шўрлаб кетди  
Шўркўргоннинг деворлари.  
Кўқдаги ой эдим,  
Сени деб гўр бўлдим.  
Гар арзисанг ҳам майли эди  
Синиб тушган тирноғимга.

\* \* \*

Бу ризқим ер узра сочилди,  
Териб емоқдик гоҳо туш бўлди.  
Кўзларим сойидан униб чиқди ғам,  
Баъзан қайфум сархуш, баъзан хуш бўлди.  
Ризқим излайвериб тешилди кўзим,  
Кунлар қувладилар, ғариб қуш бўлдим.  
Менга ачинмади томошабин чарҳ,  
Йўлда йиртқичларга емиш бўлдим.



\* \* \*

Куз шовқини синдирап  
Сукунатнинг дарчасин.  
Ҳаяжондан тинади  
Ям-яшилликнинг саси.

Сокин-сокин теракзор  
Муштоқ қолар, зор қолар.  
Хазон қўнган шохларда  
Иргишлайди қаргалар.

Иссиқ-иссиқ ҳосилин  
Фўзапоя сотади,  
Сўнг қиши бўйи совқотиб  
Томда караҳт ётади.

## **СЕВИНЧ**

Ёз тўлиб боради — ойжамол,  
Чиройли кунлари туғади.  
Оташ кўйлак кийиб саратон,  
Ипининг авжига чиқади.  
Олвали — уятчан боғ қизи  
Бўсадан қизарар юzlари.  
Мехрини ичирган булоқнинг  
Рашқ ичра очилар қўзлари.  
Ҳовучлаб сув ичиб ариқдан  
Боғларнинг тақиллар томоги.  
Узумин чумчуққа олдириб  
Сўриток сўради бармогин.  
Нокнинг димогига қурт тушгач,  
Ел ерга теккизар курагин.  
Терига сифмаган анорнинг  
Севинчдан ёрилар юраги.

\* \* \*

Севинчдан ирғишлар майсалар,  
Қалпогин осмонга отади.  
Ялпизнинг эрка қиз — ҳидини  
Танбал ел қучоқлаб ётади.  
Пориллаб ёнади лолалар,  
Шодликлар чакиллаб томийди.  
Ям-яшил түйгулар бағрида  
Лолага айлансан қанийди.

\* \* \*

Ғўза — мўмин, итоаткор қиз,  
Меҳнатлар қўлини бўшатмас.  
Она — куз келгунча биронга  
Тишининг оқини кўрсатмас.

## ***СОФИНЧ ҚУШЛАРИ***

Сиз келдингиз, эриди қорлар,  
Қарғаларнинг саслари тинди.  
Куйган шохча — киприк устига  
Софинчимнинг қушлари қўнди.  
Бу қушчалар кулар энтикиб,  
Севинчидан тошиб сайрайди.  
Ичган тахир изтиробларин  
Гўзал томчиларда саннайди.



\* \* \*

Бўрон, довуллардан  
кетяпмиз қочиб,  
Атиргул, бизларни  
яшир қатингга.  
Жамбул, ифорингни  
юборгин сочиб,  
Токи инсу жинслар  
келмасин яқин.  
Мажнунтол, савала  
новдаларинг-ла  
Бизга қўзин тиккан  
шалолаларни.  
Фалақда титраган  
малаклар билар  
Бахти қаро дайди  
шабодаларни.  
Биз қочиб кетяпмиз  
фамнинг илкидан  
Кўзлари кўкарган  
баҳт соясида.  
Тоқатлар тоқ бўлди  
соғинч юқидан  
Кўнгил ўсмай қолди  
фамхонасида.  
Бош урдик умиднинг  
кўшкларига,  
Бизни шодлигингта  
шерик қил, осмон.  
Томчи тешган тошнинг  
тешиклиридан  
Излаб топомасин  
бизларни ҳижрон

\* \* \*

Хафа бўлар қари чумоли  
Қайдা шамол, қайдা у дайди?  
Ҳил-ҳил пишиб ётган тутлардан  
Биттагина узиб берсайди.  
Келиб қолди ҳаллослаб шамол,  
Ҳар новдага осила кетди.  
Тутлар бўлди ер билан яксон,  
Чумолини фашлик банд этди.  
— Шунча тутни нима қиласман?  
Майиз солай десам томим йўқ.  
Қўни-қўшним чақирај десам  
Улар тўйлаб келган — қорни тўқ.  
Қўполлик ҳам эви билан-да,  
Бир донага қўнглим тўларди.  
Кексалигим қурсин, бир тутни  
Ўзим еб тушсан ҳам бўларди.



\* \* \*

Қуёш толиқиб кетиб,  
Олов таёқларини  
Хуржунига саржинлаб  
Йиғиштира бошлади.  
Даладан ҳориб қайтган  
Товонёриқ кетмөнлар  
Чангли юзларин ювиб,  
Гулзорга ёнбошлади.  
Куни бўйи зерикиб  
Ётган намозшомгуллар  
Созлашиб кунгурадор  
Алвон карнайларини,  
Кўкка қаратиб чалиб  
Шўх базмга чорлашар —  
Серишва юлдузчалар —  
Самонинг ҳурларини.  
Субути йўқ дараҳтлар  
Зўр бериб қарсак чалар,  
Қилар иши томоша  
Кундуз қолиб тунда ҳам.  
Ой эса вазмин-вазмин  
Тонг куйига йўргалар,  
Ерда ошиқ — машшоқлар  
Кўк сахнида ҳурлар жам.  
Тонг отди,  
Қуёш келди, олов таёқ, кўтариб  
Шўхлигимизни кўрса  
Сўзсиз жазолар тайин —  
Дея юлдузлар уйга  
Бир-бир кириб кетишиди.  
Кўк сахни бўшаб қолди  
Гўё сув сепгандайин.  
Жўнади машшоқлар ҳам  
Йиғиб карнай-сурнайин.

## **НАМОЗШОМГУЛ**

Аждодларимиз  
Кунларнинг кўзига  
Қаролмай келган.  
Кора кечаларнинг  
Зилдай нигоҳига  
Чидаган, кўнган.  
Майсаларнинг оёфини  
Босса, айтиб  
Юз минг узр,  
Минг азобда яшаганлар,  
Борларига қилиб шукр.  
Тунларда кулгаймиз,  
Хаётми шу ошшом,\*  
Тилларин чиқариб эрмаклар  
Фунчалар —  
Дилимиз намозшом.  
Бизлар ватан бўлса,  
Ўз-ўздан кўпаяр  
Беминнат халқмиз.  
Қайириб ташланган  
Дараҳт бўлаги —  
Ногирон шохмиз.  
Яна шохлар бир кун,  
Забардаст дараҳтга  
Айланиб кетажак,  
Чалиниб кетади карнайлар,  
Жаранги  
Тунларни йиртажак.  
Боқамиз кунга тик,

---

\* ошшом (шева) — қурғур.

Биз күрган у кунлар  
Айланар тутунга.  
Хайратлар лол боқар  
Исёнлар сочларин  
Оқартган бу тунга.

\* \* \*

Кетдим,  
Шүркүрғон<sup>\*</sup> қолди  
Хаёлларга сұяниб.  
Үзин тутди чинорлар  
Дод солишдан уялиб.

Келдим,  
Энди мен «катта одам».  
Тұнларин алмаштириб —  
Йўл четига дараҳтлар  
Чиқди құл қовуштириб.

---

Шүркүрғон<sup>\*</sup> — туғилған қишлоғим.

\* \* \*

Оғочлар бағрида сизар яшил қон,  
Барглар үйин түшиб айтишар ўлан.  
Вужудим зангори нурларга тұлди,  
Япроқлар тилида сўзлаш мен билан.  
Томчилар — осмоннинг очилган сири,  
Қизиққон майсалар теради ҳарчанд.  
Осмонимга сирлар сифмай кетяпти,  
Ёмғирлар тилида сўзлаш мен билан.  
Ўттан кун камоли қайтмагай ортга,  
Кўкларга чирмашар туманли бир фаш.  
Умрни Фиркўқда ўғирлаб кетган  
Шамоллар тилида мен билан сўзлаш.  
Етим япроқ қўйса оёғингга бош,  
Жувонмарг орзулар қотса гулида.  
Кўзлари кўкариб кетган дард билан  
Келма, сўзлар ёнар хазон тилида.

\* \* \*

Маъюс тонглар чекади афсус,  
Хазонларда ёнар кузимиз.  
Мен кетишим керак,  
вақт бўлди,  
Қўйвормайди нега қўзингиз.  
Ол юзингиз оловларида  
Исинмоқقا келдим, фаридим.  
Мен адашган шамолман,  
дайдиб,  
То топгунча сизни ҳоридим.  
Бино қўйдим бўйларингизга,  
Найларимдан чиқди аффонлар.  
Мен сабрга суянган кўрни  
Ўз измига солди илонлар.  
Тушунмади мени Ой, Юлдуз,  
Кўқдан тушдим жуда кечикиб.  
Жой бўлмаса дунёингизда  
Қандай яшай  
Сизга ичикиб?

## *СОФИНЧ СОЯСИ*

Бўй таратар нозбўйларнинг  
Кокиллари,  
Ифорлардан  
қуннинг кўнгли тўладими?  
Гул умрини тиккан фасл –  
қиморларга  
Сизни топдим,  
сизсиз яшаб бўладими?  
Ёнаётган  
умрларнинг лаҳзасига  
Инжа юрак риштасидан  
торлар қилай.  
Ишқ олдида эгилмаган  
бошлар учун  
Сочларимни эшиб-эшиб  
дорлар қилай.  
Бунча ҳушёр, бунча қаттиқ,  
дошларингиз,  
Фироқларнинг кечалари  
дийдор талаб.  
Эритаман  
тўнғиб ётган дардларингиз,  
Фанимат шу лаҳзаларда  
юрак қалаб.  
Учажакман самоларга  
қолади ишқ,  
Чархлар уриб  
муҳаббатнинг қоясида.  
Мен ғойибдан Сизни сўраб  
тилаб олдим,  
Қолиб кетмай  
софинчингиз соясида.

\* \* \*

Сизни бошқа күрмасайдим деб,  
Кипригимни этаман парда.  
Пардаларни тортқилар шамол,  
Ёмғирларда қайнайди зарда.  
Назарига илмайди висол,  
Чангал солар бояқуш-соғинч.  
Мен ўзимга қайттанда нолон,  
Құярмикан хаёлингиз тинч.  
Тушиб қолмиш тузофингизга  
Оҳу айби — сузук кўзида.  
Сизга гуноҳ юклолмасман, йўқ,  
Айб ахтариб кетдим ўзимдан.



\* \* \*

Қаршимда бир гулхан  
Ёнар ловуллаб  
Тинмай чорлайверар  
Оташларига.  
Хижрон азоблари  
Жонимдан ўтган,  
Исиниб оламан  
Қарашларига.  
Муз қотган юрагим  
Олиб кафтига,  
Иссиқ лабларида  
Аста эритар.  
Тўнғиган ҳисларим  
Жунбушга солиб,  
Сарғайган кечанинг  
Дардин аритар.  
Учқунлар сачрайди  
Нафасларидан,  
Нозик бармоқларим  
Куйдираётир.  
Авраб нигоҳимни  
Беаёв, асов,  
Қучоғига босиб ўлдираётир.  
Аланга олади  
Бу қалтис ўйин  
Ёпаман қўнглимнинг  
Дарчаларини.  
Дарча ёруғидан  
Киради сизиб,  
Не қилай, у гулхан  
Парчаларини?

Бир ўтки жонфизо,  
Хаётбахш оғу,  
Борсам тахтим қуяр,  
Бормасам бахтим.  
Унда ҳаёт бору  
Унда йўқ нажот,  
Телба бу куйлардан  
Бўламан караҳт.  
Бу не қиёматдир,  
Боқаман дилгир  
Қирмизи ёлқиннинг  
Қаловларига.  
Ёниб кетишимни  
Билиб туриб ҳам,  
Интилавераман  
Оловларига.



## **СЕНДАН КЕТАМАН**

Осмонда ой танҳо қолган бу кеча,  
Туйғулар меҳридан тонган бу кеча,  
Узалган оч қўллар толган бу кеча  
Сендан кетаман.

Ишқقا бошқоронғу ялпизлар сўлди,  
Учаётган қушлар бағримда ўлди,  
Мен сени безовта қилмасман энди,  
Сендан кетаман.

Тунларга тўкилган юлдуз бенишон,  
Кўпирап азобнинг кўзларида қон,  
Софинчлар ўлдириб қўяди, ишон,  
Сендан кетаман.

Ўйнаб ўтаверар бепарво сур ел,  
Мен қўйган тузоққа илинмади шер,  
Юрак, пешонаси бунча экан шўр,  
Сендан кетаман.

Кўмирга айланиб қолди нигоҳлар,  
Шохларда сарғаяр гўзал гуноҳлар,  
Кўкларга чирмашиб кетаркан оҳлар,  
Сендан кетаман.

Осмоннинг кўз ёши – турна тизилар,  
Ойдин сукунатнинг кўнгли бузилар,  
Менсиз кунларингта гуноҳ ёзилар,  
Сендан кетаман.

\* \* \*

Орамизда сирли кўприк бор,  
Олиб борар қалбларга бу йўл.  
Намозшомгул, биздан хабар ол,  
Юраккинам, ҳижронларга қўн.  
Гарчи бизнинг юқ-дардлар оғир,  
Лек кўтарар, кўприк бузилмас.  
Биз боғлаган ипсиз риштани,  
Хоҳламасак, ҳеч ким узолмас.  
Бу йўлдан гоҳ кўтариб ғамни,  
Гоҳ шодликни ташиб ўтаяпмиз,  
Жуда-жуда чўзилди фироқ,  
Бу йўлдан бир хабар кутаяпмиз.  
Эркагина умидларимиз  
Толиб борар, мадори қолмай.  
Эгилмоқда метин бу кўприк  
Софинчларни кўтара олмай.  
Орамизда сирли кўприк бор...

\* \* \*

Бу чарх мени ўйнаб отди  
каззобларга,  
Дўст тутиндим болалаган  
азобларга.  
Атиргулум шабнамларда  
титраб турар,  
Ойдай умр дучор бўлди  
газабларга.  
Сочларим жон риштаси-ла  
комрон эди,  
Киприкларим супургиdir  
хазонларга.  
Вафосизга ҳайф, дедим  
мехру ашким,  
Телба кўнгил ризо бўлди  
қазоларга.  
Ҳижронларнинг мотамлари  
бунча оғир,  
Анор йиғлаб юрак ёрди  
азонларга.  
Мен ҳак излаб кўқдан тушган  
малоика,  
Лойиқманми банда берган  
жазоларга.

\* \* \*

Мен билмайман  
қаңдоқ севишини,  
Юрагимга қўядурман ўт.  
Тун чинқирап нолаларимдан,  
Софингчларим — каллакланган тут.  
Еллар сезар мажнунлигимни,  
Ҳасратимдан тутилади кун.  
Сир сочилар дил — сандифимдан  
Ёниб кетар алангамдан гул.  
Сиз севсангиз,  
билиб севасиз,  
Сездирмайсиз сирдош болишга.  
Кифтингизнинг келбатларидан  
Ёғилмайди бирор нолиш ҳам.  
Фамлар сизга жуда ўргангтан,  
Ишқнинг паймонаси тўлмайди.  
Нотинч ҳасрат яшайди дим-дим,  
Бағрингизда бардош гуллайди.  
Пар кўрпага беркиниб олиб  
Хато йиғлар ётоғингизда.  
Шундай улкан севгини қандай  
Кўтарасиз қабогингизда?



\* \* \*

Олов билан ўйнашдим чоғи,  
Ёндим гулхан силсиласида.  
Кулга түлди умрим ўчоғи,  
Туйгуларнинг ҳосиласидан.  
Унутмоқлик бунчалар оғир  
Ул саҳронинг қиёқларини.  
Кўзларимда йиглайди ёмғир  
Кечирилмас гуноҳларини.  
Бошлаб келди толе қошимга  
Оташимда ёнган мажнунни.  
Бахт турибди остонамизда,  
Жиним, нега суймайсан уни?  
Бахтсиздирман жинлар туфайли.



## ***СИФМАЙДИ***

Лола менинг аждодим, гулбоғларга сифмайди,  
Булбуллар макон этган хуш чоғларга сифмайди.

Мажнунтоллар май ичиб тўлғонади маст-аласт,  
Қизғонарми соҳиллар, қирғоқларга сифмайди?

Кўзларимнинг уфқида унар алвон лолалар,  
У ишқ нима билмаган қабоқларга сифмайди.

Бир қуни қуёш ботиб улар оқмоқ истаса,  
Багри кенг дарё керак, ирмоқларга сифмайди.

Лолаларга айлангум, менга гулу боғлар хайф,  
Менинг дардим дол бўлган сўроқларга сифмайди.

\* \* \*

Нигоҳингиз бошлаб борар  
оташгоҳга,  
Бинафшалар қадрингизга етадими?  
Не излайсиз,  
кечаларнинг бузиб тинчин?  
Кўнглингиз биз томонларга  
кетмадими?  
Оловгулнинг армонлари  
талош, беҳуд,  
Ҳаловатни тополмадим  
тўзимлардан.  
Димогимга соғинчларнинг иси келар,  
Насаф ёқдан эсаётган  
насимлардан.  
Кузакларга тўкилади  
абру найсон,  
Сийратимиз яшар қора ҳижобларда.  
Берилгандир  
балки бизга сўнгги имкон,  
Ул ой кундуз қўкка чиқмас  
хижолатдан.  
Уваланиб кетар  
қумдек дошларингиз  
қаршингизда айтиб турса  
Ишқ саловат.  
Кетолмайсиз  
кўнгил деворларин бузиб,  
Дилда севги қалъалари  
ростласа қад.

\* \* \*

Ёнмоқ истаб турган хазонга  
Билиб-бilmай ташлаб ўтдим чўғ.  
Ялдо туннинг кўнглини хушлаб  
Мен қадрига етолганим йўқ,  
Изларингни айладим тавоғ,  
Хизматингда елдим, югурдим.  
Товонимга кирди тиконлар,  
Қалбни яра қилиб улгурдим.  
Туйгуларим белар тупроқقا  
Гоҳ ўлиб, гоҳ тирилаяпман,  
Маъсум қўзларингта қарашга,  
Севги, сендан уялаяпман.  
Хатоларга тайрилиб кетдим,  
Дардни севдим ўша кезимдан.  
Севги, сенинг бағрингта сифмай  
Кетиб қолаяпман ўзимдан.

\* \* \*

Кипригим шохида  
Ўлимнинг ваҳми,  
Бир сифим умрнинг  
Тўймай тотига,  
Беркингим келяпти  
У кўҳна қаср  
Мехрингизнинг оташ  
Салтанатига.  
Руҳим аллалайди  
Ёниқ сўз ёди,  
Оловларингизда  
Эрир андуҳим.  
Севдигим қалбингиз  
Шафоатидан  
Багримда саргашта  
Майсалар унур.  
Сийратингиз гўзал  
Канизалари  
Фаму ҳасратимни  
Қўярлар артиб.  
Сирғалиб тушади  
Киприқдан ваҳм,  
Иzlари юзимда  
Қолади қотиб.  
Дунё барин тутиб,  
Топганим азоб  
Айрилиқ кўзига  
Боқдим ботиниб.  
Сиздан кетгим келмас,  
Парвардигорга  
Топширгим келмайди  
Омонатини.

\* \* \*

Күнгил — томиб тугаган күз ёш,  
Вафо — ёши қайтган ўйинчи.  
Умидлари занглаған телефон  
Бугун мендан сұрар суюнчи.  
Андухларни чекдим, тутади,  
Шикаст етди руҳи жонимга.  
Хушхабардан қувонмади дил,  
Дарз кеттанды қалб қумғонига.  
Күпиради бағримда дарё,  
Ўз ҳолимга қўйгил, тош одам.  
Фариштани ахтариб, сабо,  
Ишқ, даштига эккаймиз қадам.



## ***КАЛТА ҚҮЛ***

Күзимга кундуздан  
санчилиб қолган  
Оғриқ, ухлаттани  
сира қўймайди.  
Кўксимда депсиниб  
Ўсар исёнлар,  
Руҳимда шоҳ отган  
дараҳт мудрайди.  
Куз-жаллод гулларга  
теккизар тифин,  
Ёрдамга чақирар  
гуллар кимнидир.  
Жаллоднинг бўғзига  
етмаган калта —  
Эй титроқ қўлларим,  
қайга беркиндинг?  
Ана!  
Бошпанасиз шамолдай тентиб,  
Аёзда шумшаяр  
ватансиз кимса.  
Ватан бўлар эди  
унга кенг бағрим,  
Шу қисқа қўлларим  
оғочдай ўssa.  
Бўз ерлар туш кўрар  
сувни, ёмғирни  
Тиланчи қўлларин  
чўзиб фалакка.  
Қўлим етса эди  
кўкка, булатни

Йиртиб сув берардим  
ташна юракка.  
Кўлларим осмонга  
етсайди агар,  
Гулларнинг ўрнига  
юлдуз терардим.  
Юлдузга етмоқни  
ким баҳт деб билса,  
Баҳтдан қучоқ-қучоқ  
олиб берардим.  
Ҳе, калта қўл билан  
кун кўрмоқ мушкул,  
Мен унга суяниб  
яшайман кун-тун.  
Ўсаётган дараҳт —  
менинг қўлларим,  
Кесмасалар, қўкка  
етади бир кун.



\* \* \*

Осмондай йиглагим келяпти, Она,  
Аламлар күчмоқда қароғларимдан.  
Бағрим булат босди, булатки, қора.

Лолалар пойига урай бошимни,  
Мажнунтол бўйнига йиглай осилиб,  
Ташна диллар ичин юрак ёшимни.

Йиглай, юлдузларга юзимни босиб,  
Айтиб, қайтиб йиглай оғриқларимни?  
Бир тўлқин келмоқда ичимдан тошиб,

Кўзларимда қалқан кимнингдир дарди —  
Еллар қулоқ тутсин шивирларига,  
Сехрли бу куйни бағрига тортиб.

Дийдор — умри қисқа, умрим — узундир,  
Фурурлар ер бўлди, осмондай йиглай.  
Сўнг енгил рух билан учмоқ мумкинdir.


\* \* \*

Қор ёғилар қабогингиздан,  
Илинж йўлакларин босади.  
Кипригим-ла курайман қорни,  
Эзилиб шу ғамлар остида.  
Юрагимга ёғаверар қор,  
Кунлар совий бошлайди бирдан.  
Эланади ғариб илтижо,  
Ўйин кетар чала тақдирдан.  
Багрингизда турланар дунё,  
Сиз инонган туйфу тозами?  
Ўттай кунларингиз руҳафзо,  
Менга қолган кунлар рўзали.  
Қасосга қўл беради соғинч,  
Сукутдаман, оловлар фасли.  
Эй юзимга сапчиётган қор,  
Билармисан кимлигим асли?

\* \* \*

Она, мени шамолга ҳам  
раво күрмай боқдингиз,  
Парча этни камолотга  
олиб етдингиз омон.  
Мен нотавон қизингиздан  
нелар умид этдингиз,  
Ёруғ кунни күрсатар деб  
кутдингизми, онажон?  
Ёруғ кунлар хаёлимда  
үтиб турса ҳам физ-физ,  
Жуда-жуда хаялладим.  
мен босган йўл тун эди.  
Фам дарёси чуқур экан,  
сузиб кета билмадим,  
Ишонганим — йўл бошловчи  
сўқир эди, кўр эди.  
Ортда ёруғ кунлар боқди  
менга бўлиб интизор,  
Юким зилдай оғир эди,  
қарай олмадим ортга.  
Уфқимдаги тутам нурни  
тўсди оппоқ туманлар,  
Мен ёғдуга ташна эдим,  
қуёшим эрта ботди.  
Ёруғ кунлар илинжида  
яшаб қўйдим-ку узок,  
Бу умримни ҳад-худудсиз  
хатоларга ботирдим.  
Бўйнимдаги қарзим эди  
ёругликни кўрсатмоқ,

На бу кунни ўзим кўрдим,  
на биронга орттиридим.  
Отам эрта ўксиб кетди,  
ёруғ бўлсин гўрлари.  
Юрагимни шу кунларда,  
она, вахм босди-да.  
Бахт — номаҳрам,  
ғам — йўлдошим  
эшигимни қоқади,  
Яшайпман ёруғ ғам-ла  
кун кўрмоқлик қасдида.



\* \* \*

Күзим — қайнаётган  
минг күзли булоқ,  
Тераклар бўй чўзар  
қирғоқларида.  
Сувлар тошиб кетар  
Ўзига сиғмай,  
Хазон-оҳлар учар  
ирмоқларида.  
Бу булоқ  
ожиз ва ночор бир исён.  
Ирмоқлар билади  
ҳофизлигини.  
Бу кунларга ошкор  
ёш тўқмай қўйдим,  
Сездирмаслик учун  
ожизлигимни.  
Ҳали таҳқирланган  
дунё бор экан,  
Минг күзли бу булоқ  
қайнайди тинмай.  
Энди ёшлар оқар  
ичимга қараб,  
Қаёққа оқишини билмай.

\* \* \*

Бармоқ билан шеърлар ёзаман,  
Заминнинг дардини кўчириб.  
Кўзимдаги дилгир сувратни  
Кунлар ташломмайди учириб.  
Қуёш ёғду сочар бошимда,  
Фир-фир эсар теграмда шамол.  
Девлар тўсиб турагар қуёшни,  
Шамол тегмас бағримга, не ҳол.  
Етказолмай топганин отам  
Енг учига артади ёшин.  
Йўқсизликнинг қошида эгар,  
Эгилмаган ул мағрур бошин.  
Бармоқ билан шеърлар ёзаман,  
Қонли юрагимга ботириб.  
Ҳақ маҳримга тушган юракнинг  
Қолмагунча сиёҳи қуриб.

## **ШҮРҚҮРФОН**

Мен сенинг бағрингта  
қайтишим қийин,  
Қайтсам ёмғирларинг  
айтиб йиглайди.  
Дайдиган болалик  
сүқмоқ далада,  
Мажрух, юрагимга  
қайтиб йиглайди.  
Сокин сой бўйида  
чопган ҳулволар,  
Борсам мендан қочар,  
аразлар ўқсиб.  
Қандай кўтарайин  
нозик елкамда,  
Кентларга сифмаган  
соғинчлар юкин.  
Яшил теракзорнинг  
ҳавасларига,  
Қарғалар қўнибди,  
қўнибди кузак.  
Менинг дориламон,  
хур орзуларим,  
Сенсиз олисларда  
бормоқда тўзиб.  
Мени танийдиган  
чинор қолдими?  
Шўхликларим дўнган  
бокираларим.

Кесилиб кетдими,  
қуриб битдими?  
Отамдан қолган ул  
хотираларим.  
Сенга ҳам дунёга  
сифмай яшадим,  
Ушалмас истакнинг  
ўлкаларида.  
Олисда бўлса ҳам  
ортмоқлаб юрдим  
Дарду ҳасратларинг  
елкаларимда.  
Бир куни қайтаман  
ёмғирлар бўлиб,  
Ўт иси анқиган  
ўтлоқларимга.  
Сўнгти қўнғирофин  
чалар майсалар  
Кўшилиб кетаман  
титроқларига.

\* \* \*

Қаҳри қаттиқ ернинг  
қаватларига  
Қон ёшларим сингиб,  
гулга айланган.  
Етти йил сахрода  
ёнган дараҳтман,  
Ёлғизлик — дардошим  
менга уйланган.  
Қора кунларимни  
ёритиб турар,  
Бир нажиб туйғунинг  
бир гүзал ёди.  
Қушларим талпинар  
осмонингизга,  
Сукунатни бузар  
кўкнинг имдоди.  
Чорлайсиз,  
у сирли остоңангизда  
Тиконлар ўстандир,  
қамишлар тўсиқ.  
Учид борар бўлсам  
оққуш бўлиб мен,  
ҳар қадам овчилар  
пойлайди пусиб.  
Хотирда яшамоқ  
қанчалар оғир,  
Умиidlар сўлмасдан,  
ғам тирик туриб  
Не топдим гул исли  
соғинчингиздан,  
Сизни юрагимда  
кўтариб юриб?

\* \* \*

Маним бир душманим бор,  
Қилмас юзи хотир ҳам.  
Хавотирда яшайман,  
Тилимдаги ботирдан.  
Кескир унинг тифлари,  
Менга ташвиш орттиар.  
Шаҳдам қадамларидан  
Тиззаларим қалтиар.  
Кўрккум, бу кескир қилич,  
Қиндан чиқиб кетмасму?  
Ҳақ деб терган тошлари  
Ўз бошига етмасму?



\* \* \*

Куйлаб бўлгач қўшиғимизни,  
Аслимизга қайтамиз яна.  
Қувонч гуллаб бўлиб тўкилар,  
Кузак қиласар у кун тантана.  
Софинчлардан тўралган жисмим  
Айланади минг соғинч ёшга.  
Сиз қайтасиз,  
Яралганингиз —  
Ҳеч ким иши тушмаган тошга.



## **ЮРАК**

Минг ишвада келди,  
Қора құзға сурма тортиб  
Хушрүй кеча.  
Шамол мастанавор тентир,  
Жамбулларни  
Эҳтирос-ла құча-құча.  
Байрамга чиққандай  
Намозшом гуллари,  
Кулгусин йифмайди,  
Эшитилар, яқинда  
Хўрсиниб-хўрсиниб  
Бир қушча йиглайди.  
Сиёҳранг шодликка  
Заминнинг кўзлари  
қолади ўрганиб.  
Ваҳм келар, келмас раҳм,  
Чиройли йиглаган,  
Тузоққа илинган  
қушчани кўргани.

## **ДИЛОБАРНИНГ ШЕЪРИ**

Қаҳратоннинг қаҳрида қолдим,  
Рангин кунлар кетди сиз билан.  
Япроқларни қилиб чирманда,  
Еллар маҳзун айтади ўлан:  
— Дийдорларга тўймаган, Нозим,  
Чимилдиққа кирмаган, Нозим.  
Армонларга суюнди очун  
Айрилиққа қўёлмай малҳам.  
Мен — бу дунё, сиз у дунёда,  
Ўртамиздаги йўл бир қадам.  
Бу қадамни на мен қўёлдим,  
На Сиз ортта қадам босасиз.  
Беҳишт ҳиди келган боғларга  
Учгим келар соchlарим ёйиб.  
Шу бир тутам рўёларни деб,  
Юрагимни чекиб тутатдим.  
Тақдир берди нажиб бир қўшик,  
Кўшиғимни айтмай тугатдим.  
Сизни олиб кетдилар хурлар,  
Кайвонларнинг кўк туясида.  
Бўзлаб қолдим оташлар билан  
Софинчларнинг кунгирасида.

\* \* \*

*Хато қилдим, севгилим.  
Рауф Парни*

Сирдонимнинг сирлари кўчди,  
Қамишлар най қилас ғамбодани.  
Япроқларнинг шивири қучди,  
Чакираман инсофга шаббодани.  
Тортиб ололмайман меҳрга,  
Йўқликка қадалган нигоҳларимни.  
Кўммоқни истайман қабрга  
Ортимда эргашган гуноҳларимни.  
Ҳайқиргим келади борлиққа,  
Саховатни уйғот, садоларим.  
Йўллар кўпдир,  
Қай йўлдан юрмай,  
Чиқиб келаверар хатоларим.



## **ХАЛИ**

Хали ичилмаган  
зилол булоқ бор,  
Хали кўрилмаган  
тушлар ухлайди.  
Хали кечилмаган  
йўллар ётар зор,  
Тоғларда баҳайбат  
девлар йўқладайди.  
Дайди умр узра  
сарғайган даштлар,  
Чилласи чиқмаган  
шоддиклар саҷрар.  
Чириган дарахтнинг  
ковакларида  
Ҳақиқат яшайди,  
юрак ҳовучлаб.  
Ҳаёт — фам-ташвишлар  
ортилган кема,  
Баҳт бор изларингни  
тавоғ этгали.  
Яхши одамлар кўп  
қаттол дунёда,  
Улар сенга тўқнаш  
келмаган ҳали.

## **МЕНГА НИМА**

Менга нима бу ёруғ дунё?  
Мен еттинчи фалақдан түшдим.  
Ловуллайди ўтимдан гуллар,  
Кўрилмаган бир ширин тушдай.  
Менга нима бу ёруғ дунё,  
Тоғлари паст, одамлари паст.  
Багри бутун оғоч тобутлар  
Кўтараркан ўлимларни даст.  
Мен еттинчи фалақдан түшдим,  
Боқийдирман, менга йўқ, ўлим.  
Баҳорлардан жудо бўлгунча,  
Ўла қолсайдим, севгилим.  
Кўзим кўрар, юрагим куяр,  
Тошларнинг остида-ку қўлим.  
Дардчил қалб, чўлтоқ қўл бергунча,  
Ўлим йўлла, эй ҳаёт, ўлим.



## **МЕНГА АТАЛГАН КУН**

Тоғ ортида оғриқ түлғонар,  
Харсангларнинг туши булғонар,  
Чинқирганча майса уйғонар  
Менга аталған кун.

Олиб кетар шамол учқурим,  
Йиғлар нозбуй күзи сүқирим,  
Фамни күрар елкам чуқури,  
Менга аталған кун.

Қайғу писиб мендан қочади,  
Бодом гулин бошдан сочади,  
Бахт ҳовлиқиб эшик очади  
Менга аталған кун.

Гар күрмасам күрарсиз, кутинг,  
Мени йўқлаб у кун ёд этинг,  
Мозоримда шод қуръон ўқинг  
Менга атаб у кун,  
Менга аталған кун.

\* \* \*

*Отам Жўрамирза Холдор ўғли  
хотирасига*

Кун чиқди-ю, ногоҳ қотди донг  
Осмон қадар ўсган фам тоғи.  
Энди қандай қилиб юпатар  
Богбонидан айрилган бояни.  
Саф-саф тортиб турар тераклар,  
Дардларини ютиб ичига.  
Ҳар ён ўзин новдалар урар,  
Япроқ — унлар учар кўчага.  
Видо айтиб келди қуёш ҳам,  
Қора булутларни ёпиниб.  
Нурлар бўйлаб оққан кўз ёшин  
Ололмади шомгача тийиб.  
Хувиллади эгасиз чорбоғ,  
Хижрон тилди бу куннинг кўксин.  
Ярадор кун йиқилди тоқقا  
Ва қизариб қолди уфқ кўзи.



\* \* \*

Тўкилиб кетади юрагим  
Сачраган исмсиз туйгудан.  
Багримда мудраган ҳур қушлар  
«Уйғониб кетади уйқудан».  
Үғирлаб кимнингдир оромин  
Завқ олдим тинчини бузмоқдан.  
Тунларим оқариб кетади  
Хаёлнинг расмини чизмоқдан.



\* \* \*

Нима изляпсиз күнглимдан,  
Майли, излайверинг бемалол.  
Йүқтоттан нарсангиз мендами?  
Гар топсангиз сизники, ҳалол.  
Нима изляпсиз күйканиб?  
Фақат тегиб кетманг дардимга.  
Улар юқумли ҳам хавфлидир,  
Сүңг дардингиз айтасиз кимга?  
Бунда дуч келасиз түрт фасл,  
Гоҳо пари, гоҳо жиннига.  
Хайратларга урилиб кетманг,  
Хуш келибсиз, бу Жунглига.  
Қишлияпти соғинчлар, ғамлар  
Орзуларнинг етти қатида.  
Фақат сиздек кечиккан бахтга  
Жой қолмади мамлакатимда.

\* \* \*

Сиз юксакни күзлаган сайин,  
Чўкиб кетдим ерга тобора.  
Сиз кўнглимга қарамай ўтинг,  
Кўнгил – йиғлоқи бир фаввора.  
Сизни ҳеч ким қололмас ушлаб,  
Сиз – ўзга бир булоққа ташна.  
Менга қора кунларни ташлаб,  
Кетдингиз,  
мен – кулфатта ошна.  
Бошқа йўл йўқ орзулар томон,  
Кўприқдирман,  
мендан ўтасиз.  
Пойингизга тўшалган хазон –  
Юрагимни босиб кетасиз.

\* \* \*

Сиз кетдингиз шамолдай түзиб,  
Күзларимдан намларим кетди.  
Қолдим шодлик ёшида сузиб,  
Юрагимдан ғамларим кетди.  
Товонимни ўпади майса,  
Тирик қолганимга қувониб.  
Ҳижронингиз энди бир пайса,  
Озорлардан кетдим увалиб.  
Ташрифимга муштоқ, мўлтирас  
Азоблардан мосуво кунлар.  
Эриб кетар энди изтироб,  
Олисларда бўронлар увлар.  
Мен яшашдан бездим, толмадим,  
Ташналабман, ҳаёт — бўзага.  
Айбим шуки, кўниколмадим  
Сиз сув берган заҳар косага.

\* \* \*

Хијрон даштларида  
кетдим адашиб,  
Тополмай тентийман  
висолингта йўл.  
Ишқлечон жонимга  
ботар чирмасиб,  
Менинг чанқофимдан  
қақраб кетар чўл.  
Ёшимдан сув ичди  
сабр ниҳоли,  
Висолинг хумори  
юракка таскин.  
Бормуқан сахронинг  
сарҳад-поёни,  
Саксовул шохига  
дардларим осгум.  
Тошга меҳрим бердим,  
кечмоқлик душвор.  
Вазмин ғамлар билан  
чўқдим фироқقا.  
Балки кутадирсан  
мени, шоҳсувор,  
Айрилиқ иддати  
битган қирғоқда.

\* \* \*

Мен ўйиндан чиқдим,  
Севмайман бас, бас!  
Бесабр соғинчнинг  
Ўтдим баҳридан.  
Тунлар юз ўтириди,  
Ўчди юлдузлар.  
Жоҳил азобларнинг  
Қўрқиб қаҳридан,  
Кетаман,  
мухташам кўнгил қасридан.  
Қадрим йўқ,  
Ҳижронда қилдим хулоса.  
Эланиб-ёлбориб  
орага тушди,  
Кўпни кўрган вазмин,  
қари муроса.



## **ХИТОЙ ДЕВОРИ**

Сизни кўқдан излаб,  
Ердан топгандим,  
Кисматнинг шамоли  
кетди учириб.  
Шамолларга қарши  
нолон чопгандим,  
Ўртага деворин  
қўйди тушириб.  
Фаранг қоғозларга  
Ўралди туйфу,  
Хаёлларга кўчди  
тундан ҳаловат.  
Энди муруватлар  
сочмагай ёғду,  
Софинсак, софинчга  
қилдик ибодат.  
Кетяпман, қўлларим  
саробга чўзиб,  
Хижрон чўлларида  
бўзлаб бўтадай.  
Сиз қачон келасиз  
бир сулҳ тузиб,  
Хитой деворини  
суриб ўртадан.

\* \* \*

Боққа парда илар баҳмал тун,  
Тут пашиасин ўлтирап қўриб.  
Ой дарахтга ёнбошлар секин,  
Келинчак— оқ либосли ўрик.  
Япроқларга хушомад қилиб,  
Елпиб қўяр ойни шаббода.  
Қайиқ — гулкосада чумоли,  
Қўнғиз сувга тушар шалоплаб.  
Гул-чечакни бошидан сочиб,  
Чигирткалар завқдан чириллар.  
Кўзларини каттакон очиб,  
Навбат тегмай бақа жириллар.  
Ниначи — у шўх раққосани  
Тили чиққан фунча эрмаклар.  
Борлиқдан маст, сархуш ой тонгда  
Ётоғига кетар эмаклаб.



\* \* \*

Бесабр соғинчдан  
сачради бир сўз:  
«Малагим» —  
ҳуш садо  
жаранглаб учди.  
Садо йўлин тўсиб,  
ташна малаклар  
Унинг қўлларидан сув ичди.  
Токи менга етиб  
келгунча бу сас,  
Бошин айлантириб  
кетар шаббода.  
Хушин олиб кетар  
маккор парилар,  
Жийданинг гуллари  
тутади бода.  
Чўлларда адашиб  
йўлин топгунча,  
Абгор майсаларим  
кўзи кўкарди.  
Ортидан чопади умид чечаги,  
Ховучлаб бошидан  
ифор тўккали.  
Менга кун бермаган  
ул соҳир кунлар  
соғинч бадалларин  
тўлолгани йўқ.  
Ўртамиз бир қадам,  
ул кайвоний сўз  
Ҳануз мени топиб  
келолгани йўқ.  
«Малагим»...


\* \* \*

Хаёлингга ўралгим келди,  
Исинмоқчи бўлдим тафtingда.  
Тун сиёҳи ерга тўкилди,  
Лўли — ой фол очар каftingда.  
Сен ҳаволаб кетдинг, эй ҳилол,  
Афсун айтди еллар ер бўлиб.  
Чархлар урар қушларим нолон,  
Яшаб бўлмас осмонга қўниб.  
Жовдирайман тилларим куюк,  
Интиқ бўлиб гўзал лаҳзадан.  
Сочларимга қиласман пилик  
Кўзларингдан чиқсан паҳтадан.



\* \* \*

Меҳрнинг этагин тутиб  
ҳор бўлдим,  
Қирқ жонимни бердим  
гиёҳга, тошга.  
Бу дунёда ишим  
қолмади чоғи,  
Кўнгил синиқларин  
терищдан бошқа.



\* \* \*

Ёлғон мени бўздай тўқийди,  
Хижронларда пишитади чарх.  
Осилганча хору хасларга,  
Андуҳларга бўляяпман фарқ.  
Ҳаёт менга илингани — фам,  
Ишқ — бу тишим ўтмаган сурा.  
Пешонамда не марди худо,  
Таваккал деб ташладим қуръа.  
Қалбни тишлар оч қолган соғинч,  
Дардларим кўнгилга сифмайди.  
Азобингга кўниқдим, нечун,  
Юрагимда оққуш йиглайди?

\* \* \*

ҮЙГОНМОҚ мушкулми  
қиши уйқусидан,  
Бунча уйқуларинг  
чўзилди, баҳор?  
Майсалар чопади  
Ўз қайғуси-ла,  
Осмон гумбурлайди,  
чақмоқлар чақар.  
Ёмғир чертаверар  
чилдирмасини,  
Шамол хуштак чалар,  
увиллар шамол.  
Наҳот, эшитмайсан,  
қумри сасини,  
Бир қўшиқ учмоқда  
чашмадай зилол.  
Кўлмакларда сузар  
бўрон юлқиган,  
Елканли оқ қайиқ —  
бодом гуллари.  
Ўрик нигоҳида  
ташвиш салқиган,  
Гуллари ёмғирда  
чирийди унинг,  
Қора қозонларда  
қайнар сумалак,  
Дала-туз пойлайди  
кўклам йўлини.  
Шамол,  
кўрпасини тортиб уйғотгин,  
Бир рўзгор бошига  
тушган келинни.


## *TOҒДА*

Бу ерда автонинг  
шовқинлари йўқ,  
Кўринмас елвизак —  
ҳилватгоҳларда.  
Мағрур дарахтларни  
қитиқлайди шўх,  
Сукунат кўрпасин  
ёзган тоғларга.  
Бу тоғлар — эринчоқ,  
танбал туялар,  
Жаҳонгашта булут—  
сув тутар сарбон.  
Бошида парвона  
fasl — бевалар,  
Шунданми минг йиллар  
дам олар карвон.



\* \* \*

Йифлаётган хазон дардини  
Шитирлатиб ёзар шоир — куз.  
Сочар нозбўй сўнгти атрини  
Уфқлардек қизаради кўз.  
Саробга қўл чўзар умидвор,  
Ювош тортган мағрур дараҳтлар.  
Саболардан ордона қолган,  
Йиртилади шохларда хатлар.  
Томда ногора чалар ёмғир,  
Куз шеър ёзар,  
Шитирлар боғлар.  
Кузнинг шеъри гуноҳдай оғир,  
Боғ жонига ботади тиглар.



\* \* \*

Деворда осиғлиқ,  
гуллар суврати,  
Деразам очаман,  
ҳаво димиққан.  
Югурап хонамга  
кузак шамоли,  
Гуллар чайқалади,  
гуллар зериккан.  
Ифордан хонамнинг  
айланар боши,  
Шамол тортиб узар  
гуллар япргин.  
Майсалар остидан  
мүралаб фунча  
Ёввойи ҳисларга  
очар қучогин.  
Пайхонланар гулзор,  
сувратда гул йўқ.  
Хона деворларин  
қадди букилган.  
Муаттар гулларни  
олиб кетмиш ел,  
Узилган гуллар-чи,  
полга сочилган.

## **МАНЗАРА**

Тонг пардасин ёяр  
сарин ҳавога,  
Тўкила бошлайди  
худудсиз нурлар.  
Чопиб чиқар кўзин  
ишқаб шабада,  
Шудрингда эринчоқ  
майса чўмилар.  
Ўзига зеб берар  
қоқигул-пари,  
Дўриллаб роз айтар  
тиллақўнфизлар,  
Сувга тушиб кетиб  
ютоққан ари,  
Қирғоқда қўл ушлаб  
чопар қирққизлар.  
Чумоли қўлида  
дон — тугунчаси  
АЗонлаб қайга у  
меҳмонга борар?  
Ҳаммасини кўриб  
турган гунчанинг  
Ҳайратдан оғзи ланг  
очилиб қолар.

## **КАШФИЁТ**

Холпошша Отин— ўттан аср бошларида Фарона музофотида яшаб, ижод этган шоира. Холпош тахаллуси билан кўплаб фазаллар битган. Унинг фазаллари тўпорилиги, ҳазил-мутоибаларга бойлиги, замонасозлиги билан ўзгалардан ажралиб туради. У машҳур шоир Уста Гулмат\* билан бир замонда яшаган. Шоирниң фазаларига кўплаб муҳаммаслар ёзган.(нимада учундир Уста Гулмат бу ҳақда чурқ этмаган). Замона зайли билан кўнглига яқин бир маҳрам тополмай, оламдан ҳур ўтган. Яқинда Фарона водийсига сафарга борганимда тасодифан бир носфуруш чолдан шоира ҳақида эшитиб қолдим. Қачонлардир, кимдир унга нос ўрарсан деб шу қўлёзмаларни берган экан. Носфуруш ўқиб қараса, бинойидек фазаллар. У асқотиб қолар деб томининг чордогига бу топилмани яшириб қўйган экан ва қаттиқ илтимосимдан сўнг уни менга берди. Мен ана шу фазаллардан айримларини Сизларни эътиборингизга ҳавола этаман. Фазалларни ўқиб, шоира ижодига ўз холис баҳоингизни берарсиз деган умиддаман.

---

\* Уста Гулмат — Анвар Обиджон кашф этган шоир.

## Фазал-1

### Кўнглим гул тусаб боқقا киргоним

Кириб қолдим гул узай деб  
Ҳалим мўйловни боғига,  
Йигит қурғур бало экан  
Гул қистирди қулогимга.  
Сеҳрли сўзлар айтдиму,  
Мени анқов қилиб қўйди  
Сал бўлмаса қулай дебман  
Унинг супра оёғига.  
Эсим ҳам кирдию чиқди,  
Ичимда бир макр борму  
Наҳот, бир зумда айлансан  
Мен аммамнинг бузогига.  
Оғиздан сувларим қочиб  
Йигит ўлгурни мақтовордим  
Қарангки, рўбарў бўлдим  
Шум акамнинг таёғига.  
Ичимда бир олов ёнди  
Ўчар деб сув ичиб ётсам  
Атайлабдан отиб кетди  
Носқовоғин ётоғимга.  
Энамга бақрайиб дедим:  
«Мени эрга беринг тезроқ!»  
Энам қувлаб сола кетди  
Қарамай ўнгу соғимга.  
Бошимни боғладим маҳкам,  
Қариқиз бўлмай ўлай деб.  
Атайлабдан илингандим  
У баттолнинг тузофига.  
Акамни у келиб урди,  
Энамни чангитиб сўқди.  
Ажаб қип обқочиб кетди  
Мен — Холпошни қазноғига.

## **Фазал-4**

Бўлса ҳам балчиқ изингиз,  
Кўзима суртгум келур,  
Саллангизни кенг ёйиб  
Жойнамоз этгум келур.  
Багрингизда биз учун ҳам  
Кўнгали жой борму деб  
Кўнглингизни тус товуқдек  
Бирма-бир титгум келур.  
Мени маҳв этган ўшал  
Мўйловиннгизни мадхини  
Оломон ичра ёйиб  
Достон қилиб битгим келур.  
Сизни кўрсам қўксим узра  
Бир дупурлаб от чопар,  
Дулдул отга ўлтуруб,  
Шоир бўлиб кетгум келур.  
Жабрингиздан таталар  
Ичимни бир оч қолган ит,  
Дардингиз лафмонини  
Ноилож ютгум келур.  
Тўхтатиб нетгум бу ўтни,  
Холпош, ёндири пушалаб,  
Бу фўланинг чўғига  
Сандал солиб ётгум келур.

## **Фазал-5**

Чорсуда танбал холвачи  
Бир лутфу карам этди,  
Пашмагу холвосидан  
Олдимга ғарам этди.  
Нафсим ҳам отди ҳаккалак,  
Ширин томоғ бўлмай ўлай,  
Оғзимни ёғлабон гўё,  
Ўзига қарам этди.  
Бақраяди бақадай,  
Сўлаги оқиб ҳар дам,  
Тушимда бир муча сўраб,  
Уйқумни ҳаром этди.  
Узум ер амма, холам,  
Ҳеч кимса сўрмас бофини,  
Уйимга таший-таший  
Молини талон этдим.  
— Ҳой дўндиқча, бери кел,  
Тўла холво ҳаққини,  
Белимдан қучиб сурбет  
Обрўйим тамом этди.  
— Кутқаринг деб миршабга,  
Холпош, қўзимни қисдим.  
Миршаб нокас холвочига  
Юз танга товон этди.

## **КАДР ОРТИДАГИ ОДАМЛАР**

**(«Моҳият» газетасининг 2008 йил, 44-сонида режиссёр Мақсуд Юнусов билан сұхбат.)**

*Шундай касблар борки унинг заҳматли меҳнатидан инсонлар маънавий озуқа олади. Қанча истеъододларни элга танитади, ўзи эса доим кадр ортида бўлади. Бу режиссёрик касбидир. Ўзининг 53 йиллик фаболияти давомида халқимизга тарихий ва замонавий мавзуларда манзур тарихий телеспектаклар, видеофильмлар яратган бу фидоий инсон Мақсуд Юнусовдир. Унинг кўпгина асарлари Ўзбекистон телевидениясининг олтин фондидан жой олган. Режиссёрнинг самарали меҳнатлари ҳисобга олиниб, давлатимиз томонидан унга «Эл-юрт хизмати» ордени Давлат мукофоти, Бобур номидаги Халқаро жамғарма мукофотлари билан тақдирланган. Бугун Мақсуд Юнусов таҳририятимиз меҳмони.*

**— Мақсуд ака, сиз яратган ўнлаб асарлар Ўзбекистон телевидениясининг олтин фондидаги сақланади. Аслида, сизнинг актёр эканлигингизни роллар ижро этганингизни кўпчилик билмаса керак?**

— Ҳақиқатан ҳам, мен Тошкент театр ва рассомчилик институтининг актёрик бўймини тутатганман. Биринчи марта диплом ишида Чеховнинг «Илтимос» спектаклида куёв ролини йўнаганман.

Ўқишин тутатгач Янгийўл театрига йўлланма беришди. Ўша пайтда бу театр номдор театрлардан бири эди. Спектаклар кўришга ҳатто Тошкентдан томошабинлар бориб кўришарди. У ерда бош режиссёр Шухрат Аббосов «Майсарапининг иши» спектаклига Аълам домла ролига таклиф этди. Шу ролни ижро этдим ва кейинчалик армияга кетдим.

**– Телевидениеда дастлабки қадамларингиз қан-дай бўлди? Ўша даврлар ёзув ленталари бўлмаган, эфирга тўғридан-тўғри чиқилган.**

– Нимасини айтасиз, ўша пайтлар чўчимай тўғридан-тўғри жонли эфирга чиқиб кетганимизни эсласам, ҳаяжон босади. Телевидениядаги дастлабки спектаклим Ў. Нўймон ва А. Шораҳмедовларнинг «Ота» асари бўлди. Телевидениеда сериаллар қўйишнинг иложи бўлмаган 60-йилларда 6 қисмдан иборат бу асарни қўйишга муваффақ бўлдим. Бу жуда масъулиятли эди, бирор-бир сабаб билан бирор актёр келмай қолса, ўша саҳна бўш қоларди. Баъзан оммавий саҳналарда ўйнаётган актёrlар кетиб қолишарди. Бу ҳам етмагандек камералар ишдан чиқиб битта камера билан ишлаган пайтларимиз ҳам бўлган.

Ундан кейин Вали Faфуровнинг «Вафодор»асарини саҳналаштиридим. Бу асар анча шов-шувларга сабаб бўлди. Томошабинлардан қоплаб хат олдик. Демак, озми-кўпми элга манзур бўлди.

**– Мақсад ака, эшишишимизча, бир спектаклни жарда қўйган экансиз?**

– Ҳа, тўғри, Бубековнинг «Оқ қайин» асарини телевидение рўпарасидағи(ҳозир Навоий кўчаси савдо растаси) чуқур жарликка деклорация қуриб, иккита кўчма станция ва саккизта камерада эфирга тўғридан-тўғри узатиб турдик. Чунки бу асарда оммавий саҳналар кўп эди. Баъзи саҳналар уруш билан боғлангани, у ерда танк югур-югурлар бўлгани сабабли саҳнага сифмасди. Эсимда жарлик тепаси томошабинга тўлиб кетган эди. Бу видеофильм яратиш йўлидаги илк қадамлар эди. Албатта, ижодий ишларда доимо муваффақиятта эришиб бўлмайди. Қўйган спектаклларим ичida ўзимга ёқмаган, кўнглим тўлмаганлари ҳам бўлди. Бу Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» асари эди. Чунки унда табиий ҳолатни беролмадик. Ҳар

қанча уринмайлик ҳайқириб ётган денгизнинг суратини кўрсатишдан нарига ўтолмадик.

– Сизни дастлаб қўйган «Гирдоб», «Диёнат» каби видеофильмларингиз анча шов-шувга сабаб бўлган экан.

– Одил Ёқубовнинг «Диёнат» спектаклида асосий ролларни таниқли актёrlаримиз Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева, Пўлат Сайдқосимов, Тўти Юсупова, Гулчехра Саъдуллаевалар маҳорат билан ижро этишди. Бу беш қисмдан иборат видеофильмни томошабин илиқ кутиб олди. Шундан сўнг Ўктам Усмоновнинг кўп қисмли «Гирдоб» асарини саҳналаштирудим. Бу асар катта ютуқлар, омадлар олиб келди. Мен бу видеофильмим учун Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Кейин Турғун Пўлатнинг «Ичкуёв» асарини қўйдим. Тўрт қисмдан иборат бу асар ҳам ёмон баҳо олмади.

– Сиз телевидениеда илк бор тарихий асарларга қўл урдингиз. Айниқса Ойбекнинг «Навоий», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» каби кўп қисмли асарлар сценарийсини, айтишларича, ўзингиз ёзгансиз. Сиз режиссёр бўлсангиз, тарихий асарларда давр руҳи, унинг тили деган гаплар бор...

– Нимага шаъма қилаётганингизни тушундим. Тарихий асар яратиш учун мозийни яхши биладиган одамлар керак. Тўғри, мен сценарийни ёзганимдан сўнг адабиётшунос олимларимиз Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Алибек Рустамовларга кўрсатардим. Зарур бўлса, сериални бошлишдан аввал уларга саҳнани кўрсатиб, воқеани гапириб бериб, улар маслаҳатини олардим. Ойбекнинг «Навоий» романи, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» асарлари ҳам замонавий тилда ёзилган. Олимлар айтишдики, мен яратадиган фильмларда қаҳрамонлар ўша давр тилида гапиришмаса, одамлар ишонишмайди. Бу олимларимизга ана шундай беғараз ёрдамлари учун мингдан- минг раҳмат айтаман.

**— Тарихий фильмларда кийим-кечак, асбоб-ускуналардан ташқари, ўша давр руҳига мос тушадиган жой, от-уловлар масаласи қандай ҳал этиларди?**

— Фильм учун жой биринчи навбатда бўлиши керак. Бир фильмни суратга олишдан аввал объект қиди-пардим. Биз, асосан, бу тарихий саҳналарни Кўқондаги тарихий биноларда, Тошкентдаги масжид, мадрасаларда, Зангиота зиёраттоҳида олганмиз. «Юлдузли тунлар»нинг кўп қисми Самарқандда суратга туширилган. У пайтлар тарихий бинолар ҳозиргидек таъмирланмаган, тикланмаган эди. Жанг эпизодлари Жиззахдаги Пишағор атрофида олинган. Бобурнинг уч юз отлиқ билан форга кириб кетадиган эпизоди бор, буни шу Пишағорда тасвирга олдик. От-уловга келсак уларни шартнома асосида Жиззах хўжаликларидан олганмиз. «Кеча ва кундуз» видеофильми Кўқон тарихий жойларида тасвирга туширилган. Тарихий асарларни саҳналаштириш учун, албатта, катта тажрибага эга бўлган актёрлар, катта куч, ҳамжиҳатлик керак бўлади. Бир гал театр ўртасида у бор-масин, бу борсин қабилида гап қочган. Репетицияга ҳеч ким келмади. «Юлдузли тунлар» саҳнасини олиш учун камералар олиниб, вақти белгилаб қўйилган. Суратга олишни бекор қилишни иложи йўқ. Шунда Андижон, Наманганд, Кўқон театрларининг таниқли, истеъододи актёрларини таклиф этдим.

**— Ҳаётда, албатта, ҳамма йўллар равон, ҳамма ишларимиз ҳам силлиқ кетавермас экан. Сизнинг ҳам тарихий фильмларингиз анчагина қаршиликларга учраганини яхши биламиз.**

— Нимасини айтасиз, «Навоий» видеофильмидан сўнг ўша даврдаги раҳбарлардан бири телевидение-нинг катта йифилишида Навоийни ким қўйган, нега унга салла ўраб, чопон кийдиридинглар? Сизлар диний руҳдаги асарларни тарқиб қиляпсизлар, деб тан-

қид қилган эди. Ўшанды баъзи бир олимлар ҳам Навоий ундаи бўлган эмас, у даврни кўрсатиш керак эмас деб асарни йўққа чиқаришга ҳаракат қилишди. «Юлдузли тунлар»ни ҳам икки марта йўқ қилишга уриниш бўлди. Ўшанды ўтмишимизни, урф-одатларимизни билмайдиганлар Бобурни «қонхўр» деди. Шундан сўнг видеофильм тўхтатиб қўйилди. Мени ишдан четлатишди. Пиримқул акага телефон қилсан, афсусланиб: Сизнинг ҳам, менинг ҳам меҳнатларимиз йўққа чиқди, дедилар. Мен хафа бўлманг, бу бир хатолик, ҳаммаси яхши бўлади, деб уларни овутдим. Аммо ўзим бундан қаттиқ изтиробга тушиб, ётиб қолдим. Шундан кейин ҳам ҳужумлар давом этди, баъзи асарларим эфирга кетмай туриб, йўқ қилинди. Ўша пайтдаги айримларнинг сиёсатдан бехабарлиги, тарихни билмаслиги бизга анча қимматга тушган эди. Улар нима учун бу мавзу кўрсатилиши кераклиги ҳақида билишни, ўйлашни ҳам исташмади. Ҳа, ҳаммаси ўтиб кетди, ҳақиқат қарор топди. Менга адолатсизлик қилганлар ўзлари кечирим сўраб келишди. Яна ишга тикландим, ундан кейин ҳам қанча-қанча видеофильмлар яратдим.

**– Мақсад ака, юрагингизда бирор армон борми?**

– Армоним: қани энди Амур Темур ҳақида каттароқ бир асар яратсан.

Сўзимнинг охирида ёшларга шуни айтишни истардим, биз телевидениенинг оғир пайтларида оғир шароитларида ҳам ишлаб, қўплаб томошабинлар олқишига сазовор ишлар қилдик. Ҳозир техника асри, ёшлар учун ҳамма шароитлар муҳайё. Бунинг қадрига етишсин, ўз касбларига садоқатли бўлишсин, ишларимизни давом эттиришсин.

**– Суҳбатингиз учун ташаккур!**

## **ҚҰШИҚ — МИЛЛАТНИНГ ҚАЛБИ**

*Дараҳт япроқларининг рақсига ҳеч эътибор берганмисиз? Улар ҳам саболарнинг құшиғига тебранаб ўйнайды.*

*Дунё — биз тинглаб адогига етолмаган құшиқ. Құнглымиз ажисб оҳанглардан тебранади. Улар бизнинг руҳиятимизни эркалайды. Құшиқ күнгилларни бир-бирiga боғловчи риштадир.*

*Бугунги сұхбатдошимиз — Ўзбекистонда хизмат күрсатған артист Эркин Рўзиматовга бир неча саволлар билан мурожсаат қилдик.*

**— Эркинжон, ҳақиқий санъатдан ёшларимизни чалғитаётган соxта хиргойилар ҳақида ҳозир ва ҳар доим ҳам кўп гапирилади. Бу борада сизнинг фикрингиз?..**

— Компьютерлар, овоз кучайтиргичлар, замонавий техникалар ёрдамида сайқалланиб, ёзиб олинган фонограммалар бир томондан олиб қаралганда, яхшидай туюлади, бироқ улар хонаңданы ўз овоз имкониятлари устида ишлашда дангаса қилиб қўяди. Мусиқий саводи йўлидаги изланишни тўхтатади. Натижада, саёз қўшиқлар bemаза қовуннинг уруғидай кўпаяверади. Халқимизнинг бугунги ҳақли талабларидан бири ҳам дилбар қўшиқлар ижросини эшитишдир. Бунда созлар ҳам жонли чалинади, ўз-ўзидан ёш хонаңдалар миллий оҳангдаги қўшиқларни ўрганишга рағбат сезадилар.

**— Шу маънода бугунги қўшиқчилигимизни савиясини қандай баҳолайсиз?**

**Дарвоқе, Сиз яқинда Туркистон саройида икки кун мобайнида берган концертингиз мухлисларингизда қандай таассурот қолдириди?**

— Ҳа, халқымиз ҳақиқатан жонли қўшиқларни жуда соғинган экан. Шаҳар ҳокимияти томонидан уюштирилган бу концертда қўшиқ шинавандалари йўқотган нарсаларини топгандай, кўтаринки кайфијатда эдиларки, бундан менинг ҳам руҳим кўтарилиб кетди. Айниқса, улар «Сурмага муҳтоҷ эмас»: «Кўзгу уялармиш», «Маҳлиқолар». «Дарё тошқин» каби қўшиқларни зўр мамнуният билан қарши олдилар. Агар ўзимга қолса, катта саҳналарда тез-тез ана шундай жонли концерtlар ўтказиб турардим. Бунга реperтуарим, муҳлисларим ҳам етарли...

**— Эркинжон, бугунги кун қўшиқчилигига муносабатингизни билмоқчи эдик.**

— Мен анъанавий ижрочилик йўлида куйлаганим учун, шу йўналишда қўшиқ айтиётган санъаткорларга ҳурматим баланд. Тенгдошларимдан Маҳмуд Тоҷибоев, Машраб Эрматов, Гулбаҳор Эрқуловалар ижодини қадрлайман.

Янги мусиқа яратишга уқуви етмаганлар тайёр хорижий оҳангларга ўзбекча сўз қўйиб айтмоқдалар. Гўёки фақат мақом қўшиқларидағина ўзлигимиз бор-у, шу қўшиқларгина ўзбекникидай. Ваҳо-ланки, замонавий қўшиқларда ҳам ўз созимиз, ўз овозимизга эгамиз. Бугунги бастакорларимиз шундай оммавий қўшиқлар яратишсаки, у миллий чолгулар билан ҳам, замонавий эстрада йўналишида ҳам бирдек айтиладиган бўлса.

Японияга борганимда шу нарсага гувоҳ бўлдим: одамлар гавжум жойларда — ошхона, меҳмонхона, сайдгоҳларда ўзларининг мумтоз мусиқаларини қўйиб қўйишар экан. Ҳатто мактабларда ҳам танаффус пайти, дарсдан сўнг ҳам ана шундай мусиқа эшиттирилиб, мумтоз япон мусиқасига нисбатан хурмат ва кўникум ҳосил қилиб борилар экан.

**— Баъзан айрим санъаткорлар ўзларини «кўрсат-**

**моқчи» бўлиб мумтоз кўшиқларни катта-катта дав-  
раларда айтишади, сиз бунга қандай қарайсиз?**

— Ҳозир кўпчилик ўз ҳолича ижрочи бўлиб кетган. Ҳатто мақомларни ҳам ўзбошимчалик билан қандайдир қўшимишча авжлар, ёқимсиз нолалар қўшиб ижро этмоқдалар. Баъзилар овозларини кўрсатиш мақсадида «Қурбон ўлам»га ўхшаган қўшиқларни «мода» қилиб олишган. Бу қўшиқни ҳатто аёл хонандаларимиз ҳам маънисига етиб-етмай айтишлари ачинарлидир. Устозимиз раҳматли Орифхон Ҳотамов биз шогирдларига доим: — Болаларим, менинг қўшиғими ни айтар бўлсаларинг, бузмай айтинглар, мен бу қўшиқларни халққа манзур этгунча не машақкатор чекканман, — дердилар.

Шу йўлда мен ҳам ўз иқтидоримни синаб, Чустийнинг «Ким етди-ю, ким етмади», Шокиржон Ҳакимийнинг Амирий фазалига «Қошингга тегизмагил қаламни» муҳаммаси, Бобурнинг «Ғунчадек кўнглим менинг» сингари фазалларига куй басталаб, ижро эта-япман. Мени яна бир нарса севинтирадики, тўйларда отахон-онахонларимиз хонандадан «Мустаҳзод», «Танновар», «Муножот», «Айрилмасин» сингари мумтоз қўшиқларимизни айтиб беришни сўрашади. Бу нарса ҳам ёшларни ўзи билиб-бilmай мумтоз қўшиқларимизни ўрганишга мажбур этади.

**— Бугун қўшиқчилигимизга тўлқиндай оқиб ки-  
раётган саёз, савиясиз қўшиқларни қандай «тўхта-  
тиш» мумкин, деб ўйлайсиз?**

— Бунинг учун, аввало, улар тарғиботини сал жиловлаш лозим. Тарғибот макони— бу радио-телеидение ҳисобланади. Бу масканларда, айниқса, радиода бадиий кенгашдан ўтган қўшиқлар қўйилади. Лекин айрим хусусий каналларда ҳозирги пайтда шундай «тутуруқсиз» қўшиқлар кўплаб берилиши ҳар қандай хонандани «юлдуз»га айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Қўшиқда миллатимизнинг юзи, овози ва сўзи акс этиб туриши лозим. Шунинг учун ҳам, мутахассислар томонидан шеъри, мусиқаси, ижролари тингла-ниб, сўнгра кенг омма эътиборига ҳавола этилиши мақсадга мувофик, деб ўйлайман.

**– Ватанга муҳаббат, деганда нимани тушунасиз?**

– Биз-санъаткорлар хорижий давлатларда сафарларда юрамиз. Тўғрисини айтганда, одамлар бир-бири билан иши йўқлиги, ҳамма ўзи билан ўзи оворалигини кўриб беихтиёр юртимизнинг дилкаш одамлари кўз олдимга келаверади. Хорижда бўлганимда биздагидек «Ассалому алайкум», «Хуш келибсиз», «Яна келиб туринг» каби лутфларни тезда соғинамиз. Фестивал муносабати билан Корея давлатида бўлганимизда, бир корейс хонандаси мусиқасиз опера айтиб, ҳаммани лол қилаётган экан. Мен билан бирга борган санъаткорларимиз «Эркин, чиқ сен ҳам» деб қўйишишмади. У бир «куплет» опера айтади, мен бир куплет катта ашула айтаман. Шундай қилиб айтишув қизиб кетди. Залда ўтирганларнинг қарсақларидан, кайфиятларидан билдимки, улар бизнинг ўзбек санъатига катта ҳурмат билан қарашаркан. Шунинг учун айтишса керак, қўшиқнинг миллати бўлмайди, деб. Мен шу ерда ҳалқимизга, Ватанимизга нисбатан ўзимда фахр ҳиссини туйдим.

**– Ёш хонандаларга тилагингиз?**

– Ёш хонандаларимиз ўрганишдан, изланишдан қочишишмаса, Аллоҳ берган овозларини тарбиялаб, умрбоқий қўшиқлар яратишса дейман.

**«Жамият» газетаси,  
2007 йил, феврал**

## **КУЛДИРИБ ЯШАШ ЗАВҚИ**

*Халқимиз азалдан кулгуни севади. Қарийб эллик ийлдирки телевизион минатюралар театри дастуридаги чиқиши билан күпсөнли кулгусевар томошибиллар олқишига сазовор бўлган, таниқли комик актёр, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримовни юртимизда танимаган одам йўқ. Эргаш ака билан бугунги сұхбатимиз асосан у кишининг ижодий фаолиятига бағишиланади.*

**– Эргаш ака, сизга телеминатюралар театрининг биринчи ижрочиси бўлиш насиб этган. Бу соҳани ривожлантириш осон кечмаганини ҳам ҳис этамиз.**

– 60-йилларнинг бошларида «Истиқлол эгалари» тележурнали бўларди. Унинг сўнгти саҳифаларида кулгули ҳикоялар, қатра ҳандалар, ҳажвиялар бериб бориларди. Уларни сухандоннинг ўзи ўқиб берарди. Тележурнал мұхокамаларидан бирида сухандон бу қисқа асарларни ўқиганда кулгули воқеалар, образ ва ҳарактерлар очилмай қолаётганини айтиб, шуларни актёрлар ижросида саҳналаштириб беришни таклиф қилдим. Шу тахлит журналнинг ҳажв саҳифаси ўзининг тор қобиғингни ёриб чиқиб мустақил, телекўрсатувга айланди. Унинг дастурлари кўпроқ Сайд Аҳмад асарлари асосида тайёрланарди. Менимча, телеминатюралар театрининг ютуғи у репертуарни, мавзуларни ҳаётдан олиши билан халқقا яқин эди. Ўша пайтда турмушимизда учраб турадиган барча нуқсонларни очиқ танқид қилиб бўлмасди. Бу эса энди тетапоя бўлиб келаётган театрга тўсиқлар қўйиб, мураккабликлар туғдирарди. «Эшматов – хотинбоз» деб танқид қилинса, қайсиdir катта бир амалдор Эшма-

тов бўлиб чиқарди. «Тошматов – пияниста» дейилса қайсиdir амалдорга тегиб кетарди. Ҳозир бу гапларни кулиб айтаяпмиз, ҳолбуки ўша кезларда ҳар кўрсатувни эфирга чиқиши азоб эди.

**– Сиз миллий, ҳажвий санъатимиз ананаларидан баҳраманд бўлган ҳолда ўзига хос мактаб яратса олдингиз. Айтинг-чи, минатюра ижодкор олдига қандай талаблар қўяди?**

– Аввало, асардан ҳажман ихчам, тил ўткир сатира ва юморга бой бўлиши талаб этилади. Театр саҳналарида нотўғри хатти-ҳаракатлар, юздаги турли мимикалар сезилимайди. Телевидениеда бу кўриниб қолади. Бундан ташқари, минатюра ижро этувчи актёр ҳозиржавоб, турли ҳолатларга тез кириша оладиган, ҳазил-мутойибага мойил бўлиши керак. Актёр образларга кира олиши, ўз қаҳрамонини ҳар тарафлама ўрганиши лозим.

**– Одатда бу соҳанинг одамлари жуда ҳазилкаш, юморга бой, юрган йўлида ҳаммани кулдириб юрадиган хушчақчақ бўлиши керақдек туюлади кўпчиликнинг назарида. Сиз билан бир неча йиллар бирга ишлаб билдимки, сиз жуда жиiddий одамсиз...**

– Ҳаётнинг ўзи жиiddий нарса. Чинакам санъаткорга бачканалик, майнавозчилик, маҳмадоначилик ярашмайди. Чарпли Чаплин, Аркадий Райкин, Игор Илвинский ёки Наби Раҳимовдек актёларни шунаقا тасаввур этиб бўладими? Йўқ, албатта. Тўғри, улар ҳам турли қиёфаларда чиқишган, турли кулгули ҳолатларни тасвирлашган, аммо меъёри билан. Айниқса, қизиқчи укаларимиз баъзан ана шу меъёрни унугиб қўйишиади.

**– Сиз қайси муаллифлар билан кўпроқ ишлдингиз. Сиз ҳақингизда бир муаллиф «Эргашнинг ўйчан, сатирик, комик образларида кишини беихтиёр кулдириб юборадиган ноёб хислат бор деган эди. Бу қандай хислат экан?»**

— Минатюра театри ривожига катта ҳисса қўшган, унинг асосчиларидан Сайд Аҳмад, Фарҳод Мусажонов, Неъмат Аминов, Саъдулла Сиёев, Эргаш Раимов, Ўткир Ҳошимов, Абдували Абдуганиевлар билан кўпроқ ишладим. Сайд Аҳмаднинг уйига ҳажвия ёздириш учун борсам, иш қолиб, у киши менга турли латифалар айтиб берардилар. Агар қулганимни кўрсалар ўша мавзуда ёзиб берардилар. Кейин билсан, мен «синовчи куловчи » эканман. Энди ноёб хислатимга келсак, мен қанақадир қилиқ, қандайдир оҳанг, ёки бирор шевада гапириб одамларни кулдиришга ҳаракат қилмайман. Ҳаётда қандай бўлса, шундай ижро этаман. Санъат институтида ўқиб юрган пайтларим Етим Бобожон, Фани Аъзамов ва Рассоқ Ҳамроевдек машҳур санъаткорлардан санъатнинг нозик қирраларини ўргандим. Ҳамма кулгу усталарини ўзимга устоз деб биламан. Ўрганиш ёки ўргатиш ёш танламайди. Яхши жиҳатлар бўлса Мирзаю Обиддан, Ҳожибой ва Мўттидан ўрганаман. Ролни кўнглимдагидек чиқмаса, қайта-қайта дубл қилавераман.

**— Сиз рафиқангиз Роза опа билан бирга томошабинлар эсида қоладиган бир қанча ролларни ижро этдингиз. Бундай пайтларда сизнинг режисёrlигингиз тутиб кетмайдими?**

— Роза билан »Саримсоқпиеён«, »Ошхонанинг мушигу«, »Пахтакор ютганда ва ютқазганда«, »Биринчи муҳаббатим« каби асарларни қўйганимиз. Булар айтганингиздек муваффақиятли чиққан. Бир пайтлар Эргаш Каримов нега хотини билан рол ўйнайди, деган гаплар ҳам чиққан. Ўшанда мен Роза хотиним бўлгани учун эмас, топширилган ролни қойилмақом қилиб ижро этгани учун бирга ўйнайман, қолаверса, у билан рол ижро этиш, репетиция қилиш мен учун жуда қуляй деб жавоб берганман. ТВ бу — хонадон театри, ҳали у, ҳали бу хотиним бўлиб чиқаверса, оддий то-

мошабин бунга қандай қарайди. Ўзбекчилик бир томони. Шундан сўнг бу гаплар тинчиди. Мени режиссёrlигимга келсак, у Роза бўладими ёки бошқа актёрми, ролни қойиллатиб ижро этиши керак деб ўйлайман. Шунинг учун уйда такрор-такрор репетиция қиласиз. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, мими-касигача кузатиб, то асар маромига етмагунича уни ҳол-жонига қўймайман.

— Эргаш ака, сиз киноларда ҳам роллар ўйнагансиж. «Шум бола»да домла ролини ўйнаганингизда ўғрилар сизни тутиб олиб роса дўппослашган, ўшанда қаттиқроқ уришмаганми?

— Киноларда кўп ўйнамаганман. Илгарилари бир фильмни суратга олиш йиллаб давом этарди. ТВда бўлса, кўрсатувлар ҳар куни, боз устига тўғридан-тўғри эфирга чиқардик. Мен «Учрашув» телефильмида «Шум бола» ва «Қўрқув билмай» фильмларида муштумзўр ва домла образларини ижро этганман. Бу фильмни суратга олишда қизиқ воқеа бўлган. Ўзбекистон халқ артисти Соҳиб Хўжаев ўйнайдиган қаҳрамонни дўппослаш лавҳаси бўлиб, «мен уринглар» деб буйруқ беради. Суратга олиш майдончасига кетаётганда режиссёр Али Ҳамроев: Соҳиб акани унақа ёмон урманглар, деб огоҳлантириб қўйибди. Лавҳа суратга олинди-ю аммо кўнгилдагидек чиқмади. Шунда режиссёр кадр ҳаётий, ишонарли чиқиши керак, Соҳиб акани ростдан ураверинглар деб шипшитиб қўйибди. Мен бошчилигимдаги қароқчилар уни ерга йиқитиб роса дўппослаб урдик. Лавҳа зўр чиқди, лекин Соҳиб ака шаҳарга келгунчавой-войлаб келди. Шунда мендан хафа бўлманг, уста, санъат қурбонлик талаб қиласи-да деб кулгуга олгандим. Кўп ўтмай мени «Шум бола»даги домла ролига таклиф этишди. Сиз айтганингиздек ўғрилар домлани роса дўппослашади. Домла вой-дод, мусулмонлар, қутқа-



ринглар деб роса қичқиради. Қайтар дунё деганлари шу экан-да. Мени ҳам шу лавҳада ростакам дўппослашди. Лекин илгари «мактаб кўрганим» учун, ичимдан қалин кийимлар кийиб олган эдим. Соҳиб акачалик азоб чекмадим.

— **Эргаш ака, сизнинг хизматларингиз муносиб баҳоланиб «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотландингиз. «Кулгутерапея»нинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?**

— Энди кулгутерапеянинг келажагига келсак, асияни ўша америкалигу автралияликлар билишармикан? Биздаги ичак узди латифалар, қизиқчиликлар яна қаерда учрайди? Хўш айтинг-чи, ўша Никулин, Маргунов, Вицинларникига ўхшатиб ўзимизда ҳам Наби Раҳимов, Раҳим Пирмуҳаммедов, Соҳиб Хўжевга ўхшаган бетакрор кулгу усталари ижросида комедиялар суратга олиш мумкинмиди? Болгарияда бўлганман, Гаврова деган жойни нақ дунё кулгусининг «пойтахти»га айлантириб юборишган. Ўзимизда ҳам асқия мактаблари очилса «Кулгу кошоналари» бунёд этилса, «табассум сайиллари» ташкил қилинса арзиди. Худога шукр, мустақилликка эришдик, санъатга муносабат ўзгарди. Бу жанр ҳам ўз қадркимматини топмоқда. Энди юртимиз ҳам, кулгумиз ҳам, табассумимиз ҳам мустақил, ўзимизники!

— **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

**«Моҳият» газетаси,  
2008 йил, 46-сон**

## ИҚТИДОР ВА МЕҲНАТ ҚЎШҚАНОТ БЎЛСА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган атрист *Маҳкам Муҳамедов* саҳналаштирган кўплаб видеофильмлар, сериаллар бугун Ўзбекистон телевидениесининг олтин хази-насидан ўрин олган.

*Маҳкам ака билан бўлган сухбатимиз режиссёрлик меҳнати, унинг ўзига хос жиҳатларига бағишиланади.*

— *Маҳкам ака, сиз кўп йиллар телевидениега режиссёр, бош режиссёр лавозимларимда ишлагансиз. Телевидениега режиссёрнинг ўрни қандай?*

— Телевидение — коллектив санъат. Телевизион асар яратилишида биргина режиссёр эмас, балки муаллиф, муҳаррир, тасвирчи, овоз режиссёри, рассом, чироқчи, видео ва техник муҳандислар иштирок этади.

Асарнинг foявий-бадиий йўналиши, унинг сифати, ҳаққонийлигида режиссёр шахсан масъулдир. Инсон, унинг кечинмалари, мақсад ва интилишлари ҳар томонлама ТВ режиссёрининг диққат-эътиборида бўлиши керак. Режиссёр ижодий жамоани бошқарибгина қолмай, ташкилотчилик қилади, барча ишларда етакчи бўлади. Театр режиссёрининг ўз йўналиши, кино режиссёрининг ҳам ўз йўналиши бўлади. ТВ режиссёри эса, ҳар икки йўналиш уйғунлигини ўзида мужассам қилиши керак.

— *Телевидениега саҳналаштирилган асарларингиз ичига ўзингиз қаноат ҳосил қилган ва телетомошабинлар эътиборига тушган илк асарларингиз қайсилар?*

— Эндиғина ишга келган пайтим. Ўша пайтлар кўрсатувлар жонли бўларди. Ҳар душанба куни жонли телевизион спектакллар намойиш этилиши керак

эди. Башарти томошибинларга бу кўрсатув манзур бўлиб қолса, бошқатдан деклорация қурилар яна актёрлар бир неча кун оввора эди. Ёшман, куч-файратга тўлиб турибман, Парда Турсуннинг «Ўқитувчи»-романи қўлимга тушиб қолди. Уни ўқиб чиқиб саҳналаштириш ниятида ёзувчининг уйига бордим. Касал экан, режаларимни эшитиб жуда хурсанд бўлиб кетди. Асар сценарийсини ёзиб, ишни бошлаб юбордим. Телетомошибинларга манзур бўлди шекилли, жуда кўп хатлар келди. Омадим юришиб кетди (шу спектакл пулига тўй қилиб, уйланиб олдим ҳам)

Чингиз Айтматовнинг «Биринчи ўқитувчим» Т. Брянцевнинг «Амирнинг қиличи», А. Толстойнинг «Рус характери», К. Чуковскийнинг «Сўнгги сухбат», Ж.Абдуллахоновнинг «Жасорат» каби асарларини саҳнага олиб чиқдим. Булар ичида Тахтабулат Абдумўминовнинг «Жиноятга ўрин йўқ» асари биринчи марта ТВда саҳналаштирилиши эди. Саъдихон Табибуллаев, Тошхон Султонов, Тўйчи Орипов, Пўлат Сайдқосимов каби актёрлар маҳорат билан ролларни ижро этишди. Шу спектаклдан сўнг Шукур Бурхонов раҳбаримизга «Шу болангни театрга бер» деб илтимос қилибди, кўнмадим. Асар муаллифидан телеграмма келибди. Унда «Пъеса ёзиш мумкин, аммо уни тўғри тушуниб талқин қилиш ҳар қандай режиссёргинг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз ва спектакль иштирокчилари айнан шу нарсага эришганингиздан бошим осмонга етди», — дебди

— *Ишлари гуркираб келаётган режиссёрни бирданига Сирдарё вилоят театрига кетиб қолиши сал эришроқ туюларкан.*

— У пайтларда Шўро ҳукуматининг мафкуравий идоралари ёлғон сиёsat йўлида ҳеч нимадан тап тортмайдиган замон эди. ТВ га 23 феврал куни бир ҳарбий амалдор чиқиши керак эди. Кўрсатув аввалдан

тайёрлаб қўйилганига қарамай, ўзининг илтимосига биноан у яна қайта ёзилди. Кечкурун уйда эфирни кузатиб ўтирсам, қўмондоннинг аввалги эфирга ёзиб олинган тасвири эфирга узатилаяпти. Қандай қилиб ТВга етиб келганимни билмайман. Аммо кеч эди. Навбатчи режиссёрнинг масъулиятсизлиги туфайли жиддий хато эфирга кетди. Эрталаб бош режиссёр сифатида барча айбни ўз бўйнимга олдим. Мени бош режиссёридан олишди. Маданият Вазирининг олдига бордим. Бирор театрда ишламоқчи эканимни айтдим, у рози бўлди.

— *Маҳкам ака, ҳар бир яхшиликнинг бир ёмон томони, ҳар бир ёмонликнинг бир яхши томони бор дейишиади. Бир ҳисобда TVдан кетганингиз яхши бўлган-дир. Чунки йигирма икки йил ишлаб олмаган унвонни икки йил ичида театрдан олдингиз.*

— Мен гарчанд Бухоро, Фарғона, Қўқон, Самарқанд театрларида спектакллар саҳналаштириб бироз таржиба оттирган бўлсан-да, бу ҳолат мен учун бутунлай бошқача эди. Сирдарё вилоят театри ўша пайларда энг навқирон театр эди. Шунга қарамай, драматургия масаласи, яъни, репертуар масаласи бошқа вилоят театрлари каби оғриқли нуқталари ҳисобланарди. Мен театр жамоаси олдига репертуарга катта эътибор бериш, саҳналаштирилмаган асарларнинг театр юзини кўриш масаласини қўйдим. Таниқли шоир Тўра Сулаймонни абадий эмакдошликка таклиф этдик. Биринчи спектаклимиз Машраб Бобоевнинг «Ўттиз ёшлилар» пьесаси эди. Бу томошабинларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Сўнг кетма-кет спектакллар, муваффақиятлар...

В.Маяковскийнинг «Ҳаммом», А. Гельманнинг «Имзо», М.Бобоевнинг «Ер томири» асарлари биринчи бор Гулистонда саҳна юзини кўрди.

— 1983 йилнинг кузи нафақат сизнинг ҳаётин-

гизда, балки ёш томошабинлар театри тарихида ҳам унтуилмас саҳифа бўлди. Мен бу ерда «Оқ кема»ни назарда тутаяпман.

— Онамнинг тоби қочиб, Сирдарё театридан Тошкентга — Ёш томошабинлар театрига ишга келдим. Театрдаги репертуарни кўриб, тўғриси, энсам қотди. Бу ерда асосан боғча, мактаб болаларига мўлжалланган олди-қочди спектакллар қўйилар экан. Жиҳдий асар йўқ, болалар — бизнинг келажагимиз. Уларни ўйлантирадиган, фикр-мулоҳазага чорлайдиган асарлар лозим деган қарорга келдим.

Р. Файзийнинг «Ҳазрати инсон», М.Бобоевнинг «Ўз уйингдасан», В. Гюгонинг «Гаврош», Ч.Айтматовнинг «Оқ кема» асарини саҳнага олиб чиқдим. Ўша кунлари Маданият кунлари муносабати билан Чингиз Айтматов Тошкентга келган эди. Мен журъат билан у кишига телефон қилиб, томошага таклиф этдим. Залда Ч.Айтматов, Ўлмас Умарбеков, Шукурулло, Одил Ёқубов каби атоқли адиблар, театршунослар ўтирас эдилар. Спектаклдан сўнг Чингиз оға шундай деди: Тўғриси, «Оқ кема» саҳна тилига кўчирилганда асл бўёғини, табиий жозибасини сақлаб қолишига шубҳам бор эди. Бу асар кўп театрларда саҳналаштирилган. Мен кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деб бирортасини кўрмаган эдим. Лекин бутун Навоий тилида жаранглаган «Оқ кема»ни кўришга жазм қилдим ва мамнуният билан ўзбек болалар театри наҳоятда маданиятли макон эканлигига амин бўлдим», деди

— Кейинги ишларингиздан бири Абдулла Қодирийнинг «Мехробдан чаён» романи асосида яратилган видеофильм бўлди. Ҳолбуки бу асар анча аввал машҳур режиссер Йўлдош Аъзамов томонидан саҳналаштирилган эди. Бу асарга, қайта талқинга нима зарурат туғилди?

— Тўғри, 50-йиллар Й.Аъзам журъат қилиб »Мех-

робдан чаён» бадиий фильмини яратди. Бу томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Лекин киноталқин асарни тўла-тўкис қамраб оолмаган. Ўша пайтдаги сиёsat ҳатто икки қисмли кино олишга ҳам рухсат бермаган. Шунинг учун кўп лавҳалар қолиб кетган. Асосан муҳаббат саҳналаригина тасвирга туширилган. Мендаги ният воқеаларни тўлалигича, Қодирий бобомизга хиёнат қилмасдан, воқеликни безаб, бўймай кўрсатишга ҳаракат қилиш эди. Ёзувчи драматург Ҳайридин Султонов билан учрашиб у кишига ўз ниятларимни айтдим. Бу таклифим унга маъқул тушди. У тез фурсатда ўн беш қисмли бу асар сценарийсини ёзиб берди. Энг қизиги шундаки, тасвирни олиш жараёнида Қодирий руҳи бизни қўллаб-қувватлаб тургандек бўлди. Қаерда, қачон, қайси куни биз суратга туширмайлик романда ёзилган ҳолатлар, табиат ҳодисалари рўй бериб турди. Анвар ва Раъно хайрлашув оқшомида изгирин шамол туриб дарахт япроқларини учирислари, эшикларни тарақ-туруғи...

Гулзордаги ошиқлар учрашуви учун Кўқонни айланиб жой тополмай айнан Қодирий ҳовлиси хона-донидан жойни топиб, ўша ерда тасвирга туширдик.

— *Маҳкам ака, босиб ўтган ўйларингизда қандай армонларингиз қолди?*

— Нафақат мен, ўша пайтдаги қанча режиссёрларнинг йирик-йирик асарлари тасмага туширилмай қолди. ТВда машҳур адиллар асарларини ўзларига ўқитиб кинотасмага олиш йўлга қўйилган эди. Шу аснода, Ҳабибий, Собир Абдулла, Миртемир, Чархий, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Саида Зуннунова, Уйғун, Эркин Воҳидов ва бошқалар олтин фонд учун ўн-йигирма минут тасвирга туширилган эди. Бир куни юбилей олдидан «Ўтмишдан эртаклар» қиссасидан бир бобни ўқитиши учун Абдулла Қаҳҳор студияга чақи-

рилди. Унинг ўқиган ҳикояси ўн уч дақиқа бўлиб яна бироз вақт ортиб қолди. Мен Абдулла ака фильм олдидан адабиёт ҳақида, ёшлар ҳақида фикрларингизни айтсангиз дедим. У киши шундай зўр фикрларини айтди. Юбилей кунлари кўрсатув эфирига узатилди, лекин сақлаб қолинмади.

— Бугунги кунда қўйилаётган сериаллар кинорежиссераси Сизни қониқтирадими?

— Бугун жиддий асарлар қўйилмаётгани кишини ташвишга солади. Айниқса, кино санъати тижоратта айланиб кетди. Бу соҳанинг қўплаб одамлари профессионал режиссёрлар эмас. Айрим режиссёрлар сценарийни ўзи ёзиб, ўзи қўйяпти. Иложи бўлса, бош ролни ҳам ўзи ўйнаяпти. Очиги, мен бунга қаршиман. Санъатда профессонализм бўлмас экан, ўз соҳасининг билимдонлари, иқтидорлари кириб келмас экан, бу соҳа саёзлигича қолиб кетаверади. Менимча, бу ҳолатлар вақтингчалик. Вақт — олий ҳакам. Авваламбор иқтидор, кейин меҳнат, тинимсиз меҳнатгина инсонни комилликка етказади.

«Моҳият» газетаси,  
2008 йил, 45-сон

## **ХАР КИМ ҚИЛСА ЎЗИГА**

Яқин ўтган замонда бир девона бўлган экан. У қишлоқма-қишлоқ юриб ўз ризқини топиб еркан. Ким нима берса «Ҳар ким қилса ўзига» деб кетаверар экан. Бир чекка қишлоқда бир бойнинг зиқна хотини бор экан. У девонага кунора садақа беришдан безиб уни йўқотиш пайига тушибди.

Кунлардан бир куни у тандирга нон ёпаётган пайти девона келиб ундан хайр-садақа қилишини сўрабди. Аёл бир қулча ичига заҳар қўшиб, унга узатибди. Девона ҳар галгидек дуолар қилиб, «Ҳар ким қилса ўзига» деб исиққина кулчани хуржунига солиб йўлида давом этибди. Анҳор бўйига етганда лойдан панғилдок ўйнаб ўтирган икки кичкінтой бола келиб, унга ялинибди.

— Нон беринг, қорнимиз очиб кетди, — деб девонанинг хуржунига осилишибди. Девона хуржунидан аёл берган ҳалиги иссиқ кулчани олиб икки бўлиб болаларга берибди. У ҳали узоққа кетиб улгурмаган ҳам экан, болаларни қий-чувидан орқасига ўтрилиб қарабди. У нон берган икки бола оғизларидан кўпиклари келиб ерда узала тушиб ётардилар. Бир пастда қишлоқнинг катта-кичиклари бу воқеадан хабар топиб этиб келишибди. Уларнинг орасида бойнинг зиқна хотини ҳам бўлиб, нима гаплигини билолмай одамлар орасидан ўтиб ўлиб ётган болалар устига келиб қараса, ўзининг Ҳасан-Ҳусан ўғиллари экан. Воқеа нимадалигини тушунгач, аттанг, деб юзларини, соchlарини юлиб фарёд кўтарибди. Девона эса, одатдагидек «Ҳар ким қилса ўзига», деб йўлга равона бўлибди.

Мен бу ривоятни бежизга келтирмадим. Яқинда

хизмат сафари билан Бойсунга боришга түгри келди. Йўл анчагина узок, бўлиб, кунлар бироз исиб кеттани учун йўлларда тўхтаб-тўхтаб дам олиб бордик. Бойсуннинг чегарасидан ўтишимиз билан ошхоналар атрофида, йўлнинг икки четида пластмасса идишларда турли рангдаги ичимликлар, қурут-қуртоба сотиб ўтирган ёш-қари аёлларга кўзингиз тушади. Ишхонамиздаги аёллар шу ерларнинг қурути ёғи олинмаган сутдан қилинишини ва мазаси ҳам бошқача бўлишини айтганлари ёдимга тушиб, ҳар бири фознинг тухумидай келадиган бир нечта оппоқ, ҳафсаласизлик билан юмалоқланган қурутларни сотиб оддим.

Нотаниш ҳамроҳларим билан бизни олиб келаётган машинага қайтиб келиб ўтирганимизда ёши сал улуғроқ бир ҳамроҳимиз:

- Қурутларни ўзингизга олдингизми ёки бирортаси тайинлаганмиди, — деб сўради даб-дурустдан. Бироз таажжубланиб:
- Ҳа, энди, ишхонамиздагилар ҳам тайинлашган, уйда қизларимга ҳам олиб бораман.
- Иложи бўлса, ёш болаларга бермаганингиз маъкул, — у бирор нарсани биладигандек таглик қилиб деди. — Одамларда ҳам ҳозир инсоф қолмади, пул деб нималар қўшишмайди.
- Бу қурутларга нима қўшишлари мумкин?
- Ҳе синглим, ҳозир ишониб бўлмай қолди, эшишишмча қурутларга оҳакми, албастирми, хуллас, нимадир қўшишаркан, — деди бироз норози қиёфада.
- Қўлингиздаги қурутларга бир қаранг, оппоқ, Асли қурут оппоқ бўлмайди. Сал қорароқ бўлиб, кирга ўхшаб туради. Чунки уйда ўзимиз ҳам қиласиз, шундан биламан-да.
- Нима зарурат бор, сиз айтган нарсаларни қўшишларига?
- Қўлингиздаги қурутларни катталигини кўра-

япсизми, у қанча сузмадан тайёрланган? Иннайкей-ин, улар катталиги учун ҳам қуриши жуда қийин. Озгина албастырга ўхшаган аралашма аралаштириб юборилса, бир зумда қурийди ва оппок, сиз кўриб турганингиздек харидоргир бўлади, — деди асабий-роқ қиёфада.

— Йўғ-э, унчаликка боришмас, — ҳамроҳимнинг гапларига унчалик эътибор бермай салафандаги қурутларни сумкачамга жойлаштиридим. Тўғриси, шу пайт ўзимни ҳам ундан жуда егим келаётганди. Биттасини олиб бир-икки бор тишлаб ҳам кўрдим, тишинм ўтмади.

Ниҳоят хизмат сафари ҳам тугаб, уйга қайтиб, кела солиб қизларимга ўзим олиб келган егуликларни бердим. Улар, айниқса, тухумдан каттароқ бу қурутларни кўриб кўзлари яйраб кетди. Лекин улар тишлаймиз деб ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, нўхатдек ушатишолмади бу тош қурутдан.

— Нима бало, қурут дегани ҳам шунчалик қаттиқ бўладими, — қўлидагини стол устига қўйди қизим норози бир қиёфада.

— Тўхтанглар, яххиси, уни бўлаклаб бераман, маза қилиб шимасизлар, — дедим топқирлик билан.

Шунда мен болгача билан бу тошдек қаттиқ, қурутларни бир амаллаб ўртасидан бўлдим... Йўлда менга нималарнидир гапирган аёл ҳақ бўлиб чиқди. Унинг ўртасида кичикроқ тухумдек келадиган оғир албастир ажаралиб туради. Демак ичини албастир билан тўлдириб сиртига шунчаки суzmани чаплаб қурут қилиб юмaloқланган.

— Астагфирулло, — деб юбордим, ҳайратимни яшира олмасдан. Ўзимга келолмай, деворга суюниб ўтириб қолдим. Наҳотки, одамзод мол-дунё деб шунчалик тубан кетса. Бу на инсонийликка, на бир мусурмончиликка тўғри келади. Айтайлик, суzmани бундай қилиб

юмлоқлаб қуритиш учун саватта солиб сўриток тагига қўйиб бирор иш билан машғул бўлиб қолганларида ўз болаларими, набираларими ёки уларнига ўйнаб чиқ-қан қўшни болачаларми аста кўзни шамғалат қилиб бу қурутлардан еб қўйишса нима бўлади? Биз юқорида ривоятда келтирган аёлнинг аҳволига тушмаслиги-га ким кафолот бера олади. Ёки бу қурутдан шу қишлоқдаги қариндош-уруглари сотиб олиб ейишар (балки уларга алоҳида тайёрланганидан беришар). Нима бўлганда ҳам бу ишлар одамийликнинг ҳеч бир қонун-қоидаларига тўғри келадиган иш эмас.

Бир пайтлар каламуш кўпайиб кетиб, қишлоқ хўжалик экинларига қирон келтирганида, чора сифатида уларнинг ейдиган овқатига албастир қўшиб бериб, каламушларнинг ошқозон, ичак фаолиятлари ишдан чиқиб ўлганлари ҳақида эшитганман.

Яқинда бир вилоятда яшайдиган дугонамни пойтатхта учратиб қолдим. У жуда ташвишли кўринарди, ундан сабабини сўраганимда, боласи шу республика шифохоналаридан бирида оғир аҳволда ёттанини кўзида ёш билан айтди. Балки бирор ёрдамим тегиб қолармикан, деган мақсадда унинг қандай касал эканини сўрадим. Шунда у алам билан :

— Сира сўрама, — деб йифлаб юборди.

Маълум бўлишича уларнинг қишлоқларига (бизда ҳам шундай-ку, мен соат ишлатмайман, ҳар тонгда, бир пайтда сутчиларнинг «молоко» деган овозидан уйғонаман) ҳар куни эрталаб сут олиб келишар экан. Бир гал ўғлини томоги сал оғриб тургани учун дугонам сут сотиб олиб қайнатиб боласига ичирибди. Озгина вақт ўтмай бола беҳаловат бўлиб ўзидан кетиби. Дарҳол уни туман касалхоналаридан бирига олиб келиб ошқозонини ювишибди. Сўнг яхши бўлавермагач, пойтахтга олиб келишибди. Унинг сўзларини тинглай туриб:

— Нега ундаи бўлибди, сутдан ҳам одам касал бўларканми? — дейман ҳеч нарсани тушуна олмай. У шу куни «сутчи»дан сут сотиб олиб истеъмол қилган ўнга яқин хонадон аъзоларининг ахволлари оғирлашиб касалхоналарга тушиб қолганликларини айтди. Маълум бўлишича, «сутчи» кечқурун катта бир пақирдаги сутни эрталаб шошиб қолмаслик учун кичик, маҳсус идишларга солиб қўймоқчи бўлибди. Қараса, пақир ичида бир сичқон ўлиб ётганмиш. Сўнг у «шунча сутни увол қиласанми» деб ҳар эҳтимолга қарши бир қайнатиб олиб, сўнг идишларга қуийб олиб келган экан.

Шу кунги суриштирувлар натижасида сир очи-либ қолибди. Олиб борилган текширишларда шу нарса маълум бўлибдики, сутга тушган сичқон маргумушдан ўлган экан. Ҳа, гарчи арзимагандек ту-йилган бу нобакорликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Биргина шу хато туфайли қанча оиласлар қон ютаётганлигини сутчи аёл, албатта, ҳис этар, бироқ энди кеч!

Бошқа шаҳарлардан кийим-кечак олиб келиб савдо қиласиган яқин танишимиз яқинда бир гапни айтиб қолди: Бир гал олиб келган молларини кўп қисми яроқсиз эканлигини, уларни олаётганда со-тувчи билдирамай яхши моллар орасига тиқиб юбо-ришганини, қанча моддий зарар кўрганини айтиб баъзи нафс бандаларининг инсофисизлигидан қаттиқ ранжиган эди.

Яна чуқур ўйга толаман, майли, бу арзимаган кий-им-кечак экан-ку, кўрса бироз моддий зиён қўрар, кунлар ўтиб бу кўнгилсизликлар барҳам ҳам топар. Лекин ейиладиган озиқ-овқат маҳсулотларига би-либ-бilmасдан инсон организми учун заарли нар-саларни мол-дунё оттириш учун қўшиб қўяётган нафс бандаларини қилмишларини қандай изоҳлаш

мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашларича инсон организми овқатдан заҳарланганда, тузалиб кетган тақдирда ҳам, оғир асоратлар қолдирар, ичақдаги микроорганизмлар қонга сўрилиб танадан чиқиб кетмас экан.

Одамлар, кўзларингизни каттароқ очинг, сиз атайлабдан пул учун қилинган ёки яроқсизлигини билиб туриб, нафақат ўз қишлоқдошларингизга, нафақат ҳамюртларингизга, балки ўзга юртда яшайдиган нотаниш кимсаларга ҳам сотишга ҳақингиз борми? Нахот, бағримиз шунчалик тош бўлиб, бировларнинг саломатлигига путур етказиш эвазига, фақат ўз манфатларимизни устун қўядиган бўлиб қолган бўлсак. Инсонлигимиз қаёққа кетди? Ўзингта раво кўрмаган нарсаларни бировларга ҳам раво кўрма, деб доно халқимиз бекорга айтмаган. Қилган ҳар ишимизни ажржавоби бор. Ахир, ҳисобли дунё бу, қайтар дунё бу! Ҳар ким қилса ўзига қилади.

*«Ҳаёт» газетаси,  
2005 йил.*

## МОДАРКУШ

Зим-зиё тун.

Бутун борлиқ қоронгуликка чўккан. Фақат биргина уйнинг чироғи ўчмаган. Унда соchlари паришон тўзғиган, жонсарак бир аёл уйнинг у бошидан-бу бошига бориб келади. Аёлни тўлғоқ тутмоқда. Унинг қарашлари саросимали. Оғриғи гоҳ кучайиб, гоҳ бир зумга босилади. Оғриқ зўридан баъзан аёлнинг тишлиари ғичирлаб кетади. У гоҳо совуқ терга ботганча деразага тикилади. «Тезроқ, тонг ота қолсайди». Бу ҳаёт-мамот жангига деразадан мўралаб турган ойгина гувоҳ. У жимгина «Дунёда аччиқ тўлғоқ азобига тенг келадиган дардни кўрмадим» дегандек ингранади. Нихоят, тонгта яқин тўққиз ойлик азоб-уқубатлар барҳам топади. Аёлнинг кўзи ёриди. У она бўлди. Бугун ундан бахтиёрроқ, ундан шодонроқ одамнинг ўзи йўқ. Шу топда аёл бор овози билан ҳайқиргиси, суюнчи тилагиси келарди. Бироқ у кимни туққанини билармикан?...

Ер юзидағи барча халқлар қаби ўзбек халқи ҳам ота-онасини дунёда энг улуғ, энг табаррук зот деб билади. Уларни эъзозлаш, қадрлаш, насиҳатларига қулоқ тутиш ҳар бир фарзанд учун бурчга айланган. Оқ сут шунинг учун ҳам муқаддас неъмат сифатида қадрланади.

Бизни дунёга келтирган муштипар оналаримиз ҳақида қанча-қанчалаб ривоятлар, ҳикматлар, ҳадислар бор. «Онангни опичлаб уч марта Маккага олиб борсанг ҳам, берган оқ сутини оқлай олмайсан». Яна «Аввал онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қилгин», «Ота-онасини танимаган,

тангрисини танимас», «Онасининг дилини оғритган — эл ичида хор бўлар»...

Она бир қўли билан бешикни, бир қўли билан эса дунёни тебратади. У боласи учун хонумонини беришга тайёр. Агар фарзандига тикан кирса, уни киприклири билан суфуриб ташлайди. Унга шамолни ҳам раво кўрмайди. Шу топда бир ривоят ёдга тушади: йигит муҳаббатини синамоқчи бўлган қиз ундан онасининг юрагини олиб келишини сўрайди. Йигит шартга рози бўлади. Онасининг юрагини олиб чопиб келаётганда қоқилиб, ийқилиб тушади. Шунда она юраги тилга кириб, «Ох, ёмон ийқилмадингми, болагинам», — дейди. Нақадар фидоийлик, шундай мудҳиш ҳолда ҳам она ўз жонини ўйламай, фарзанди учун қайгуради!

Бир донишмандан

- Дунёда энг ботир ким деб, — сўраганларида у:
- Фарзанд доғини қўтарган паҳлавон — бу она», — деб жавоб берган экан.

Яқинда бир яқин қариндошим сим қоқиб, 23 ёшли ўглининг аҳволи оғирлигини, иккала буйраги ҳам ишдан чиқаётганини айтиб қолди. Менга: «Сен катта шаҳардасан, докторлардан сўраб кўр-чи, ўғлимни асрар қолишнинг иложи бормикан? Агар унга бирор кор-ҳол бўлса адои тамом бўламан. Шунинг учун боламга битта буйрагимни, керак бўлса, иккала буйрагимни бермоқчиман, бу гап орамизда қолсин, яна бошқалар билмасин, чунки мен ҳаётда озми-кўпми яшадим, худога шукр, бу болам ҳали нимани кўрди», — деди изтироб ичида йиглаб. Устимдан кимдир бир чеълак муздай сув ағдаргандай бўлди. Тилим калимага келмай қолди. Унга нима деб далда беришни, нима деб кўнглини қўтаришни билмай довдираф қолдим. Ох, дунёда онани бундай азоблар чеккунча, яратмасин экан. Ўйга толаман, қизиқ, агар онаси шу аҳволга тушганда ўғли нима қилган бўларди?! Ширин жо-

нини нисор қила олармиди она учун, (бунга онаси-нинг ўзи ҳеч қачон йўл қўймасди) балки, аксинча, онасига олиб берган дори-дармонлар учун балки ид-дао қиласмиди.

Лекин онасини пилта-саватта қўйиб бокқан қобил фарзандларни ҳам эшигтганмиз.

Мусо алайҳиссаломдан жаннатдаги қўшнингиз ким? — деб сўралганида фалон қассоб менинг қўшним бўладилар, — деган эканлар.

Савол берувчи қассобнинг фазилатини билиш мақсадида, унинг олдига бориб, кузатибди, суҳбатлашиб, ҳеч нарса сезмагач, у билан унинг уйига борибди.

Қассоб уйига киргач, илинган сават ичидаги, кек-сайиб, муштдеккина бўлиб қолган онасига салом берибида-да, унинг овқатини едирибди, — кейин меҳмонга дастурхон ёзибди. Ишга кетишида ҳам, онасига қараб, унинг дуосини олиб қайтибди. Меҳмон қассобнинг онасига қилаётган хизмати, ҳурмати учун олий мақомга эришганини англабди.

Тарихдан бизга маълумки, қадим замонларда тожтахт талашиб оталарини ўлдирган ўғиллар ҳам бўлган. Бунга Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдулатифни мисол қилишимиз мумкин. Падаркушлар ҳақида озми-кўпми эшигтганмиз. Юракларда бундай фарзандларга нисбатан туғилган нафрат асрлар оша унутилмайди. Бундай фарзандлар тошбағирлиқда, жоҳилликда абадий лаънатланади. Arap фарзанд ўз онасини, волидаи мұхтарамасини арзимаган оилавий жанжал боис чопиб ташласа, бундай нобакор ўғилни нима деб атаймиз? Унинг жазоси нима бўлади?

Қийинчилик пайтларида фарзандлар бир парча нонга зор бўлиб, оч-наҳор қолган дамларида ҳам оналарига итоат этганлар. Волидаларини ўлдириш у ёқда турсин, кўзларига тик қараб гапирмаганлар.

Тўғри, меҳр-оқибат кўтарилиган айрим оиласарда

ака-укалар, опа-сингиллар бир парча ерни деб ёки арзимаган зеб-зийнатни деб бир-бирлари билан қирқичноқ бўлганликларини, бир-бирларини ўлдирганликларини кўп эшитганмиз. Наҳот, энди навбат онага келган бўлса!

Менимча, ҳеч қайси бир динга, ҳеч қайси бир қонунга, одамийликка, ҳеч бир тасаввурга тўғри келмайди бундай гумроҳлик.

Мен бу мақолани ёзишдан аввал маълумотлар тўплаш жараёнида фожеалар тафсилоти билан танишар эканман, анчагача юрагим безовталаниб, ўзимга келолмай бироз муолажалар олишимга ҳам тўғри келди. Бир неча маротаба куч тўплаб ёзмоқчи бўлдим, яна иродам етишмади. Ўйга толаман, ахир кимдир ёзиши керак-ку. Бу офатнинг олдини олиш, фарзандаримизни инсоф-диёнатта чақириш, тўғри йўлга солиш ҳаммамизнинг, бутун жамиятнинг иши эмасми?

— Самарқанд шаҳар, Сиёб туманида яшовчи нафақаҳўр Ш.Икромованинг жасади уйидан кўкрагига ва бўйин қисмига қаттиқ жисм билан жароҳат етказилган ҳолда топилди. Жиноят она билан бирга яшайдиган ўғли С.Икромов томонидан содир этилганлиги аниқланиб, ушланди.

— Тошкент вилояти, Янгийўл туманида яқинида яшайдиган Адиба Сафаевани ўз ўғли Карим Сафаев ўзаро оиласвий жанжал туфайли бўғиб ўлдирганлиги эътироф этилди.

— Тошкент шаҳар, Сирғали туманида яшовчи О.Ҳакимов оиласвий жанжал оқибатида онаси В.Набиевани бошига уриб ўлдирган. Бундай фожеалар Фарғона вилояти Қирқгули туманида, Наманган шаҳрида, Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида, Олмалиқ шаҳрида, Бухоро вилояти Когон туманида ҳам рўй берган. Яна рўйхатни узоқ давом эттиришимиз мумкин. Юқоридағи маълумотларнинг айримларида

ҳали тергов давом этаяпти. Судда жиноятчиларга нисбатан чиқарылган ҳукм, жазо қандай бўлишидан қатъи назар, бу мавзуга биз ҳуқуқшунос сифатида эмас, балки инсонийлик нуқтаи назаридан ёндошамиз.

Эй, тарих! «Модаркуш»лар ҳакида эшитганмисан, сўзла? Модаркушнинг башараси қанақа, унинг афтангорини қай рангда чизиб бера оласанми, мусаввир. Бу бедодликларни эшитгандан қулоғинг кар, кўргандан кўзларинг кўр бўлса бўлмасмиди, дунёйи-дун! Э, воҳ, кўхна замин! Бағринг бунчалар қаттиқ. Тезроқ ютсанг бўлмасмиди бундай нонкўрларни! Бир парча этни тарбиялаб, ювиб-тараб шу кунларгача эсон-омон етказгани эвазигами бу кўргуликлар! Бешафқат, чайир қўлларинг билан сенинг дунёга келишинг сабабчиси ўз онангни ҳеч иккilanмай бўғаётган ёки кўксига пичоқ санчайттанингда, наҳот, қўлларинг титрамади, наҳот, юрагингда заррача раҳм-шафқат уйғонмади? Агар сенда озгина инсоф-диёнат бўлганида шу қўлларинг билан меҳнат қилиб, сени не умиддар билан туққан, боққан онаизорингта қариган чоғида мурувват кўрсатсанг бўлмасмиди?! Ўз онасига қалбида озгина шафқат бўлмаган болани одам дейишга ҳам тил бормайди. Мол-дунёга эга бўлиш ниятида онаизорингни ўлдиришга қабиҳ режа тузган кунингданоқ сен одамгарчилиқдан чиққансан! Ҳар қадамда топса бўладиган мол-дунёга бўлган ҳою-ҳавас сени аллақачон инсонийлиқдан йироқлаштирган. Ахир, она ягона ва то-пилмас улуғ зот-ку! Аммо қўлга киритилган мол-мулк сенинг келгусидаги баҳт-саодатингни таъминлаб беролмайди-ку. Сен «қўлнинг кири» деб таърифланадиган мол-дунёга ягона меҳрибонингни ўлдириш эвазига эришмоқчи бўлдингми? Энди элнинг тавқи лаънатидан қаерга қочасан? Сен модаркуш, онангни рухи чирқираган уйда қандай яшайсан. Онангнинг ҳунидан, виждан азобидан қўрқмайсанми?

Бу дунёга аслида ҳеч ким устун бўлмаган. Озгина «сабр» қилсанг, онанг ҳам мангу яшамас эди. Сен истаган уй-жойлар шубҳасиз, сенга қоларди. Ўшанда онангнинг тобутини бошингта кўтариб, ҳурмат-эҳтиром билан ўзинг жойига қўйсанг бўлмасмиди?

Куйида биз «модаркуш»лик деб атаётган бир воқеа тафсилотини тўлалигича баён этамиз.

*(Номлар ўзгартириб берилмоқда).*

...Барно опанинг юрагига ҳадик тушди. Одатда бу пайт ўғли ишда бўларди. Нега ўғли «Зудлик билан етиб келинг» деб телефон қилди? Тинчликмикан иш-қилиб? Тоби қочиб қолмадимикан ёки...

У ўй-хаёллар гирдобида уйга қандай етиб келганини билмай қолди. Кейинги пайтларда ўғлида қандайдир ўзгариш содир бўлганини қалбан ҳис этарди. Икки ҳафта олдин хотинини арзимаган сабаб билан уриб икки боласи билан ҳайдаб юборди. Бир-икки марта уйга аёлларни олиб келиб ичиб, майшат қилганини билиб қолган она ўғлига даккилар берган эди. Балки онани «насиҳат» деб берган даккилари ўғлига оғир ботиб қонини қайнаттганми? Шу кундан Саид онаси ни қаёққадир ийқотиб ўзи билганича бу уйда яшашни орзу қилди.. Кейин-кейин бу «орзу» уни қабиҳликка етаклади. Ўзича режани пухта қилди, ҳамма нарса қил суғургандек бўлишига нимагадир ишончи комил эди. Ҳамма ишни ими-жимида қиласи-да сафарга жўнайди. Бир кун олдин опасига телефон қилиб эртага (яъни мудҳиш воқеа рўй берадиган кун) сафарда бўлишини айтган. Ҳозир айни фурсати келди. Вақтдан фойдаланиб қолиш керак. Нимадир деб жанжал чиқариши керак, нима деса экан-а. Барно опа уйга кириб келиши билан дарғазаб бўлиб турган ўғлини қўриб:

- Тинчликми? деб сўради.
- Менга пул керак! — деди Саид томдан тараша тушгандай.

— Яқында пенсиямни берган әдим-ку, пулни ҳадеб қаердан оламан.

— Менга берган пулингизни миннат қилманг, — дарғазаб дүриллади ўғил.

— Йўқса, пулни қаердан оламан. ишлайпман-ку, уйда ўтирмай, ҳарна ёрдам бўлсин деб нафақадаги одам. Отасизлиқда сени ҳеч нарсадан кам қилмай катта қилдим. Энди сен мени боқишинг керак!

Онасининг ҳали анча тетик, қариликни бўйнига олмаган вужудига қараб баттар ичидан зил кетрди.

— Кўп вақилламанг! Пул топинг! (Дарвоқе, дадилроқ бўлиш учун озгина ичиб ҳам олган эди.)

— Бу нима деганинг, болам, баҳтингга мен бор эканман, бирордан кам яшаётганинг йўқ-ку, — деди она бир муросага келтириш учун.

— Сиз тенгилар аллақачон кўкариб чиққан, — деб юборди, Сайд ичидаги нафратини боса олмай.

Ўғлининг юзига аста қааркан унинг важоҳатидан юраги увушиб кетди. Ўғлининг кўзлари қонга тўлган эди. Онанинг кўзларига изтироб ёшлари қуийлиб кела бошлади...

Кўз олдида ўтмиши жонланди. Етти яшар Сайд-нинг кўзлари хиралашиб кўрмай қолди. Барно опа уни даволатиш учун ўзини минг ёққа урди, иложи бўлмагач, отасидан қолган ҳовлини эрининг қаршиликларига қарамай сотиб, шу бедаво ўғлини Москва-да катта докторларга қаратиб кўзини операция қилдириб келди. Ўғли дунёни кўра бошлаганидаги унинг севингланарини айтмайсизми. Квартирама-квартира юриб чеккан азоблари ҳам унинг кўзига кўринмасди.

Она ўзини тутиб олиб ўғлини юмшатиш учун унинг елкасини силамоқчи бўлди. Бироқ қўллари муаллақ қолди. Бошига тушган зарбдан гандираклаб йиқиљди. Нима ҳодиса рўй берадётганини англаб ололмай нажот излаб ўғлига қўлларини чўзди. Ўғли онасининг

бу қилиғидан баттар жазавага тушиб, омбурдай қўлла-ри билан онасини бўйнига ёпищди... Онанинг бошидан ва бурнидан оқаётган қондан гилам бир зумда қизил рангга бўялди. Қон қўлларини ювиб, ҳеч нарса бўлмагандек, сафар сумкасини кўтариб уйдан чиқиб кетди. Ён девор қўшниси бақир-чақирларни, тарақатуруқларни эшитган, лекин ўзлари жанжалашаётган бўлса, аралашмай деб чиқмаган экан. Ёниғлиқ қозон ёниғлигича қоларди, агар бир қўшни деразадан шу куни Сайднинг уйидан чиқиб кетаётганида кўриб қолганини бировга «чақмаганида».

Шу ерда яна бир ривоят ёдимга тушиб кетди.

Бир савдогарнинг туяси йўқолиб қолибди. Қидириб бир неча ой сарсон бўлибди. Кунларнинг бирида бу воқеадан хабардор бир дўсти унинг туясини қўшни қишлоқдаги бир оғайнисиникида кўрганини айтибди. Савдогар ўша қишлоқдан дўстини оғайнисиникини қидириб топиб бориб, ўз туясини кўриб хурсанд бўлиб кетибди. Лекин уй эгаси ўзимники деб туриб олибди. Бир зумда қўни-қўшнилар йифилишибди. Ёши кексароқ чол унга» Бу тая сеники эканини қандай исботлайсан, уни қандай белгиси ёки одатлари бор» – деб сўрабди. Савдогар танг аҳволда қолибди. Шунда у таянинг юрагида иккита тешик борлигини, чунки уни икки боласи ўлганини айтибди. Одамлар таяни сўйиб юрагини қўрсалар ҳақиқатан унинг юрагида иккита тешик бор экан. Қиссадан ҳисса шуки, ҳатто ҳайвонлар ҳам ўз туккан боласини жондан суйиб, агар уларга бирор заҳмат етса уларнинг ҳам юқорида айтганимдек юракларида бир умрлик чандиқ қолар экан. Биз ақлли хушли инсон боласимиз-ку. Наҳот, шунчалик бизни жон қадар суйган, биз учун жонини фидо этишга тайёр волидаларимиз қадрларига етмасак. Боз устига, уларга қўл кўтариб, тарих олдида бир »модар-

куш» деган ном билан бадном бўлиб кетиши... Ўзингиз-ку, майли, етти авлодингиз бу номни қандай кўтариб юришини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Мен оёқ-қўли шол бўлиб, неча йиллаб тўшакка михланиб қолган бир шоирни билардим. Телевиденияда ишлаб юрган пайтларим «Суянчим – шеърият» кўрсатуви учун у билан сұхбатлашиб «Дунёда нима армонингиз бор?» – деб сўраганимда у киши: Айтинг-чи, ота-она нима учун ўғил фарзанд кўришни исташади? деган эди саволимга савол билан. Мен ўғил ота-онадан кейин уйнинг чироғини ёқади, наслни давом эттиради, дедим. Йўқ, – деди у киши қатъий, – ота-она ўлганда охирги йўлга кузатиб, ўз қўли билан қабрга қўйсин, тепалаб кўмсин, деб ўғил тиланади. Мен ўғил бўла туриб, яна тирик бўлатуриб, ўз онам ўлганда ногиронлигим боис, ўғиллик бурчимни бажара олмаганим юрагимда бир умр армон бўлиб қолди, – деган эди.

Халқимизда «ота доғи куйдирар, она доғи ўлдирар» деган нақл бор. Онаси оламдан ўттач, телба бўлиб қолган қиз, ўғиллар ҳақида эшитганман. Шоҳ Машраб ҳам онасидан жудо бўлгач, «Чин етим бўлдим, бугун қолдим онамдан айрилиб», деб чеккан оху ноллари қайси ўқувчини бефарқ қолдиради. «Хотирам васвосдир, девона дерлар сўзласам, Энди менга фарздир байтул-ҳазанни кўзласам, Дашту сахроларда мен етим қўзиdek бўзласам, Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан? яна «Мен сенга жон бирла хизмат қилмадим». «Бу ўлим зор йиглатиб қилди мени барги хазон» деб фарёд солади. Ҳа, бундай надоматлар қошида яна муқаддас ҳадисларга юзланамиз, «Қайси бир халқнинг ичида жиноят ва гуноҳ қилувчилардан кўра қилмайдиганлари кўп ва кучли бўлатуриб, уларни тийиб қўймасалар тангрининг офати ҳаммаларига баробардир»...

Сутдай ойдин кеча. Бутун борлық уйқуда. Дунё-нинг қайсиdir бурчида аёл түлғоқ, азобини тортаяпти. Вужудини совуқ тер босган. У ўлим билан олишмоқда. Ниҳоят, ёруғликка чиқди. Чақалоқнинг «инга» си сукунат қаърини бузиб юборди.

Юракда бир хавотир кезади. Ишқилиб, онанинг севинчи, баҳтиёрлиги бир умрга бўлсин-да. Илоҳим, шу ойдин кечадай хаёллари мунаввар, ёруғ бўлсин митти одамнинг. Ота-онасига, элига садоқатли, инсоф-диёнатли қобил фарзанд бўлишини яратгандан сўраб, илтижо қиласи бу кеча.

**«Ҳаёт» газетаси,  
2005 йил**

## **ЯШИЛ ЭДИ ОРЗУЛАРИ**

(бахшиёна)

**(Қувалик шоир Шокирхон Ҳакимийнинг ёрқин хотирасига багишлиданади)**

Ҳаким бахши айни навқирон ёшида оёқ-қўли ишламай, ётиб қолди. Бормаган табиби, қилмаган доридармони қолмади. У ёшлигидан табобатга қизиқиб, ҳамқишлоқларини қўлидан келганича даволар эди. Ўзига келганда эса, тақдирга тан беришдан бошқа чораси қолмади. Узоқ-яқиндан уни сўраб келганларга қараб, «Ҳар иш бўлса, худодан» деб турди:

*Мен қайгуни суймагандим,  
Қайгу мени суйди-я.  
Яшил эди уминаларим,  
Тақдир нуқта қўйди-я.  
Дардим менинг бедаводир,  
Кўнгил зардобга тўлди.  
Келиб туринг, ёронларим,  
Умрим ғанимат бўлди.  
Шоҳимардон төгларидан  
Сувлар оқар жилдираб.  
Фарибу нотавондирман,  
Орзуларим ҳилвирап.  
Қалб ларзага тушмасинму  
Армон деган ниододан.  
Эгам ўзи дард берибди  
Ҳар иш бўлса, ҳудодан.  
Мен дунёга тўймагандим  
Дунё мендан тўйдиму?  
Бирорларнинг қўлларига  
Термултириб қўйдиму?*

Баҳор айёми эди. Шоҳимардонда катта сайл бўларкан, деган ҳушхабар ҳеч қанча вақт ўтмай, бутун қишлоққа ёйилди.

Бир куни баҳши хомуш ўтирган эди, дўстлари бирин-кетин кириб келиб, саломлашгач;

— Сизсиз бизга сайл татирмиди, Мавлоно», — деб қўнглини кўтаришди.

Катта бир тахта устига кўрпача солиб, баҳшини ўтқазиб, сайлга олиб кетишиди. Кўрганлар ҳайрон бўлиб:

— «Бу киши ким?», «Бу инсон қандай табаррук зотдирки, сизлар уни елкангизда кўтариб юрибсизлар?» деб сўрашарди. Унга жавобан дўстлари ҳазиллашиб:

— Бу киши яхши инсон, яхши инсонни яхши дўстлари бошимизга қўйиб юрибмиз, — дейишарди.

Дарвоқе, Ҳаким ака иштирок этган гап-гаштак, йиғинлар жуда файзли ўтарди. У киши баҳши эмасми, дўстларининг туриш-турмушига, гап-сўзларига қараб, ҳар кимнинг ўзига мос шеър тўқиб ташларди. Бир гапириб, ўн кулдириб, ҳамманинг кўнглига йўл топарди. У асли Лайлакуя деган қишлоқда туғилган бўлиб, дўстлари ҳазиллашиб: — Лайлакуядан булбул чиқди, — дейишарди.

Ҳаким баҳшининг шундай ҳислати бор эдики, зиёратидан фарзанд кўрмаганлар фарзанд, баъзилар давлат, хаста-беморлар эса шифо излаб келишарди. Ҳудонинг қудрати билан у дуо эттакч, ҳеч қанча вақт ўтмай ниятлари ижобат бўлгуси эди.

Баҳши бир куни ўғлини олдига чақириб:

— Кўчада бир зарчопон кийган киши қора қўчкор етаклаб келаяпти, Уни ҳаргиз уйга киритманглар, чунки бу тухфа нопок йўл билан топилган, — деб туриб олди;

*Ёмонларга эланиб,  
Ер бўлманглар, болам-ов.  
Нокасу нодонларга  
Эл бўлманглар, болам-ов.  
Иопокдан ҳазар қилинг,  
Уйга ҳаром кирмасин.  
Ўртаб сўнгти пушаймон,  
Багрингизни тиљмасин.  
Фанимларга қўл бериб,  
Ботманг гуноҳ-азимга.  
Гар яхшилар учраса,  
Чорланг ошга, базмга.  
Келаётир қўй етаклаб  
Юзи қора, ҳийлагар.  
Дўстларин сотган, кимдир  
Шу тухфа-ла сийлаган.  
Назрини олманг, болам,  
Ўз бошин ўзи есин.  
Оч қолиб ўлмасдурмиз,  
Ризқимиз худо берсин.*

Алқисса, ўғиллари, инилари баҳшининг гапига бир ишониб, бир ишонмай кўчага чиқиб, не қўз билан кўрсинарки, бир шопмўйлов, зар чопон кийган кимса қора қўчкор етаклаб улар томон келаётир. Уни ал-даб-сулдаб орқасига қайтариб юбормоқчи бўладилар, лекин у ҳадеганда кўнавермагач «аччиқ ҳақиқатни» айтишдан бошқа иложлари қолмайди. Ҳалиги муриданнинг ранги бир оқариб, бир қизариб ўтириб қолади ва «астаҳфуруллоҳ» деб юборади.

Ҳакимбаҳши узоқ вақт онасини кўрмай соғиниб дуоларини бир олай деган эди. Баҳшининг онаси ҳам шол бўлиб, оёқ-қўли ишламас эди. Улар ёнма-ён хоналарда яшашар, аммо ҳафталаб, ойлаб бир-бирларини кўришмасди. Ораларини биргина девор ажра-

тиб туради. Улар бир-бирларини кўришлари учун кимлардир у ёки бу хонага кўпчилик бўлиб кўтариб чиқиши керак бўларди.

Онаизор асли соғлом бўлиб боласи ётиб қолгандан сўнг Паҳлавондай ўғлим ер босмай тўшакка михла-ниб ётадио мен уни кўзини куйдириб гурсиллатиб ер босиб юраманми? – деб у ҳам ётиб олди.

Соғлом оёқлар ҳаракатда бўлмаганилиги сабабли шишиб тез орада ишламай қолди. Нега шундай қилдингиз деб сўраган яқинларига шундай дерди:

*Юрагимга ин қурди алам,  
Фавворадир кўзларда жолам.  
Кун кўрмаса ер босиб болам,  
Ул босмаган ерни босмайман.*

*Ёстиғим тиф бўлиб ботодур,  
Қучогумда армон ётодур,  
Тириклигум энди хатодир,  
Болам босмас ерни босмайман.*

*Алномишим, сумбатим девдим,  
Туя мудрап келбатим девдим,  
Суянганим давлатим девдим,  
Ул босмаган ерни босмайман.*

*Юпатмагил, бекарор шамол,  
Энди келар орзу ҳам малол.  
Ўғлим мунгли, кўзлари бир ҳол  
Болам босмас ерни босмайман.*

*Нола қилгум шомдан тонгтacha,  
Шамим ўчар бўлса бир кечা,  
Боролмаса қабристонгтacha,  
Ул босмаган ерни босмайман.*

*Қандай чиғаб турибсан, дунё,  
Ёмонарни сүйібсан, дунё,  
Сүйгандан дарғ бердингми, худо,  
Үғлім босмас ерни босмайман.*

Ұғлини дардидә күя-күя онаизор тез орада оламдан үтди. Жанозага бутун қишлоқ күчиб келди. Қишлоқнинг барча эркаклари тобутни күтариб қабрисстон томон йўл олдилар. Биргина эркак – Ҳаким баҳшигина уйда қолиб, зор-зор қақшади.

Тирик туриб, яна ўғил бўлатуриб, онасини сўнгги йўлга кузата олмагани учун ўзини сира-сира кечира олмас эди. Хотин-ҳалажларга қараб кўзини ёшлаб, кўнглини фашлаб фарёд солаверди:

*«Сиз билан шоҳонаман,  
Бошимда тождорим онам».  
Бутун эди бағрим сиз билан  
Дилкаш йўғу борим онам.*

*Азобларда боқиб мени  
Бардошингиз гуллади.  
Кунингизга ярамаган  
Болагинангиз шулмиди?*

*Ўғил бўлиб нима қилдим?  
Ўлтирибман мўлтираб.  
Юрагимда тошар армон,  
Кетар энди ўлдириб.*

*Аччиқ-аччиқ бўзлайдурман  
Мадорим йўқ жавдираб.  
Бемавриq бу ўлимлардан  
Жон-жаҳоним қовжирар.*

*Мен талтайиб ўтирибман  
Бегоналар тобуткаш.  
Бу исноддан ўлсам эди,  
Дунё, бунча бағринг тош?*

*Үфил бўлиб нима қилдим?  
Ит боқсангиз бўлмасмиди?  
Чопиб борса қабргача,  
Тузингиз оқлармиди?  
Армонлар қолмасмиди?  
Чорасизман, қакшаайдурман.  
Танамда жон қолмади,  
Сўнгти йўлга кузатишга  
Тирик туриб бормадим,  
Үфил бўлиб бормадим.*

Шу воқеа бахшининг юрагида улкан армон бўлиб қолди. Йилларни қувалаб йиллар кетди. Чорасиз дард жондан ўтди. Бахши ўлимига мингдан-минг рози бўлиб, яратгандан қазосини ёлбориб сўради.

Тез кунда бахши тилаги ижобат бўлди.

## ТАРЖИМАЛАР



**Амрита Притам  
ҲИНДИСТОН**

### **ЎЗГА АЁЛ**

Қовоғимдан ёққанида қор,  
Вужудимда гуллади анбар.  
Булутларни шамол бағрига  
Аста бөг-бөг қилиб боғладим.  
Мангуликка нақш этдим сени.  
Сен ва менинг соямыз узра  
Аёл келиб бегам ухлади.  
Бу унинг бир мажнунлигими?  
Бошоқларни бўлишдик биз ҳам,  
«У» табиий эди,  
иккимизни қониқишимиз  
Аёл макри афсонаси  
Ўтмишларда қолган эски гап...

### **БОШҚА ТАСВИР**

Мен бор эдим, балки сен ҳам мавжудсан,  
Соя ичра рақс тушаётган сояман –  
Сен ҳам қай рангдаги соясан балки,  
Зулматнинг қўйнида тун парчалари,  
Аммо у воқеа буткул тарихий...  
Тун ва дарахтларнинг қора чодири  
Шарпамиз яшириб бўлгандир либос  
Ва қуёш нури тушиб тонг саҳар,  
ўтиб кетди вужудимииздан  
ва боқий тошларга мангу чизилар.  
Фақат вужудгина ойнинг ўроғи,  
Бу оламнинг ўзга сувратидир.  
Яшил рангни тўлдирап япроқлар,

Сут рангида эди булут либоси,  
Гуллар ҳам оқ, қизил турли тус олди  
Осмон ҳам чалқанча узанди қўкка,  
Тасвир бу ўтмишда қолган санъатдир...

### **БОШҚА АСАР**

Мен бир малак эдим самодан тушган,  
Сув тусига кирмоқ эди тилагим.  
Оташдек фош бўлмоқ сенинг тилагинг,  
Сўнг оташ жилvasи сувда балқиёди.  
Аммо у бутунлай ўтган гап эди.  
Мен бир тупроқ эдим, чанқофим  
Дарёнинг сувини ичиб қуритган,  
Менинг орзуимнинг яшил орзуси  
Сенинг ўрмонингни бир ямлаб ютган.  
Менинг тувақдаги фамгин ниҳолим  
Хушбўй ҳидларингдан беҳуш, маст эди.  
Кўм-кўқ орзунг, гўзал умидинг  
Тупроқ тўшагида бегам ухлайди.  
Бу икки вужуднинг хушбўй иси эди  
Ва бу ҳақиқатнинг ўзга асари эди.  
Дунё асари ўтмишда қолган асардир...

### **БОШҚА ХОТИРА**

Вужуд хотирасидан тортиб,  
Вужуд обрўсигача мен эдим.  
Вужуд ҳуснидан тортиб,  
Вужуд ишқигача сен эдинг.  
Мен бир мангаликнинг илми эдим,  
Менга сабоқ берган эзгулик берган  
Сенсан, мангаликнинг илк тантанаси.  
«У»ни тан олган қўрқувдан ҳолидир  
Менинг, сенинг ва «у»нинг ҳаёти.  
Инсон хотираси мозийда қолган  
Ҳаётнинг чўнг тасвиридир...

## **БОШҚА КИТОБ**

Мен бор эдим, балки сен ҳам бўлгансан,  
Балки бир нафаслик оралиқдамиз.  
Балки бир лаҳзалик зулматда эдим,  
Кўчасига кирдим одамийликнинг.  
Аммо у бутунлай тарихий гапдир,  
Борлигимиз эди бу иккимизнинг.  
Дунёнинг тилига айланган китоб.  
Мени билишлари мангаликка доҳил,  
Сени билишлари доҳил абадиятга.  
Улар бошқа бир тиlda китоб ёздилар  
Ва олиб кирдилар адабиётта.  
Дийдорлашув эди бу иккимизнинг.  
Ухладик қаттиқ тош тўшакда  
Ва кўзу лабимиз бармоқ, бўғин ҳам  
Вужудимиз менгзар абадиятга.  
Улар тилмоцидир ўзга китобнинг  
Ригеда мозийда қолган асардир...

## **АМРИТА ПРИТАМ**

Дардларим бор эди,  
Уларни папирос чеккандек чекдим жим.  
Шеърларим бор эди, уларни  
Папирос кулидек тозалаб ташладим.

## **МЕНИНГ МАНЗИЛИМ**

Бугун мен ўз уйим рақамини  
ўчиририб ташладим  
Ва кўча номин ҳам  
олдириб ташладим пештоқдан.  
Кўчамга олиб келувчи барча  
йўлларни ташладим бузиб.  
Аммо агар сизга мен керак бўлсам,  
Унда ҳар мамлакат, ҳар бир шаҳарнинг  
Ҳар кўча дарвозасин таққиллатинг,  
Бу бир қарғиш, бу бир дуо ва қаердандир  
Озод рух ялт этиб қўринса кўзга,  
Билингки бу менинг уйимдир.

## **БОШҚА ҚЎШИҚ**

Мен бор эдим, балки сен ҳам бўлгансан  
Чексиз бу сукунат ҳокимлигида.  
Сўлиган япроқлар каби тўкилган  
Ё дарё сатҳида эриган қумдек.  
Аммо у бутунлай қолиб кетган гап...  
Кўча муюлишидан чақирдим сени,  
Сен қайрилиб жавоб берганинг кезда.  
Шамолнинг бўғзида бошланди титрок,  
Тупроқ ҳам бир шовқин кўтарди тўзиб.  
Ва дарё шивирлар ими-жимида,  
Дараҳтнинг шохлари бирлаша бошлар.  
Барглар ноласида чинқириқ  
Ниҳоллар кўзларин қисади тажанг.  
Бир қуш қанот қоқди, бу қанот қоқиши  
Илк қўшиқ эди мен тинглаган.  
Еттита товушнинг бирлашуви бу,  
Ўтмишларда қолган жуда эски гап...

## **БОШҚА ДИН**

Мен сени кийганимда,  
иккимиз танамиз эътиборда эди.  
танамиз гул каби тўкилди  
ва қурбонлик учун тортиқ этилди..  
сен ва мен қурбонлик олови бўлдик,  
сен ва мен бир ҳушбўй ҳилқатмиз  
исмимиз пичирлаб лаблардан  
чиққан ибодатнинг муқаддас сўзлари,  
диний афсоналар ўтмишда қолган гап...

## **СУКУНАТНИНГ ЖАЗОСИ**

Мудроқ шу тунда  
парчалаб ташлади кимdir бир қалбни,  
бу барча ўғрилиқдан даҳшатли эди  
ўғрилик белгиси ўлтирибди у.  
ҳар бир юрт,  
ҳар шаҳарнинг ҳар кўчасида  
аммо ҳеч ким уни кўрмас, на-да титрайди.  
занжирбанд бир итдай вакилайди у,  
кўпдан бўён бирор шеърини айтиб.

*Сварнжит Севи,  
ҲИНДИСТОН*

\* \* \*

Сенда яшасайдим  
тош каби тўниб.  
Шаббода қучгандек  
бир гул танасин.  
Шамол шарпасининг  
Муножотидай,  
Харобанг, кошкийди,  
этсайди насиб.  
Яшамоқ истайман  
сарғайган гиштлар  
Ортига кўмилган  
асрий ниодадай.  
Токчангдаги маюс  
ишиқ, ва фам тўла  
Китобдай яшасам  
бўлиб зиёда.  
Нозу фирогингиз,  
оташларингиз  
Сенинг кўзларингда  
Яшаш беҳуда.  
Оҳу зорларингга  
яшринган сирдай,  
Бир сўз тополмадим  
кўнглингни ҳушлаб.  
Яшамоқ истайман,  
булут ва тошда,

Мозийнинг бетакрор  
шаклига дўниб.

Яшасам вужудинг  
лаҳжаларида,  
Самовий оҳангнинг  
оғуши бўлиб.

\* \* \*

Қачонки мен сени  
Учратсам, гулим,  
Кўраёттандирман  
энг сўнгти бора.  
Жарлиқда турасан  
гўё омонат,  
Йўқотиш таҳлика  
олар тобора.  
Хайратлар ичида  
бир норастадай  
Яна ҳузурингта  
келаман қайтиб.  
Худди ўлимингдан  
олдин сўнгти бор  
Сени кўриш учун  
келгандай етиб.

\* \* \*

Күзларинг ўз шаҳзодасини  
Тушларида кўриб кутади.  
Нигоҳларинг экилган йўлга  
Орзулар маст қадаҳ тутади.  
Айттил, мен қай ломакондаман,  
Ўралганман қобифимга ўзим.  
Бу тақдири азалнинг ишин  
Ким ҳам тафтиш қила олар? Ким?  
Сен ўзингни асрарин, гулим,  
Ваҳимали деворларимдан.  
Даҳшат тўла эшиклариму  
Ожизгина дарчам раҳидан.  
Сенга баҳтни ҳадяга этарга  
Менда на куч, на-да бор имкон.  
Менга тегма, бугун ё эрта  
Гуноҳингта қолгувчи зотман.  
Балки ундай эмасдурман,  
Бошқачароқман.

\* \* \*

Она дарё!  
Сен бунчалар тоқатлисан.  
Ўзингни бутазорга, ўрмонзору  
Флораларга баҳш этасан, баҳш.  
Биз эса сенинг яхши-ёмон фарзандинг бўлиб,  
сувларингга соламиз заҳар  
Ва уни ичиш учун кейин тозалаймиз —  
Сув ҳаёт манбаи бўлган деб.

\* \* \*

Севги наҳрида яна  
Етти уммонда суздинг.  
Эҳтирос ва соғинчинг  
Бутун оламни бузди.  
Кейин-чи? Сен айландинг  
Бахту бекам аёлга.  
Дардингга шериклиқдан  
Мен маҳрум бир одаммман.  
Ўз севгингни нур қаби  
Заминга ёғдуурсан.  
Мўъжизага дўнмадим,  
Эсимдан оғдуурсан.  
Айландинг бир армонга,  
Эски дардларни унут.  
Мен қадрига етмаган  
Кунларингга аза тут.

\* \* \*

О аждодларим!  
Сизларким ўлимни  
севган зотларсиз.  
Бу ижодга мени  
қилурсиз даъват.  
Бу ижод қўрқищдир  
ўлим олдидан,  
У вақт дарёсида  
сузади ҳайҳот.  
Эй момонт, тезлаштири  
ўз юмушингни  
Қанча ижод қилдим,  
ўтмади тишим.  
Сенинг чангалингдан  
қутимлоқ учун  
Қанчалар чирандим,  
етмади кучим.  
Сен бир мўъжизасан  
авжланар бу сир,  
Ношуд ижодкорман,  
тилагин тўзим.  
Охират, бу – замин  
ўйнолмаган рол,  
Яратувчиликнинг  
даҳоси ўзинг.

\* \* \*

Сув томчилари тинимсиз томиб,  
тошларнинг устига тушиб,  
намлайди уларни  
ва қоплар тошларни яшил қўрпалар,  
Улар кўзга кўринар-кўринмас  
яшил барглар чиқара бошлар,  
Балки гуллаб кетар.  
Улар чиндан тошлармикан?

## ДАРЁ

Қандай бетоқат ва жонсарак бу дарё,  
Сувларни, тошларни силаб ҳайқирап.  
Оний из қолдирап уларда.  
Уларнинг кўпирган сувлари  
Силайди тошларнинг юмалоқ бошини  
янада силлиқроқ қилиш учун,  
тошлар-чи? Томчилар меҳридан эриб кетгудай.

\* \* \*

Мен қўрқадиган нарса, бу — сен эмас,  
руҳий тушкунликдир, руҳий тушкунлик.  
яшайман беқарор туйгулар ичра,  
улар менга эргашиб юрар,  
мен яшайман улардан қочиб.  
Тушкунликка тушган лаҳзадан кейин  
ўлимга ўхшаган недир ҳар куни  
Эҳтиросларимни кемира бошлар...  
лекин улар менга  
қудрат баҳш этар.

\* \* \*

Сенинг исминг тилга олганим маҳал  
бутун башариятнинг чексиз  
муносабатлари бўлади пайдо  
ва чексиз маконнинг 360 бурчидан  
чиқиб келасан сен тубсиз қоронгулиқдан,  
портретда ранглар мавж ураётгандек  
ҳамма мантиқдан ва эҳтирослардан  
Келасан устун.  
борлигингни қамраб олмоқ истайман.  
Бунда менинг кўзларим, нигоҳларим  
анъанавий торлар узра рақс тушиб кетар.  
Мен янги воситалар излайман,  
лек унда сен қачондир муҳрланиб қолгансан,  
яна ким билади.  
Сени ўз измига солмоқ истар портрет.  
Истагим яратётган бу аёл сен эмас,  
Балки бенуқсон бир малак  
сиймосида кўринган бу сен.

*инглиз тилидан  
таржималар*

**Ислом Туркай**  
**ТУРКИЯ**

\* \* \*

Шу совуқ ҳавода,  
томнинг остида  
Сени ўйлаурман яна мен афгор.  
Икки букиламан фамнинг остида,  
Нурли кунлар бўлсин сенга талабгор.  
Сени ўйлаурман, билмам қайдасан,  
қандайсан?  
Балки бошинг узра қор ёғар.  
Руҳимда, туйғумда кечакундуз сен,  
Сени ўйламоқлик оғирдан-оғир.  
Кўчада айланар қор бўғоноги,  
Айланар, айланар, ёдимдан ўтар,  
Кўр қайдан айланар,  
Кўр кимдан ўтар,  
Бу совуқ ҳавода,  
Танҳо хонада.  
Сиқиб парчалайди тўрт девор мени,  
Бир куй айланади, ёнар дудоғда.  
«Ким йўқотар мени, ким топар мени»  
Гўё юрагимни осарлар дорга.  
Юрагим ишқимдан осилиб қолар,  
Бутун йўлларимни тиқарлар гўрга,  
Умидлар гумонга айланиб қолар.  
Шу совуқ ҳавода,  
Томнинг остида,  
Сени ўйлаяпман яна мен абгор.  
Икки букиламан фамнинг остида,  
Ёруғ кун тилайман сенга мен абгор.

## **СЕВГИМ МЕНИНГ ФАНИМ БҮЛДИ**

Менга қолган оғриқ аччиқ,  
Севгим менинг фаним бўлди.  
Ишқим мени дор оғочим,  
Севгим менинг фаним бўлди.  
Қояда биттан чинорим,  
Ер қатидир шошган жойим  
Қиличдек кесдим қиним,  
Севгим мани фаним бўлди.  
Кўкрак кердим тўфонларга,  
Умид боғладим баҳорга,  
Орзуларим осди дорга  
Севгим менинг фаним бўлди.

\* \* \*

Соям ўзимдан катта,  
Сояси улкан бўлганлар –  
Боламикан?

Тоғлар ўзимдан катта  
Кўзларимга қандай сиғар  
Ботирмикан?

Ёруғликни кўрган қаби,  
Соялар қочар яшриниб,  
Қочоқмикан?

\* \* \*

Йиқ менинг уйимни  
Қардош қора тош.  
Мен сенинг учун йигладим.  
Бу күн учун, тонг учун,  
Кечаги күн учун йигладим.  
Сен қай куни синдириңг  
Күнглим панжарасини?  
Келтирдинг тұлқин-тұлқин,  
қип-қирмизи сасини.  
Мендан күзимни олдинг  
юрар тизимни олдинг,  
кескир сүзимни олдинг.  
Бош сеники,  
Хуш ўзганики.  
Оғиз сеникидир,  
Тиши ўзганики.  
Умр сеникидир,  
Мени ҳам ўз кунингга сол.  
Алмаштири бошимни,  
Алмаштири хүшимни,  
Алмаштири тишимни,  
Алмаштири ишімни,  
Бир куни вақт келар,  
Усиз ҳеч не ўзгармас.  
Фақат рангларни күрган  
Күзим гүзәлдір,  
Бүзимдан чиқмаган  
сүзим гүзәлдір,  
бир умрлик түзим гүзәлдір,  
Боқ шундай,  
Йиқ мени уйимни, қардош —  
Кора тош.

## **ОЙХОННИНГ САВОЛЛАРИ**

Ота, бу ерда ётарсан,  
Кўзлар қошнинг соясинда.  
Ақл бошнинг соясинда,  
Овқат тишининг соясинда.  
Орзу ишнинг соясинда,  
Ер қуёшнинг соясинда,  
Сувлар кўкнинг соясинда,  
Яхши, унда менга айт-чи?  
Қуёш ненинг соясинда?..

## **СОЯЛАР**

Яна кўксим ёнди, сийнам ўт олди,  
Келтиридим кўкларнинг рангин сасини.  
Бу кеча менимла сўзлашди соям  
Ёздим сояларнинг фожеасини.  
Дўстларнинг кўпидан вафолидир у  
Ҳамиша ёнимда, менга таянар.  
Дунё ишларидан хабардордир у,  
Орқамдан эргашар, ўтимда ёнар.  
Ҳасрат бор нурларнинг туғилишидан,  
Кўрганда яшринар уялган каби.  
Бўй чўзиб оқариб суқилганда тонг  
Нурнинг орзусида мен ёнган каби.  
Бордир соясига бўйин этганлар,  
Соя бор, ўзини инсон санайди.  
Юзимга сўзини айттолмаганлар  
Орқамдан соямга қилич солади.

## **СЕНГА НИМА ҚИЛДИМ?**

Сенга нима қилдим? дейман күнглимга,  
Ахир, сен туфайли кечганман ўтдан.  
Фақат юрагимни асрамоқ учун  
Үзлиқдан кечганман, кечдим субутдан.  
Сени бир нур билиб, учдим, елингга,  
Алдандим алдоқчи, ялтоқ, сурларга.  
Ишондим сўзига, тушдим қўлига,  
Мендек оворалар изфир чўлларда.  
Ҳамон умид яшар, қайттум ўзимга.  
Яхшиям, найим бор, ёлғонлар ёлғон,  
Оёқ остидаги бир тош ҳайкалман.  
Фақат қалбимгина соғ-омон қолган.  
Ҳар қадамда менинг жоним оласан,  
Бегона кўзида ёшга айландим.  
Малак либосида қора ёлғонсан,  
Қаршингда ҳасратдан тошга айландим.  
Яшайвер, юрагим, шу тош қафасда  
Ўзим ўз ичимда тутқунман ҳамон.  
Тушиб орзуларнинг қўлига аста,  
Хаёллар бағрида уйгоқ бир замон,  
Сенга тош керакми сарҳад қуришга?  
Қўлларим тош қотди берганман сенга.  
Тегмагин, паноҳим — бир юрагим бор,  
Тош қотса инонки тоғни йиқитар.

*турк тилидан таржима  
1988 йил*

# ЛАТИФ СУҲБАТЛАР



## **ЛАТИФ СУҲБАТЛАР**

Ассолому алайкум, азиз юртдошлар!

Агар кўнглингиз кенгликларга талпинса, ҳақиқат шуъласидан ўзингизни топмоқчи бўлсангиз, содик дўст, самимий сухбатдошга ташна бўлсангиз, латиф сухбатимизга дилдош бўлинг.

Қадрли дўстлар, латиф сухбатлар эшиттиришимизнинг бугунги меҳмони шоира Ўқтамой бўлади. У Наманганда туғилган. Наманган Давлат Университетини тамомлаган. Оиласи, фарзандлари бор. Шоиранинг «Софинч қушлари», «Сабрга суюниб», «Оққуш излари», «Томаётган кўнгил» каби ўнга яқин шеърий тўпламлари нашр этилган. «Йиглаётган юрак» китоби инглиз ва ҳинд тилларида Ҳиндистонда чоп этилган.

— Ўқтамой, студиямизга хуш келибсиз, сизни шоира сифатида таниганман. Адашмасам, бу 80-йилларнинг бошларида эди. Умуман, шеъриятга кириб келишингиз анча эрта бошланган. Неча йиллардан буён ижод қилиб келаяпсиз? Нима учун шеър ёзаман деб ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Ким нима учун ёзади билмадим-у, мен баъзан кўнглим ошуфта ҳисларга ошна бўлганида, баъзан тўлиб кетганида, дардларимни кимга айтишни билмайман, фақат угина ишончли дўстим, сирдошим, дардошим деб биламан. Нафақат у менинг дилдошим, вақти келганда, аламларимни ҳам ундан оламан.

— Халқقا етказиш учун қайсиdir маънода шеър юрагимизнинг призмасидан ўтиб етиб бориши керак ва сиз шеър ёзаётган пайтингизда буни халқ қандай қабул қиласди деган ҳаяжонли ўйлар хаёлингиздан кечадими?

— Буни ҳеч ўйлаб кўрмаганман. Дунёдаги одамларнинг қайсиdir туйгулари бир-бирига ҳамоҳанг бўлиши мумкин-ку, кимнингdir дард-ҳасратлари сизники билан уйғунашиб кўнгилларига таскин бериши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ана шундай ҳоллатлардагина, ўқувчи сизни қабул қила олади. Мен шеър ёзганимда бировга ёқармикан, мени бошқалар қандай қабул қилишаркан деб бирор марта ўйлаб кўрмаганман, чунки кўнгил менинг мулким, мен унинг қулиман. У нимани буюрса, шуни ёзганман. Ёлғон нарсалар тўқиб, жимжимадор шеърлар ёзиш қийин иш эмас, аммо бу менинг қўлидан келмайди, деб ўйлайман.

— Умуман, шеъриятда мана буни услуби, мана буни йўли деб кўп ишлатамиз. Сиз ҳам шеъриятда ўз ўрнингизни топа олдингизми?

— Агар ўз йўлимни, услубимни топдим десам ёлғон бўлади. Ижод шундай нарсаки у тинимсиз изланишни талаб этади. Изланишдан тўхтаган куни ижодкорнинг тугагани. Ҳаётдан кўп нарса ўрганиш керак албатта, лекин ижодкор одам ундан керакли хуроса ҳам чиқара билиши керак.

— Шеърларингизни ўқиб, кўнглимга бир гап келди. Улардан соғинчнинг ҳиди келади. Шеърларингиз бошидан-охиригача шаффоф бир ипга чизиб чиқилганга ўхшайди. Баъзан соғинчиларингиз чуқур берилаған, баъзан кўз ёшларга йўғириб берилган. Кўнглингизга соғинч деган туйфу шунчалар яқинми?

— Инсон ҳаёт экан ҳамиша кимниdir, ниманиdir соғиниб яшайди. Мен қишлоғимни тарқ этганимга йиғирма йилдан ошган бўлса-да, ҳамон унинг сўқмоқ йўлларини, теракзорларини соғинаман, Мени йўлларимга интизор бўлиб кун санаётган онажонимни соғинаман, мени соғинганларни соғинаман, хуллас, соғинавераман, соғинавераман. Кимдиr ўзининг бирор яқинини жуда кўргиси келиб кетса соғинчлари кўз

ёш бўлиб оқар, шоирнинг соғинчи эса, шеърларига томса, не ажаб. Бу ҳеч қачон ўлмайдиган, инсоний туйғу бўлса керак. Аввалги йили чиққан китобимни номини «Томаётган кўнгил» деб қўйган эдим. Кўнгил ўз-ўзидан томмайди, қачонки соғинчлар сел этганда ёки дардларинг дунёингга сифмай қолганда томади.

— Албатта, инсон изтиробда шеър ёзадими, ёки бошқа пайтларда ҳам ёзса бўладими?

— Бирорга айтадиган зарур гапинг бўлмаса, дардинг бўлмаса, нима қиласан бирорни йўлдан тўхтатиб. Бу борада Бобораҳим Машрабнинг «Дилда дардинг бўлмаса, Дил дафтаримни кавлама» фазалидаги бир байтни эслаш кифоя қиласди. Тўғрисини айтадиган бўлсам, нимагадир яхши кунларимда шеър унча эсимга келавермайди. Баъзан шундай кунлар бўладики, дардларингни кимга айтишни билмай, қора туманлар ичида қоласан. Шунда шеър ёрдамга келади. Демак, у ижодкорнинг ҳалоскори ҳам экан. Дараду ҳасратларингни бирорга айтсанг, устимдан кулмасмикан деб ўйлайсан ёки кимнидир сени тушунмай қолишидан қўрқасан. Бундай пайтларда, албатта, ижодкор учун кўнглини бўшатишга ишончли сирдоши — шеъри бор.

— Бир қатор китобларингизни бошқа тилларда чоп эттиридингиз. Буни изланишларингиз, таржималарингиз дунёга қўйилган қадам деб тушунса бўладими?

— Юртбошимиз ҳам куюнчаклик билан асарларимизни таржима орқали дунёга чиқиши вақти аллақачон келганини айтган эди. Шу маънода асарларимиз таржима бўлиб дунёга чиқмас экан, биз ижод аҳли қандай ижодкор эканлигимиздан қатъий назар, тор доирада қолиб кетаверамиз. Ўтган йили мен учун ҳаяжонларга бой йил бўлди десам хато бўлмас. Ҳинҷ диёрида бир неча Халқаро шоирлар фестиваларида қатнашиш шарафига мұяссар бўлдим ва шеърларим яхши баҳолангани сабабли, у ерда китобларим босилиб чиқди.

— Жаҳон фестивалига борганингизда, албатта, у ерга бутун дунёдан ижодкорлар келган бўлса керак. Улар ўзбек шеъриятини қандай қабул қилишди? Бугунги ўзбек шеърияти қай даражада?

— Албатта, бу фестивалда турли давлатлардан кўплаб ижодкорлар ташриф буюришди, бу анжуман жуда кўтариинки руҳида ўтди. Айниқса, модерн шоирлар шеърлари билан барчанинг эътиборини қаратдилар. Жумладан, бизнинг ўзбек шеъриятига ҳам муносабат ёмон бўлмади. Менинг ҳам икки тилда китобимни чиқаришлари балки бунга мисол бўлади.

— Сиз шеър ёзаётган пайтингиз ҳамиша ҳам қофиияга сифасизми ёки сифмай қолган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Илгарилари агар қофиияли шеър ёзмасанг, ҳеч қаерда босиши мас эди. Ҳозир қофиядан кўра туйгуларга йўғрилган шеърлар кўпроқ муҳлислар эътиборини жалб этмоқда. Чунки бугунги кун ўқувчисининг диidi нозик, савияси баланд. Менда ҳам кейинги пайтларда ҳис-туйғуларим қофилярла га сифмай қолаётгандай. «Мен ўзимни кўзларингнинг паноҳига топширдим, бироқ у ерда бирор ифода йўқ ғамхўрликни ифодалайдиган» ёки «сабрларга суяниб қолдим, унга меҳрим зўрлигидан мас, иложимнинг йўқлигидан» каби. Баъзан юрагингдан тошиб келаётган ҳиссиятларингни жиловлаб қофиияга соламан, вазнга тушурман дессангиз сиз бермоқчи бўлган фикр чиқмай қолади. Шунинг учун кўнгил ҳолатидан келиб чиқиб шеър ёзишга тўғри келади.

— Адабиётга ҳар томонлама зарур бўлган бугунги кун танқиҷчилиги сизнинг ижодингизни очиб бера олдими, йўқми?

— Маълум маънода «ҳа!» Аввалги йили «Томаётган кўнгил» китобим чоп этилгандан сўнг бир неча адабиётшунос олимларимиз ўз фикр-мулоҳазалари-

ни билдириб матбуотда чиқишлар қилишди. Айникса, синчи олим Қозоқбой Йўлдош ва адабий танқидчи Адҳам Алимбековларнинг шу китоб ҳақида ёзган мақолаларида шеърларим ҳолатидан келиб чиқиб, ҳис-туйғуларимни қандай берган бўлсам, шундай ҳис этиб, мени ўзимдан ҳам кўпроқ тушуниб, дадрдларимни ҳис этиб моҳирлик билан айтмоқчи бўлган гапларимни кенг мушоҳада қилиб, таҳдил қилиб берганликларидан бошим осмонга етди, албатта.

— Ўз шеърларингизга ўзингиз танқидий кўз билан қарай оласизми?

— Албатта, баъзан бир шеър ёзасан-да, ўзингга жуда ёқиб тушади. Гўё катта бир кашфиёт яраттандек бўласан. Вақти келиб, шу шеърни қўлингга олиб қайта ўқиркансан, бу шеъринг ҳеч нарсага арзимаслигини сезиб қоласан. Назаримда олдинги ёзган шеърларимдан кўра, охирги ёзганларим яхшидай туюлаверади. Кўпроқ мени нимагадир ёзганларимга қоник маслик ҳисси қийнайди.

— Эсингиздами, 80-йилларда Республика семинарига бирга қатнашган эдик. Тўгриси ўша пайтларда ёзган шеърларингиз менга унча ёқмаган эди. Назаримда, ҳозир жуда баландлаб кетдингиз, халқ тан олиши, юракларга яқинлашиб боришингиз. Одатда шеъриятта ёниб кирадилар, аста-секин учадилар, сизда аксинча бўлди. Тутаб кирдингиз-да, кейин пориллаб ёниб кетдингиз. Бунга сабаб нима?

— Ҳа, эсимда! Ўшанда шеърларимни савияси қай даражада эканлигини унча эслай олмайман, у пайт анча ёш эдим. Ёдимда бори шуки, ўша йилларда энг сараланган, яхши деб топилган асарларнигина танлаб нашриётлар қабул қиласарди. Fafur Furom нашриётидан ўша даврларда саноқли шоирларнигина китоблари «Шоирнинг биринчи китоби» остида нашр этилган. Шулар орасида мен ҳам бор эдим. Ҳассос шоир

Шавкат Раҳмон китобим ҳақида илиқ фикрлар билдириб, китобга ўзи муҳаррирлик қилган эди. Яна бир нарсани айтишни истардим, ижодий жараён ижодкор учун энг муҳим омиллардан бири. Ижодкор катта қозонда қайнаши лозим. Барча даврларда бекорга барча ижод аҳли пойтахтларга интилмаган, чунки у ерда ижод қилиш учун муҳит бор. Албатта, ижодкор бўлганингдан кейин, юрагингда тўлиб-тошиб ётган, халқингта айтадиган муҳим дардларинг бўлсада, уни қандай айтишни билмаслигинг мумкин. Дардларингни қандай бериш ҳам катта санъат эканлигини шу муҳитга тушганимдан сўнг чуқур англаб етдим. Ҳалима, қайсиdir маънода ҳақдиrsиз, албатта, чекка бир қишлоқда, қийинчиликларда ўсган, биринчи синфдан то мактабни битиргунича кўргани далаю пахтазор бўлган бир қиз, фақат мактаб дарслеклариданги на адабиётни ўқиган, давр шеъриятидан, жаҳон адабиётидан бехабар, бир ижодни севгувчи бундан ортириб нима ҳам ёзган бўла оларди?

— Яхши шоир учун реклама керакми?

Керак, албатта! Агар Ҳалима Аҳмад гўзал шеърлар ёзиб сандигига солиб қўя берса, уни бирор ўқимаса, уни қандай ижодкор эканини бирор билса, бирор билмаса, нима деб баҳо бера олади. Ижодкорнинг шеърини яхши ёки ёмон ёзаяпти деб айтиш учун ҳам аввало унинг ижодини ўқиши керак, ўқувчи.

— Сўзга муносабатингизни билмоқчидим, шоирлар бор сўзни эргаштириб кетади, шоирлар бор сўзга бўйсунади. Сиз қайси тоифага кирасиз?

— Сўз — муқаддас неъмат. Унинг уволидан қўрқиш керак. У сизнинг даражангизни белгилаб беради. Бугунги кун жаҳон шеъриятини олиб қарайдиган бўлсак, катта ижтимоий фикрларни айтишда ҳам қисқаликка интилинаётганликларини кўришимиз мумкин. Ҳатто бугунги кун китобхони ҳам узундан-узун шеъ-

рларни ўқишига тоқати ҳам, хоҳиши ҳам йўқлиги тобора сезилиб қолмоқда.

— Шоирнинг бахти ёзган шеърлари билан ифодаланадими? Шоиранинг бахти нимада?

— Шоирлик, жунунлик бу оллоҳ томонидан берилган илоҳий неъмат деб биламан. Шоиранинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам ана шунда. Шоирликни қисмат деб қабул қиласман. Бунинг учун қалбимга завқшавқ соглан яратганга шукроналар айтаман.

— Машҳурликка интилиш ижодкорни емиради дейишади...

— Ўзини билган ижодкор ҳеч қачон мувафақиятлардан ҳаволаниб кетмайди. Машҳурликка интилишнинг ҳам ёмон томони йўқ, агар у қўлингиздан келса, ўзингизда нимадир борлигини сезсангиз.

— Бугунги шеърият ҳалқимиз маънавиятига хизмат қила оладими?

— Албатта, Шеърият қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, инсонларга маънавий озуқа беради. Уларни маънавий дунёларини бойитишга хизмат қиласди. Бир қараганда, шоир гарчи ўз дардини ёзгандек туюлса-да, бир пайтнинг ўзида бу эл дарди ҳамдир. Чунки ижодкор ҳам шу ҳалқнинг бир вакили, бир бўлаги. Ўз элини шодумон, фаровон кўриш ҳар бир ижодкорнинг орзуси.

— Истакларингиз?

— Истардимки ҳалқимизнинг қўнглига ҳамиша қўшиқ сифсин, шеър сифсин. Шеъриятимиз фақат эзгуликка хизмат этса, бизни қўнглимизни тушунадиган, дардларимизга ошно бўладиган мухлисларимиз кўпайса.

*Ҳалима Аҳмедова, шоира  
«Латиф сұхбатлар»  
эшиктиришининг бошловчиси  
2009 йил. Тошкент*

## ДИЙДОР

*Азиз дўстлар! Биз яна «Дийдор» кўрсатуви орқали сизлар билан дийдорлашиб турибмиз. Биз бугун ўз кўнглини томиб тутаган кўз ёшга, ўзини эса кўнгил синикларини бир-бир тераётган кўнгил эгасига қиёслаган шоира – Ўқтамой билан Сизларни яқиндан танишиштормоқчимиз. Шоиранинг бир нечта китоблари нашрдан чиққан. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Ҳозирги кунда «Қишлоқ ҳаёти» газетасига хизмат қилади.*

— Ўқтамой опа, бир устоздан шогирди келиб «шеър нима?» деб сўрабди. Устози унга «Шеър – дуо» деб жавоб берибди. Шеъриятни, туйгуларни ҳар бир инсон ўзича кашф этиши мумкинми?

— Менимча, шеър бир юпанчик, баъзан кўнглинг тошиб кетганда, дарду дунёинг қоронгулашиб, дардларингни кимга айтишни билмайсан. У бир суюнчик. Шундай пайтлар бўладики, ёнингда суюнадиган одаминг қолмайди. Ана шундай лаҳзаларда шеърга суюнган пайтларим кўп бўлган.

### **Кадрда шоир Азим Суюн:**

— Шеъриятда дадил қалам тебратиб келаётган, ўзининг ўқтам овозига эга бўлган Ўқтамойни яхши биламан. Унинг шеърларини, тўғриси, севиб ўқийман. Унинг шеърларида образли, бадиий ташбеҳларни ўз ўрнида ишлата билишлик хусусияти бор. Ўқтамойнинг кўзи ҳеч бир шоирнинг кўзи илғамаган ташбеҳларга тушади ва ана шундай ташбеҳларни топади.

**Бошловчи:** — Ижодкорнинг баҳт ва баҳтсизлик ўртасида унган умид гулига ўхшатаман. Шоир шеъри билан сизнинг кўнглингизга кириб боради. У сизнинг

қувончингиздан қувонади, ғамларингизга шерик бўлади. Ҳар бир лаҳзани яшаб ўтган кўнгил эгаси сизни ўз ашъори билан хаёлотининг рутубатли лаҳзалари ни ўтказиб, ёруғлик сари олиб боради. Бирдан атро-фингиз ёришиб кетади. Шоира шеърларидан кўнглин-гизни, ўзингизни топасиз.

— Суҳбат бошида айтиб ўтдингиз ўн беш йилдан буён шеър ёзмай қўйғандим, тўхталиш, узилиш бўлиб қолди деб. Бундай ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Бу руҳий бир ҳолатми ёки бошқа бир сабаблари борми? Лекин яқиндан бери Республика матбуотларида эълон қилинаётган шеърларингизни ўқияпман, кетма-кет «Оққуш излари», «Сабрга суюниб» шеърий тўпламларингиз нашрдан чиқди.

Айтинг-чи, ижодкор узоқ танаффусдан кейин ҳам ўзини кўнглини топиб, ўз айтар сўзини айтиб кетиши мумкинми?

— Озода шу ўн беш йил ичида шеър ёзмадим, шеърятдан узоқда яшадим десам ёлғон бўлади. Мен шеърларимни гарчи қофозга ёзиб бировга кўрсатмаган бўлсан-да, уни ҳар кун хаёлларимда ёзиб кўнглимнинг бир четларига яшириб қўяр эдим. Ижодкор бўлгандан кейин кўнглингдаги ғаму шодникларни ифодалагинг келади. Баъзан менда шундай жараён кечади, кўнглим безовталаниб изтиробга тушган пайтларим ё йифлаб олишим керак, ё шеър ёзиб кўнглимни бўшатишим керак. Шеърият шундай бир жараёнки баъзан бировларга эргашасан, баъзан кимларгадир ўзинг билмаган ҳолда тақлид қиласан. Ана шу нарсаларни ўн беш йил ичида ўзимда синаб кўрдим. Шу йиллар ичида ўзимни топдим, йўналишимни топдим, деб ўйлайман.

*Юрагимда бир гарё оқар,  
Эшишилмас ҳайқириқлари.  
Тошаверар паймона мисол,  
Бошланади дил оғриқлари.*

*Соҳилларга урилиб тошқин,  
Оқизади гунг тошларини.  
Сувда сузган бегам оққушлар  
Тўлқинларнинг сирдошлариму?  
Жиловолмай қолгум бир куни,  
Тоқатларим бир-бир йиқади.  
Ўзанини узиб бу гарё  
Кўзларимдан тошиб чиқади.*

### **Кадрда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Ҳамбарова:**

— Мен Ўқтамойни 1990 йил Ўз.Твда илк бор иш бошлагандан буён биламан. Ҳамشاҳар бўлганимиз учун бўлса керақ, ёки бизда бироз ўхшашик бор учунми кўнглимиз яқин. У Твда етакчи мухаррир бўлиб кўплаб кўрсатувлар тайёрлади. Яхши-яхши кўрсатувлар муаллифи бўлди, ўзи шу кўрсатувларга мухаррирлик қилди. Ундан ташқари, эфирга чиққан пайтлари олдимга келиб матнларни ўқиб берарди, камчиликлари бўлса айтардим. Мен уни шеърларини яхши кўраман. Шеърларини ўқисангиз ҳаммаси юрақдан ёзилган. («Ишонмай қўйдим» номли шеърни ўқиуди).

— Ҳаётдаги йўқотишлар, изтироблар, аламлар ижодкорга куч бағишлай оладими?

— Агар шеър юрагингизни қонатиб, кўнгилдан чиқмаса, муҳлислар юрагига ҳам етиб бора олмайди. Изтироблар ҳам маълум маънода ижодкорга таъсир таъсир ўтказади. Инсон қанча кўп рутубат, изтироб чекса, юракнинг нозик толалари шунча пишиб йўғонлашиб бораверар экан. (шеър ўқилади)

**Бошловчи:** — Шоиранинг шеърларини ўқиганингизда сўзлар орқали чизилган кўнгил сувратининг гувоҳи бўласиз. Унинг туйгуларида ясамалик, зўрмазўракилик йўқ. Ижодкор шодлигини ҳам, ғаму дард-

ларини ҳам күнглиниң ҳаёти бўлган шеърларида мөхирона ифода эта олади.

Кадрда шоира — Инсон бир умр эртакларга, мўъжизаларга ишониб яшайди. Ҳаётда қандайdir фойибдан бир мўъжиза юз беради-да, ҳаётинг тубдан ўзгариб кетадигандай. Тошкентта янги келган пайтларим жуда тортинчоқ, уятчан эдим. Ҳаёт инсонни пишишиб ўз қолипига солиб қўяр экан, ҳозир ҳиссиётлардан кўра ақлга кўпроқ суянаман, сабрга суяноман. Бир шоирнинг гўзал бир шеъри ёдимга тушиб қолди.»Айрилиққа дуч келиб, Ювош тортиб қолдилар» дейди арслонлар ҳақидаги шеърида. Қаранг, шундай шижаатли, йиртқич ҳайвон ҳам айрилиқ туфайли ювош тортиб қолганлигини айтади. Инсон бундан мустасно эмас-ку.

— Шеър ёзиб, ёки шеър ўқиб йифлаган пайтリングиз ҳам бўлганми?

— Ижодкор кўнгли жуда нозик. Бир сўз билан осмонга чиқиб кетади, арзимаган бир сўз билан ерга кириб кетади. Биз атроф-муҳитга, одамларга бепарво бўломмаймиз, балки ўта таъсирчанлигимиз учун ҳам шеър ёзармиз, билмадим. Баъзан ТВ орқали бирор фильмни томоша қилсам, агар у фожеали бўлса, анча пайтгача ўзимга келолмай юраман. Шеър ёзаётганингда дарду аламларингни гўёки бировга айтиб берраётгандай бўласан. Бундай пайтда йифламасдан, шунчаки айтиб бўлмайди. Кўп дўстларим шеърларингда дарду фамлар кўп деб танқид қилишади. Балки шундайдир, лекин мен ўйлайманки, бу фамлар—мунаввар фамлар. Шу фамларсиз ҳам ҳаётимни тасаввур қила олмайман. Бу туйгулар гўё кўнглимни ёритиб, тўлдириб тургандек. Худди неча йиллаб кишанбанд этилган қул кишанга ўрганиб, уни севиб қолгандай. Билмадим, агар кўнглим фамлардан бўшаб қолса, қандай аҳволга тушишимни тасаввур қила олмайман.

**Бошловчи:** — Фарзандларингиз орасида Ўқтамой опанинг уларга ўхшамайдиган жиҳатлари борми?

**Кадрда Оминахон ая, шоиранинг онаси:**

— Ўқтомой ёшлигидан ёзиб-чизишни яхши кўрарди. Хаёли ўқишу ёзища эди. Биз дадаси иккаламиз ҳайрон қолардик, сувга жўнатсак уч соат йўқ бўлиб кетарди, сув бўйида хаёл суреб ўлтириб. Бу даражага етиб келишига бизни ақдимиз етмасди. Қишлоқ шароитида тузукроқ одамлар чиқиши мумкин эмас деб ўйлардик. Мактабда бешинчи синфда ўқиб юрган пайтлари газета, радиоларда чиқиб турага. Дадаси раҳматли бугун қизимиз шеър ўқир экан деб радиони олдига бир соат олдин келиб ўтириб олардилар. Худога шукур, меҳнатлари зое кетмади, қатор китоблар чиқаряпти, ундан одамлар баҳраманд бўлишяпти.

**Кадрда шоира:**

— Ижод заҳматини бўйнингга олиб келганингдан сўнг ҳамма қийинчиликларга рози бўларкансан. Янги келган пайтларим бир ой ичида 7 – 8 та квартирага кўчишга ҳам мажбур бўлдим. То ўзимни топиб, ҳаётимни яхши йўлга қўйгунимча қанча-қанча сўқмоқларни босиб ўтишга тўғри келди. Мени бу ерда бир суюйдиган, қўллаб-қувватлайдиган одам бўлмади. Суянсан ўзимга суяндим, неки кўргуликлар бўлса қисмат деб билдим. Кўп ҳолларда қишлоққа қайтиб кетмоқчи ҳам бўлдим, дийдалари тош бу шаҳарда нима ҳам қила оламан деб. Онам доим «дараҳт бир жойда кўкаради» деган гапни кўп такрорлардилар. Онамга атаб ёзган бир шеъримда шундай мисралар бор эди: «Иложи йўқ кетарга учиб, Кўкармоқда бир дараҳт кўчиб. Нима топди у жондан кечиб, Дилафгорлиқда». Шу маънода қишлоққа қайтиб борсам, эшитганлар нима дейди, ахир, катта умидлар билан, қанча нарсадан кечиб бу ерларга келган бўлсам. Ҳаётда қўлингдан ҳеч вақо келмаслиги ҳам фожеа экан. Лекин ўзим-


ни кўрсатишим, келажакка ишонишим, ижодимни яхши бир йўлга қўйишим лозимлигини юракдан ҳис этдим. Ҳозир ижод этаман десам ҳамма шароитлар бор, энди халқимизга манзур бўладиган шеърлар ёзиб, эл дардига шерик бўлиш орзу-умидим.

Бошловчи — Азиз дўстлар!

Ҳар нарсанинг муқаддимаси, хотимаси бўлганидек бугунги Сиз билан дийдорлашувимиз ҳам ниҳоясига етди. Инсонни чин дилдан қилган ниятлари янги манзиллар сари, ўзи истаган манзиллар сари олиб боради. Биз ҳамиша яхши ниятлар қилиб яратгандан сизларнинг дийдорларингиздан бизни мосуво қиласин деб бугунги «Дийдор» кўрсатувимизга якун ясаймиз.

*Озода Тўрақулованинг  
«Дийдор» муаллифлик кўрсатуви.  
ЎзТВ, 2006 йил, январь*

# ХАЙРАТЛАР ҮЛКАСИДА



Азиз замондош!

Мен бу сафарномани ёзишдан аввал узоқ вақт ўйлаб, шу нарсаларни ёзиши керакми ёки йўқми деб мушоҳада қилиб кўрдим. Одатда бирор ерга сафарга бориб келган одамдан ёру дўстлари, атроффагилар у борган жойнинг об-ҳавоси, табиати, урф-одатлари ҳақида қизиқиб сўрашади. Шу маънода бироз ёзиши қўлимдан келар экан, мен ҳам сафар таассуротларимни ёзиб ўзга бир олам, ўзга феъл-авторли одамлар, ўзгача урф-одатлар билан юртдошларимни ҳам хабардор этгим, улар ҳам мен билан шу сафарнома орқали саёҳат этишларини истадим.

Мен, асосан, ўзим бориб кўрган жойлар, ўзим иштирок этган турли анжуманлар, турфа хил воқеа-ҳодисалар ҳақида кўпроқ сўз юритганим учун, ўзлигим ҳақимда гап кетганда бироз «чегарарадан чиққан» жойларим бўлса олдиндан Сизлардан узр сўрайман. Чунки бу сафарномани ёзмасликнинг ҳам иложини тополмаяпман. Ҳинди斯顿да чиройли гўшалар, анвойи гуллар, турлича тамойилларни кўрдим. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шуқр қил деганлари дик, у ерга яшаётган минглаб бошпанасиз, юпун одамлар ҳам на заримдан четда қолмади, яшааш шарт-шароитларига гувоҳ бўлдим. Манглайига иссиқларда нафас олиш, ёмғир мавсумларида тиззадан сув кечиш, чанг-тўзонларда осмоннинг мовий ранги кўринмайдиган шахарларда чанг ютиб истиқомат қилиш ёзилган инсонларни кўриб, бошида тўрт фасл айланиб турадиган мўътадил, мусаффо ҳаволарига эга шундай ватанимиз, меҳр-оқибатли одамларимиз, назаркарда юртимиз борлигига шукроналар айтиш лозимлигини ўзга юртларда дилдан ҳис этдим.

Муаллиф

## **ИЛК ТАШРИФ**

Тасаввур қилинг, агар сиз икки соатдан сал күйроқ вақт мобайнида бир оламдан бошқа бир нотаниш оламга ўтиб қолсангиз, ўзингизни қандай ҳис қилардингиз? Мен бир қатор чет мамлакатларда бўлганман. Уларнинг аксариятида одамлар сўзлашаётган тил бошқалигини ҳисобга олмаганда, ўзга юртда юрганик унча сезилмайди. Ҳиндистонда, тўғриси, олдинига шошиб қолдим. Бу ерда ҳамма нарса ўзгача, ўзига хос... Бошига каттакон, ранго-ранг салла ўраган, узун соқоллар қўйган ёшу қари эркаклар, кинолардагидек чиройли сариларга бурканган қиз-жувонлар, талаба қизлар. Кўчаларда уч фиддиракли велосипед рикшаларда кетаётган турли-туман тақинчоқларни тақиб олган хонимлар, бошларига саватча қўйиб, қайгадир шошаётган кекса одамлар... Ҳамма ёқда одам. Кўплигидан кўзингиз тинади.

Тепасигина ёпилган уч фиддиракли мотоцикллар, атрофингизда физ-физ ўтаётган икки фиддиракли мотоларни ҳайдаб бораётган узун панжобий кийимдаги хотин-қизлар кишини ҳайратга солади. Гўё биз бошқа мамлакатга эмас, вақт машинаси ёрдамида бошқа бир замонга, бошқа бир маконга ўтиб қолгандек эдик.

Ҳиндистоннинг энг йирик штатларидан бири бўлган Панжобнинг Амритсардаги аэропортига самолётимиз қўнганида аллақачон қоронгу тушиб қолган эди. Мен Зулхумор опа (У гарчи бу Фестивалга махсус таклифнома билан чақирилмаган бўлса-да, ҳамроҳ бўлиб бирга борди) билан тезгина рўйхатдан ўтиб, чамадонимизни юқ ташиладиган тўрт фиддиракли енгил, чиройли аравачага солиб ташқарига шошилдик. Атрофга

ёритгичлар ёғду таратиб турибди. Кимнидир кутишга чиққан одамлар құлларидағи картонга катта ҳарфлар билан үzlари кутаётган кишининг исмини ёзиб олишган. Кўзимиз «Фестивал. Ўқтамой» деган ёзувга тушшиб, суюниб кетдик. Чунки кела-келгунча бирор киши бизни кутиб олармикан, бўлмаса қаерга борамиз, қаерда қоламиз деган саволлар тинчлик бермаган эди. Айни пайтда шу биргина ёзув бизнинг барча муаммоларимизни ҳал қилгандай эди.

Ўзини шоир Дев Дард деб таништирган бу одам қорачадан келган, серсоқол бўлгани учун ёши нечада эканлигини билиб бўлмас, сочининг тепа қисми бутунлай тўклилиб кетган, катта-катта кўзлари кулиб турган ўрта бўйли бир одам эди. «КРИТЯ -2008» Халқаро шоирлар Фестивали бошида турганлардан бири Рети Саксена хонимнинг илтимоси билан бизни кутиб олишга чиққанини айтиб, фестивал ўтадиган жой, яъни Чандигарҳ бу ердан 5-6 соатлик йўл бўлгани учун бугун уларникида меҳмон бўлишимиз кераклигини, эртага эрта билан бизни борадиган жойимизга кузатиб кўяжагини айтди. Биз сўзсиз унга эргашдик. Аэропортдаги сон-саноқсиз одамлар орасидан унга эргашиб, то машинаси олдига етиб келгунимизча атрофимизда катта салла ўраган, қоп-қора пахмоқ соқолли, турли рангдаги узун кўйлак устидан калта нимча кийиб олган эркаклар, кинолардагидек узун сариларга ўралган, кенг панжоби кийимлар кийган, қўл, бўйин ва билакларига ҳаддан ташқари кўп турли ялтироқ тақинчоқлар тақиб олган қиз-жувонларга қараб оғзимиз очилиб борарди. Биз Хиндистон дори-дармон саноати, тиббиёт ривожи, компьютер дастурлари тайёрлаш, атом бомбаси яратиш борасида каттагина ютуқларга эришган мамлакат эканини билсак-да, лекин тўғрисини айтадиган бўлсам, тараққиёт бобида бу давлатни биз-

дан 50- йиллар орқада қолган бўлса керак, деб ўйлардим. Эҳтимол, мен кўрган ҳинд кинофильмлари шундай хуносага келишимга асос бўлгандир.

Биз Зулхумор билан автоуловда фестивал ўтказиладиган Чандигарҳ томон кетиб борар эканмиз, теварак-атрофни томоша қиласиз. Бу Амритсарни биринчи бор кўрган одамга яқиндагина урушдан чиқсан шаҳарни эслатади.

Йўлнинг икки четидаги уч-тўрт қаватли биноларнинг таглари бошдан-оёқ хусусий магазинлар. Уларда эски темир-терсак дейсизми, латта-путта дейсизми бетартиб уюлиб ётарди. Бунинг устига, нимагадир, кўпчилик қаватли биноларнинг эшик-деразалири қўйилмаган ёки олиб ташланган. Деворлари қаровсизлиқдан унча-мунча таъмир билан ўзига келтириб бўлмайдиган даражада аёвсиз қорайиб кетган. Баъзи биноларнинг четлари худди бомба тушгандай ўйилиб ётиби. Кўчаларининг чангиги кўкка кўтарилиганидан осмон кўринмайди. Қадамда ахлатлар уйими. Бир томонлама кўчалар жуда тор ва чангиги ётиби. Чанг биз ўтирган эски автобуснинг синик ойналаридан кириб нафасни сиқади. Азбарои транспорт кўплигидан биз тушган авто ҳар қадамда тўхтайди, светофор деган нарсанинг ўзи йўқ, йўлни тартибга соладиганларини бирор жойда учратмадик. Ҳар қадамда йўлни хоҳлаган жойидан бемалол кесиб ўтаётган одамлар, ҳайвонлар транспорт қатновига ҳалал беради. Икки филдиракли мотоцикллар биз кетаётган автобуснинг у ёнидан, бу ёнидан тинимсиз физиллаб ўтади.

Машиналарнинг қаттиқ бил-бипидан қулоқлар қоматга келади, асабий ҳайдовчиларнинг бақир-чакирлари бизни жуда толиқтириб қўйди. Ичимда, «наҳот, мен орзулаган сехрли диёр шу бўлса», деган бир ўй тинчлик бермасди. Нимагадир руҳим тушиб кетди, бунинг устига, ошқозоним ҳам симиллаб оғрий

бошлади. Кеча кечқурун Дев Дардларницида яхши овқатланолмадик. Тўғри, унинг меҳрибон ва очиқ-кўнгил хотини биз келишимизга икки-уч хил овқат тайёрлаб қўйган экан. Боришимиз билан уларни бир нечта ялтироқ қозончаларда дастурхонга олиб келиб қўйди. Сўнг ликопчаларимизга уларнинг ҳар қайсисидан бир чўмичдан солиб узатди. Самолётда ҳам бизга қандайдир нотаниш овқатлар беришган, бироқ соғлигим яхши эмаслиги учун ҳеч нарса егим келмаган эди. Жуда очиққанимдан Девнинг рафиқаси узатган овқатдан бир қошиқ оғзимга солишимни биламан, худди оғзимга овқат эмас, балки тўзғитилган ари уясини солиб олгандек оғзим жазиллаб ачишди. Ҳолатимни билдирмаслик учун дарҳол иккинчи овқатдан еб, ўзимни ўнглаб олмоқчи бўлгандим, буниси биринчисидан ҳам ўтиб тушган заҳар экан. Бу азобдан қутқарар деган ўйда учинчи овқатдан бир қошиқ ейишимни биламан, кўзимдан ёш тирқираб чиқиб йўтал тутиб қолди. Фақат «Сув-сув!»- дея олдим холос. Бир эмас, уччала овқатта шунча қалампир қўшилиши мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган экан. Мен ўйлагандимки, биринчи овқат аччиқ экан, билмай еб қўйибман, орқасидан бошқа қалампирсизини есам ўтиб кетади деб. Сув ича-ича зўрға ўзимга келдим. Бошқа бирор луқма овқат еёлмадим. Мазам йўқлигини баҳона қилдим. Ошқозонимнинг баттар оғриб қолгани ҳақиқат эди.

Дев Дардларнинг бир қиз, икки ўғли бор экан. Катта ўғли тангалар йифишга жуда қизиқаркан. Шунинг учун бизга турли даврдаги, турли давлатларнинг тангаларини кўрсатиб бизни хурсанд қилмоқчи бўлди. Эҳтимол, у барча болалар каби мақтанишни истагандир. Қизлари чиройли қутичада ҳинд аёлларининг қадимги зебу зийнатларини олиб келиб, уларни бизга тақиб кўрсатди. Бу тақинчоқлар ҳақиқатан жуда

нозик дид билан ишланганидан қўзни қувнатади. Бошқа пайт бўлганда-ку, уларни жон деб томоша қилардик. Аммо вақт алламаҳал бўлган, йўлдан чарчаб келганмиз ва бу ерга келгунча нима бўларкан деб ўйлайвериб, анча-мунча ҳаяжонланганмиз, бунинг устига, нима ейишни билмаганимиздан қорин ҳам оч. Уй эгалари бўлса, бутун оиласи билан биздан юртимиз ҳақида дам-бадам сўроққа тутишади. Соат ўн икки бўлай деяпти ҳамки, улар турай дейишмайди. Хусусий мактаб директори шоир Дев Дард оиласининг барча аъзолари инглиз тилини яхши билишаркан. Менинг ушбу фестивал баҳонасида бу тилни ўргана бошлаганимга икки ойгина бўлган, сўзлашиш имкониятим ҳам шунга яраша. Зулхумор опа-ку, тамомила «тилсиз».

Мезбоннинг ўғиллари юртимиз табиати, тарихи ҳақида шу қадар кўп савол беришардики, унинг саволларига инглизчада жавоб қайтаришим амримаҳол эди. Бу менинг тил тўсифига биринчи дуч келишим эди. Бунинг устига, Девнинг саккизинчи синфда ўқийдиган кичик ўғли:

— Нега сизлар инглиз тилини билмайсизлар, олий маълумотли бўлсаларинг, бу тил жаҳон тили-ку, — деб бизни уялтирди. Биз бунақа бўлишини хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик. Шу ёшимизда дунё кезамиз, бирор давлатда инглиз тилида сўзлашга тўғри келади деб ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз. Боланинг бу саволига ўзимизни оқладиган жавоб беришга уриндим:

— Гапинг унчалар тўғри эмас. Мисол учун мен ўзбек, турк, форс, рус ҳамда немис тилларини биламан. Сен мен санаб ўтган тиллардан бирортасини биласанми? — дедим.

Сезиб турибман бола берган савол фақат унингтина эмас, балки оила аъзоларининг барининг кўнглидан

үтәёттган эди. Менинг жавобимдан сүңг барчалари жи-  
мид қолищди ва хайрли тун деб бизни холи қўйищди.

Ҳақиқатан, биз мактабда чет тиллардан немис ти-  
лини ўрганганимиз. Менга Ҳинди斯顿да бўлиб ўтади-  
ган ана шу «Критя-2008» шоирлар Халқаро Фестива-  
лидан таклифнома билан бирга Фестивалнинг Про-  
граммаси ҳам юборилган бўлиб, унда мени қайси куни,  
қанча минут чиқиш қилишим вақти, соатигача бел-  
гилаб қўйилган экан. (Жаҳон Фестивали бўлгани са-  
бабли бу тадбир инглиз тилида ўтказилиши кўрса-  
тилган). Бу менинг учун ҳам хурсандчилик, ҳам из-  
тироб эди. Изтироблигининг сабаби шуки, умуман,  
инглиз тилини ҳатто ҳарфларни унча танимасам. Ол-  
димда икки йўл турибди. Ё бориш, ё қолиш! Борай  
десам тил билмасам, қандай қилиб маъруза қиласман,  
инглиз тилида қандай шеър ўқийман. Бормай десам  
бундай имконият яна бўладими-йўқми, хуллас имко-  
ниятни қўлдан бергим йўқ. Жуда бошим қотиб қолди.  
Мени ёшимда тил ўрганиб бўлармикан, деган хаёл-  
лар ичида қолдим. Қарасам, орада икки-уч ой вақт  
бор экан. Охири таваккал қилиб бир қарорга келдим,  
нима бўлса бўлар, одам қилиб юрган иш-ку, тил ўрга-  
наман. Устозимиз таржимон Қосим Маъмурога бу  
ҳақда айтганимда, чин дилдан ўргатажагини айтган-  
ларида жуда хурсанд бўлиб кетдим. Мен билан бирга  
тил ўрганиш учун икки-уч ўрганувчилар ҳам қатнаш-  
ди. Улар анчадан бери бу тилни ўрганаётганликлари  
сабабли бемалол матнларни ўқишар, ёзища ҳам унча  
қийналмай ёзишарди. Мени мустақил ёзиш у ёқда  
турсин тайёр матнни ҳам ўқишга тилим келишмага-  
ни учун, сўзларни бузиб талаффуз қилардим. Улар  
устимдан гоҳ пинхона, гоҳ ҳазил аралаш ошкора ку-  
лар эдилар. Бу аҳволда мени ўрганиб кетишимга ҳеч  
кимни акди етмасди. Тўғри-да, албатта, бу кулгули  
бир ҳолат эди. Лекин инсон бирор нарса қилишга

астойидил бел боғласа, албатта, мақсадига етиши мумкинлигини ўз бошимдан кечирдим. Шу икки ойлик вақт орасида ўқишини, бироз сўзлашув тилини ўргандим. Ҳеч бўлмаганда маърузамни, шеъримни ўқиб бера оламанку, деб хурсанд бўлдим. Ҳаёлларимни автобуснинг бирданига қаттиқ тормоз бериши ва ҳайдовчининг бақириғи бўлиб юборди. Фаҳмлашимизча, автойўлни бир она-бала кесиб ўтган, автобус, сал бўлмаса, уларни босиб кетай деган, ҳайдовчи зўрга тормозни босишга улгурган. Ишқилиб, эсон-омон манзилга етиб олайлик-да, деб қўйман ичимда. Тўғриси, бу ерга келганимизга бироз афсусландик ҳам. Бу, албатта, бизнинг илк тасаввурларимиз эди.

Шу тариқа ҳам мashaққатли, ҳам биз учун янги бир олам бўлган завқли довондан ўтиб борардик.

## КАЛТАКЕСАКЛАР ҚАРОРГОҲИДА УЧ КУН

Ҳар юртнинг ўзига яраша табиати, иқлими, ҳайвонот дунёси бор. Ҳиндистонда йўл четлари, дарахт тагларида қаторлашиб ўлтирган маймунлар тўдаси, жажжи олмахонларнинг дараҳтдан-дараҳтга бемалол сакраб юришлари баъзан қатнов йўлларидан ҳам у ёқдан бу ёққа ўтиб қолишлари ҳайратнингизни орттиради.

Ёдимда илк бор бу заминга Зулхумор опа билан бу фестивалга келган пайтимиз у уч кун давом этиб, ҳар икки соат давом этган дунё шоирлари чиқишлиридан сўнг, ярим соатлик танаффус бериларди. Гарчи бу қисқа вақт бўлса-да, бундай пайтда деярли барча ижодкорлар табиат қўйнига чиқиб, тоза ҳаводан баҳраманд бўлишга ошиқардилар. Фестивал ўтказилаётган жойнинг номи ҳам «Атиргул бοғи» (Гарден

роуз) бўлиб, атрофида биз номини билмайдиган турли хил ажабтовур дарахтлар ўзларини қўз-кўзлаётгандай солланиб туришарди. Ям-яшил ажриқзорлар ичида турли – оқ, қизил, пушти атиргуллар ифорларини сочиб, меҳмонларни сийлаётгандай эди. Биз бу таниш атиргулларни кўрганмизда худди мусофир юртда ногаён яқин кишисини кўриб қолган одамдек қувониб кетдик. Чунки келганимиздан бери кўнглимиз бу ернинг дарахтлари, гулу чечаклари, одамларнинг ҳулқ-атвори, урф-одатларидан қадрдон бир туйфуни изларди.

Қўлида ёнғоққа ўхшаган ниманидир тутиб, ўзидан катта тулкиникига ўхшаш паҳмоқ думини ликкиллатиб, теваракдаги одамлардан ҳайиқмай, у ёқдан бу ёққа сакраб юрган кичкина олмаҳонлар киши эътиборини тортарди. Зулхумор опа ҳам улардан кўз узмай қизиқсиниб қараб турди-да, сўраб қолди:

— Уларни ушласа бўлармикан, бирор киши бизга уларни ушлаб бермасмикан?

— Ҳазиллашаяпсизми, уларни ушлаб нима қиласиз? – дедим ҳайрон бўлиб.

— Ўйга олиб кетардик, набиралар бир хурсанд бўлишарди-да, – минфирлади у жиддий оҳангда.

Мен кулиб юборищдан ўзимни зўрға тийиб қоламан.

— Соддагина опам-а, – деб елкасига аста уриб қўйдим кулиб...

Орадан беш-олти ой ўтгач, бу заминда менинг икки китобим нашр этилиши муносабати билан 2009 йил май ойининг бошида Ҳиндистонга, китоб тақдимотига чақиришди.

Кунлар бизга нисбатан анча иссиқ, босим анча юқори бўлгани сабабли ҳам, нафас олиш қийин, аъзои баданингдан тер қуилиб, оёқларингдан пастга оқиб тушади.(Дарвоқе, бизда баҳор бўлгани учун, кунлар анча салқин эди.) Шунинг учун атрофи қалин

ўрмонни эслатувчи кўм-кўк дараҳтлар билан ихоталанган, салқин меҳмонхонада 3-4 кун яшашимга тўғри келди. Сафаримнинг биринчи куни кун иссиғида ўтказилган учрашувлардан ҳориб-чарчаб кечқурун ётоқхонага қайтдим. Чироқни ёқиб эндиғина кийимларимни алмаштиromoқчи ҳам эдимки, кўзим шип билан хона девори ўртасига ёпишиб турган, ранги совуқ бир маҳлуққа тушди. Қўрққанимдан аъзори баданим музлаб қолгандай, қотиб қолдим. Шу туришда қанча турганимни билмайман. Бўйи бир қаричдан ортиқроқ, анча семиз, кўриниши худди биздаги калтакесакларни эслатувчи бу боши тухумдай келадиган жонивор, гарчи, менга ҳали ҳеч қандай зиён етказмаган бўлса-да, уни тезроқ кўздан йўқотиш пайига тушдим.

Бундай маҳлуқни илк бор бир шоирнинг уйига меҳмон бўлиб борганимизда кўриб, эсхонамиз чиқаёзганди. Шунда уларнинг ўғилари «қўрқманглар ҳеч нарса қилмайди» деб устимиздан роса кулишган эди. У ердаги маҳлуқнинг ранги тўқ қизил эди, ундан фарқли ўлароқ, бу ердагисининг ранги эса тўқ яшил экан. Ваннахонага кирсам яна шундай бир маҳлуқ кўзларини лўқ қилиб турибди. Нима қилиш керак? Оёғимдаги уй ичида кийиладиган енгил шиппагимни бирини ечиб унга бор кучим билан отдим. Жони оғриди шекилли, югуриб ҳаво айланиб туриши учун бироз очиб қўйилган дарчадан ташқари чиқиб кетди. Юз-қўлимни ювиб қайтиб кирсам, хонада яна биттаси чопиб юрибди. Дарҳол бориб форточкани ёпдим. Чунки хаёлимда ҳинд кинофильмларида қўрганим — қия очиқ дарчадан заҳарли илон сирғалиб кириб бирорвни заҳарлаган лавҳа намоён бўлди. Ким билсин, балки бу жониворлар ҳам заҳарлидир! Ташқарига чиқиб мен турган учинчи қават даҳлизида юрган эр-какларга қараб овозимни сал баландлатиб «Ёрдам бе-

ринглар!» — дейман. Улар ҳам нимадир рўй берди деб ўйлашиб, мен томон тез келиб, хонамга кириши. Уларга жониворларни кўрсатдим, улар «ЎЎв!» дейишиди-да, сўнг ўз тилларида нималарнидир баҳслашиб муҳокама қилишди. Энди бу «турқи совуқ»лардан қутуламан деб севиниб турган эдим ҳамки ҳалиги уч киши индамай чиқиб кета бошлаши.

— Тўхтанглар, нима гап? — деб сўрадим.

— Қўрқма, бу жонзотлар бирорга тажовуз қилмайди!? — деди улардан бири бамайлихотир. Бироқ мен тун бўйи бу маҳлуқлар билан бир хонада бўлишими ни ўйлаб, жиiddий хавотирга тушгандим. Шунда мен инглизчалаб бирор нарса отилса, бу жониворлар бўлмадан ташқарига чиқиб кетишлари мумкинлигини аранг тушунтиридим. Бахтга қарши, улар ҳам бу тилни чала билишар экан. Шунинг учун оёғимдаги бир пой шиппакни ҳалиги маҳлуқларнинг бирига отдим, у бир оз олдингга юрди. Кишилар менинг мақсадимни тушуниб:

— Нега уларга озор берасан, улар сенга нима қилди? — дейишиди-да, менга норози қиёфада бир қараб ҳай-ҳайлаганимга ҳам қарамай, чиқиб кетишиди. Уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан сездимки, демак жонзотлар заҳарли эмас. Кўнглим бундан анча жойига тушган бўлса-да, барибир оромим бузилди. Лекин кўникишдан бошқа иложим йўқ эди. Эшишимча, ерлик аҳоли ҳайвонларни ўлдириш у ёқда турсин, уларга ҳатто озор ҳам беришмас, ҳатто баъзи ҳайвонларга худога сифингандек сифинишар экан. Шундоқ бўлгач, арзингни кимга айтасан, бошқалари ҳам шундайдир-да, деб ўйлаб, ўлганимнинг кунидан ўриндиққа чўзилдим. Бироқ туни билан тузук уйқу бўлмади. Онам аччиқ қалампирни кўп истеъмол қиласдилар, шунинг учун ким аччиқни кўп еса уни ҳеч қандай газанда чақмайди, — дер эди. Шу-

нинг учун бу ердаги дўстларимизни газандалар чақ-  
маслиги учун ҳеч нарсадан қўрқишишмас экан-да, —  
дейман ўзимча.(Эшитишимча, кўп аччиқ ейдиган  
одамларни қони тугул гўштлари ҳам аччиқ бўлиб  
бошқача ҳидга эга бўларкан). Менинг қоним ширин  
бўлса керак, чунки умримда қалампир емаганман.  
Шуларни ўйларканман, юрагимни ваҳима босади.  
Озгина кўзим кетади, чўчиб уйғонаман, кетдимикан  
деган умида шошиб шипга — бояги маҳлуқлар тур-  
ган жойга тикиламан. Улар жойларидан қимирлама-  
ган бўлишади, яна кўзим илинади, яна чўчиб уйғо-  
наман. Менинг ҳадигим улар шипда чопиб кетаётиб,  
оёқлари сирғаниб устимга тап этиб тушишидан эди.  
Ҳар тугул ундай бўлмади.

Эртаси куни қайтиб келганимда улар учта бўлиб  
қолишибди. Бу тунни ҳам амал-тақал қилиб ўтказ-  
дим. Учинчи куни бу ҳақда ётоқхона маъмуриятига  
арз қилдим. Бироқ ётогимга келганимда ҳалиги тур-  
қи совуқлар ҳали ҳам жойларида қотиб туришарди.  
Меҳмонхона ходимлари балки қувиб юборишган  
бўлса, яна бу безбетлар кириб олганми ёки бундай  
маҳлуқларни кўравериб улар ўрганиб кетганми, бу-  
ниси менга қоронфу эди. Дунёда одам боласидек кўни-  
кувчан мавжудот бўлмаса керак! Нимагадир учинчи  
куни бу маҳлуқлар мени ортиқча ташвишга солмай  
қўйди. Икки кунлик бесаронжомлик сабабли, яхши  
ухламаганим учунми, учинчи кун қотиб ухлаб қолиб-  
ман. Эрталаб яхши қайфиятда уйғондим ва мени уч  
кун қўриқлаб ётган «хонадошларим»га қараб: «Ассо-  
лому алайкум!» — деб қўйдим. Шундай қилиб, эчки-  
маргами, митти динозаврларга қуйиб қўйгандек  
ўхшайдиган бу маҳлуқлар қароргоҳида уч кун меҳ-  
мон бўлдим.

## **ҲИНД ТАОМЛАРИ**

Ҳиндистоннинг таомлар борасидаги «об-ҳавоси» ҳам ўзгача экан. Кенг дала майдонларида бир текис, тиззадан баланд бўлиб ўсган кўм-кўк шолизорлар, буғдойзорлар, бўйи бир-бир ярим метр келадиган банан, манго, папая, лимон, кокос сингари турли цитрус мевалар ва баҳайбат гул дараҳтлари танаҳлари силлиқ палма каби экзотик дараҳтлари қайфиятни кўтаради. Бир ярим миллиардга яқин аҳолига эга бўлган бу мамлакатга Яратганинг ўзи марҳамат қилгандек, Ҳиндистон ерлари жуда серунум ва ҳосилдор. Қиши бўлмагани сабабли, йилда бир неча марта экин экиш ва ҳосил олиш имконияти мавжуд. Гужфуж ҳосилини кўтаролмай, бош эккан бананзорлар менга Ҳиндистон тимсоли бўлиб кўринади. У бир этак болаларини тўйғазишни ўйлаётган муштипар онадай хаёлларимга бостириб киради:

*Тўқилган япроқлар  
Кузнинг кўз ёши.  
Ялангоёқ еллар  
Қолади тиниб.  
Бананзор бағрида  
Бир этак бола  
Тушларимга кирап  
Ҳиндистон бўлиб.*

Одим жойда мева сотиладиган расталар, кичик-кичик дўконлар. Кокос, мандарин, лимон, манго каби тропик мевалар чироили қилиб яшикларга тахлаб қўйилган. Бананинг айтмаса ҳам бўлади. Одам гавжум ҳар қадамда: катта кўча четлари, меҳмонхона, ошхоналар олдида ерга тўшалган мато устига уюб ташланган бананлар сув текинга сотилади. Баъзи дўкон-

ларда анор, олма, апелсин ёки мандарин, лимон қаби мевалардан одамнинг хоҳишига кўра, бир зумда шарбат қилиб беришади.

Ҳиндистонга турли Халқаро фестиваллар, китоб тақдимоти, турли ташкилотларда учрашувлар баҳонасида бир неча бор келдим. Шу аснода ҳиндларнинг қандай меҳмон кутишларига ҳам гувоҳ бўлдим. Чандигарх. Жаҳон фестивали. Тушлик пайти. Барча бирдай ҳоргин, очиққан. Шу атрофдан турли овқатларнинг ёқимли ҳиди димоқларни қитиқлади. Биз — турли давлатлардан келган ижодкорлар қўлларимизни ювиб катта залга ўтдик. Ўйладикки, ҳозир ҳамма бир дастурхон атрофига йиғилиб, биргалиқда овқатланамиз. Аммо зал бўмбўш эди. Фақат бир бурчакка қўйилган стол устига қозонга ўхшаган, лекин тўртбурчак шаклдаги усти ёпиқ беш-олти идиш қўйилган экан. Бу ҳиндларнинг турли овқатлари пиширилган «кўчма ошхона»си экан, шекилли. Фестивал қатнашчилари қўлларига каттакон ликопчани кўтаргандарича узунқисқа бўлиб навбатга туришди, Навбатдагилар қатори залнинг биринчи қаватга тушадиган зинапоягача чўзилиб борди. Қизиги шундаки, овқатлар сошиб қолмаслиги учун ялтироқ қозонлар тагига шамга ўхшаган бир нимадир милтиллатиб ёқиб қўйилганди. Стол устидаги каттакон лаганда уларнинг «чапати» деб аталмиш нони, бир марталик стаканга ўхшаш, оғзи ёпиқ пластик идишларда булоқ суви ҳам бор эди. Ёғ тўла қозонда эса, хамирдан папур ширинлиги пиширишмоқда. Бу ширинликдан озгина татиб қўриб, еёлмадик. У ўта ширинлигидан томоқни оғритиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Менимча, улар аввал аччиқ таом ейишиб, уни мўътадиллаш учун ортидан ширинлик ейишса керак.

Бу ерликлар идишлардаги овқатнинг қопқоғини

очиб кўрибоқ, нималигини билганликлари учун, ўз ликопчаларига индамай солиб олишарди. Бизга ўхшаб четдан келган меҳмонлар эса, аввал таомдан қошиқ-нинг учида олиб татиб кўришар, маъқул бўлсагина, идишларига солишар эди. Чамамда, улар ҳам бизга ўхшаб аччик бу таомларни хушламасдилар. Негаки, улар ҳам худди биз каби, фақат гуруч ва чапатигина олишарди. Чапати оддий хамирдан хамиртуришсиз, оширилмай тайёрланадиган егулик бўлиб, пиёла сатҳидек катталиқда юпқа қилиб ёйлади ва қизиб турган товада у ёқ-бу ёфи сал қизартириб олинади. Ичиға ёғ суртилмагани учун ҳам, унча мазали эмас. Қайишдек бўлгани сабабли, уни тишлаб узиб олиш ва чайнаш анча машақкатли машғулот. Кимга қандай билмадим-у, лекин мазали ёғли патиру ширмой нонларни еб юрган биз-ўзбекларга бундай нонларни ейиш бироз ғалати туюлди. Айниқса, ҳурматли меҳмон саналган жойингда.

Гуруч ҳам сувда эмас, бугда пиширилганидан бўлса керак, бизга bemazadek туюлди. Дарвоҷе, барча овқатлар ҳам аччиқлигидан оғизни ўяр даражада эди. Усиз ҳам ҳаддан ташқари иссиқ бўлган бу юрт одамлари нима учун танани қиздирувчи овқатлар ейишига сира тушуна олмасдик. Шундан бўлса керак, улар овқатнинг мазасини, таъмини унча билишмас экан. Балки, ҳаво босими юқори бўлгани учун организм шундай овқатларни талаб қилас, эҳтимол, бузук ҳавода касалликларга чалинмаслик учун одамлар ўта аччиқ таомлар еб ўзларини асраршар, билмадим. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, бошқа давлатлардан келган «меҳмонлар ҳурмати» учун ҳам, борган бирор кафебар, ресторон ёки хонадонда дастурхонга спиртли ичимлик қўйилмади. У ерда маст бўлиб юрган ёки сигарет чеккан одамни ҳам деярли учратмадик. Айтиш-

ларича, маст кишилар полицайлар томонидан қаттиқ жазоланар экан...

Қўлимиздаги каттакон ликопда овқат кўтариб турибмиз. Бир қўлимиздаги сумка, турли китоб, қофозларни қаерга қўйишни билмай, эловланамиз. Атрофга боқамиз, одамлар турган жойларида тик турганча маза қилиб овқат еб ётишибди. Яна қўллари билан чапатини қайлага булаб-булаб уришяпти. Ҳатто овқатланаётган жойларида бир-бирлари билан bemalol сухбатлашишмоқда ҳам. Биз бундай овқатланишга одатланмаганимиз учун анча вақт ўтиришга стул қидирдик. Бу орада овқатларимиз сошиб қолди. Қорнимиз оч, лекин олиб келган таомимизни ейишни ҳам, емасликни ҳам билмаймиз. Юмшоққина нон ва кўк чой билан ўзимизни паловхонтўра-ю, қайнатма шўрваларни ўтириб олиб танноввул қилишга ўрганганд оамларга ҳозирги ҳолатимиз жуда файритабиий туюлди. Начора, ҳар ернинг ўз урф-одати бўлади. Балки улар ҳам биз томонларга келишса, биз мазали санаган таомлар уларнинг ҳам оғизларига татимас. Гарчи ўн кунлар ичida олти-етти килога озган бўлсам-да, руҳим тетик эди ...

Ҳиндларнинг кўпчилиги жонлиқлар этини емайдиган вегетерианлар экан. Уларнинг ейдиган овқатлари, асосан, сабзовот ва мевадан иборат. Бу ерда кўчадаги дўйконлар у ёқда турсин, ҳатто супермаркетларда ҳам колбаса, сосиска, қази ва бошқа гўшт маҳсулотлари сотилмайди. Уларнинг чапати билан қўшиб ейдиган овқатлари ҳам асосан турли хил гиёҳлардан иборат экан.

Бир куни бозордан ўтиб кетаётиб қарасам, ўртага шоҳдор бир сигирни боғлаб қўйишибди ва ким нима топса олиб келиб, уни сийлаб ётишибди. Бу ҳам етмагандек, ўзларига ҳам ҳамиша раво кўравермайди-

ган 6 – 7 метрлик камёб оппоқ саллани уни бошига ўраб қўйишган экан.

Ҳиндларда бир одат яхши экан: ҳар қандай тад-бирда хизматкорлар ўтирган жойингизга ҳар ўн минутда иссиқ кофе, чой ёки турли шириналлар со-линган патнисни кўтариб юришади. Кофега ҳам, чойга ҳам, албатта, сут қўшилган бўлади. Алоҳида кўк ёки қора чой деганларини ичгимиз келиб қанча қидирмайлик, бирор ерда қўрмадик.

Бу юртга бир йилнинг ичида икки марта Ҳалқаро Фестивалларга таклиф этилган бўлсам, китоб тақдимотим учун, Саҳитя Академиясида ва Деҳли Университетларида учрашувлар учун жами тўрт-беш марта боришимга тўғри келди. Ҳар гал фақат гуруч, чапати нонгина еганим учун, ўзи озгин одам, янада хипчалашиб қолардим. Яна бир нарсага имон келтирдимки, одам чой ичмай, нон ва гўшт емай ҳам яшай оларкан. Ҳиндлар нима учундир жуда оз овқат ейишаркан. Шунинг учун бўлса керак, уларда бақалоқ одамлар кўп эмас. Уларнинг кўпчилиги узун бўйли, хипча, чайир бўлишаркан.

Ҳиндистонда ҳам китоб тақдимоти ёки ижодий учрашувлар сўнгида учрашув сабабчиси, албатта, кўчма ошхона ташкил қилдириб, келганларни сийлаш расми бор экан. Қизифи шундаки, тўрт-бешта қозончадаги овқат йиғиннинг юзлаб қатнашчисига етиб ортарди. Ошхона ёхуд кафеда бўладими, ёки бирор оиласа мөхмонга бориладими, албатта, кичкина идишчаларда мошдек қилиб майдаланган новвот билан зираға ўхшаш доривор аралашмаси дастурхонга қўйиларкан. Овқатдан сўнг ҳамма ундан кафтлаб оғзиларига солишаркан. Айтишларича, бу аралашма овқат ҳазмини яхшилаб, оғиздаги нохуш ҳидларни йўқотаркан. Ҳатто, устидан ранго-ранг қандга ўхшаш нарса билан қопланган ранг-баранг

(яшил, қызыл, сариқ, оқ) бу дориворни кичкина қутычаларга солиб бозорларда ҳам сотишаркан. Мен танқис бир совға сифатида ундан уйга ҳам олиб келган эдим, ундан онам тотиб күриб:

— Буни қаердан олиб келдинг, ахир бу ўзимизнинг арпабодиён-ку? — дедилар. Мен дориворларнинг фарқига бормаганимдан уялиб кетдим.

Дарвоқе, ҳиндларнинг овқатланиши билан қизиқиб шунга гувоҳ бўлдимки, бу ердаги ҳар бир оила-да ўттизга яқин турли доривор ўтлар шиша ва банкаларда сақланаркан. Баъзан битта овқат тайёрлаш учун ўндан ортиқ доривор қўшиларкан. Гиёҳларнинг ўзидан ҳам аччиққина бўтқа тайёрлаб, унинг ўзини чапати билан қўшиб ейишаркан. Дунёга машҳур Тибет табобатида ҳам инсон этхўр эмас, ўтхўр дейилиб, кўпроқ одамларни кўкатлар исътемол қилишга чақиришади. Саломатлик учун ўта фойдали бўлган бу таом доим дастурхонга қўйилиб, энг ҳушхўр, мазали ва тансиқ емак сифатида тановвул қилинارкан. У ернинг об-ҳавоси ўта иссиқ, қуруқ бўлгани боис, қадимий халқ табобатидан оқилона фойдаланиб, келиб чиқадиган турли хил касалликлар олди олинса керак-да.

Қайсиdir бир боришимда аччиқ таомларни ея олмаганимни билган ижодкор дўстларим мени хитой ошхонасига олиб борищди. У ерда турли хилдаги овқатлар билан бирга палов ҳам тайёрланишидан жуда хурсанд бўлдим. Чунки бир-икки бор ноилож аччиқ таомлар еб қўйиб, соғлигим анча ёмонлашганди. Дўстларим мендан асосий миллий таомимиз нималигини сўрашганида: «Палов», — деган эдим. Бир гал Амритсарда шоир Дев Дардларнинг уйига борганимда палов қилиб беришимни сўрашди. Шунда палов учун нималар зарурлигини уларга ёзиб бердим. Мезбонлар бозор қилиб келгач, қарасам на гўшт бор, на

тухум ва на сабзи. Улар вегетерианлар бўлишгани учун нафақат эт, балки тухум ҳам ейишмас экан. Сабзи жуда зарурлигини айтганимда, улар уйда шунча мева турганида сабзига ҳожат йўқлигини айтишди. Мен ўшанда уларга бундай ош қилиб бўлмаслигини айтиб, узр сўрагандим.

Ишқилиб, Хитой ошхонасидағи палов ҳам шундай ош бўлмасин, деб чўчийман. Яна булар хитойликларку, улар ҳиндларга ўхшашмас деб ўзимни овутаман. Нихоят, орзиқиб кутилган дақиқалар етиб келди. Ош сузиладиган бўлди. Палов ичи чуқурроқ каттагина идишда олиб келинди. Ҳамма бирин-кетин капирнинг ўрнига ишлатиладиган катта қошиқда ўз идишларига ошдан солиб ола бошлашди. Тўғри, ошнинг ранги буғда пишириладиган гуручникидан кўра сариқроқ эди, бироқ ичида на гўшт, на сабзиси бор. У гуручдан ташқари олма, картошка ва шу ердаги турли мевалардан қўшиб тайёрланган аллақандай бир таом эди. Ичимда эсиз гуруч деб қўйдим. Улар нега бу таомни ишонч билан палов дейишганига ҳайрон қолардим. Хаёлимга улар қўй ёғи, қўй гўштига қилинган ҳақиқий паловни бирор марта еб кўришганмикан? Еб кўришса нима дейишаркин, деган ўйлар келди. Шундай ўйларга берилиб кетганимдан «палов»-нинг таъмини ҳам сезмаган эканман. Дўстларим: «Қалай, ширин эканми? Сенга ёқдими?» – деб сўрашди бирин-кетин. Гарчи, офицант олиб келган овқатнинг қандай емаклигини ҳали-ҳануз билолмаётган эсам-да, одоб юзасидан: «ЎЎвв, раҳмат, жуда мазали экан!» – деб жилмайиб қўйдим. Улар менга ёқсан овқатни топганликларидан хурсанд эдилар.

## **ЖАНОБИ ТАСНИМНИНГ ЖЎНАТМАСИ**

Токи ер юзида одамзод яшар экан, у билан бирга гўзал инсоний хислатлар, фазилатлар ҳам яшайверади. Ўзбекларда Афанди, Алдаркўса, Кал сингари халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари борки, уларнинг номларини эшитиш биланоқ, кишининг руҳи енгил тортади, юз-кўзлари ички бир нурдан ёришиб, лаблар ихтиёrsиз кулгудан ёйилиб кетади. Бундай фазилатли шахслар ҳиндларда ҳам бор экан. Бундай фазилатлар одамга сезилмаган ҳолда, у ёки бу тарзда намоён бўлавераркан...

Ҳиндистон сафаридан қайтиб келганимдан йигирма кунлар ўтгач, мен туғилиб ўсган Намангандан телефон қилиб қолишиди. Уйдагиларнинг айтишича, менинг номимга каттакон бандерол келибди. Жигарларим роса ҳайрон бўлишибди. Чунки қишлоқдан Тошкентта кетганимга ҳам йигирма йилдан ошган ва табиийки, ўшандан бўён ҳар қандай хат ёки жўнатма тўғри Тошкентга, мен ҳозирда яшаб турган адресга келарди. Жўнатмани очиб кўришса, унинг ичида қандайдир чет тилда босилган ажнабий газета чиқиби. Уни менга юборишиди. Мен конверт устидаги ёзувларни кўриб кулиб юбордим. Чунки шу катта конвертнинг устига шундай сўзлар ёзилган экан: «Ўқтамой. Шўрқўргон. Наманганд. Ўз.» Тўғрисини айтадиган бўлсам, менинг намангандлик эканимни биладиган энг яқин кишиларим ҳам Шўрқўргон қишлоғида туғилганимни билишмас эди. Жўнатмада Ҳиндистонда чиқадиган «Лудиана Трибун» газетаси бўлиб, унда мен ҳақимда ҳиндистонлик адабиётшунос олим, профессор Н. С. Тасним ёзган «Ўзбек шоирасининг ҳиссиёт

жилолари» мақоласи чоп этилган экан. Ҳозир гап бу ерда газета ёки мақола устида эмас.

Ҳиндлар ҳам бизлар каби ҳазил-мутойибани жуда яхши кўришади. Барча инсонлар сингари, ҳиндлар ҳам ўзгарувчан: бир қарасангиз ўта қув, бир қарасангиз жуда содда. Саксонларни қоралаб қолган бу нуроний инсон билан атиги икки марта учрашгандим. Бири – Чандигарҳда китобим тақдимотида бўлганди. Учрашувдан сўнг бу отахон олдимга келиб сидқидилдан мени табриклаб, шеърлар ҳақида илиқ фикр билдириди. Шеърлар унга манзур бўлгани, улар ҳақда мақола ёзажагини айтган эди. Иккинчи марта у билан бир ижодкор дўстимизнинг ишхонасида учрашдик. У мен туғилган қишлоқнинг номигача эринмай ёзиб олган эди. Бобурнинг ҳамюрти эканимни эшитиб «Тузуке Бобурий», яъни «Бобурнома»ни ўқиганини айтди. Хурсанд бўлиб кетдим. Чунки шу вақтгача мен юзлашган ҳиндардан ҳеч ким Бобур ва унинг ижоди ҳақида маънилироқ бир гап айтмаганди.

Ёши бир жойга бориб қолган бўлишига қарамасдан ҳали тетик, фикрлари теран, қораҷадан келган, узун бўйли, қотма бу одамнинг анчайин содда ва тўпори экани бир қаращаёқ билиниб турар эди. Лекин унинг Ҳинди斯顿дан тўппа-тўғри Шўрқўргонга жўнатма юборадиган даражада содда деб ўйламагандим.

Яна каттакон конвертни қўлимга оламан, на кўча номи, на уй рақами, на индекси бор, на исм шарифим тўлиқ ёзилган. Баъзан биргина хонадон рақами нотўғри битилгани учун ҳам хат эгасига етмай, орқасига қайтиб кетганини яхши билганимдан, бу жўнатманинг Ҳинди斯顿дан неча денгизлар ва мамлакатлар оша Ўзбекистоннинг бир бурчагидаги бизнинг Шўрқўргон қишлоғига адашмай етиб келганига сира ишонгим келмасди. Чунки Наманганнинг бир ўзида

ўн бешга яқин Шўрқўргон қишлоғи бор. Ҳа, Ҳиндистонда ҳам ўзимизнинг афандимизга ўхшаш, олтиариқлик Матмусалар каби содда одамлар борлигини ҳис этиб, юзимга табассум югуради. Кейинги сафар борганимда «Профессор Таснимнинг жўнатмаси» ҳақида гапириб берганимда ҳинд дўстларим ҳам маза қилиб қулишди, сўнг: «Сен юртингда шунчалик машҳур экансанки, қишлоғинг ва отингтина ёзилган бу жўнатма сенга етиб борибди», — деб ҳазиллашишди.

## ГУЛ ДАРАХТЛАРИ

Инсон зоти қаерда яшамасин, доимо гўзалликка ўч. Гўзалликлардан ошуфта диллар яйрайди, кўнгил ором топади, шоир қалблар жунбушга келади. Бу жунбуш ҳосиласи хира тортган диллардан ғаму андуҳларни ёмғирдай ювиб кетади. Дунё мусаффолик ичра янгидан уйғонади, бу софликка на замонлар, на фасллар, нада одамзод даҳл қила олади.

Мен гулга жуда ўчман. Ўлкамизда ўсадиган юзлаб хилдаги гулларни биламан. Кўкариши билан гуллайдиган ер бағирлаб ўсувчи капалакгуллардан тортиб, ҳовли деворидан ошиб, кўчаларга осилиб турган деворгулларгача танийман ва феълларидан бир қадар хабардорман.

Ҳиндистоннинг Панжоб штати тоғ олди ҳудудига жойлашгани учун иқлими анча мўътадил. Табиати Фаргона водийси табиатини эслатади. Бизнинг во-дийдан фарқли равишда бу ўлқада абадий яшиллик ҳукмрон. Фасллар биздагидек навбат алмашмайди. Вақт кўкламга келиб тўхтаб қолгандек гўё. Ноябр ойида борганимизда олмалар гуллаб ётган эди. Қишини авжида ҳам ҳаммаёқ ям-яшил, пишиқчилик, йўл-йўлакай атиргуллар бўй таратиб ётибди. Унча кенг бўлмаган асфальт йўлларда машинада ўтиб борар

эканмиз, бизга йўл-йўлакай бепоён бананзорлар, гул плантациялари ҳамроҳлик қиласи. Бизга нотаниш бўлган экзотик, декоратив ва мева дараҳтлари номини йўлдошларимиздан сўраймиз. Ҳамроҳларимиз бу гўзалликлар уларнинг жонига теккандек эринибгина изоҳ беришади. Бу ерда мангу яшиллик бўлгани учун бирор фасл биздагидек орзиқиб кутилмайди.

Гулни севмайдиган, уни ёқтиримайдиган одамнинг ўзи бўлмаса керак бу оламда. Ҳиндистонликлар ҳам бундан истисно эмас. Мени ҳайратга соглан нарса шу бўлдики, йўл четлари, дам олиш масканлари, шаҳарнинг марказий хиёбонларида бадани силлиқ, сарвга ўхшаш пальма дараҳтлари ҳамда номини мен билмайдиган йирик-йирик дараҳтгуллар фуж бўлиб ўсар экан. Назаримда, атиргулу чиннигуллар ўсиб-ўсиб мана шундай забардаст дараҳтларга айланиб кетгандай. Улар шунчаки ёввойи ҳолда очилиб ётадиган гуллар эмас, худди бизнинг атай экилган атиргулларимиздай йирик қип-қизил, сариқ, оппоқ ёки сиёҳранг тўпсадани эслатадиган йўсинда қийғос гуллаб кишини оҳанрабодай ўзига тортади. Мен гул дараҳтларини илк бор шу ерда кўрдим. Улар асрий чинорлардай бақувват, лекин гулларининг йириклиги, нафислиги ва анвойи ифори билан ҳар қандай одамни ўзига жалб этиб, яхши кайфият улашади.

Лудҳиана шаҳридаги йирик Панжоб қишлоқ хўжалиги илмий текшириш институтида «Йиглаётган юрак» номли инглиз ва панжоб тилида чиққан китобларимнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Бу институтнинг майдони кенг бўлиб, унда турли гуллар, дараҳтлар ўсиб ётар, одамлар озода ва шинам бу гўшада, соя-салқин дараҳтлар тагидаги скамейкаларда дам олиб ўтиришарди. Учрашувдан сўнг шу ерни жуда томоша қилгим келди ва бу ҳақда ижодкор дўйстларимга айтганимда улар розилик билдиришди.

Асфальт йўлнинг икки томони биздаги тўпсада, азamat чинорларни эслатувчи гулдарахтлар. Уларнинг юзлаб йиллар умр кўрганликлари қулоч етмас йўғон, бу ўлканинг жазирама иссиқлари ва шаррос ёмғирларида силлиқланиб кетган танасидан ҳам билиниб туради. Қизифи шундаки, дараҳтларнинг гуллари майдა эмас, биздаги атиргулларнидай йирик ва қизил, сарик, оқ, пушти, бинафша ва яна қанча рангларда эди. Баъзан бир дараҳтнинг ўзида икки-уч рангдаги гуллар очилиб турадики, буни кўрганда ҳайратланмай иложингиз йўқ.

### *Гул дараҳти*

*Ҳиндистонда улкан  
гул дараҳтларини кўрдим.  
(муаллиф)*

*Нозланади нозанин гуллар,  
Кўллар етмас ёноқларига.  
Нафасларин кўнглимга босиб,  
Юзим қўйсам дудоқларига.  
Минг ўилларки, бир Сўз деёлмай,  
Туйгулари чиқсанми тошиб.  
Ё келмаган ёрини кумиб,  
Сабрлари гуллаган ошиқ,*

Гуллаётган азamat дараҳтларни кўриб, хурсандлигимдан ёш боладай дам у гулдарахт олдига, дам бошқаси ёнига чопиб бораман. Дўйстларим менинг бу ҳайратимдан ажабланишса, мен уларнинг шундай гўзалликлардан ҳайратланмаганликларидан ҳайратланаман. Улар бофни томоша қилишга эринишаётгандек, ҳафсаласиз эдилар. Мезбонлар томоша қилиш ўрнига бир-бирлари билан тинмай нималарнидир гаплашишар, тортишишар эди. Бу гўзалликларни кунда кўра-

вериб, эҳтимол, бадларига уриб кетгандир. Бу ерда йил ўн икки ой битта фасл, мангу яшилик. Биздек фасларни интиқлик билан орзиқиб кутиш йўқ. Биз, айниқса, кўкламни узоқ айрилиқдан сўнг ёрини кутган ошиқдек соғиниб, ичикиб, энтикиб кутамиз. Ҳар бир янги чиққан гиёҳ майсаларини, бодом гулларини кўзимизга суртиб шу қунларга эсон-омон етиб келганимиз учун Яратганга шукроналар айтамиз. Бирдан ҳозиргина учрашувда айтилган ўзбек ва ҳинҷ ҳалқларининг туйфулари, урф-одатлари, қарашлари бирбирига жуда яқин деган фикр хаёлимга келди. Менга бу икки ҳалқ ўртасида тоғдек улкан фарқ ҳам борлиги аён бўлди. Аста пичирлайман: Эй ҳиндигўй дўстим, сен баҳорни мендай кутмайсан...

### *Сен баҳорни мендек кутмайсан...*

Эшитаркан кўклам нафасин  
Кўтарганча алвон байроқча  
Байрам қилиб адир, қирларга  
Чопиб чиқар майса — болажон.  
Илк очилган бодом гулини  
Лабларига босади ҳилол.  
Уйқулари қаттиқ чинорни  
Туртиб-туртиб уйғотар шамол.  
Саф тортишар чумоли-карвон,  
Дардларини экиб далага.  
Қалдирғочлар қайтади ҳушҳол  
Райҳон иси келган ҳовлига.  
Сен баҳорни мендек кутмайсан,  
Ташрифига бўлиб интизор.

Соғинмайсан нафасларини,  
Сен ёқларда мангулик баҳор.

*Сочар рангин кунларим узра  
Минг рангаги бүёқларини.  
Яшилликни құмсаңы, күнгил,  
Хайрат инган қиёқларини.  
Күзларимда соғинч ёмғири,  
Кунлар ўтар бўзлаб бўтадай.  
Ташрифига зорман,  
Баҳорни  
мен сени кутгандек кутаман,  
Сен баҳорни мендек кутмайсан!*

Тан олиб айтиш керак, у ерда ҳам гулларни севувчилар жуда кўп экан. Баъзи шинавандалар, ҳатто бошқа давлатлардан ҳам турли гулларни келтириб кўпайтиришар экан. Шоир дўстимиз Дев Дард бир куни бизни ўзининг хусусий мактабига олиб борди. Унинг мактабида мингдан ортиқ бола таҳсил оларкан. У бизни лойдан қилинган пиллапоялар орқали бир бинонинг томига олиб чиқди. Ана гулу мана гулзор, ҳайратдан ҳар қандай одам ҳам лол бўлиб қолиши мумкин бўлган гўзал бир манзара томнинг тепасида зоҳир эдики, унинг тавсифини сўз билан ифодалаб бериш амримаҳол. Бу ерда фақат кактуслар парваришланиб, Девнинг айтишича, уларнинг турли давлатлардан олиб келинган 150 дан ортиқ тури мавжуд экан. Кактус ўстириш унинг хоббиси бўлиб, қайси давлатда янги бир кактус нави ҳақида эшитса, қандай йўл билан бўлмасин, олдириб келар экан. Бу ерда ўймоқдай жажжи гултуваклардан тортиб, тандирдай келадиган хумларгача бор. Энг катта кактуснинг бўйи одамдан икки қарич баланд экан. Уларнинг антиқалиги шундаки, бу ердаги кактуслар ёппасига гуллар экан. Гуллари ҳам ажабтовур: бири жийданинг гулига ўхшаб майда бўлса, бошқаси катта-катта лолагулга ўхшайди, барчаси ўзига хос, бетакрор.

— Буларни парваришиларнинг ўзи бўлмаса керак,- сўраймиз гулчидан.

— Ҳа, ҳар бирига алоҳида парвариш лозим, чунки улар ҳар ердан келтирилганлиги сабабли, уларнинг феълу атвори ҳам турлича. Шунга қараб муомала қилмасангиз, дарров «аразлаб», сўлиб қолишиади, — дейди у кулиб.

— Бу ер «Девдард гарден» (Девдард боғи) эканку,- дея ҳазиллашамиз биз. Унга бизнинг бу ҳазилимиз ёқиб тушди, шекилли, бошини сарак-сарак қилиб:

— Яхши ном экан, Дев Дард боғи, Дев Дард боғи,- деб бир неча бор хурсанд такрорлади. Бу ўринда яна шуни ҳам айтиб ўтишни истардим. Бу мактабнинг кенг ҳовлисида ўрдагу фозлар, товус ва бошқа паррандаларнинг у ёқдан-бу ёққа соллона-соллона юришлари, кичикроқ уйдай келадиган қатор хоналарда ранго ранг тўтиқушларнинг савлат тўкиб туришлари, турли наслдор каптарларнинг уйлар ўртасига тортиб қўйилган қўноқ устига қўниб нималарнидир бир-бирлари билан чуғурулашаётганлари дейсизми, оппок, қора, кулранг қуёнчаларнинг бир-бирлари билан ҳозиргина болалар солиб кеттан лавлагиларни талашиб ейишлари худди ҳайвонот боғини эслатади. Директор бу манзараларни «Булар болаларимизни ҳайвонот дунёсига ошно қиласди, болалар қалбида ҳайвонларга нисбатан меҳру шафқат, эзгулик уйғотади», — деб изоҳлайди...

Мен меҳмон бўлиб борган ижодкорларнинг уйлари, асосан, икки-уч қаватдан иборат эди. Бир куни бизни Баблин деган шоира аёл меҳмонга чақирди. Унинг эри ҳам шоир бўлиб, ҳар иккисининг бир қатор шеърий китоблари босилиб чиққан экан. Мехмондорчиликдан сўнг Баблин менга:

— Юр, сенга томни кўрсатаман, — деб қолди.

Ичимда: »Оббо, шу маҳал томда нима бор экан?» — деб ўйласам-да, индамай мезбонга эргашдим. Том

қанақа бўлишини мен яхшироқ биламан деб ўйладим. Чунки биз тўққизинчи қаватда яшаймиз. Ҳар замонда томга чиқиб, у ёқ, бу ёққа қарашга ҳам тўғри келади. Тўққизинчи қаватдан узоқ-узоқларни томоша қиласа бўлади. Бунинг уйи атига уч қаватли бўлса, унинг томидан нима ҳам кўринарди, деб ўйладим. Бироқ томга чиққанимга пушаймон бўлмадим. Аксинча, жуда баҳри дилим очилди. Ясси бу томда катта-кичик тувакларда ранго-ранг гуллар қийғос очилган бўлиб, майин шабада уларнинг ажиги ифорини теварак-атрофга тарагатарди. Гулларнинг ўртасига стол-стуллар қўйилган бўлиб, улар уй эгаларининг дам олиши ёки ижод қила-диган ижодхонаси ҳам экан. Томдан атрофни томоша қиласиз. Бу ердаги барча уйларининг томи шундай «гулзор»га айлантирилган. Баъзи кўп қаватли уйларнинг томидан гуллар ергача осилиб тушиб туриши гаройиб кўриниш касб этган. Томдан гулзор ўрнида фойдаланиш ҳинҷларнинг ҳам гўзалликка ўчлигини, ҳам тадбиркорлигини кўрсатади.

Одам гавжум жойларда, аэропорт, ошхона, касалхона, банк, мактаб ва катта-кичик бошқа ташкилотларда тандирдай-тандирдай келадиган гултувакларда чиройли гул ёки манзарали дараҳтлар ўстирилганки, буни кўрган одам ҳинҷларнинг дидига таҳсин айтмай қолмайди.

Ҳали учишга анча-мунча вақтим борлиги сабабли, аэропорт павилонларини айланаман. Қаршимда кўзларни қувнатиб ял-ял ёниб турган табиий гулу декаратив дараҳтлар ақлни шоширади.

Бу диёр абадий яшилликлар ютидир. Лекин бир нарсага ҳеч ҳам тушуна олмасдим. Бу очунда ҳеч нарса абадий эмаслигини биламиш-ку?! Шу боис бизда дараҳтлар ҳам кийимларини фаслга мослаб алмаштириб туради. Нега Ҳиндистонда бошқача? Оғочлардаги яшил япроқлар мутлақо тўкилмасмикин? Бу савол

устида кўп ўйландим. Жавоб кутилмаганда топилди. Бир шоир дўстимиз ям-яшил дарахтларни дам бор бўйича, дам япроқларини йирик планда сувратта туширибди, сўнг олган кадрларининг сифатидан кўнгли тўлмай, яна суратта олиш учун фотоаппаратини созлаб қараса, яшил барглар ёппасига ерда тутдай тўкилиб ётганмиш. Уч-тўрт сония ичида дарахтларда бирорта япроқ қолмаганинидан қаттиқ ҳаяжонга тушган шоир шу ёшга кириб бундай воқеани илк бор кўрганини қайта-қайта сўзларди.

## ГОЛДЕН ТЕМПЛ

Гарчи Амрисар, юқорида баён қилганимдек, чангтўзонлари осмонга кўтарилен, бинолари қаровсизлиқдан қорайиб, баъзи уй-жойларнинг эшик-дера-залари аллақачон синиб тушган, ҳали янгилари қўйилмаганлиги боис афтодаҳол бу кўриниш янада гарифона тус олган, кўча тўла ахлат уюмлари таъбни хира қилса-да, ибодатхоналар гоятда ҳашамдор, озода ва осуда эди. Бундай кескин фарқ ҳар қандай кимсани ҳайрон қолдириши турган гап.

Таърифи дунёга кетган бу «Олтин ибодатхона» (Голден Темпл)ни кўриш учун кечки пайтни танлашимиzinинг жиiddий сабаби бор эди.

Ибодатхона атрофи кенг бўлиб, ерга чиройли мармар ётқизилган, теварак ёғ тушса ялагудек тоза эди. Хийла совуқ бўлишига қарамасдан, барчанинг яланг оёқда юриши эътиборимизни тортди. Ибодатхона атрофига ёғоч ва мармардан қилинган маҳсус скамейкаларда хотин-халаж болалари билан дам олиб ўтиришибди. Катта-кичик салла ўраган эркаклар эса, бирорвларга ҳалал бермаслик учун, иложи борича паст овозда сұхбатлашишмоқда.

Азиз китобхон, ҳозир ёдимга бир нарса тушиб

қолди, шунинг учун сизлардан узр сўраб бироз чекиниш қилмоқчиман. Ҳинд диёрида юздан ортиқ миллат вакиллари яшашаркан. Уларнинг яшаш тарзлари, урф-одатлари, тиллари бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Тўй-ҳашам ва байрамларда катта ёшдаги эркаклар юпқа, ялтироқ салла ўраб олишар экан. Панжоб Ҳиндистоннинг энг ийрик штатларидан бири бўлиб, у ерда сикхлар кўпчиликни ташкил этади. Улар Бобурийларни ёқтиришмас экан. Бунга сабаб, Аврангзеб таҳтга ўтиргач, зулмни ҳаддан зиёд оширган, бунга қарши қўзғолган сикхларни аёвсиз қиличдан ўтказган деган бемаъни инглизлар сиёсати ерликлар қонига сингиб кетганлигини ҳис этиш қийин эмас эди. Чунки инглизлар ўзларини яхши кўрсатиш учун тарихга, Бобурийларга тош отиб, уларни адолатсиз, бешафқат, босқинчи қилиб кўрсатишгани аниқ эди. Ҳолбуки, улар 200 йилдан ортиқроқ вақт давомида ҳинд халқини зулукдай сўриб, бутун бойликларини талонтарож қилдилар. Бобурийларнинг эса, 300 йил ҳукмронликлари давомида бу халқа улкан, бетакрор иншоотлар, бой маданий мерос қолдирдилар. Наҳот, шуларни ажратиб олиш учун катта ақл керак бўлса деб маъюсланаман. У ерда бир музейга кирганимизда худди мен айтиб ўтган ҳолат янада бўрттириб кўрсатилганининг гувоҳи бўлиб янада хунобим ошди. Музейдаги катта бир полотнода Аврангзебнинг сикхларни бир жойга тўплаб, уларни бир-бир қиличдан ўтказаётгани тасвиirlанган эди. Икки жаллод бир сикхнинг бошини кундага қўйиб чопаётгани, қолган қанча-қанча қўллари орқасига боғлиқ одам ўз ўлимни кутиб, шоҳга нафрат билан боқиб туриши акс этганди. Мен Бобур ҳақида гап кетганида айrim ижодкор дўстларимнинг унчалик рўйхушлик бермаганликлари сабаби бу ёқда эканини ўйладим. «На чора, тарихни тилга киргизиб бўлмайди, асрлар оша инглиз

империяси ҳамюртларимиз ҳукмронлигини фақат «қора» рангларда күрсаттан ва бу нарса у ердагилар қонига сингиб кетган экан».

Сикх эркаклари ўраб юрган саллалар анча катта бўлиб, чамаси 6-7 метр матони ҳафсала билан ўраб-ўраб қаттиқ, чиройли ва бузилмайдиган бир шаклга солинган. Улар ана шу салла ва пахмоқ соқоллари билан атрофдагилардан тубдан ажралиб турардилар. Эшитишмча, улар соч-соқолларига, умуман, тиф тегизишмас экан.

Ёзнинг жазирама иссиғида шундай оғир ва улкан саллани қўтариб юришнинг ўзи бўлмаса керак, албатта. Баъзи эркакларнинг соchlари узунлигидан тиззalari, баъзилариники эса товонларигача тушаркан. Узун соchlарини турмаклаб устидан ана шундай саллалар кийиб юришаркан, чунки уларнинг соchlарини бегоналар кўриши мумкин эмас экан. Соқоллари эса барча эркакларники деярли бирдай пахмоқ, бошқа ерларда бўладигандек чўққи соқоллилар, умуман, йўқ. Соқолларининг паҳмоқдиги сабаби шунда эканки, агар соқол жуда ўсиб кетса, уни тортиброқ турадиган тўр тутиб олишаркан, тўр туттгандан кейин ўстгани эшилиб, клейлаб орқасига қайтариб қўйиларкан. Сикхлар фақат ўз миллатдошига уйланиши шарт бўлиб, улар бир никоҳли бўлишаркан. Яъни эри ёки хотини ўлган одам иккинчи марта оила қурмас экан. Урфодатлар ҳам бор бўлсин, деб қўяман ичимда, уларни тинглай туриб...

Хуллас, «Олтин ибодатхона»га яқинлашар эканмиз, бизга оёқ кийимларни ечиб, қўл-оёқни ювиб олиш шарт эканини айтишди. Биз шундай ҳам қилдик. Кузнинг охирлари бўлгани учунми кундузи иссиқ бўлса ҳам эрталаб-кечқурунлари эт жунжикарди. Муздек мармар йўлларни тез-тез босиб келиб эндинина ибодатхона эшиги олдига борган ҳам эдикки,

дарвоза олдида ким биландир гаплашиб турган кимса бизга бошини кўрсатиб, ўша ерда турган катта қутига ишора қилди. Биз бу даргоҳга бош кийимсиз кириш мумкин эмаслигини англадик. У кўрсатган қутидаги учбурчак рўмоллардан олиб, бошимизга ўраб олдик. Қарасак, дарвоза олдидан эни чамаси бир ярим метрлар келадиган узун сунъий ариқча кавланиб, унга сув тўлдирилган.

— Яна оёғимизни совуқ сувга тиқамизми, муздек сувда ҳозиргина ювдик-ку, ахир? Топ-тоза жойлардан юриб келган бўлсак! — дейди Зулхумор опа хуноби ошиб.

— Албатта, — дейман мен ҳам уни сўзларини тасдиқлаган бўлиб, — ҳадеб оёғимизни ювавериш ҳавасми, булар қони қайноқ халқ, чиниқиб кетишган, биз шамоллаб қолмайлик яна.

Қарасак, биз билан бироннинг иши йўқ, ҳамма ўзи билан ўзи овора. У ёқ-бу ёққа қараб, эндингина ариқдан ҳатлаб ўтган ҳам эдикки, ўша ерда ким биландир гаплашиб турган узун бўйли, қотмадан келган, қорача, соқолли-саллали киши йўлимизни тўсиб, бизга нималардир деб ариқчани кўрсатди. Ҳа, шаҳар бедарвоза эмас, деганлариdek, келиб-кетувчиларнинг ҳараткатларини назорат қилиб турадиган маҳсус кузатувчилар ҳам бор экан. Начора, биз қўллаган тадбирилиз ўтмаганидан бироз хафа бўлиб, ариқдан кечиб ўтишга мажбур бўлдик. Буни қарангки, сув биз ўйлаганимиздек совуқ эмас, нимагадир анча илиқ экан. Унга атайлабдан иссиқ сув қуйилганми ёки юзлаб одамлар оёғини солиб ўтаверганидан сув исиб қолганми бу бизга қоронфу эди.

Голден темпл...

Чиннидек тоза бу маконда тинчлик, осойишталик ҳукм сурарди. Ўртада катта ҳовуз, атрофи ажиг кенг мармар йўлакчалар. Бу зиёратгоҳнинг сатҳи жуда

катта бўлиб мармар йўлаклар устига бошдан-оёқ, чўғдек қизил нақшинкор гулли гилам поёндозлар тўшаб қўйилган. Атрофи баланд девор билан қўргонланиб, асрлар давомида ёқсан ёмғирларнинг аёвсиз зарби ва саратон қуёши оташидан куйиб емирилганидан ўз шаклини анча йўқотган, бироқ тарихи узоқлиги билиниб тургувчи бинолар бир вақтлар жуда ҳашаматли бўлиб, унга юртнинг улуф рожалари ва азиз-авлиёларининг қадамлари теккани бир қарашдаёқ сезилади.

Бизни бу ерга бежиз кечки пайт олиб келишмаган экан. Зим-зиё тунда улкан ҳовуз атрофига ўрнатилган чироқлар акси сувга тушиб, сирли бир манзара касб этарди. Қоп-қоронғи осмонда чараклаган юлдузлар гўё ўз гўзалликларини томоша қилиш учун бу ҳовуз-кўзгуга ўзларини солаётгандек эди. Тумонот одам осмондаги юлдузлар ёғдусини ҳовузга қараб бемалол томоша қиласади. Кўнгилларга ҳайрат соловчи бетимсол гўзаллик сувнинг қоқ ўртасига асл олтиндан қурилган қаср бўлиб, унинг чироқлар ёғдусида ҳовузга тушган акси сув тагида пориллаб ёнаётган улкан гулханга ўхшардики, бу гўзалликдан ҳар қандай лоқайд одамнинг кўзлари ёниб, кўнгли чароғон бўлиб кетишига шубҳа йўқ эди. Қаср маҳобати ва нурлар ёғдусининг таъсирини янада ошириш учун бўлса керак, ҳовуз атрофига хира чироқлар ўрнатилган эди.

Қаср ичидаги радиокарнайдан чиқаётган муқаддас дуонинг сирли оҳанги зиёратчиларни сехрлаб қўйгандек. Сув ўртасига қурилган қасрга олиб борувчи тоза олтиндан қилинган жимжимадор кўпприк устига солинган қимматбаҳо тўшамаларда одамлар радиокарнайдан таралаётган илоҳий сўзларга жўр бўлиб астойдил ибодат қиласадилар. Бу гўшада муножот товушидан бошқа овоз эшитилмасди. Сирли

сукунат одамларни сөхрли оғушига олган, уларнинг руҳларига шундай бир лаззатли осойишталик баҳш этардики, бундай ҳаловатни бошқа жойдан топиб бўлмасди. Эртаю кеч бева-бечоралар учун саховат-пешалар томонидан турли ичимлик ва овқатлар тайёрланиб, олиб келинаркан. Ҳар қандай одам, кимлигидан қатъи назар, бу ерга кириб bemalol турли таомлардан ейиши, ибодат қилиши, дам олиб ўтириши мумкин экан.

Ҳиндистоннинг энг қадимий тарихий обидаларидан бири бўлган бу олтин қаср инглизларнинг икки юз йилдан ортиқ давом этган мустамлакаси даврида ҳам талон-тарож қилинмагани ақлга сифмайдиган, сирли бир ҳолдир. Бугунда тилларда достон бўлган бу обидани кўрмоқча бутун дунёдан сайёҳлар оқиб келмоқда. Бу саждагоҳ яна неча асрларни ҳайратга солиб, қанчалаб шикаста дилларга ором беришига ишонгиси келади одамнинг.

## ЁРАБ, НЕТАЙИН НЕ ЮЗ ҚАРОЛИФ, БЎЛДИ?

Лудхианада тўрт-беш ижодкор даврасида ўтирар, маҳаллий газетанинг бир аёл мухбири мен билан суҳбат қилаётган эди. (Мен бу келишимда инглиз тилини зарурат юзасидан анча-мунча ўрганиб олган эдим). Шу пайт даврамизга яна бир кекса киши келиб қўшилди. Айтишларича, у таниқди шоирлардан бири экан. Унга мени таништириб, Бобурнинг ҳамюрти эканимни айтишганида, унга бу гап бироз ёқинқирамаганини пайқадим. Гарчи, у Бобур мўғул, у босқинчи деган сўзларни ўз тилида айтган бўлса-да, сўзларининг маъносига тушундим ва мезбонлар кутмагандан:

— Бобур мўғул ҳам, босқинчи ҳам эмас, — дедим бироз овозимни кўтариб, инглиз тилида. — Бобур

ўзбек ва у гўзал шоир,— гапимни давом эттирдим шоша-пиша. Сўнг шу юртнинг давлат арбоби бўлган Жавоҳарлаъл Нерунинг «Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни жуда севарди», деган гапларини келтирдим. Тақдир тақозоси билан бу ерларга келиб қолган Бобурнинг ўзи ҳам бу мамлакатга «юзланганидан» хурсанд эмаслигини, бу ҳолни «не юз қаролиғ бўлди» дея тантиласарча баҳолаганини айтиб, машҳур рубоийсини ёдан ўқиб, мазмунини тушунтириб бердим. Суҳбатдошларим улуф шоирнинг «Тузеке Бобуре»нигина эшитишган экан, холос. Лекин Бобур лирикаси ҳақида ҳеч нарса билишмас экан. Мен унинг шеърлари бағоят гўзал, бетакрор ва дардчил эканини, Бобур шеъриятида «элга шоҳу кўнгилга қул»лигини яширмаганини айтганимда, ижодкор суҳбатдошларимнинг кўнгиллари эриб, бирпасда буюк шоирга хайриҳоҳ бўлиб қолишиди. Бобурийларнинг уч юз йилдан ошиқроқ вақт давомидаги ҳукмронлиги Ҳиндистон халқи ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар ясагани, саноқсиз меъморий обидалар яратилгани, уларнингadolatпарварлиги тўғрисида билганимча тушунтиришга ҳаракат қилдим. Шу гаплардан сўнг мезбонлардан кимдир:

— Илтимос, иложи бўлса Бобур ғазалларини таржима қилиб, бизга юборинглар, биз ҳам уни Ҳиндистондаги барча тилларга ўтириб халқимизга, айниқса, ёшларимизга етказайлик. Улар ҳам бу инсон кимлигини билишсин, — дейишди.

Ҳиндистонда қанча учрашув ўтказган бўлсам, ҳар гал улар тушунишса-тушунишмаса, суҳбатни, аввал Бобур ғазаларидан бирини ўқиши билан бошлайман, сўнг ўз шеърларимдан ўқиб бераман. Баъзан, балки шоир Бобур шеърларидан ўқишим учун унинг руҳи шу заминга чорлагандир, деб ўйлаб қоламан. Балки,

шеърларимнинг инглиз ва ҳинд тилларига таржима қилиниши, алоҳида китоб бўлиб чиқиши ҳам Бобур Мирзо руҳининг қўллаганидандир. Кейинроқ ёзилган бир мақолада Бобурга юртдош эканимга ҳам тўхталинганд, аммо улуғ бобомга нисбатан мўфул сўзи қўшилмасдан «шоҳ ва шоир» деб ёзилгани кўрдим ва англашилмовчилик барҳам топаёттанини кўриб, ичичимдан қувондим.

## УЧРАШУВЛАР

Дунёда омад деганлари бор нарса экан...

Бундан уч-тўрт йил муқаддам ўзбек шеърияти антологияси чоп этилди. Таниқли шоирлардан тортиб, менинг тенг-тўшларим ва ҳали бирорта китоб чиқаришга ҳам улгурмаган ёш шоирларнинг айрим битиклари шу китобга киритилган эди. Мен бу китобга нолойиқ деб топилган бўлсам керак, шеърларим антологияга киритилмади. Буни билган баъзи шоир дўстларим «хурсанд» бўлсин деб туғилган кунимга айнан шу китобни совфа қилишди. Мен бир устозимнинг: «Шеърият – қандайдир антологияларга кирганлик ёки қандай унвонлар олганлик билан ўлчаммайди, кимнинг иқтидори бўлса, эрта бир куни бирор ердан ёриб чиқади», – деган сўзларини айтиб, хафа бўлганимни билдирумаган эдим.

Туркия Евроосиё Ёзарлар бирлигидан, Ҳиндистондан шеърларим ҳақидаги илиқ сўзлар ёзилган мактубларни олганимда ва туркум шеърларим ўзга юртларда босилиб чиқиб, мени Халқаро шоирлар Фестивалларига таклиф этишганида устозимнинг ҳақ эканини чуқурроқ ҳис этдим. Демак, дунё кимлардир ўйлагандек кўп ҳам норосо эмас эканлигига амин бўлдим.

Мен ва уч-тўрт ижодкор дўстларим омадимизни

бир синаб кўриш мақсадида шеърларимизни инглиз тилига таржима қилдириб, Ҳиндистонда ҳинд ва инглиз тилларида бутун дунёга тарқаладиган «Критя» веб-журнали сайтига юбордик. Орадан узоқ вақт ўтмай, ўша манзидан менинг номимга мактуб келди. Унда мен юборган шеърлар журналга манзур бўлгани учун маҳсус сўзбоши билан бир туркуми чоп этишгани айтилган ва журнални электрон вариантини ҳам юборишган экан. Бу менинг учун кутилмаган янгилик ва менинг жаҳон сари ташлаган илк қадамим эди.

Ҳиндистонлик шеърият ихлосмандлари билан ижодий алоқамиз шундай бошланди. Улар шеърларимдан яна юборишмни сўрашди. Мен олим ва таржимон Қосим Маъмуродан шеърларимдан яна бир қанчасини таржима қилиб беришни сўраганимда у киши олдинги меҳнатлари зое кетмаганлигидан бениҳоя қувонди. Кўп ўтмай, гуллар ўлкасидан яна бир хушхабар олдим. «Критя» журналиниң Бош муҳаррири Рети Саксена хоним менга «Критя-2008» Халқаро шоирлар фестивалига қатнашиш учун таклифнома юборган эди.

Шу йили, яъни 2008 йил, ноябр ойида Ҳиндистонда ўтказилган бу Жаҳон шоирлари фестивалида иштирок этиш насиб этди. Анжуманда кўплаб давлатлардан келган дунё шоирларининг шеърлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим.

Ўз навбатида бундай нуфузли анжуманда мен ҳам ўз шеърларимни ижодкорлар имтиҳонидан ўтказиб олдим. Шеърларим, негадир, фестивал қатнашлиари даврасида яхши баҳоланиб, кейинчалик панжоб тилига ҳам таржима қилинди. Бугунги кунда Ҳиндистонда инглиз ва панжоб тилларида алоҳида икки китоб ҳолида нашр этилди. Ёзганларимни ўзбекчадан инглизчага ўтиришда Қосим Маъмурор, инглизчадан

панжобийга таржима қилишда шоир ва таржимон Сварнжит Севиларнинг беқиёс ёрдамини алоҳида эътироф этмасдан бўлмайди, албатта .

Чандигарх, Лудиана, Амритсар, Фрадкот каби шаҳарларда китобларим тақдимотига бағишлиланган қатор учрашувлар бўлиб ўтди. Бу учрашувлар ҳиндларнинг адабиёт ва шеъриятни айрича севишларини кўрсатди. Мен ижодий учрашувларда поэтик сўз билан оламни забт этган Навоий тилида сўзлашадиган, шу тилда шеър ўқиб, шу тилда шеър ёзадиган миллат эканимизни, юртимиизда шеърий сўз мақоми юксаклиги ва ўзбек поэзияси чуқур тарихий илдизга эгалиги ҳақида сўзлаб бердим. Тақдимот маросимларида Ҳиндистоннинг турли воҳаларидан оддий шеърият мухлисларидан тортиб, таниқли ижодкорлар, адабиётшунос олимлар оқиб келишгани кишини қувонтиради.

Ҳиндистонликларнинг оддий бир ўзбек шоирасига кўрсатган бундай юксак ҳурмат-эътибори мени жуда руҳлантириб юборганди, албатта. Ўша куни 2009 йил, май куни соат 16.00 да бўлиб ўтган тадбирнинг шу куннинг ўзида бир неча матбуотларда суратлари билан ёритилиши бутунги кун ҳинд матбуотининг тезкорлигидан далолат берарди. Эрталабки соат 7.00 дан кейин бирорта киоскада газета қолмайди. Уларда «Ҳиндулар эрталаб нонушта қилмаса қилмайдики, аммо, албатта, газета ўқийди» деган гап бор экан. Бундан ташқари, барча идора, ошхона, сартарошхона, касалхона, меҳмонхона каби жамоат жойларида янги газеталар қўйиб қўйиларкан. Хоҳлаган киши уларни ўқиб, дунё янгиликларидан боҳабар бўлаверади. Поездларга чиқилса ҳам, ҳар бир йўловчига бугун Ҳиндистонда босилган барча газета тўплами берилади, агар кимгadir газета ўз вақтида олиб келинмаса, дарҳол хизматчини чақириб ўз ҳақини талаб

қилишаркан. Ўта қизиқувчан ҳинд ҳалқи дунё воқе-  
аларидан бехабар қолиши истамас экан.

Умуман, ижодий учрашувлар, адабий кечалар беиз  
кетмади, деб ўйлайман. Учрашувларда савол-жавоб-  
лар асосан инглиз тилида бўлди. Чунки ҳинд зиёли-  
лари инглизчани худди биз рус тилини билганимиз-  
дай билишар экан. Очифи, уларни тушунишга қий-  
налдим, сабаби Ҳиндистонда тил кўп ва ҳар бир одам  
инглизчани ўз лаҳжасига мослаб қўллар экан.

Шеърларни, асосан, ўзбекча ўқишига ҳаракат қил-  
дим. Инглиз тилида ҳам ўқидим, бироқ ўзбек шеъ-  
риятининг оҳанги ва жаранги ҳиндларга соф ҳолида  
етиб боришини истадим.

Ҳинд диёрида менинг инглиз тилида «Май хаат из  
випинг» ҳамда панжоб тилида «Сада ронда эй дил  
махия» китобларим тақдимоти қачон ва қаерда ўтка-  
зилиши ҳақидаги хабар босилган газета нусхасини  
интернет орқали менга юборишганида жуда ҳаяжон-  
ландим. Учрашув қандай ўтади? Улар мени қандай  
қабул қилишади? Шеърларим уларга маъқул бўлар-  
микан? – деган ўйлар гирдобида баъзан уйқуларим  
қочиб кетди. Тўғри, ўзимида кўплаб учрашувларда  
қатнашганман, бироқ буниси ўзга юрт, ўзгача урф-  
одатлар, ўзгача қарашлар оламида бўлади. Тўғри, бу  
заминга биринчи келишим эмас. Юқорида айтганим-  
дек, «Критя-2008» Халқаро Фестивалида ҳам қатнаш-  
гандим ва ўша пайт ҳам анча-мунча ҳаяжонланган  
эдим. Унда кўпчилик қатори атига бир неча дақиқа  
ўз шеърларимдан ўқиб минбардан тушиб кетгандим.  
Бироқ бу гал вазият анча бошқача, қалтисроқ. Бу са-  
фар ижодкорлар мени тақдимотим учун атайлаб узоқ  
яқиндан келишади ва бу ерда ҳар бир гапирган га-  
пим, ҳар бир ўқиган шеърим дикқат-эътиборда бўла-  
ди. Нигоҳлар беш-ўн дақиқа эмас, соатлаб сенга қада-  
лади. Назаримда, тикилган сонсиз нигоҳлар, бу –

ўзбек шоираси нимани қойиллатаркан, вақтимизни кетказганимизга арзирмикан бунинг ижоди, — дея-ётгандай туюлиб ичимдан зил кетаман.

Табиатан жуда таъсирчан одамман. Сал ҳаяжонланиб қолсам бўлди, шеърларим ҳам ёдимдан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас. Бегона ердаги учрашувларда кўзларини менга тикиб ўтирган одамларни кўриб, ўзимга Яратгандан куч-қувват тилайман.

Ортингдада бир юрт турганини, нафақат ўзинг, балки ота юртинг шаъни ҳам сенга боғлиқлигини англаб тураркансан шундай дамларда.

Панжоб Штати Дехлига қараганда анча салқинроқ экан. Шундай бўлса-да, ҳаво босими юқори бўлгани боис, ўтирган жойингизда тер қуишлиб келаверади. Бир сафар учрашув ўтказиладиган бинода совутгичлар кўплигига эътибор бердим. Танаффусда эринмай санаб чиқсан, юз йигирма — юз эллик кишилик чоққина залда деворга ўрнатилган ўттиз тўртта кичик, деразалар ўртасига жойлаштирилган иккита ўртача ва икки бурчақда бўйи одамдан баланд иккита катта совутгич ишлаб турибди. Шунга қарамай, қатнашчилар терлаб-пишиб, нафас олишга қийналиб ўтиришарди.

Охирги марта 2009 йил ноябр ойида Рожастон штатининг Жайпур шаҳрида бўлиб ўтган «Бешинчи Жаҳон Халқаро Ёзувчилар Фестивалига борганимда мени ҳам ҳайъатга таклиф этишди. (Бу фестивалга мени Ҳиндистон Қитъалараро Маданиятлар уюшмаси директори, Халқаро Ёзувчилар клуби Президенти Дев Бхардува таклиф этган эди). Бу ердаги одатга кўра, Фестивал бошланишида юқорида ўтирганлар ўтган аждодлар хотираси учун шам ёқишаркан. Менга ҳам ўтганлар хотираси учун шам ёқищдек шарафли иш насиб этди. Бизни гаройиб гулдасталар билан сийлашганда, бу илтифотдан бошим осмонга етди. Чун-

ки бу анжуманда мен каби ижодкорлар жуда кўп эди. Бу фестивал фақат шеърхонликдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки дунё адабиётининг бугунги мақсад ва вазифалари, жамиятда тутган ўрни, замонавий жаҳон шеъриятининг етакчи тамойиллари ҳақида қатор маърузалар тингланиб, тортишув ва баҳслар бўлиб ўтди.

Менда, айниқса, Чандигарҳ ва Саҳития адабиёт академиясида бўлиб ўтган тадбирлар катта таассурот қолдирди.

Чандигарҳ... Май ойининг бошлари бўлишига қарамай, кунлар жуда исиб кетган. 2009 йил 4 май куни мен учун жуда ҳаяжонли ва бир умрлик эсда қоларли, унтуилмас кун эди. Бугун шу Чандигарҳ шаҳрида китоб тақдимотим бўлиб ўтади. Бирорта атласми ёки миллийроқ бир кийим кийиб олмоқчи эдим, бироқ иссиқдан юрагим безовта бўлаётганини сездим ва олдинги кун сотиб олган енгил, пахтали матодан тикиланган панжобий кийимни кийишга мажбур бўлдим.

Таржимоним Сваринжит ва ижодкор дўстимиз Девендра билан биргаликда учрашув жойига етиб келганимизда, одамлар аллақачон йиғилиб бўлишган экан. Ўтирганлар билан саломлашиб олдинда бўш турган қаторга бориб ўтиридик. Шунда Девендра у ёқ-бу ёққа қараб, сўнг аста ҳаяжонланиб менга бу ерга Ҳиндистоннинг нуфузли ва таниқли ижодкорлари тўпланишганини айтди. Мен учрашув қандай ўтишини ўйлаб ўтирганим учун бўлса керак, унинг гапларига унча аҳамият бермадим. Атрофга аста назар ташлайман: хона тўқ қизил рангда замонавий европа усулида чиройли таъмир қилинган, ажабтовор чироқлар тепага эмас, хона деворининг у ер бу ерига ўрнатилган. Бу ер ресторан бўлиб, учрашув муносабати билан столлар олиб ташланиб фақат тўрт кишилик замонавий узун ўтиргичлар залнинг икки

томонига териб қўйилган. Зал тўрида ярим доира шаклида икки-уч қават ишлов бериб, усти лакланган ёфоч. Тахтадан қилинган токчага турли маъбуд ва санамларнинг ҳайкалчалари қўйилган. Орқа томондаги БАРдан турли-туман ширинлик ва ичимликлар жой олган. Рўпарада ёшлигимда онам қишига помидор, бодринг ва карам тузлаб қўядиган ёфоч бочкага икки томчи сувдай ўхшаб кетадиган идиш турарди. Учрашув бошлангач билдимки, бу бочка минбар вазифасини ўтаркан.

Ҳали тадбир бошланишига озгина вақт бор эди. Келиб ўтиришимиз билан бир неча ижодкорлар олдимизга келиб, мен билан қуюқ сўрашиди. Улар Ҳиндистонда чиққан китобларим билан табриклаб, «Критя – 2008» Жаҳон шоирлар фестивалида бирга қатнашганимизни, ўшанда ўқиган шеърларим уларда яхши таассурот қолдирганини айтишиди. «Мени танидингизми?» – деб олдимга келган ижодкорларни, гарчи, эсломасам-да, ҳурмат юзасидан танидим, деб жилмайиб қўярдим. Чунки менинг назаримда, уларнинг ҳаммаси бир хил, яъни бошларида каттакон салла, пахмоқ соқол, қотмадан келган, қорача бўлганликлари сабаб, уларни эслаб қолиш қийин эди.

Чамамда, анжуман қатнашчилари кимнидир кутишаётган эди. Орадан кўп ўтмай, оппоқ салла ўраган, ўрта бўй, бугдойранг, ёши улуғроқ, серсоқол, аммо истараси иссиқ бир киши кириб келди. Ҳамма уни ўрнидан туриб ҳурматлади. У Ҳиндистон Саҳитя академиясининг вице президенти Сатиндор Нур соҳиб экан. У кишини ўтган гал келганимда фестивалда кўрган эдим. Уни тадбир раҳнамоларидан деб таништиришгани ёдимга тушди. Учрашувни катта ёзувчи, доктор Манжит Индра олиб борди. Доктор Нур бошлигига биз уч-тўрт кишини ҳам залга қарама-қарши қўйилган креслоларга таклиф этишиди. Дастлаб гул бе-

риш маросими бўларкан, беш-олти таниқли киши менга гуллар беришди. Сўнг маҳаллий газеталарнинг кўп сонли журналистлари тақдимоти ўтказилаётган муаллифни ўз китобини ушлатган ҳолда матбуот учун суратга туширишди.

Бошловчи, билмадим нима учун, илк сўзни менга берди. Қисқагина сўзимда шу қутлуғ заминда инглиз ва панжоб тилларида икки китобим босилиб чиққанидан миннатдорлигим ва кўрсатилаётган бу ҳурмат менгагина эмас, балки ўзбек шеъриятига кўрсатилаётган эҳтиром ҳамлигини инглиз тилида айтдим. Сўнг юртдошим шоир Бобур руҳи учун ҳам унинг «Ҳазон япроғи янглиф...» деб бошланувчи фазалини аруз қоидаларига амал қилган ҳолда, ифодали ўқидим. Ундан кейин ўзимнинг тўрт-бешта шеъримни айтдим. Таржимоним мен ўқиган ҳар бир шеърнинг панжобча таржимасини ўқиб турди. Бундан ташқари сўзга чиққан ижодкорлар ҳам инглиз тилидаги шеърларимдан ҳам ўқиб беришарди. Бу ерда шеър манзур бўлса, «ваҳ, ваҳ!» деб муносабат билдиришар экан. Ҳар бир шеърим шундай «ваҳ, ваҳ!»-лар билан бўлинниб турди.

Кечада бир қанча шоир, адабиётшунос олимлар чиқишиб, китобларим ҳақида илиқ гаплар айтишди. Менга уларнинг холис фикрлари, ҳаяжон билан сўзлашлари жуда маъқул келди. Айримлар сал ортиқча ҳам мақтаб юборишгандай туюлди. Шундай пайлар хаёлимга – Агар шу тобда мени ўрнимга ўзбек адабиётининг таниқли шоирлари Абдулла Орипов ёки Эркин Воҳидовми, Ҳалима Худайбердиева-ми бўлганида бу ердаги ижодкорлар уларни шеърларини эшитишса борми, қанчалик ҳаяжонга тушишлари, олқишлиашларини тасаввур қилиб яйраб кетаман. Мен ўқиган шеърлардаги баъзи сўзлар «муҳаббат», «садоқат», «дўст», «душман», «осмон», «замин»,

«пўртана», «ҳижрон», «дил» каби сўзларни эшитиб тилларингиз бизни тилга жуда яқин экан, баъзи сўзларингиз ҳатто бизни сўзларга ўхшар экан деб қувониб кетишарди, гарчи асли бу сўзларни қаердан келиб чиққанини билишмаса ҳам.

Учрашув охирлаётганда кимдир:

— Ўзбек шеърларининг оҳанги, ўқилиш усули ҳақида тасаввурга эга бўлдик. Энди ўзбек қўшиқларининг оҳанги қандайлигини айтиб бера оласизми?. Иложи бўлса, ўзбек фольклор қўшиқларидан бирор тасини куйлаб берсангиз, — деб сўради.

Мен ҳали бирор нарса дейишга улгурмасимдан залдаги бир киши ўрнидан туриб:

— Мусиқани сизга мен чалиб бераман, Қозоғистонда кўп бўлганман. У ерда ўзбек қўшиқларини ҳам эшитганман, — деб қолди.

Нима дейишни ҳам билмай анграйиб қолдим. Чунки мусиқа чаламан деган кишининг қўлида бирор чолғу асбоби йўқ эди. У менинг фикримни ўқигандай:

— Сиз қўшиқингизни бошлайверинг, мен мусиқани бармоқларим ва оғзим билан чаламан, — деди.

Бир пайлар Ўзбекистон телевидениесининг мусиқий кўрсатувларида ишлаганим менга асқотди. Биринки томоқ қириб бочкани (у энди менга доира вазифасини ўтарди) бармоқларим билан аста чертиб, бир фольклор қўшиғини айтиб бердим. Мусиқачи ўтирганлардан ҳам кўра кўпроқ мени ҳайратга солиб, ҳақиқатан, айттаётган қўшиғимга мослаб ҳам оғзи билан, ҳам бармоқларини қарсиллатиб, бир-бирига уриб, гўзал мусиқий товуш чиқарарди...

### **Саҳитя Академияси...2009 йил 17 ноябр.**

Саҳитя Академиясининг эшиқдан киравериш жойига мен билан учрашув ўтказиладиган кун санаса, вакти ёзилиб, катта ҳарфлар билан «Хуш келибсан Ўкта-

мой» деб ёзилганини кўриб ичимда: ҳиндлар ҳам эринмаган халқ эканда, деб қўйдим.

Тадбир ўтказиладиган катта залнинг тўрисига, минбарнинг тепасига узун фонога «Шеърият форуми, Ўзбек шеърияти, Ўктамой Ходдорованинг ижодий кечаси» деган ёзув жуда катта-катта харфлар билан ёзиб қўйилган ва у ҳаммага яққол кўриниб, ижод аҳлининг диққатини тортарди. Бу ерга йифилган шеърият ихлосманлари шеър тинглашдан ташқари Ўзбекистон ҳақида нималарнидир эшитишни исташаётгани тадбир бошланмасдан олдин менга берган саволларидан ҳам маълум эди. Шунинг учун, ҳар эҳтимолга қарши, инглиз ва ўзбек тилларида олдиндан маъруза тайёрлаб олган эдим. Шунга қарамай, савол-жавобларда бирор тушунмовчилик бўлиб қолмаслиги учун Ўзбекистонда бир неча марта бўлган, ўзбекчани тузуккина биладиган ҳинд олими Шаҳид Тасим билан боғландим. Интернет орқали унга айтадиган гапларим матнини юбориб, ундан шу учрашувда менга таржимонлик қилишини илтимос қилгандим. Академиядагилар ҳам, ҳар эҳтимолга қарши, Дехли университетида таҳсил олаётган ва инглиз тилини яхши била-диган бир қорақалпоқ қизни чақириб қўйишган экан. Бу жуда яхши бўлди. Мен ҳеч қандай хавотирсиз ўзбек тилида ўз маърузамни ўқидим, Шаҳид Таслим уни ҳинд тилида ўқиди, Элмира бўлса савол-жавобларни инглиз тилида тингловчиларга етказди. Қизиқувчи ўқувчиларим учун ўша анжамунда қилган маърузам матнини ҳам илова қиласман:

Ассалому алаикум хонимлар ва жаноблар!  
Ассалому алаикум ижодкор дўстлар!

Мен сизларга қадимий ва навқирон бўлган Ўзбекистондан салом олиб келдим. Ўзбекистон тарихи-

*га назар ташласак у қадимий дунё бешикларидан бири, шеърият ва гуллар мамлакатидир. Биз дунёни ўз шеърияти билан забт этган, улкан классик шоир Алишер Навоий тилида гапирадиган, ёзадиган ва ўқийдиган, фикрини поэтик сўз билан ифода этадиган халқимиз.*

*Ўзбек поэзияси узоқ тарихга эга. Мен подшосидан тортиб оддий дехқонигача шеър ёзадиган халқининг вакилиман. Тарихимизда ўз замонасининг кўплаб ҳукмдорлари, айни пайтда машҳур шоир ҳам бўлишгани маълум. Ҳусайн Байқаро, Бобур ва бобурийлар, Шайбоний ва шайбонийлар, Абдулғозихон ва Ферузлар шулар жумласидандир.*

*Бутунги ўзбек шеърияти ўзининг қадимий илдизи ҳамда жаҳон агадиётини булоқларидан сув ичган поэзиядир. Шунга қарамасдан, замонавий ўзбек поэзиясида мавжуд анъаналар давом эттирибгина қолинмай, постмодерн, трансавангард каби замонавий йўналишида ҳам самарали ижод қилинмоқда. Бундай ижодий бағрикенглик ўзбек поэзиясининг улкан мавқеини белгилаб беради. Менинг фикримча, ҳақиқий шеър чин туйғулар ҳосиласидир.*

*Менинг бу ерга келишим биринчиси эмас. Ҳиндистон мен учун жуда азиз. Чунки тақдир тақозоси билан шу ерларга келиб қолган менинг юртдошим шоҳ ва шоир Бобур Ҳиндистон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган.*

*Биз – ўзбеклар болалигимиздан ҳинг фильмларини кўриб улғайганимиз. Бизнинг ўзбек урф-одат ва анъаналари ҳинг халқиники билан бир-бираига жуда ўхшаши.*

*Ҳинг агадиётининг титанлари: Ҳусрав Дехлавий, Рабиндритаг Тагор, Мирзо Фолиб, Бедил каби ижодкорларнинг асалари ўзбек тилига таржима қилиниб, мактаб дарсликларига ҳам киритилган. Шунинг учун биз ўзбекистонликлар уларни яхши биламиз.*

*Тошкент шаҳридаги ҳинғ тилини ўрганишига йўналтирилган 24-мактабда Ҳиндистоннинг сабиқ Бош вазири Лаъл Баҳодир Шастрига ҳайкал ўрнатилган. Мамлакатимиз пойтактидаги қатор кўчаларга Ҳиндистоннинг таниқли давлат арбоблари: Маҳатма Ганди, Жавоҳарлал Неру ва Лаъл Баҳодир Шастри номлари қўйилган.*

*Панжоблик таниқли шоура Амрита Притам бизнинг машҳур шоурамиз Зулфияхоним шеърларини панжоб ва ҳинди тилига таржима қилиб, уни бутун Ҳиндистонга танитди. Амрита хоним бир неча маротаба Ўзбекистонда меҳмон бўлган. У Ўзбекистонга катта эҳтиром билан қараб, шоура Зулфияхонимга бағишланган «Хотиралар» китобига юртимиз ҳақидаги етти очеркини ҳам киритган. Тошкентда Амританинг «Бханг-ра» ва «Ойдин тун» шеърий тўпламлари 1958 йилда Зулфия таржимасида нашр этилди. Яқинда босилиб чиққан «Чироқ ёнар тун бўйи» номли китобдан бир қатор ҳинғ ижодкорларининг шеър ва ҳикоялари ўрин олган.*

*Шеърият ҳамиша инсон кўнглини поклаш, туйгуларини тозартишига хизмат қилиб келган. Бундай олижаноб миссияни нафақат мумтоз шеърият, балки замонавий ўзбек поэзияси ҳам муваффақият билан бажариб келди. Фитрат, Чўлпон, Faфур Fулом, Ойбек, Миртемир, Зулфияхоним, Усмон Носир, Эркин Водисов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Ҳалима Худайбердиева каби шоурлар инсон кўнглининг ўзига хос манзараларини бетакрор йўсинда акс эттирудилар. Қадимий тарих ва кўп асрлик анъаналарга эга ўзбек шеъриятида модерн йўналиш ҳам тараққий этмоқда. Бу йўналишнинг Баҳром Рўзимуҳаммад, Фахриёр, Абдували Қутбијиддин каби вакиллари бугунги ўзбекнинг асл туйгуларини янгича услугда акс этиришига эришимоқдалар.*

Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, Ўзбекистоннинг гулар шаҳри бўлган Намангандага туғилганман. Болалигим, ёшлигим азим Сирдарё бўйларида ўтган. Касбим бўйича филологман. Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрига катта шоир бўлиш орзусига келганман. Тошкентда Ўзбекистон теевиданесига бошловчи ва муҳаррир бўлиб ишладим. Бир қатор журнал ва газеталарда хизмат қилдим.

Бугунги қунгача менинг катта-кичик саккиз шеърий китобим нашр этилди. Бу йил Ҳиндистонда инглиз ва панжоб тилирида икки китобим чоп этилиши мен учун жуда катта воқеа бўлди. «Сада ронда эй дил маҳия» номли китобимни инглиз тилидан панжоб тилига шу ерлик шоир ва рассом Сванжит Севи таржима қилган.

Шеърият - бу руҳнинг овози. Уни фақат инжа қалбларгина эшишта олади, ҳис эта олади. Менинг назаримда чинакам шеър - бу ҳамиша кўнгил изҳори ва шоир тасаввур оламининг манзаралари дир. Инсон учун бу очунда ўз кўнглини билмоқ ва билдиromoқдан улуғсаодат йўқ.

Ижодкор бошқалардан туйғуларининг жўшқинлиги билан ажralиб туради. У ҳаётда кечеётган ҳодисаларни ақлан идрок этибгина қолмай, юракдан ҳам ўтказади. Шу боис шеър воситасига айтилган фикр таъсири ва юқумли бўлади. Кўнгил ҳамма жойда ҳам кўнгилдир. Шунинг учун шеърият миллат танламайди. У чегара билмайди.

Мен кўпроқ табиат манзаралари ҳақига ёзаман. Лекин улар фақат ташқарираги табиатнинг эмас, менинг кўнглим ва руҳимнинг манзаралари ҳамдир.

Сўзларим чўзилиб кетган бўлса, узр сўрайман. Менинчча, шоирнинг сўзидан кўра шеърини эшишган мароқлироқ бўлса керак. Бир нечта шеър ўқиб беришга рухсат этинг!

Саҳитя Академиясидаги учрашувдан сўнг нимагадир бир нечта ижодкорлар олдимга келиб, Ўзбекистонни зиёрат қилиш истаги борлигини билдириди.

Эртаси куни 18 ноябр куни 79 факультетни ўз ичига олган, дунёдаги энг катта билим даргоҳаридан бири бўлган Декҳли университети талабалари билан учрашув бўлди. Учрашув савол-жавоблар асосида жуда мароқли ўтди. Аёл эмасманми айниқса мени турли сарилар кийиб бизларни тинглаб ўтирган талабалар ва аёл ўқитувчилар кўпроқ қизиқтираётган эди. Қандай гўзал! Менга яна бир нарса тинчлик бермаётган эди. Ўқитувчи аёллар қўлларига қатор-қатор тилла билагузук, қулоқларига, бўйинларига, ҳатто оёқ болдирларига ҳам тилла, брилиянд каби шунча кўп зебзийнатлар тақиб олишган эдики, ҳавасдан кўра одамда шунча жангур-жунгурни иссиқда қандай кўтариб юришаркин деган ачиниш ҳисси пайдо бўларди. Ҳатто бир шоирни ўқитувчи хотини менга билагидаги қўшқўш билагузукларини кўз-кўзлади ва Сизларда ҳам шундай тақинчоқлар тақишидими, сени бу ерда икки уч бор кўришим, лекин тақинчоқлар тақмайсан, ёки сенда бундай зеб-зийнатлар йўқми деб сўради. Бизда бундай тақинчоқлар асосан тўй-ҳашамларда, томошаларда тақилишини унга айтдим, лекин у тушунмадим дегандай елкасини қисди. Тўғри, балки уларда бор бойликларини тақиб кўз-кўзлаш балки фахрdir, балки обрўдир, билмадиму, ҳарқалай маънавият ҳам эмаслигини айтгим келарди... Четдан туриб қараган одамга бирозгина эриш туюларкан зеб-зийнатнинг ҳаддан зиёд қўплиги ҳам.

Учрашувларда кўпчилик ҳинҷ ижодкорлари ўзбек фольклор қўшиқларига қизиқишлини кўрсатди. Улар халқимиз қўшиқлари тўғрисида сўзлаб, иложи бўлса, шундай қўшиқлардан бирини айтиб беришимни сўрашарди. Бир учрашувда ўзбекча алла айтиб бери-

шимни илтимос қилишди. Мезбонларнинг сўровини имкон қадар қондиришга ҳаракат қилдим. Кичикроқ даврларда мезбонлар ҳинд мумтоз ва фольклор қўшиқларидан менга ҳам ҳеч бир илтифотсиз, завқ билан куйлаб беришарди. Эсда қоладиган томони шундаки, уларда бир киши қўшиқ бошласа бўлди, барча ўтирганлар унга жўр бўларди. Қўшиқ матни ва айтилиш усулини ҳамманинг бирдай билиши мени ҳайрон қолдирди.

Учрашувларда сўзга чиққанлар мен ўқиган шеърларда акс этган ҳис-туйғу ва ҳолатлар уларнинг руҳияти ва туйғуларига жуда яқин эканлигини таажжуб билан гапиришарди.

Навбатдаги учрашувлардан бири тугагач, бир шоира олдимга келиб, мен билан суратга тушиш истаги борлигини айтди. Сўнг менинг китобимни кўрсатиб, икки-уч марта: «Жуда гўзал асар экан, яхши таржима қилинибди», — деди. Табиийки, мен унга миннатдорчилик билдирам. Аммо унинг гапларини меҳмонга қилинган одатдаги лутф ҳисоблаб, ортиқча эътибор қилмадим. Кечки пайт бир гуруҳ ижодкорлар билан ўтирадик. Орамизда ҳалиги шоира ҳам бор эди. Мени хурсанд бўлсин деб ўйлади, шекилли:

— Шеърларингиз бизнинг тилимизга чиройли таржима қилинган, таржимаси зўр чиққан. Биласизми? — деди.

Ўтирганлар унинг гапини бошқачароқ қабул қилишди, чоғи, меҳмон нима деркин дегандай менга кўз қирларини ташлашди. Шунинг учун ҳазил қилдим:

— Шеърларим сизнинг тилингизга қандай таржи-ма бўлганини айтолмайман-у, лекин асли жуда гўзаллигини биламан», — дедим. Ҳамма бирдан кулиб юборди. Бу билан мен ундан аламимни олган эдим.

Ҳиндистонлик ижодкорлар дунё адабиётидан түзуккина хабардор эканлар. Улар Пушкин, Лермонтов, Лев Толстой, Алексей Толстой, Анна Ахматова, Мария Цветаева каби рус адилари ижодидан, Достистон шоири Расул Ҳамзатов, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов асарларини күп ўқишаркан. Ўзбек адиларидан фақат Зулфияни шу ерлик машҳур шоира Амрита Притам таржималари орқали бир қадар билишаркан. Афсуски, мен билан учрашган ҳинд зиёлиларининг бирортаси ҳам бизнинг мумтоз адабиётимиздан деярли хабардор эмас эканлар. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ғазаллари ҳақида тўлқинланиб гапирганимда, улар: «Бизга Навоий ва Бобур ғазалларини инглизчада юборинглар, биз уларни ҳиндига ўтириб, халқимизга етказайлик дейишиди. Мен адабиётимизнинг энг сара асарларини таржима орқали дунёга олиб чиқишақти етганини дилдан ҳис этдим. Юртбошимизнинг: «адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан фарб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур», — деган фикрлари ҳам ана шу заруритнинг ёрқин ифодаси эди.

## МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР

Ҳиндистонга илк қадам қўйган заҳотиёқ ҳиндларнинг ўз миллийлигини кийимларида сақлаб қолганига гувоҳ бўлгандим. Эркаклар бошларига салла ўрашган, узун кўйлак, оқ иштон, баъзилари кўйлак устидан узун камзул кийиб олишган. Аёллар эса рангоранг сорий ёки панжобча кийимлар кийишиб, оёқларига енгил шиппак илиб юришарди.

Биз киноларда кўрган европача кийинган ҳиндарлар фақат киноларда бўларкан. Фильмлар кишида

ҳинд либослари аллақачон урфдан қолган деган фикр-ни шакллантирарди. Бу юртда калта юбка, тор шим кийган бирорта аёлни учратмадик. Деярли барча бирдей миллий кийим кияркан. Мактаб, коллеж, ҳатто Дәхли университети талабалари билан бўлган учрашувларда ҳам барча ёшларнинг ўз миллий кийимларида юрганини кўриб ҳавасимиз келди. Ҳатто, профессор-ўқитувчилар ҳам миллий кийимда.

Ташқаридаң қаралса, ҳинд аёллари фақат сари киядигандай туюлади. Аслида ундай эмас экан. Сари деганлари белдан пастга ўраб-ўраб қолгани елка ёки бошга ташлаб олинадиган беш-олти метрлик турли ранглардаги мато экан. Бу матонинг ичидан бизнинг футболкаларга ўхшаб кетадиган, бироқ бел қисми очиқ, енги калта, енгил либос кийишаркан. Панжоби кўйлак саридан фарқ қилиб, тайёр тикилган бўларкан. Ёш қизлар тиззадан келадиган, юришга осон бўлиши учун икки ёни йиртиқ кўйлак, ҳаддан ташқари кенг қилиб тикилган шалвар кийиб, энли шарфни бўйинга тескари қилиб ташлаб олишаркан. Назаримда, мен борган ерларда сарилардан кўра панжобий кийим кийган хотин-қизлар кўп эди. Фикримча, панжобий кийимлар сарига нисбатан анча қулай эди. Мен XXI асрда ҳам ўз миллий кийимларини сақлаб келаётган ҳиндларга ичимда таҳсиллар ўқидим.

Ҳиндистон қанча цивилизацияларни бошидан ке-чирган, шунга қарамай миллийлигини шу кунгача қандай қилиб сақлаб қолган экан деган савол мени бир ижодкор сифатида жуда қизиқтириди. Шунинг учун Ҳиндистон тарихи билан бироз қизиқиб кўрдим ва баъзи маълумотларни топдим.

Инглиз буржуа тарихчиси Макалай Ҳиндистон ҳақида шундай деб ёзган экан: — Бир токча инглиз китоби бутун ҳинд мамлакатидан қимматлироқ.

Шундан сўнг бутун ҳинд зиёлилари ҳаракатга ке-

либ ҳинд маданий тарихини чуқур ўрганиб чиқиб Ҳиндистон маданиятини Миср, Финекия, Бобул каби қадимий давлатлардан ҳам қадимийлигини аниқлағач буни инглизлар ҳам ноилож тан олишга мажбур бўладилар.

Медицина, астрономия, математика дастлаб шу юртда ривожланганлиги Маханжо Доро қўл ёзмалиридан аён бўлади. Тарихчи Макалайнинг гапи илмий жиҳатдан асоссиз ва пуч экани бутун дунёга маълум бўлади. Ҳинд маданияти олдида инглиз маданияти ҳеч нарса эмаслиг и асослаб берилади.

Миллий озодлик ҳаракати йўлбошчиларидан бири Маҳатма Ганди(асли исми Махандат Карамчаңд Ганди бўлиб, Р. Тагор унга Маҳатма, яъни «улуг руҳ» номини беради) Маҳатма Ҳиндистон катта давлат эканини англаган ҳолда унда 173 та тил, 485 та шева мавжудлигини, шулардан 14 таси ишлатилганлигини, 30 таси матбуот учун хизмат қилаётганини ўрганиб чиқади.

Бу кўп тиллилик, кўп худолик бўлган давлатни бирлаштириш учун қандай қилиб умумий бир занжир топиш мумкинлиги ҳақида бош қотиради. Бунинг учун миллий қадриятлар орқалигина уларни бирлаштириш мумкинлигини ҳис этиб, концепция ишлаб чиқади.

Бизнинг ватанимиз бир, урф-одатларимиз, кийим-кечакларимиз бир, қўшиқларимиз бир демак, ҳеч қандай қон тўқмасдан халқимизни озодликка олиб чиқиш мумкин дейди.

Ўз миллий кийимини кийиб бутун Ҳиндистон бўйлаб сафарга отланади.

— Биз барчамиз ҳиндистонликлармиз, дарёйимиз бир, ўзанимиз бир, урф-одатларимиз бир, агар биз бўлинуб кетсан бизни авлодларимиз танимайди. Катта халқларни умумий қўшиғи бўлади, халқлар тарихини ўрганиш оммавий қўшиқларда билинади.

Қўшиқларимизга эса, кийимларимиз мос бўлиши керак. Шунда миллий менталитетимиз сақлаб қолинади, — дейди.

Унинг сиёсати шундай эди, у инглизларни ёмонламайди, уларга қарши чиқмайди, фақат миллий қадриятларни тарғиб қиласди. Унинг тарғиботи бора-бора байрамларга айланиб кетади. Қизиги шундаки, унинг тарғиботига инглиз амалдорлари ҳам қатнашади. Улар бу ҳақда:

— Бу бир масхаробоз, саводсиз ҳалқ нима ҳам қила оларди, — деб парво ҳам қилмайдилар.

Байрамлар тобора катталасиб кетади. Энди инглизларга тақлид қилиб кийинаётган айрим ҳиндлар ҳам ўз кийимларига қайтишади.

(Бу Свадейжи ҳаракатининг мақсади шундан иборат эдики ажнабий давлатларнинг молларига байкот эълон қилиниб, миллий саноатнинг ривожи учун курашиб ва ўз юртларида тўқилган матолардан тикиланган кийимларни кийишдан иборат эди.)

Маҳатма Ганди айтдики, ҳар куни ҳар бир ҳинд кийим-кечак учун бир доллардан сарфласа, ҳар куни куни бир миллиард доллар пулимиз чет мамлакатларга чиқиб кетар экан, келинглар шу пулларни ўз давлатимиз равнақи йўлида ишлатайлик дейди.

Инглиз товарлари туриб қолди, звачкалар ўрнига ҳиндлар шу ерда ўсадиган пон дарахти баргларини чайнашди. Натижада инглизлар олиб келган товарлар касодга учрайди.

Маҳатма олиб бораётган сиёсат Англия амалдорларигача етиб боради.

У ердан Ҳиндистонда давлат бошқараётган карчалонларга номига хат келади ва унда «давлатни ким бошқарияпти, биз сизларга ишониб ўтирибмиз, Маҳатма Ганди деган одам бошқараётганлигини эшитдик», — дейилган эди. Шундан сўнг Маҳатмани ҳиб-

сга олиниб, уни қамаб қўйишади. Бутун матбуот оёққа туриб уни ҳимоя қилишади ва уни сиёсатини қўллаб бутун дунёга тарқатишади. Америкалик адвокат уни ҳимоя қилиб қамоқдан озод қиласди. Энди у ҳалқ доҳийсига айланади. Шундай қилиб уни ҳалқ озодлиги йўлидаги режалари амаалга ошади. Ҳиндистон миллий ўзига хослигини сақлаб қолиб, тинчлик йўли билан бир томчи қон тўкмасдан ҳалқни озодликка олиб чиқади. Ҳали дунё сиёсатида бундай антиқа сиёсат кузатилмаган эди.

Бир прайлар Нобел мукофотини олган Р.Тагор ҳам Ҳиндистонни «қалоқ ва қашшоқ ҳалқ, қашшоқлигидан уялмайдиган ҳалқ» деб ҳалқидан уялиб, изтироб чеккан ижодкор Англияга бориб ўқиб юрган кезлари ўша ерда катта кутубхоналарга кириб ўз юрти тарихи билан қизиқади ва ҳинд маданий меросининг жуда қадимий эканини ҳамда бой тарихий ўтмишга эга эканлигини тушуниб етади. Ҳиндистонга қайтиб келгач, фақат миллий руҳдаги асарлар яратади. Шу билан бирга инглиз империясини фитналарини фош этувчи кўплаб асарлар ҳам ёзади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар ёмон нарсанинг ҳам яхши томони бўлганидек, Англия мустамлакаси бу юртга инглиз тилини қолдириб кетади. Бу ўз-ўзидан Ҳиндистон тараққиётини тезлаштиришга, барча соҳаларда дунёга чиқиб олишига ёрдам берди...

Ҳар эҳтимолга қарши, мен ҳам ўзбек миллий либосларидан олиб боргандим. Фестивал ўтказиладиган жойга бошимга шилдироқлари осилиб тушган зардўзи дўппи, эгнимга хонатлас кўйлак, жиякли хонатлас лозим, оёғимда бухоро зар шиппаги, атлас кўйлак устидан ялтироқ зар нимча кийиб бордим. Менга ҳинд либослари қандай жозиб туйилган бўлса, шубҳа йўқки, менинг ўзбекча кийимларим ҳам уларга шундай таъсир қилаётгани аниқ эди. Фестивал очи-

лишига ярим соатча вақт бор. Ҳовлида турли мамлакатлардан келган ижодкорлар тўп-тўп бўлиб сухбатлашиб туришарди. Бир томонга қатор столлар қўйилиб, китоб бозори қизиб кетган. Маҳаллий ижодкорлар дасталаб турли шеърий китоблар сотиб оларди. У ерда пайдо бўлишим билан фотоаппарату, қўл телефонлари ишга тушиб кетди. Ўзаро гаплашиб тургандар беихтиёр биз томон бирин-кетин кела бошлишди. Айниқса, маҳаллий матбуот вакилларига иш тоғилиб қолди. «Хоним, бу ёқقا қараб юборинг, ундай туринг, бундай туринг» каби тавозели илтимослар ёмғирдай ёғди. Кутимаган эътибордан бироз гангид қолдим. Ҳар томондан: «Либосларингиз жуда гўзал экан, қаердан келгансиз?», «Сизларда шундай кийинишадими?» сингари саволлар ёғилиб кетди. Тўғриси бундай бўлишини сира кутмаган эдим.

Фестивалда шеър ўқиши навбати менга тушдан кейин етди. Табиийки, қаттиқ ҳаяжонда эдим. Бундай анжуманда биринчи бор қатнашишим. Яна шеърни инглизча ўқишим керак. Яхшиям шеър ўқилаётганда, орқа томондаги деворга ўқилаётган шеър матни инглиз тилида компьютер орқали олдиндан тайёрлаб қўйилган экан бериб борилди. Бирор сўз бузиб талаффуз қилинган тақдирда ҳам қатнашчилар табодан тўғри вариантини bemalol ўқиб олишади.

Бешта шеърни инглиз тилида ўқидим, таржимоним Сванжит уни ўз тилида ўқиди. Шеър ўқияпману ҳаяжон чулгайди, юрагимда ҳадик. Ўзбек шеърини бошиқа миллат ижодкорлари қандай қабул қилишаркан? Ҳар тугул, шеър ўқиётганимда ўтирганлар бир неча бор: «Вах-ваҳ!» – деб бақиришди, ҳар бир шеърим тугаганда қизғин қарсак чалишди. Бундай муносабат кўнглимни тоғдек кўтариб юборди. Шу пайт ёнимда истеъодли ижодкор тенгдошларим Ҳалима Аҳмад, Баҳром Рўзимуҳаммад, Азиз Сайдлар бўлган-

да қандай яхши бўларди-я! Минбарда турганимда хаёлимга бир фикр келди: «Шундан шунга келиб, инглиз тилида шеър ўқиб, индамай қайтиб кетаверманми? Йўқ булар ўзбек сўзининг жарангини эшитишсин!» Шундай деб ўйладимда, залга қараб: «Кечирасизлар, мен сизларга ўз тилимда ҳам биргина шеър ўқиб бермоқчиман», — дедимда, Бобораҳим Машрабнинг «Эй сабо, ғамбодадирман» номли фазалини ўқидим. Гулдурос қарсаклар чалиниб «ваҳ-ваҳ» деган овозлар эштилди. Шеърнинг оҳанги маъқул келди, шекилли, ўтирганлар яна ўзбек тилида шеър ўқишимни сўрашди. Энди «Бу чарҳ» деб бошланувчи шеъримни ўқидим. Энди минбардан тушмоқчи бўлгандим, қатнашчилар: «Яна шеърларингиздан ўқиб беринг!» — дейишиди. Яна ўқийдиган бўлсам, одобсизлик бўлар деб ўйладим. Ахир, регламент деган нарса бор, мендан бошқа қанча ижодкорлар навбат кутиб туришибди. Шуларни ўйлаб, индамай бориб жойимга ўтиредим, аммо таржимоним пухта чиқиб қолди. У тасодифан келиб қолган имкониятни қўлдан бергиси келмади, шекилли:

— Кечирасизлар, мен Ўқтамойнинг кўп шеърларини таржима қилганман. Агар рухсат берсаларинг, унинг шеърларини мен ўқиб берақолай, — деб яна тўрт-бешта шеъримни панжоб тилида ўқиди. Одатдагидай, орқада шу шеърларнинг инглизча матнини бериб туришибди. Танаффус пайти олдимга кўплаб шоирлар келиб, шеърларим ҳақида илиқ сўзлар айтишибди. Кимdir визит картасини берди, яна кимdir китобига дастхат ёзиб узатди. Шеърларим ҳақидаги яхши гаплардан фоят шод бўлдим. Эртаси куни Панжоб штатининг барча газеталарида фестивалнинг бориши ҳақида хабарлар берилибди. Ўзбекча кийимлар шарофати ҳам бўлса керак, кўпчилик газеталарнинг биринчи бетида суратим чиқибди. Баъзиларида мен-

дан олинган интервью босилибди, айримларида шеърларим берилибди.

Бироз чалғиб кетдим, шекилли. Дарвоқе, гап миллий лиbosлар хусусида бораётган эди-я. Мен дастлаб ҳинд кийимларига қандай ҳавас билан қараган бўлсам, энди ҳинд шоиралари ҳам атрофимда парвона бўлиб кийимларимга қизиқиш билан қарашар, гоҳ дўпнимнинг шилдироқларини, дам зар камзулим гулларини ушлаб қўришарди. Қайсиdir давлатдан келган бир шоир олдимга келиб:

— Сизнинг юртингизда ҳамма аёллар шундай кийиниб юришадими, — деб сўраб қолди ҳаваси келгандай

— Ҳа! — деб қўя қолдим гапни чўзмасдан.

Бу гапни айтишга айтдимку лекин тилимни тишлиб қолдим, эрта бир кун буларнинг бирортаси юртимизга келиб қолса, мини юбка, тор шимда юрган ўзбек қизларини кўриб, нима ўйга боришади деган ҳадик пайдо бўлди. Дарвоқе, бу ерда европоча кийиниб олган ҳамкасларимизга ҳеч ким эътибор бермади ҳисоб. Ўзимча ўйга толаман: шундай чиройли лиbosларимизни нега кунда киймаймиз, нега уларни кийишдан ор қиласиз? Нега шундай бетакрор кийимлариз ҳузурини сандиқлар кўради?

## ҲОЛИ БАЙРАМИ

Ҳиндларнинг кўплаб байрамлари ичида Холи байрами энг ранг-баранг ҳисобланади. Бу байрамда баҳорнинг келиши, қоронгу қишининг чекиниши, қуёшнинг ёфду сочиши ва ёвуз Ҳоликанинг ўлими нишонланади. У вақтичоғлиқ ва умид байрамидир. Бунда одамлар бироз бўлсада ўз ташвишларини унутиб, роҳат-фароғатда ҳаётдан завқ олишни истайдилар. Зич яшаётган маҳаллаларда бу одамлар озор етказмай бир-

бирларига бүг, ранглар сочадилар, Ҳатто шу орқали бир-биридан алам олиб эски-гина курдатлар унтулади. Ҳоли байрами бутун Ҳинистон бўйлаб кенг нишонланади. Мазкур байрам ҳинд кинолари орқали экранларда намойиш этилади.

Бутун дунёда яшаётган ҳиндлар мазкур ранглар байрамини орзиқиб қутадилар. Бу байрамда қишининг совуқ зими斯顿 тунида мушаклар отилиб, ранго ранг чироқлар ёқилади. Илк баҳорга йўл очилади, яъни қишилган ҳайдалади. Ҳоли байрамининг кейинги куни Диҳулети деб аталиб бу ҳақийқий ранглар фестивали ҳисобланади. Бунда кўз олдингиздаги барча нарсаларни турли ранглар исёни қоплаб олгандек кўринади. Ҳоли байрами тўлиқ ойнинг 15 куни бошланиб, у Дувадаши деб аталаади. Фестивал бошланишига тайёргарлик кўриш жараёнида одамларда кўтаринки кайфият пайдо бўлади. Одатга кўра оналар турмушга чиққан қизлари учун янги либослар тикишади. Рангли гула, яъни пудралар сотиб олиб, уларни «ричкарис» деб атайдилар ва балонларга сувлар тўлдириб кўйилади. Фестивал учун маҳсус таомлар, турли ширинликлар пиширилади. Эгизак шаҳарлардан бири - Кришна улгайган шаҳар Нандагоу ва Шри Ратха улгайган шаҳар Барсанаси байрамларнинг маркази ҳисобланади. Кришна худоси ўсиб улгаётган пайтда мазкур байрам оммавийлаштирилган эди. Шундан бери Ҳоли байрами нишонланиб келинади. Бу байрам Вражнинг эр ва аёллари тенг хуқуқлиликни намойиш қилиб жинслар жангини ранглар тўқнашуви орқали намойиш этади. Ҳиндистоннинг бошқа жойларига қараганда бу ерда байрам бир ҳафта олдин бошланади. Нандагау шаҳрининг эркаклари Барсанаси шаҳрининг Шри Ратхикажи ибодатхонасининг устига байроқ кўтариш умиди билан Барсанага бостириб боради. Барсанани аёллари қий-чув қилишиб уларни

узун чўп таёқлар билан кутиб олишади. Эркаклар Ратхи ибодатхонаси томон қочишаётганида аёллар уларни савалашади. Эрлар яхши қалтак еб олишади, чунки аёллардан қасд олиш мумкин эмаслиги учун жим туриб беришади. Шу жангда эрлар асирга тушиб қолмаслик учун жон-жаҳдолари билан ҳаракат қилишади. Омади юришмай қўлга асирга тушиб қолган эркакларни аёллар мажбурулаб олиб кетишар ва уларни аёл кийимини кийдириб рақсга тушишга мажбур қилишади. Байрам Враж шахрининг бошқа ҳудудларига ҳам етиб боради ва у бутун Ҳинистон бўйлаб баҳор байрами, ранглар байрами сифатида нишонланади. Бу байрам Ҳиндистоннинг аксари кўп ўлкаларида феврал, март ойлари байрам қилинади.

Бу байрамда ўйин-кулгу, турли миллий рақслар авжига чиқади. Барча эркагу аёл бирдай оппоқ кийиб олиб кўчаларга чиқишади. Чунки бир-бирларига сепилган ранглар яққол кўриниб туради. Ҳиндистонга саёҳат учун четдан келганлар яххиси бу байрамга қатнашмаганлари маъқул, чунки кийимларга сепилган анвойи ранглар ювса ҳам кетмайди, доф бўлиб қолади. Баъзан ёш болалар ўтиб бораётган усти очиқ машинага, мотоцикл, велосипед ҳайдочиларига ҳам ранг сепишгина уларни кўзлари кўрмай бир-бирлари билан тўқнашиб, ҳалокат содир этишлари ҳам мумкин.

Ривоятларга қараганда Хиранкашяп исмли жуда ёвуз, бешафқат бир шайтон бўлган. У худоларга қарши жанг қилиб уларни мағлубиятта учратган. Шунинг учун ҳам у ниҳоятда худбин бўлиб қолади, ҳатто худога ибодат қилиш, худони номини тилга олишни ҳам ман қилувчи буйруқ чиқаради. Ундан қўрқкан халқ унга ибодат қила бошлайдилар. Унинг ўғли Пралхад эса худога ҳақийқий эътиқодчи бўлиб чиқади. У отасининг буйруfigа бўйсунмайди. Отаси ундан жаҳли чиқади ва унга қаттиқ жазо сифатида ўғлини ўтга таш-

лаб, тириклай ёндириш учун фармон чиқаради. Хирланкашяпнинг Ҳолика исмли бир синглиси бор эди. Ҳолика жуда ёвуз ва маккора бўлиб аҳолига кўплаб зиён-захмат етказар эди, ҳатто укаси ва онасининг ҳам душмани эди. У қанчалаб ёш гўдакларни ўзининг заҳарли сути билан эмизиб ўлдиради.

Халқ ундан қаттиқ ғазабда эди. Бу жодугар шундай хусусияти ҳам бор эдики унга олов таъсир қилмас эди. Хирланкашяп ўглини қўлига олиб гулханга ташлашни буюрганида халқ ёвуз Ҳоликани ҳам гулханга ташлашни талаб қиласди. Унинг ўтда ёнмаслик хусусиятини билган акаси уни ҳам гулханга ташлашига фармон беради. Бироқ Ҳолика оловда ёниб кетиб, Пралҳад ҳаётини худо сақлаб қолади. Унга ҳеч қандай зиён-захмат етмайди. Бу воқеани хотирлаш учун одамлар ҳар йили катта гулхан ёқиб ёвузыликни ҳайдаш билан, Ҳоли маъбудасига сифиниш орқали фаровон яшашни ният қилиб Ҳоли байрамини кенг нишонлайдилар.

## МАКЛОРАНЖ

Деҳлида иссиқ жуда авжига чиққан, ҳаво босими юқорилигидан нафас олиш ҳам қийин. Жазирамада кўчада юришнинг ўзи бўлмайди. Хотеллар, турли катта-кичик идоралар, корхоналарга қўйилган қўш-қўш совуттичлар ҳам бу иссиқ тафтини кесолмай қийналади. Шунинг учун ҳам бозору мазагинлар ҳам асосан кечқурунлари бироз салқин тушганда ишлайди. Аммо Маклоранж бундан мустасно...

Киру адирлар, тоғлар бағрига жойлашган бу мусаффо ҳаволарга бой маскан нафақат Ҳиндистон, балки бутун дунёдаги энг гўзал маъволардан бўлса ажаб эмас. Ёмғир шаррос қуяди, уйларнинг томига туша-

ётган ёмғирнинг тангир-тунгири худди тўйларда ча-линағидан ногоранинг овозига ўхшайди. Куни бўйи зерикиб ётган сатанг дараҳт япроқлари ёмғирнинг бу куйига бутун вужудларини силкитиб рақс тушиша-ди. Бу тоза ҳавода симириб, юз, икки юз, уч юз, беш юз йилдан буён яшина бурган азамат арчалар ёмғир сувларини тўйиб-тўйиб сипқоришади, зангор вужуд-лари янада яшилланади. Гўё улар шаҳарнинг шовқи-ни ва жазирамасидан қочиб шу салқин, жонга ором бергувчи хилватга келиб қолганлар ва бу ердан ке-тишни хаёлларига келтирмаётганга ўхшайди.

Кўқдаги паға-паға булатлар тўдаси турли шаклларга кириб, одамнинг устига бостириб келиб, уни оғушига оладигандай туюлади. Муздеккина заррин эпкиндан киши энтикиб кетади. Одам бу оппоқ булатлар ичida карсиллаган тоза ҳаволардан тўйиб-тўйиб сипқорган-дай бўлади. Бу ердаги бетимсол, ёввойи гўзалликни кўрган одамнинг, жуда бўлмаса, арчага айланиб қол-гиси келади. Хоҳишнинг зўрлигидан оёқлар илдиз каби ерга чуқур ботаётгандек бўлади.

Маклоранж Амритсардан атиги 210 километрлик масофа бўлишига қарамасдан, йўллар айланиш ва нотекис бўлгани боис машиналарда 6-7 соатда зўрга етиб борилади. Йўллар тор, иккита машина аранг сиғади. Бунинг устига, у шу қадар илон изики, ҳар беш-ўн метрда бурилиш, ҳар қадамда хавф-хатар. Ҳар бир бурилишдан ўтилаётганда қарама-қарши томондан бирорта улов чиқиб қолиш хавфи бор. Тоғ ёнбағрида ўсиб ётган баҳайбат арчалар ҳали замон машиналар устига қулаб тушаётгандек йўлга энга-шиб қолган.

Шаҳар анча баландликка жойлашгани учун паст-даги манзараларни бемалол томоша қилиш мумкин. Ҳаво этни жунжиктирадиган даражада салқин, ис-сиқроқ кийиниб олинмаса, шамоллаб қолиш ҳам ҳеч

гап эмас. Юқоридан пастга боқаман: ям-яшил тоғлар, тоғлар ортида тоғлар, уларнинг ҳам орқасида яна тоғлар қаватма-қават бўлиб, ажиг кўриниш касб эта-ди. Йўлдан анча пастда, арчали тоғлар атрофида оқ паркудай булултлар сузиб юради. Осмон булултлар со-яси ерга тушиб турибди.

Пастдан юқорига қаралса ҳам қават-қават тоғлар, қалин майсалар, чалкашиб кетган турли огочлар. Бир қарич очиқ жой йўқ. Яшилликларга бурканган, арча-зорларга айланган юмшоқбагир тоғлар. Умрим бино бўлиб, бўйи 40-50 метрга етадиган бундай улкан ар-чаларни ҳам, яшил арчалар бағрида кўмилиб ётган Маклоранждай экзотик кўринишга эга бўлган шаҳарни ҳам кўрмаганман.

Эрталиқдан сўнг табиат гўзалликларидан кўпроқ баҳраманд бўлиш истагида қатор-қатор кичик дўкон-лардан ўтиб, сайхонликка чиқамиз ва тошдан қилинганд зиналардан ҳатлаб пастликка тушиб борамиз. Бу гўшада сайёҳлар жуда кўп, теварак-атрофни томоша қилиб чарчаган кишилар кенг сайхонликка қўйилган стол атрофидаги стулларда кофе ичиб, дам олиб ўтиришарди. Улардан эр-хотинга ўхшаган оқ сариқдан келган, барваста, устиларида қалин спорт кийими кийган иккита ажнабий бизнинг мусофирилгимизни се-зишли, шекилли, кофега таклиф қилишли.

— Қалай, бу ерлар сизларга ёқдими, — сўраймиз улардан.

— Ў, нимасини айтасиз! — деди улар бараварига.

— Ёқиш ҳам гапми. Бизнинг ўзимиз гўзал Шведца-рияданмиз. Эшитган бўлсаларингиз керак. Лекин биз бундай ёввойи гўзалликни асло кўрмаганмиз.

Яқингинамиздаги бассейнга ўхшаш ҳовуз бўйига борамиз. Ҳовузга аста қўлимизни текказиб кўрамиз, сув совуқлигидан дарҳол қўлимизни тортиб оламиз. Баланд тоғлардан тушган бу сув одамнинг этини жун-

жиктирада даражада совуқ. Ҳовуз бўйида беш-олти ҳинд аёли ниманидир тортишиб туришарди. Улардан бири узун сарисини судраб сувга туша бошлиди. Ҳаёлимдан соғ одам шундай совуқда ҳам чўмиладими, деган ўй ўтди. Уни кўриб, боядан бери ҳовузни томоша қилиб турган аёллар ҳам ўзларини бирин-кетин сувга ташлашди.

— Нима бало, — дейди ҳамроҳим таажжубини яшира олмай. — Улар гаров боғлашганми дейманда.

Аёлларнинг шод қийқиришларидан сувда маза қилишаётгани сезилиб турарди. Шу пайт уч-тўртта ўспирин қаёқдантир чопиб келишдида, кела солиб шоша-пиша ечинишди, кийимларини у ёқ-бу ёқса улоқтирганча ўзларини муздек сувга отишди. Чамамда, улар ҳар куни чўмилавериб чиникиб кетган шу ерлик болалар эди. Биз ҳовуз орқасидаги тор зиналардан юқори кўтарилимагиз. Тепаликка жойлашган, деворлари анча нураб кетган, қўринишидан неча асрлар олдин қурилиб ҳали ҳам маҳобатини йўқотмаган қора қасрни томоша қиласиз. Кетган йўлимиздан ортимизга қайтдик. Бояти аёллар ҳали ҳам ҳовузда чўмилашаётган экан. Улар дастлаб сувга тушганларида бироз титтрашаётган эди, ҳозир эса бамайлихотир бир-бирлари билан суҳбатлашиб чўмилардилар.

Бу ерга ўликларни тирилтирувчи деб ном олган Тибет жуда яқин экан. Шунинг учун бу ерда кўплаб тибетлик табиблар хусусий шифохоналар очиб маҳаллий аҳоли ва четдан келганларни ўт-ўланлар билан даволашар экан. Ўйга толаман, шундай мўътадил руҳафшо ҳаволар, бетакрор яшил табиатнинг минг хилдаги товланишлари кўнгилларга битмас-туганмас осудалик, кўтаринкилил бахш этаётган жойда одам касал бўлишга ҳам ҳижолат қиласиди.

## **ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР**

Ёдингизда бўлса, ҳикоямнинг бошида Амритсар шаҳрининг хароблиги, чанг-тўзонли кўчалари ҳақида тўхталган ва унинг тимсолида бутун Ҳиндистонни кўрган эдим. Бу менинг илк тассаввурим эди, албатта. Яна неча бор бошқа шаҳарларида ҳам бўлганимда Ҳиндистон ҳақидаги фикрим бутунлай ўзгариб кетди.

Янги Дехли, Чандигарх, Агра, Маклоранж, Жайпур каби шаҳарлар ўз гўзаллиги билан менда катта таассурот қолдириди. Айниқса, Агра, Рожастон шаҳарларининг ўзига хос тарихий обидалари, неча юз йиллардан бўён дунё сайёҳларини ўзига жалб этиб келаётган қадимий ва бетакрор архитектураси оламга машҳурдир. Аградаги мусулмонлар томонидан тошлирдан йўниб тикланган узундан узун биноларни айланниб тугата олмайсиз. Тошлирдан йўниб, уларга ишлов бериб қурилган бу тош қасрларга асрлар силсиласи ўз ҳукмини ўтказолмаган. Бу обидалар ўз тароватини ҳозиргача йўқотмаган.

2009 йил, ноябр ойида Халқаро Ёзувчилар фестивали Рожастон штатининг пойтахти Жайпур шаҳрида ўтди. Рожастон деган сўзнинг асл маъноси рожа маскани, яъни мартабали, улуғ инсонлар яшаган жой маъносини англатади. Бу шаҳар ҳақида кўп эшитгандим ва у ерни кўриш орзусида эдим. Менга Халқаро фестивал Рожастонда ўтади деб таклифнома юборишганида жуда хурсанд бўлиб кетдим. Қизгин беллашув, баҳсларга тўла фестивал якунлангандан сўнг бу шаҳарнинг тарихий жойларини томоша қилиш ва зиёрат этиш учун қатнашчиларга автобус ташкил қилиниб, экскурсия уюштирилиши кўнгилдаги иш бўлди. Бу ердаги қадимий бинолар тарихини яхши

билидиган бир экскурсовод ҳам берилдики, у бизни қизиқтирган барча саволларга тўла жавоб берди. Бу ерда маймунлар жуда кўп бўлиб, улар мен Аграда кўрган маймунларга қарагандা баҳайбат эди. Улар тарихий биноларнинг энг баланд томларида бамайлихотир юришарди.

Жайпур шаҳри Хиндистоннинг бошқа тарихий шаҳарларидан тубдан фарқ қиласи. Пушти шаҳар деб аталувчи бу жойдаги рангли архитектура ёдгорликлари, тарихий маданияти, қалъяю қасрлар масканнинг улуғворлиги, сиру синоатга бой ўтмишидан далолат беради. Доҳий Сававажий Синх Жайпурнинг рамзиdir.

Бу ердаги XV1-XV11 асрларга мансуб обидалар оқ мармардан қурилиб, турли қимматбаҳо тошлар ёпиштирилган Амбер қалъаси кўзларни қамаштиради. Ганеш қалъаси деворларига эса улкан сувратлар чизилиб безак берилган. Шишмаҳал қалъаси асосан ойналардан ишланган. Бу ойналар ўзидан ёруғликни яхши ўтказиб, қуёш нурида турли рангларда товланиши билан одамларни ўзига ром этади. Барча хона ва заллар Белгиядан келтирилган ойналардан ишланган. Шила Деви обидаси хукмдор шаҳзодаларга атаб қурилган бўлиб ажиб кўринишга эгадир.

Бу ерда мени эътиборимни тортган жойлардан бири сув ўртасига қурилган Рамбог қалъаси Жайпур қироли томонидан 1835 йили қурилган экан, у кейинчалик овчилар ва меҳмонлар манзилига айлантирилиб кейинчалик бир мунча замонавийлаштирилиб Жайпур Маҳаражасининг (хукмдорининг) қароргоҳига айлантирилди. 1972 йилдан бўён у меросий меҳмонхона сифатида Тож туристик сайёҳларларга хизмат қилиб келар экан. Ақл бовар қилмайди. Кечки пайт атрофи катта кўл бўлган бу иншоат чироқлари сувга тушиб ажиб жилваланиб кўринаркан, уни бир неча асрлар-

дан буён ўз маҳобатини йўқотмай саллона туриши ўша давр архитектурасининг юксаклигидан далолат беради. Кундузи қирғоқдан бу бино атрофидағи улкан ям-яшил дараҳтлар кўриниб тураркан. У ерга фақат қайиқлардагина бориб томоша қилиш мумкин экан. Афсуски бизнинг вақтимиз бироз тифизлиги учун бу мўъжаз оролчани бориб кўролмадик.

Бу ерга келмасимдан сал олдин бир ижодкор дўстимиз қизиқ бир воқеани айтиб берганди. Ҳиндистонга борганида, ундан Самарқандаги Рожастон ҳақида сўраб қолишибди. У Самарқандда Рожастон эмас, Регистон бор дебди. Шунда бир киши қадимий бир картани унга кўрсатибди. Унда бизнинг Регистонимиз Рожастон шаклида ёзилган экан. У: «Бизларнинг илдизимиз яқинлиги шаҳарларимиз, обидаларимиз номларининг ўхшашлигидан ҳам кўриниб турибди», — деди.

Чандигарҳдан олган таассуротларим шу бўлдики, у ердаги диққатта сазовор жойларни бориб кўрганимизда, айниқса, тарихий музейидаги экспонатлар мени ҳайратта солди. Бу музейда асосан катта-кичик матоларга турли кашталар билан безак берилган эдики, бу ҳинд каштачилик мактабининг ўзига хос санъат намунаси эди. Узундан узун деворларга осиб қўйилган қанча замонлар ўтган бўлсада ҳали ўз ёрқин бўёқларини йўқотмаган бу том маънодаги бебаҳо санъат асарлари сайёҳларни эътиборидан четда қолгани йўқ, албатта. Бу чойшабларда турли даврларда олиб борилган урушлар эпизодлари, байрамларда хурсандчилик қилиб кўчаларга чиққан қанчалаб оломоннинг шодиёна саҳналари каштада тикилиб, бу халқнинг нозик диди ва юксак истеъодидан дарак беради.

Яна бу шаҳарда эътиборни тортадиган «Очиқ тош музей»и бўлиб жуда катта майдонни эгаллаган экан. Эътиборлиси шуки бу тош музейнинг ҳар бир қарич

ери, сув тушиб турадиган баланддан баланд шаршаси, тошлардан уюб кичик төглар барпо этилган жойлари, оёғимиз тағидаги турли рангдаги тошлардан бүнёд этилган. Айниқса тоғ ёнбағирларига, улкан тошлар орасига үтқазилган кактусларнинг бўйи уч-тўрт метрга етганлиги ҳам бу музейга алоҳидаға файз бағишлаб туради. Бундан ташқари айрим деворлар фақат чинни буюмлар синиқлари билан турли шаклда гуллар солиб безак берилган бўлса, яна қайсиидир ерда кўзачалардан антиқа, бетакрор бир кўринишлар ясалган. Йўллари айланма, жуда тор бўлгани сабабли бир киши зўрға сифади. Сўқмоқлар, табиий ва сунъий экзотик дараҳтлар шу қадар кўпки баъзан ҳақиқийсидан соҳтасини ажратолмай кимлардир баҳс бойлашади. Сўқмоқ йўллар кўплигидан биз барча Фестивал иштирокчилари турли томонларга кетиб қолиб чиқиши йўлларини тополмай анча айландик. Қизиги бу очиқ музейни покистонлик бир тадбиркор шу катта майдонга йиғилиб ётган ахлатлар уюмидан барпо этганига ақл бовар қилмайди.

## ЁМФИРЛАРИ ЭЗОР ЭКАН

Дунёда ҳамма нарсада меъёр бўлгани яхши. Меъёри бузилса бол ҳам беқадр бўлади, деб бекорга айтилмаган экан. Об-ҳавонинг ҳаддан зиёд исиб ёки совиб кетиши нафақат инсоннинг вужудига, балки руҳиятига ҳам қаттиқ таъсир қиларкан. Ҳатто, эзгулик, гўзаллик каби инсоний туйфуларда ҳам меъёр бузилса ноҳушлик келтиради.

Хуллас, Ҳиндистоннинг иқлими бизни қийнаб юборди. Иссиқдан ҳам кўра, кечакундуз тинмай ёқдан ёмғир одамнинг жон-жонидан ўтиб кетар экан. Бошпанаси борлар-ку ёмғирдан амаллаб жон сақлашар, лекин кўчаларда яшайдиган уй-жойсиз

миллионлаб юпунларнинг аҳволига маймунлар йифлаши табиий.

Бир гал Ҳиндистонга боришим ёмғирлар мавсумига тўғри келди. Мен ўзи ёмғирни жуда яхши кўраман. Айниқса, ёмғир ёғишини дераза ортидан туриб томоша қилиш жони-дилим. Лекин бу ерда ёққан тинимсиз ёқингарчиликни кўриб, ёмғирни ҳавас қилмайдиган бўлдим.

Бир куни Лудҳианалиқ рассом ва шоир Севи Синҳ уйига таклиф қилди. Бу ёмғирли кунда бирор жойга боришни сира истамаётган эдим. Бироз қайфиятим йўқлигини баҳона қилмоқчи бўлдим:

— Кечирасиз, ёмғир ёғмаган бошқа бирон кун борарман.

— Нималар деяпсиз, бизда ёмғир мавсуми эндиғина бошланди-ку. Бу ҳали икки-уч ойга чўзилади. Шунинг учун ёмғир тўхташини кутиб овора бўлманг. Агар бошқа баҳонангиз бўлмаса, юринг кетдик, уйдагиларга ҳам сизни келади деб айтиб қўйганман, — дедида жавобимни ҳам кутмасдан, қўлимдаги сумкамни олиб, мени машинаси томон бошлади.

Шу куни кечаси билан момоқалдироқ бўлиб ёмғир челаклаб қуйгандан қуидики, ёғиннинг орқа-олдига қарамай, шатирлаб ёқиши юрагимга вахима содди. Агар шундай ёғишида ёғиб турса, Севилар хонадонининг учқаватли уйи томигача сув остида қолса керак, деб ўйладим. Ёмғир шовқинидан кечаси билан ухлай олмадим. Тонгга яқин қўзим илинибди. Турсам, шоирнинг хотини мактабга отланган, бироқ нима учундир безовта кўринарди. Балконга бориб ўз тилларида нималарнидир деб яна уйга қайтиб киради. Мен ундан нима гаплигини сўрадим. У кулиб, балконни кўрсатди. Чиқиб қарасам, не кўз билан кўрайки, кечаги гумонларим тўғри чиқа ёзибди. Кўчани чунонам сув босибдики, худди кўчадан катта анҳор

ўтгандай. Кўча четларига қўйилган машиналарнинг томларигина кўриниб турарди.

— Энди нима бўлади, бугун ўн бирда учрашувимиз борку, — хавотир ичида сўрайман аёлдан.

— Ҳеч нарса бўлмайди, ёмғир тинишини кутамиз, шундагина йўл назоратчилари келиб сув йўлини очишади.

Аҳволим кўзига аянчли кўринган бўлса керак, Манжит елкамга аста уриб кулиб қўйди.

— Бизда шунаقا, мен ҳам директоримизга телефон қилиб қачон йўл очилса шунда боришимни айтиб қўйдим.

— Ёмғир қачон тинади, — сўрайман ундан бесабрлик билан.

— Буни фақат Оллоҳнинг ўзи билади. Ана ўғлим ишга, қизим ўқишга бориши керак, иложимиз қанча!

Ёмғир кечқурундағичалик пақирлаб қуймас, фақат майдалаб, эзиз ёқардики, унинг ҳали-бери тиниши амри маҳол эди. Бундан, назаримда, ҳаммадан кўп таржимоним кўпроқ асабийлашмоқда эди, тиззасига қўйиб олган бир талай газеталарни шалдиратиб бемақсад очиб-ёпарди. Тўғрида, у каттагина оиланинг бошлиғи, оиланинг ташвиши унинг бўйнида. Ишлари жуда кўп, серфайрат, камгап, уддабурон, уни бирор марта бирор билан шунчаки гаплашиб ўтирганини кўрмаганман.

— Яшаш тарзимиз шуни тақозо қиласди, — дейди у сийрак қошларини чимириб. Ишидан ташқари сурат чизади (айтишларича. бу ерда чизилган суратлар жуда қимматга сотиларкан), шеър таржимаси билан шугулланади, шеър ёзади, фотоаппарати билан суврат олади. Назаримда, бир ижодкор учун бундай ишлар кўпдек туюлади. Унинг хотини ва қизи билан балконга чиқиб кўчани томоша қиласмиш. Кўча анча чукур экан. Менимча, уйлар ҳам ёмғир кўп ёғиши инобатга олиниб кўча сатҳидан бир метрлар баландлик-

да қурилган. Ён-атрофимиздаги қўшнилар ҳам худди қалдирғочнинг боласидек балконларида тизилишиб, кўчага қараб ўтиришибди.

— Уларни қаранг, — дейди Манжит қўшни томининг антеннасига қўниб олган икки қаптарни кўрсатиб.

— Улар нега ёмғирда ивиб ўтиришибди, уларнинг уйи йўқмикан,-дейман қушларга ачиниб.

— Улар эр-хотин бўлишса керак, бир-бирини ташлаб кетишолмаяпти. Бир соатдан бўён ўша жойда ивиб ўтиришибди.

— Балки қанотлари ҳўл бўлиб қолгандир, шунинг учун учолмай ночор ўтиришгандир, — тахмин қиласман.

— Ким билади, дейсиз.

Қушларга шунчалик раҳмимиз келаяпти, аммо бу юртда қанча-қанча одамлар бошпанасиз, уларнинг ҳоли нима кечаётганикан? Уларга худонинг раҳми келсин. Ўтиравериб зерикиб кетаркансан одам. Рўпарадаги уй дарвозаси олдида башанг кийинган, бўйнига чиройли гулли бўйинбоқ тақиб олган ўрта ёш одам бетоқат бўлиб соатига дамо-дам қараб қўймоқда.

— У доктор, касаллари кутиб қолган бўлса керак, шунинг учун безовта бўляяпти, — изоҳ беради Манжит.

— Энди нима қилмоқчи?

— Ҳеч нарса қилолмайди, кўпга келган тўй, у ҳам биздек ёмғир тўхташини кутади, — дейди у. Унинг бу гаплари тақдирига тан берган одамнинг ҳолатини англатарди. Дарвоқе, бу юртда ҳар қадамда хусусий шифохона. Кўпчилик шифокорлар уйларини шифохона қилиб олишган экан. 2 – 3 қаватли уйлар эшигига мисол учун «кўз шифокори Фалончиев» деб ёзиб қўйилса, одамлар оқиб келаверар экан. Чунки бу ерда одам жуда кўплиги учун шифохоналар етишмаслиги турган гап. Бўлса ҳам оддий камхарж одамларнинг чўнтаги кўтаролмайдиган кўринади.

Мени белидан сув кечиб кўчанинг гоҳ у, гоҳ бу бетига ўтиб, ҳар бир эшик олдида тўхтаб, қўлидаги каттакон тугунни бағрига босганича биз томон келаётган одамнинг ҳаракатлари таажжубга солганди. Ҳайрон-лигимни сезган таржимонимнинг қизи изоҳ берди:

— У почтальон, газета тарқатаяпти.

Энди аҳамият бердим, унинг қўлидаги тугунга ўхшаган нарса газеталар тахлами экан. У газеталарга ҳўл тегмаслиги учун ҳар бир хонадонникини алоҳидада қилиб цеплофан қофозга солиб қўйган экан. У биз турган учинчи қават балконига ҳам газета отди, биз илиб олдик.

— Ёмғир тиниб, сув тортилгандан кейин тарқатса бўлмайдими, — ачинганимча унинг ортидан боқиб қоламан.

— Йўқ бўлмайди, — ичкаридан чиқиб гапга аралашди Севи, — одамлар бугунги кун янгиликларидан бехабар қолмасликлари керак, шунинг учун газетани ўз вақтида олишлари керак.

— Ҳамма газета журналларга обуна бўладими бу ерда? — сўрайман қизиқиб.

— Албатта, кўраяпсизми бизнинг кўчадаги одамларнинг бари обуна бўлган, ишхонамиизда ҳам обуна бўлганмиз, бу ерда йўқ газеталар у ерда бор.

— Обуна бўлишга қурби етмаганлар, ёки бошпаси бўлмаганлар-чи?

— Улар газеталарни жуда вақтли, тонгти соат еттигача махсус дўйонлардан сотиб олишади. Агар ундан кеч қолишса, газета қолмайди.

Ҳиндлар дунёнинг бугунги янгиликларидан бехабар қолишини ўзларига ор деб билишаркан, айниқса зиёлилари. Оммавий ахборот воситалари шу куни бўлиб ўтган янгиликларни шу куннинг ўзида чоп этишлари ҳинд ҳалқини бугунги янгиликлардан хабардор этарди.

Соат ўн бир бўлай деяптики, ёмғир ҳали-вери ти- надиганга ўхшамайди. Севининг тоқати тоқ, бўлди, шекилли:

— Учрашувга кечикамиз, таваккал қилиб машина- ни юргазиб кўраман, — деди қатъият билан дабдуру- стдан. Биз ҳам унга эргашдик. Яхшиям, машина қияликка қўйилган экан, ярим белигача сувда турар- ди. Севи шимини тиззасигача шимариб машинани те- пага уйнинг тагига силжитди. Мен дарҳол ўтириб ол- дим. Бироқ, машина сувга тўлиб қолган экан, оёғим тегиб сесканиб кетдим.

Севининг хотини машина ичидаги сувни қўриб кийими ҳўл бўлишини ўйладими ёки кўчадаги сув- дан эсон-омон ўтиб кетишимизга кўзи етмадими, ҳарқалай орқага чекинди. Унинг ховотирланганича бор эди. Чунки биз ҳозир тепалиқдан тўлғониб оқиб ётган сув ичига тушиб, кечиб ўта олиш ёки олмас- лигимиз ноаниқ эди.

Машина аста сувга тушди. Биз юрагимизни ҳовуч- лар ўтирибмиз. Ишқилиб мотор ўчиб қолмасин деган тахликадамиз. Сув олдин машина эшигигача, сўнг де- разасигача келди. Биз тобора чуқурликка, сув ўпқо- нига тушиб бораёттандай эдик. Бирдан машина тўхтаб, фиддираклари жойида айланба бошлади. Энди тамом деб турган ҳам эдикки, қаттиқ газ берилганидан яна олдинга юриб кетди. Ва ниҳоят не азобларда катта йўлга ҳам чиқиб олдик. Бу йўлнинг аҳволи биз тур- ган кўчага қараганда анча яхши экан, яъни сув бор- ўғи тиззагача келарди. Машина ойнасини тушириб атрофга қарайман, барча эркаклар шалворларини тиз- заларигача кўтариб йўлдан ўтиб боришади. Башанг кийинган, қўлларида портфел, бўйниларида галстуги бор одамларнинг шимларини шимариб, янги туфли- лари билан сув кечиб боришлари кулгили туюларкан одамга. Йўл ниҳоятда тирбанд, ўчиб қолган мотоцикл-

ларини оёқлари билан суриб ёш-яланглар асабий қич-қирадилар. Йормай қолган ентил машиналарни уч-тўрт киши бўлиб ортидан суриб йўлнинг четига олишмоқда. Хотин-қизлар узун кўйлак ва кенг шалворлари жиққа хўл ҳолда йўлни кесиб ўтишмоқда.

— Ҳар куни шу аҳволми, — дейман худди бир чора топадиган одамдай.

— Янаям сув тортадиган насослар ёрдамида махсус сув йўллари очиб юборилади. Бўлмаса, кечадан бери ёққан шаррос ёмғирнинг суви шаҳарни бутунлай кўмиб оларди, — дейди Севи бироз норози қиёфада.

## ТОЖМАҲАЛ

Дадам тарихга, тарихий жойларни бориб кўришга жуда қизиқардилар. Болалигимизда Аҳмад Яссавийни зиёрат қилиш учун Туркистонга бориб келганди. Сафар хотираларини қайта-қайта айтиб қишлоқдошлирини ҳавасини келтиргани ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди. Мўъжизавий юрт — Ҳиндистонга бориш ва бобурийлар суоласи қурган Агра шаҳридаги Тожмаҳални кўриш бир умрлик орзуси эди. Афсуски, дадам оламни жуда эрта тарк этди.

Илк бор 2008 йил кузда Ҳиндистонда бўлиб ўтган «Крития-2008» Жаҳон фестивалига борганимда Тожмаҳални кўриш истаги бир нафас бўлсада мени тарк этмади. Аммо биз турган Чандигарҳ шаҳри билан Агра ораси анча узоқлигини эшишиб ҳафсалам пир бўлди ва вақтимиз ҳам тифизлиги учун орзуларим орзулигича қолиб кетди...

Тошкентта қайтиб келганимда онамнинг биринчи берган саволи: «Тожмаҳални бориб кўрдингми? Да-данг ўша жойни кўролмай армонда кетган эди» бўлди. Онам шундай деганда гуноҳ иш қилиб қўйган боладай сўзсиз бош чайқадим. Ичимда худо хоҳласа, яна

ўша ёқларга бориш насиб этса, албатта, у ерни бориб кўраман, деб ният қилдим.

Ниятим холис эканми ёки дадамнинг руҳи қўлладими бу мўъжизавий зиёратгоҳни бориб кўриш менга насиб этди.

Тожмаҳалнинг майдонига анчагина йўл босиб кириб кириб борилар экан. Неча юз йиллик тарихларга гувоҳ, бўлган, жуда кўп яшаганлиқдан кўпларининг қадлари букилган бўлишига қарамай, яшил чопонларини ечгуси келмаган кекса дараҳтларнинг асфальт йўлнинг икки четида хомуш тортиб, меҳмонларни кутиб олишга чиққан ҳорғин мезбондай қўл қовуштириб маъюс туриши ажаб бир манзара касб этарди. Бу кекса дараҳтлар соясида тўп-тўп маймунлар. Баъзи она маймунлар жажжи болаларини бамайлихотир эмизиб ўтиришибди. Қолганлари ҳам тиним билмай, нималар биландир банд. Маймунлар шу қадар кўпки, умримда бундай тўдани илк бор кўраётганим учун қизиқиш билан уларни томоша қилдим. Мен маймунлар билан суратга тушиш учун уларга яқинроқ бордим. Бироқ улар мендан чўчишдими гур этиб, дараҳт тепасига чиқиб кетишибди. Фақат бир иккита «ботир» ларигина ўрниларида ялпайиб ўтиришарди. Улардан бири мен томонга яқинлашиб кела бошлади. Бизга «гид»лик қилаётган одам келиб, қўлимдан дарров сумкамни олди. Суратга тушиб бўлганимдан кейин у бизга тушунтира кетди.

— Улардан эҳтиёт бўлинглар, — деди, бизни ҳушёрликка чақириб, — яқинда бир ажнабий аёл маймунлар билан суратга тушмоқчи бўлган эди, шунда бирдан маймунлар қўлидан сумкасини олиб қочишибди.

— Улар сумкани нима қилишади? — қизиқиб сўрадим.

— Сумкани очиб, ичида бирор ширинлик бўлса олиб ейишади. Бўлмаса упа-элик бўлса ойнага қараб

юзига, лаб бўёғи бўлса лабига қўйиб олишади», — деди у илжайиб.

Маймунларнинг ўша ҳолатини кўз олдимга келтириб кулиб юбордим. Дараҳтларга энди синчиклаброқ қарадим. Ҳар шохидა қанчалаб маймунлар бор. Уларнинг ҳолати худди биздаги сўритокка илаштириб юборилган қовоқ барглари остида ошқовоқ катта-кичик бўлиб осилиб ётган сап-сариқ нигорқовоқларни эслатарди.

Агра — мен учун жуда мўътабар юрт. Биринчидан, уни юртдошим Бобурнинг зурриёдлари қурган бўлса (Маълумки, Бобур қадимий Ахсиент шаҳрида туғилган), иккинчи томондан, шоҳ ва шоир Бобур умрининг охирги онларида шу жойда туриб, ватандан узоқда бошидан кечирган мусофирилик изтироблари ўсмиригимдан кўнглимни безовта қиласди: «Ҳар ишниким айладим хатолик бўлди». Мен бу ердаги ҳар бир тош, ҳар бир дараҳтдан унинг изларини қидирардим. Бу ерлардаги Бобурйлар томонидан қурилган тош қасрлар, қулоч етмас тош устунлар, уларга ўйиб ишланган бетакрор нақшларни кўрган ҳар қандай киши одамзот қўли билан шундай иншоотлар барпо этилганига қойил қолади ва инсон қудрати олдида бош эгади. Бугун бу обидаларни кўришга бутун дунё ошиқмоқда. Юртдошим Бобур Мирзонинг ҳокипоий шу заминга етиб, авлодларининг бу ерда 300 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида ҳукмронлик қилгани, уларнинг Ҳиндистон маданиятини ривожлантириш борасида қилган улкан хизматлари юрагимда ифтихор туйғусини уйғотади. Айни вақтда, мусофири бир юртда ватан соғинчи юрагидан шеър бўлиб томган, элга шоҳу кўнгилга қул бўлган Бобурнинг руҳунати мени бу муборак ошёнга чорлагандай бўлади.

Бобурйлар бунёд этган, неча юз йиллардан буён ўз ҳолатини йўқотмаган бир-биридан гўзал ва ҳаша-

матли, бетакрор обидаларни зиёрат этарканман, ҳам қувонаман, ҳам кўнглимга бир гашлик чўккандай бўлади. Беихтиёр бир ўзбек хонандасининг «Андижонда Тожмаҳал йўқ» деган қўшиғи ёдимга тушиб кўнглим бузилиб кетади... Тақдир тақозоси билан бу ерга келиб қолган Бобур Мирзо руҳи олдида уяламан, Бобурни ўз юртидан бош олиб чиқиб кетишга мажбур қилган муҳитта, тожу таҳт талашиб шундай даҳони юртидан қувган боболардан ёзғираман. Ахир, шундай бинолар ўз юртимизда қурилиши ҳам мумкин эди-ку...

Дунёдаги етти мўъжизанинг бири бўлган Тожмаҳал ҳақиқатан оппоқ мармардан бетакрор, бетимсол ҳолда бунёд этилган. Бу маъвога қадам қўйган одам юракларни ўртагувчи совуқ бир сукунат ҳукмронлигини дилдан ҳис этади ва юрагининг қаериdir симиллаб оғригандай бўлади. Узоқ-узоқлардан севган ёридан бевақт жудо бўлган, айрилиқ азобларига кўни-колмаёттан Шоҳжаҳон Мирзонинг оҳу-нолалари эши-тилгандай бўлади. Беихтиёр юракнинг қат-қатларида яшириниб ётган муazzзам туйғулар бош кўтариб, аламлар уммони ўз-ўзидан кўз ёш бўлиб тошиб чиқади. Бу кўз ёшлар фожеали ишқ қисмати учунми ёки кўнгилнинг қайсиdir бурчида яшириниб ётган ҳас-сос дардлар сабаблими, билиб бўлмайди.

Мен эшитганларимни таъбир этиб хаёлан Шоҳжаҳонга мурожаат қиламан: «Мирзом! Сиз бу қасрни қурган меъморларнинг қўлларини кесдириб бекор қилгансиз. Биламан, Сиз бу обидани дунёда ягона бўлсин, муҳаббатнинг бундай гўзал тимсоли бошқа тақрорланмасин, деб шундай қилгансиз. Бундай қарасангиз, бу оддий бир қаср. Юзлаб қурилмасми бундай бинолар?! Қанчалар мустаҳкам бўлмасин, улар бир кун замонлар силсиласида емирилиб йўқ бўлиб кетгуси. Бу қасрда Сизнинг аччиқ севги қисматингиз бир аёлга бўлган муҳаббатингиз йўлида

қилган саховатингиз мўъжиза, буюк ҳимматингиз мўъжиза. Одамлар ана шу буюк туйғуларнинг ифодасини кўриш ва юрақдан ҳис этиш учун Сизнинг ошёнингизга оқиб келишади. Бу сарой эмас, балки Сизнинг бир аёлга бўлган севгингиз даражаси мўъжиза. Дунёда то муҳаббат яшар экан, Сиз қурган бу ошиён ошиқ юракларда ишонч уйғотгувчи, уларнинг дардларига малҳам бўлгувчи бир зиёратгоҳ бўлиб қолаверади. Тожмаҳал муҳаббатга қўйилган дунёдаги ягона ҳайкалдир.

Ҳа, чиндан бу қасрнинг гўзаллигидан кўра унинг моҳияти одамларни кўпроқ қизиқтиради, ўз бағрига чорлайди. Аминманки, муҳаббатга қўйилган ҳайкал бўлмиш бу ошён ишқ оловида ёнган ошиқлар юрагини бўшатадиган саждоҳоҳдир.

## Тожмаҳал

Мен сенга таъзимга келдим, ложарам,  
Эй ишқнинг ҳайкали кўнгил меҳвари.  
Бир таскин излайман мурувват этинг,  
Эй севги қасрининг маъбудалари!  
Пойингда йифлайди бир тирик чашма  
Ишқнинг кўзларидан оқсан жоламу?  
Ҳар томчида ошиқ қорачуқлари  
Ҳажр осмонидан ёқсан жаламу,  
Гўзал дардларингта шерикман, малак,  
Қайфунг ғамларимга кетар қўшилиб.  
Сенинг юрагингга қўмилган түғён  
Менинг юрагимда кетди жўш уриб.  
Фараҳбахш этади маъюс гўзаллик  
Тўкилиб кетади тун сиёҳлари.  
Эрка бир оққушсан учмоқ учун шай  
Сени қўриқлашар ишқ илоҳлари.

Зиёратта келар томошабин Дунё  
Оlamни титраттан сулув, санамим.  
Нозинг-ла бир дилни сүйдиріб қўйиб  
Дунёни маҳв эттан Мумтозмаҳалим.  
Армонинг йўқ энди, уйғоқ дардинг бор.  
Кўнгилнинг ҳар куюк нуқталарида.  
Сен мангу саждаоҳ сен токи ишқ яшар,  
Мангудир севгининг пўртанаалари.

«Гид»нинг айтишича бу қасрни қуришда ишти-  
рок этган барча меъморларнинг қўллари кесиб таш-  
ланган экан. Айтишларига қараганда қурувчиларнинг  
қўллари бундай гўзал бинони қайта қурмасликлари  
учун эмас, балки рашк қилиб ҳукмдорнинг аёлига  
аталган қасрнинг тошу фиштларига қўллари теккани  
боис, гўё бу қўллар тошу фиштларга эмас, шоҳ се-  
виклининг баданига теккандек туюлгани учун кес-  
дирган эмиш.

Гид бизга сўзлаб берган яна бир воқеадан бутун  
вужудим титраб, кўзларига ёш келди. Дарёнинг на-  
риги томонида тошлардан балаңд қилиб қурилган бино  
— Қизил қалъа (Лаъл қалъа) бор. Шоҳжаҳон шу би-  
ноларнинг бирига Тожмаҳал қасрини яқин қилиб  
кўрсатадиган лупасимон асбоб ўрнаттирган экан. Шоҳ  
ҳар қуни шу ойна орқали қасрга соатлаб тикилиб,  
Мумтозмаҳални эслаб оҳ-воҳ қилиб ўтирас экан. На-  
тижада, лупанинг (қабариқли ойна) ўткир нурлари  
кўзига таъсир қилиб, унинг икки кўзи оқиб тушибди.  
Шуларни тинглаган одам дунёда муҳаббатдан буюк,  
ундан улуғ қудрат йўқлигига иймон келтиради...

# ЭЧПИРОФ



## **ЯХШИ ОДАМЛАР СОФИНЧИ**

Ўтган йили ёз кунларининг бирида Халқ таълими Вазирлиги Фарфона водийси бўйлаб республикадаги телевидение, радио ва оммавий ахборот воситалари-нинг 50га яқин журналистлари иштироқида таълим системасида олиб борилаётган ислоҳотлар билан танишиш мақсадида матбуот анжумани ўтказганди. Ўшанда «Қишлоқ ҳаёти» газетаси мухбири шоира Ўқтамой Ходорова менга: «Бир назар ташларсиз» деб «Оққуш излари» номли шеърлар тўпламини тақдим этди. Тўғриси, кейинги пайтда шоир ҳам, хонанда ҳам кўпайиб кетганилиги боис, босилаётган турли-туман тўпламларми ўқиб одам ҳадиксирайдиган, маза-матрасиз сатрлар мутолаасига вақт сарфлашдан ўзимизни тиядиган бўлганмиз чофи, мутолаага киришим қийин бўлди.

Барибир, биз дилкаш шеър, мусиқа, бадиий аса-ру маҳорат билан яратилган тасвирий санъат сеҳрига ҳамиша муштоқмиз. Ўқтамойнинг китобини варақлай бошладим. Шеърлардаги бетакрор тасвирлар, ҳаёт ошуфтаси бўлган шоиранинг дард-ҳасратлари, бу ҳасратлар замирида кундалик ҳаётимиздаги ташвишлар, муамолар самимий ифода топганлигини англаб, рости, уларни вақтлироқ ўқимаганимга ўзимдан хафа бўлдим. Кейин бошқа китобларини ҳам сўраб олдим...

Шоира «Шаҳарда» деган шеърида инсон ва табиат бирлигини мажозий образлар воситасида фалсафий ифодалаганки, унинг холосасига шерик бўлмасдан илож йўқ.

*Олифта дарахтлар  
қишлоқдан келган.  
ёмғир тез-тез ювинтириб кетар  
олифталарни.*

Мазкур сатрларни ўқиганимизда тасаввуримизда дараҳтлар эмас, қишлоқдан келган оддийгина қызлар, йигитларнинг шаҳар шароитига «олифталик» мухитига тезда сингиб кетиши, ташқи қиёфасини ўзгартириши пайдо бўлади. Фақат бугина эмас шаҳар дараҳтларининг ҳам «охирги русумда соchlарини кесган» машшоталарнинг ҳаракатида ҳам биз энг аввало турли қишлоқлардан келган ёшларимизнинг шароитта мослашишини тасаввур этамиз. Шеърнинг кейинги сатрларида шоира нақадар ҳаёт сўқмоқларини мураккаблиги инсон тақдири ўзгарувчан ва мослашувчан эканлигини ишора қиласди:

*Уларнинг юмуши  
Келаётганларни кумииш  
Кўл қовуштириб.  
Кетаётганларга  
ирғаб қўйиш бош.*

Ўқтамой шеърларида инсон ҳис-туйғулари билан мунис табиатнинг дардкаш ҳолати байту сатрларда, гоҳида алоҳида-алоҳида шеърларда ўз аксини топган. Масалан, ran айланиб шоира туғилиб ўсган, Намангандаги Шўрқўргон қишлоғи манзарали билан боғланиб кетади. Энди қишлоқдан шаҳарга борган, олифта бўлиб қайтган қизга — катта одам бўлганга қишлоқнинг йўл четидаги дараҳтлари таъзимга чиқади. Демак, шоиранинг фалсафаси — дунёдаги барча мавжудот: ер, дараҳт, ҳайвонот ва бошқалар ҳазрати инсонга — камолга етган, ўзини таниган, жамиятда мавқенини топганларга таъзим қиласди:

*Кетдим,  
Шўрқўргон қолди  
Хаёлларга суюниб  
Келдим,  
Энди мен катта одам  
Тўнларин алмаштириб  
Йўл четига дараҳтлар  
Чиқди қўл қовуштириб.*

Ўқтамойни шеършуносларимиздан бири «ҳасрат ва изтироб шоираси» деб атаган. Аслида, шоиранинг бугунги кунгача чоп этилган уч тўплами – «Софинч қушлари»(1990), «Оққуш излари» – (2005) ва «Сабрга суюниб, (2005й) китобларидаши шеърларини мутолаа қилсангиз унда ҳасратдан кўра баҳтга ташналик, кемтиқ қолган шу баҳтни қидирган шу шахснинг юрак изтироблари ва ҳаёт қанчалик изтиробли бўлмасин

*Яхши одамлар кўп  
қаттол дунёда  
Улар сенга тўкнаш  
келмаган ҳали.*

деган шоиранинг фикри билан якунлаш мумкин. Чунки бу икки байт ҳар уччала китобларидаши ҳасратларининг «кушандаси» ҳар қанча жумбоқларга тўла бўлмасин, шоира лирик қаҳрамонини қийноқларга солған бўлмасин унда дунёда яхши одамлар боис умид гоҳи ҳамиша очиқлигига ишонч борлиги таъкидланган.

Ўқтамой шеърларидаши «Ишқ, бу — тишим ўтмаган сура», «Кун ботма ҳасратли кунгабоқарман», «Сокинлик ухлади тунни ёпиниб», «Мен тунни ўзимдан ёмон кўраман, Ташвиш олиб келар мажруҳ, боладай»; сатрларида фақат бу дардли дунё ҳасратлари баён этилган эмас; балки ана шу мураккабликлардан йўл топиб чиқиш кураш бил, яшаш ниодси ҳам мавжуд.

Ўқтамой қишлоқ қизи. Унинг шеърларида ҳамиша

сўлим қишлоқларимизнинг ифори анқиб турадиган табиий гуллари, исмолофу ялпизлари мажнунтолларнинг мажнун ҳолатию сарв дараҳтининг виқорини туйиш мумкин. Шу боис шоира шеърларида тез-тез қишлоқ мавзуи болалиги, ёшликтининг беғубор дамларини соғинч билан тилга олади, туйгуларини нафис тасвирлайди. Бу тасвирлар кўпгина шеърларда юқоридағи мавзу- қишлоқ ва шаҳар фарқи замирида ҳосил бўлган ва бу шоиранинг мажозу истиоралари орқали гўзал ифодасини топган. «Мажнунтол» шеърини ўқиймиз:

*Ҳасад қилиб шум хивчин толлар  
Қирғоқлардан қувғин қилдилар.  
Ҳайқираган шовқин шаҳарнинг  
Чорбогига элтиб қўйдилар.  
Машшоталар даврага мослаб  
Кокилларинг кесслилар ниқтаб  
Сочларингта тутқун шамоллар  
Ўтиб кетар қўлларин силтаб.*

Шоира шеърлари ташбех, истиора, мажоз ва бошқа бадиий санъатларга бой. Жозиб мисраларда унинг ички дарди гоҳида бошига тушган шум тақдирнинг занжирларини парчаловчи эҳтирос кучини англаймиз. Масалан «сен кетдинг соямда кўринди ўлим», «кўнглим ҳали таъмирланмаган», «дард — меҳмоним кетмас уялиб», «хонамда тентирар паришон кеча», «дардингиз қучоқлаб кўзларим толди», «кўпни кўрган қари муроса», «шомгача тер тўкиб ҳориган кетмон, оғирлигин ташлаб қайтар елкага» каби мисралар адабиётимизда хассос шоира борлиги ва ўқувчилар ундан янги-янги шеърий китобларни кутишга асос бўлувчи далилдир.

*Ҳасан Қудратуллаев,  
филология фанлари доктори  
«Ўзбекистон агадиёти ва санъати» газетаси,  
2006 йил*

## **ИСЁН ОҲАНГЛАРИ**

ХХ асрнинг сўнгги чорагидан кейинги йиллар жаҳон фалсафаси ҳамда санъати тарихига универсализм даври сифатида киради. Негаки, бу даврга келиб воқееликни англаш ва бадиий акс э ттиришга доир илгари амалда бўлган барча илмий қараш, ижодий метод, йўналиш ва фалсафий мактаблар ўзларининг бор имкониятларидан деярли фойдаланиб бўлдилар. Шунинг учун ҳам кейинги даврда пайдо бўлган бадиий оқим ва йўналишлар табиатини ифодалаш учун «пост», «транс» сингари олд қўшимчалар ёрдамида «трансреализм», «постмодернизм», «трансавангارد», «постструктурализм» каби атамалар қўлланилаётир.

Бу атамалар реализм, модернизм ёки авангардизмдан кейин келган навбатдаги йўналишу оқимлар маъносини эмас, балки эндилиқда санъату адабиётда бу ва бу каби бошқа метод ёки йўналишларнинг бирортаси якка ҳукмрон бўлолмайдиган давр бошланганинги англатади. Чинданда, бундан бўён бадиий ижод ва фалсафий қарашларда бирорта ҳам метод ёки йўналиш устувор бўлолмайди. Инсоният тафаккури ва бадиий диidi ўз тараққиётининг шундай даврига келдик, эндилиқда ижодий метод ва фалсафий тизимлардан қайсиdir биттасини тўғри ҳисоб, кўпчиликни шу йўлдан юришга ундаш ёки шундай хаёл қилиш мantiқsизлик бўлиб қолди. Чунки тобора шахслашиб бораётган одамиятнинг фикру қарашлари, дииду туйфулари эндилиқда якранг бўлолмайди. Шахслик ўзига хослик, ўзига хослик эса адоқсиз хилма-хилликдир. Инсониятда универсализмнинг йўқолиши бугуннинг универсал ҳолатидир.

Ижтимоий тафаккурдаги универсализм ҳодисаси, умуман, бадиий ижод, хусусан, адабиётда ҳам универсализмни юзага келтириди. Шунинг учун ҳам кечагина кўпчилик одатланган анъянавий йўсинда ижод қилиб юрган адабу шоирлар, ҳеч кутилмаганда, та- момила ноанъянавий йўлда ёза бошлиши ажабланарли бўлмай қолди. Бу ҳолни бизга қандайдир фалса- фий оқимнинг кириб келгани ёки бирор ижодкор- нинг ташқаридағи қайсиидир бир шоир-ёзувчига эр- гашгани билан эмас, балки тасвирнинг оригиналлиги ва туйғулар ифодасининг тўлиқлигига интилиш на- тижаси сифатида изоҳлаш ҳақиқатга яқин бўлади.

Санъат ва адабиёт неча минг йиллар давомида объектив борлиқнинг табиат, жамият, шахсият каби қатламларини ўзлаштириш оқибатида фоят серқирра ва чегарасиз башарий маданиятни юзага келтириди. Энди санъат ва адабиёт бадиий тафаккурдаги ҳозир- ги эврилишлар туфайли борлиқнинг ўзиданда серқ- атлам бўлиб кетган ўша маданият деб аталмиш ти- зимни эстетик ўзлаштиришга киришди. Башарият ўз тараққиётининг шундай босқичига кирдики, бутунги одам истаса ҳам ёвойи табиатнинг ёвойи фарзанди бўла олмайди. Инсон яшаш тарзи, борлиғи, ҳатто, ген- ларига қадар тўлиқ маданийлашди. Бу кечим маъна- вий қадрияларга қадар кўчиб, одамнинг эзгулигу ёвузлиги ҳам маданий кўриниш касб этди.

Замонавий адабиётнинг маданий қатламларни тек- ширишга ўтганлиги, биринчи навбатда, ижодкорлар миллий тилдаги сўзларни ўз асл маъноларида қўллаш- дан кўра уларга ўзлари истаган маънони юклашга ин- тилаётганида кўринмоқда. Шоира Ўқтамойнинг «То- маётган кўнгил» шеърлар тўплами ўзида миллий ада- биётимиз моҳиятидаги сўнгти эврилишларни акс эт- тирганлиги билан катта аҳамиятта эгадир.

Одамни билиш, унинг кўнгил кечинмаларини ил-

ғаш, руҳиятида бўлаёттган ғалаёнларни идрок этиш ўта мушкул жараёндир. Чинакам ижодкор ана шундай фоят чигал ва тушунарсиз руҳий ҳолатлар манзарасини ўзга кишининг сезимларига ҳам таъсир этадиган даражада чизиш масъулиятини ўз зиммасига олади. Одамда кай-фият ва туйгуларданда бекарор, ўзгарувчан нарса йўқ. Асл ижодкор ана шу тинимсиз ўзгарувчан ҳолатларни муайян шаклга солиб, моддийлаштиради. Айни вақтда ундаги сезимлар динамикаси, ўзгаришлар доимийлиги ва ҳаракат ҳовурини сақлаб қолади.

Ўқтамой – ҳаммага таниш бўлган нарсаларнинг барчага ҳам маълум бўлмаган жиҳатларини кўрадиган шоира. Унинг шеърларида инсон туйгуларининг фоят сирли ва тушуниксиз товланишлари тасвир этилади. Одамни кўнгил кўзи билан кўрган шоира уни тафаккур билан эмас, балки кўнгли воситасида изоҳлайди. Кўнгил ҳолатлари эса қайтарилмасдир. Шунинг учун ҳам унинг битганларида бошқа ҳеч ким кўрмаган ҳолатлар ўзга ҳеч кимга ўхшамаган йўсинда тасвиранади:

*Сиз келдингиз, эриди қорлар,  
Қарғаларнинг саслари тинди.  
Куйган шохча – киприк устига,  
Софинчимнинг қушлари қўнди.*

Шеърда образлар фоят моддий, аммо уларга шоира юклаган рамзлар моддий тимсолларнинг одатий мөҳиятини ўзгартириб, уларга қўшимча маъно юклайди. Ёрнинг келиши кўнгилдаги соғинч қорларини эритиб, ҳижрон қишида пайдо бўладиган шубҳа қарғаларининг ёқимсиз сасларини тиндирди. Маъшуқанинг узун ва қоп-қора киприклиари шунчаки киприк эмас, балки ошиқнинг йўлига қарайвериб, уни ўйлайвериб, куйиб кетган севги оғочининг куюк шохчасидир. Одатда, куюк шохга қушлар қўнмайди. Лекин қўнди. Демак, маъшуқанинг кўнглига ҳам кўклам инди.

Ўқтамой майин фикрлайди, майин озорланади, майин изтироб чекади, майин исён қиласи ва дағал сезимларнида майнингина ифода этади. «*Қарғаларнинг саслари тинди*», — деб ёзади шоира. Одатда, қарғанинг товушига нисбатан «сас» сўзи ишлатилмайди. Лекин Ўқтамой унинг совуқ қагиллашини ҳам беозор ифодалагиси келганидан, сас сўзини қўллайди. Шоира очунни образли кўради. Шу боис унинг битикларида нозик ишораларга кўп ўрин беради. Маълумки, овоз чиқариб, ҳаммага билдириб ишора қилинмайди. Шоира: «*Софинчимнинг қушлари қўнди*» ташбеҳи кўнгил ҳолатини ифодалашдан ташқари, киприкларига илинган севинч ёшлиарини ҳам кўзда тутади. Интиқлик билан кутилган висол онлари ҳижрон жафосида ўртанган ҳар бир инсоннинг кўзларида ёш пайдо қилиши табиий. Шоира ана шу инжа ҳолатни қамровдор образлар воситасида ва силсилали тасвиrlай билади.

Шоира тасаввур қилиш ҳам ўта мушкул бўлган руҳий тўлғамларни кўз билан кўрса бўладиган йўсинда моддийлаштириб чизишга интилади. Чунончи, бир шеърида ададсиз соғинчни шундай тасвиrlайди:

*Жиловлолмай қолгум бир куни,  
Тоқатларим бир-бир йиқади.  
Ўзанини бузиб бир гарё,  
Кўзларимдан тошиб чиқади.*

Чин шоиргина миқдор, миқиёс, қўлам, ҳажм билан ўлчаб бўлмайдиган соғинч туйфусини кўз ёши дарёси(!) тимсолида бера олади.

Чин шоирлик одатий нарса-ҳодисаларнинг ҳеч ким пайқамаган, мабодо, пайқаган бўлсада, ифода эта олмаган жиҳатларни кўриб, кўрсата олишда намоён бўлади. Ўқтамой баъзан ўта мавҳум тушунча ёки ҳолатни ҳаммага маълум нарсага ўхшатса, баъзан поэтик эф-фект учун ҳаммага таниш ҳолат-ҳодисани ҳаётда кўриш

мумкин бўлмаган фоят мавҳум нарсага қиёслайди. Бундай қиёс тасвирни конкретлаштирумасада, ўқувчини ўйлантириши билан бадиий инкишофга йўл очади.

Бундай ҳолатни шоиранинг кўплаб шеърларида учратиш мумкин. Жавобсиз севги сабаб ўзини алдаб, бутун орзу аъмолларини ёлғонга қуришга мажбур бўлган қўнгил одамининг руҳияти ҳижрон чархида пишитилиши бор гап. Чунки ёлғонга қурилган бир ёқлама севгида ҳижрондан бўлак нарса бўлмайди. Унда умидгода асос йўқ. Андух, дengизида фарқ бўлиб кетмаслик учун хору хасларга осилиб яшашга маҳкум:

*Ёлғон мени бўздаи тўқииди,  
Ҳижронларда пишигади чарх.  
Осилганча хору хасларга,  
Андуҳларга бўляяпман фарқ.*

Вақт келганки, банда ҳеч қачон насибасиз қолмаган. Аммо лирик қаҳрамон чекига тушган насиба андуҳ, чеккулик: «**Ҳаёт менга илингани ғам, Ишқ – бу тишим ўтмаган сурा**». Бу сатрларда ҳаёт ҳақиқати эмас, вазият, кайфият ҳақиқати, ҳиссиётлар жилваси акс этган. Чунки ҳижрон оғушидаги маъшуқа учун бутун умри ҳажр азобидан иборат бўлиб туйилиши табиий.

Ҳижрон азобида қолган шоира тақдир ҳукмига кўнинкан ҳалим қалб эгаси. Лирик қаҳрамон андуҳлар қаърига чўккан бўлсада, умидни бир дам ўзидан йироқ кетказмайди. У ишқнинг нималигини билмоқчи, қандай йўл тутса, ёрқинроқ тақдирга эга бўлиш мумкинлигини аниқламоқчи бўлади. Лекин илоҳий сураларни бирор банда охирига қадар изоҳлай олмагани каби ишқ, моҳиятига ҳам унинг тиши ўтмайди. Шоира ожиз ҳолатга тушиб тўлғанаётган одам руҳиятини чизади. Лекин бу одам сезимларида иддао, инкор йўқ. У — курашувчи, инкор этувчи эмас. У — кўникувчи ва шу кўникувчилиги баробарида эзгулик куттувчи одам.

Маълумки, осмон йироқ ва юксак бўлгани учун унинг бағрида қандай жараёнлар кечаётгани одамга маълум эмас. Аммо қуёш чиқиши, туман тушиши, қорёмғир ёфиши унинг сирларини, маълум даражада, ошкор қилади. Шу боис шоиранинг: «*Томчилар осмоннинг очилган сири*» тарзидаги фавқулодда чиройли тасвири ҳаёт ҳақиқатининг ифодасидай туюлади. Бир қараашда ушбу мисра мавжуд ҳаётий ҳодисани шунчаки таъкидлаш вазифасинигина бажараётганга ўхшайди. Лекин шоира бу сатр зиммасидаги поэтик функцияни кейинги мисраларга юклаб, тасвир таъсирчанлигини оширишга эришади: «*Осмонимга сирлар сифмай кетяпти, Ёмғирлар тилида сўзлаш мен билан*». Маъшуқанинг кўнгил осмонидаги сирларни илқаш учун ошиқдан илинжу истаклар натижаси бўлган ёмғирлар – кўзёшлар тилида сўзлашиб талаб этилади. Зеро, бир руҳий ҳолатдаги одамларгина бирбирини англай олади.

Ўқтамой ўзбекнинг руҳий дунёси ва турмуш йўсунини ичдан биладиган бир аёл ва истеъдодли шоира сифатида халқнинг тургун ибораларидан фоят усталик билан фойдаланади. Шоиранинг: «*Бахт турибди останамизда, Жиним, нега сўймайсан уни? Бахтсиздирман жинлар туфайли*» сатрларида сўзлашув тилида кўп қўлланиладиган «Жиним сўймайди» ибораси воситасида ўзгача бир руҳий ҳолат фоят маҳорат билан акс эттирилган. Унда инсон кўнгли товланишларида тушунарсизлик, кутилмаганлик усталик билан кўрсатилган. Аксар шеърларда вазиятнинг қурбони сифатида кўринадиган лирик қаҳрамон бу мисраларда ўз баҳтининг кушандаси тарзида тасвирланади. Лекин у бу ҳолатида ҳам чорасиз. Олдинги шеърларида ошиқ раъйига қарши боролмаган бўлса, энди ўз кўнглига терс қадам босолмайди.

Халқ орасида: «*Дарп – меҳмон*», – деган ибора юра-

ди. Шоирага ўз күнгли тубидаги ғуборлар манзарасини чизищда ана шу фразеологизм жуда қўл келади:

*Үйи қуйса нетар, мен чеккан дарднинг  
Минг йилдирки ётар шўр останамда.  
Минг йилки йўлатмас ҳуррамлик – ётни  
Дараҳтлар кўк кийиб яшар мотамда.  
Юрагим азобдан қонлар қусади...*

Ҳар қандай меҳмон қачондир кетгани каби инсонга ёпишган дард ҳам охири арийди. Лекин муҳаббат дарди минг йилдирки шоирани тарк этмайди. Ўқтамой ўз кайфияти ҳолатларини табиатта моҳирлик билан қўчиради: оғочларнинг кўклиги уларнинг ўсаёттанидан эмас, балки минг йилдан бўён кетмаёттан меҳмон бўлмиш дарднинг бўсафага ҳам йўлатмай қўйгани қувончга мотам туттганидан. Элда меҳмон саналмиш дарднинг тезда кетмагани қаҳрамонга минг йилдай узун бўлиб туюлиши асосли.

«Кипригим шохида» деб бошланувчи шеър Ўқтамойнинг шоира сифатидаги ифода имкониятлари алоҳида намоён бўлгани билан дикқатга сазовордир. У маълум сўзни салгина ўзгарган шаклда қўллаш билан сўзнинг бадиий таъсир даражасини оширади.

*Севдигим,  
Қалбингиз шафоатидан,  
Бағримда саргашта  
Майсалар унур.*

Шоира «севгилим» сўзини атайлаб **«севдигим»** тарзида ишлатади. Қоидага кўра «севгилим» шаклида қўллаганда, сўзнинг таъсир кучи кескин пасайган бўларди. Негаки, **«севдигим»** сўзининг ритмик шиддатиёқ севикли инсоннинг «қалб шафоати» маъшуқа бағрида майса ундургидай кучга эгалигини билдиргандай бўлади.

Үктамой күнгил ҳолатларидан ҳикмат топадиган, торттан азобларидан күламли хulosалар чиқарадиган шоира. Шунинг учун ҳам унинг: «*Күнгил – томиб тугаган күз ёш, Вафо – ёши қайтган ўйинчи*» каби қаноатларида атайиңдик, сунъийлик сезилмайды. Унинг биттганинде инсон күнгли, унинг рухий ҳолатлари тасвирини бериш бирламчи ўрин тутади. Баъзи шеърларидан шоира табиат манзарасини чизаёттаңдай бўлиб туолади. Лекин аслида у күнгил ҳолатини манзаралаштираётган бўлади. Рухият тасвирида аниқликка интилиш шоирани табиат унсурларига мурожаат қилишга ундаиди. Үктамойнинг шеърларидаги: «*Сизни бир қўрайин деб, юрагим оқиб кетди*», «*Ўрмондек туташган қошлар ичинда*», «*Мен куз эдим, уйғониш фасли*», «*Девлар тўсиб турар қуёшни*» каби кутимаган ташбеҳлар ҳам тасвирдаги ўзгачалик, ҳам табиат орқали одамни ифодалаш хусусиятига эгалиги билан диққатни тортади. Бу мисралардаги табиат кўринишлари мудом шоиранинг кайфијати, күнгил ҳолатини ифодалашга бўйсундирилгани билан алоҳида эстетик қиймат касб этади.

Үктамой күнгил тебранишларини ўта нозик илқайдиган, рухий тўлғамларнинг босқичлар силсиласини акс эттира оладиган шоирадир. Унинг шундай шеърлари борки, уларда инсон рухиятида кечган оний бир кайфиятнинг ҳар бир қўналғаси маҳорат билан кўрсатиб берилади. Кайфият манзараси ёрқин бўлиши учун у нафақат жонсиз яратиқларни, балки сўзнинг ўзинида жонлантиради: «*Бесабр соғинчдан сачраги бир сўз: «Малагим» – ҳуш саго жаранглаб учди. Саго йўлин тўсиб ташна малаклар Унинг қўлларидан сув ичди. Токи менга етиб келгунча бу сас, Бошин айлантириб кетар шаббода. Ҳушин олиб кетар маккор парилар, Жийданинг гуллари тутаги бода. Чўлларда адашиб йўлин топгунча, Афгор майсаларим кўзи кўкарди*»». Суюкли одам томонидан айтилган биргина

сўз туфайли таъсирчан одам кўнглида содир бўлган руҳий инқилоб силсиласи ўта билгичлик билан таъсирли кўрсатиб берилган. Ошиқ томонидан айтилган бу сўз маъшуқага етиб келгунча малаклар унинг қўлидан сув ичгани, шабода унинг бошини айлантиргани, жийданнинг кишини маст қилувчи гуллари бода туттани, шу сўз етиб келишини қутиб, ҳатто, майсаларнинг кўзи кўкаргани улкан маҳорат билан тасвиранган.

Оний бир ҳолатнинг шунчалар босқичли ва батафсил тасвиридан кейин келадиган поэтик эпилог мутлақо кутилмаганлиги билан ўқувчини эсанкиратиб қўяди: «*Ўртамиз бир қадам, ул қайвоний сўз Ҳануз мени топиб келолгани йўқ*». Ўзбекнинг ҳаёт тарзи ва фикрлаш йўсини шоира руҳиятига сингиб кетган. Бизнингча, у ҳамма шеърларидағи каби бу битигида ҳам қўллаган образларни бир-бир назардан ўтказиб, сўнг мисраларга тизмаган. Балки, бир ўзбек сифатида ўз миллатининг таъсирланиш стихиясини ҳам ўзлаштирган шоирага бу тимсоллар табиий равища ўз-ўзидан қўйилиб келган.

Ўқтамой – кўнгли чинакамига тўлиб кетганида, дардлари юрагига сифмай оғзидан олов кўрингандан қўлига қалам оладиган, аммо изтироб оташидан қовжираган туйғуларини ҳам ортиқча ваҳималарсиз, майнлик билан қофозга туширишга интиладиган шоира. Халқ эпосларида тез-тез: «Куйган алвон-алвон сўзлар», – дейилади. Чинданда, астойдил куйган одам ҳикмат билан сўзлайди, ҳикмат билан бўзлайди. Шоира шеърларидағи: «*Кўнгил – тилларимни куйдирган оғу*», «*Севги деганлари шодликмас, қайғу!*», «*Тўлиб тўқилади сабр косаси*», «*Кўмирга айланиб қолди нигоҳлар, Шохларга сарғаяр гўзал гуноҳлар*», «*Осмоннинг кўз ёши – турна тизилар*», «*Соғинчларим – каллакланган тут*», «*Анор ишлаб юрак ёрди аzonларга*» каби қанотли иборалар учраши унинг астойдил куйиш билан биргалик-

да, куйган күнгил товланишларини ифодалаш маҳоратини эгаллагани натижаси ҳамдир.

Ўқтамойнинг поэтик талқинида муҳаббат лаззат, севиш роҳат эмас. У – ҳамиша азоб, доимо синов. Кўпинча эса, азобли синовдир. Шоира ўзининг бу қаноатини жавобли муҳаббат тасвиrlанган «Қаршимда бир гулхан» шеърида ёлқинли мисралар воситасида ўта таъсирчан акс эттиради. Ўқтамой топиб айтганидек, муҳаббатда ҳаёт бор, лекин нажот йўқ. Чин севги эгаси азобдан роҳатланиб, роҳатдан азобланишдай чорасизликка маҳкум:

*Учқунлар сачрайди нафасларидан,  
Нозик бармоқларим куйдираётир.  
Авраб нигоҳимни беаёв, асов  
Қучогига босиб ўлдираётир.  
Аланга олади бу қалтис ӯйин  
Ёпаман кўнглимнинг дарчаларини.  
Дарча ёргугидан киради сизиб,  
Не қиласай, у гулхан парчаларини?  
Бир ўтки жонфизо ҳаётбахш оғу,  
Борсам таҳтим куяр, бормасам баҳтим.  
Унда ҳаёт бору унда йўқ нажот...*

Ўқтамойнинг одамни бефарқ қолдирмайдиган, уни ўзига эргаштирадиган майин шеърий исёнлари ўқувчилар кўнглини ром этиб, ўзидағи ўхшаш туйгулар ҳақида ўйлашга ундаиди.

Чинакам ижодкор руҳият олами билан ўз кўнгил дунёси сари ёлғиз кетиб бораётган йўловчи. Йўл машаққатли, манзил узоқ, мақсадга етишиш учун матонат ва чидам талаб этилади. Ўқтамой ана шу машаққатларни енгиб ўта оладиган истеъдод эгасидир.

*Қозоқбой Йўлдош  
профессор.  
«Моҳият» газетаси, 2009 йил.*

## СҮЗ ТАРОВАТИ

Ўқтамой «суронли» 90-йилларда шеършунослар назарига тушган эди. Хусусан «Ёшлик» журналида чиққан туркум шеърлари, илк китобчаси «Софинч қушлари» ўқувчиларда яхши таассурот қолдиргани ёдимда бор.

Негадир кейинги ўн-ўн беш йил ичида шоира матбуотда кўринмади. 2005 йил кетма-кет «Сабрга суюниб», «Оққуш излари» номли иккита китобини эълон қилиб аввалги мавқенини ёдимга солди.

Ўқтамойнинг ўзига хос услуби шеърхоннит қизиқтириши табиий. У асосан табиат ва инсонлар орасидаги ришталарни рассомона чиза олади. Ҳатто кичик мавжудотларни ҳам кўздан қочирмайди. «Хафа бўлар қари чумоли» сатри билан бошланадиган шеърида нафс ўйинларига ишора қиласди. Шамол эсишини, шу аснода тут тўкилишини орзулаган чумоли правардидага ерга дувва тўкилган тутларни кўриб афсусланади.

*Кўполлик ҳам эви биланда  
Бир донага кўнглим тўларди.  
Қарилигум қурсин бир тутни  
Ўзим еб тушсан ҳам бўларди.*

Бу масалнома шеър, лекин масал эмас. Шоира истисно йўсинида нафснинг вайрон қилувчи кучга эга эканлигини чиройли тасвирлаган.

Шоирликнинг аввали изтироб дейдилар. Бинобарин изтиробга тушмайдиган инсон бўлмайди. Бу ҳолат замирида руҳий оламга ошуфталиқ ҳиссиятлари аксланиши аниқдир.

Ўқтамойнинг кўпгина битикларида аччик изтиробнинг гўзал кўринишлари, ширин навозишлари қаламга олинади.

*Кор ёғилар қобогингиздан  
Умид йўлакларин босади.  
Кипригим-ла курайман қорни  
Эзилиб шу ғамлар остида.*

Тунд кайфиятли ёмон кишиларни «қобогидан қор ёғади» деймиз. Лирик қаҳрамон киприги билан, яъни меҳр жозибаси кўмагида ўша қорни эритмоқчи бўлади:

*Багрингизда турланар дунё  
Сиз ишонган туйғу тозами,  
Ўтгай кунларингиз руҳафзо  
Бизга қолган кунлар рўзали.*

Англашиладики эътиборсиз, нописандлик туфайли таъблар хиралашган. Лирик қаҳрамон ўз туйгула-рини эъзозланмаганлиги, тушунилмаганлиги боис исёнга келади.

*Қасосга қўл беради соғинч  
Сукутдаман оловлар фасли.  
Эй юзимга сапчиётган қор  
Билармисан кимлигум асли.*

«сапчиётган қор» совуқ нигоҳди ошиқ образи. Шоира шундай образлар орқали қалбнинг зиддиятли лавҳаларини чизади. Имо-ишоралар орқали кўнгил розларини тушунтиради.

Шеър санъатнинг бир тури, бинобарин шоир бу хислатларни, услубларни кўрсатишга ҳақли. Шеърда ўқувчи диққатини тортадиган қандайдир чўф бўлиши жоиз. Ҳаммага маълум гаплар назм ипига чизилса, ўқувчи бундан завқ ололмайди. Ўқтамой шу ҳақиқатни чуқур англаркан, имкон борича янгироқ образларни чизишга ҳаракат қиласи. Унинг аксари сатрлари меҳрга йўғрилган: инсон доимо ишонч, меҳр, муҳаббат ардоқида яшамоғи лозим деган тушунча илгари су-

рилади. Ҳақийқий муҳаббат эса бир-бирини тушу-  
нишда, руҳий яқинликдадир.

*Тушунмаги мени Ой, Юлгуз  
Күкдан тушдим жуда кечикиб  
Жой бўлмаса дунёнгизда  
Қандай яшай сизга ичикиб.*

Ижодкор кўнгил одами, шу важданми шоира қайта-  
қайта кўнгилга мурожаат қиларкан, кўнгилга қанча-  
лик чуқур кириб боприлса фақат у ердангина изла-  
ганини топа олишини теран ҳис этади.

У бир вақтнинг ўзида ҳам кўнгли борлигидан шод-  
ланади, ҳам шу кўнгил туфайли қанча азоб, изтироб-  
лар чекади. «Мен кўнгил қасрида асрий чўриман»,  
«кўнгил – томиб тутаган кўз ёш», «кўнгил – тилла-  
римни куйдиргант оғу» сингари мисраларда кўнгил-  
нинг товланишлари, унинг серқирралигини кўрсатиб  
«бу дунёда ишим қолмади, кўнгил синикларин териш-  
дан бошқа» деган холосага келади.

Ўқтамойнинг услубий ранг-барангликка интилга-  
ни унинг ёзган асаридан сезилиб турибди. Бирор  
санъат асарини халққа уқтириб бўлмайди, токи ўзи  
тушуниб ботиний жиҳатларини англаб олмагунча.  
Санъат мезонларида айтилган сўз ҳар кимга ҳар хил  
тасъир ўтказади. Шунга кўра ҳар бир йўналишнинг  
ўз муҳлислари бор.

Ўйлаймизки, Ўқтамой руҳий олами тароватидан то-  
маётган кўнгил томчиларининг жилваси Сиз азиз  
ўқувчиларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

*Бахром Рўзимуҳаммад  
«Томаётган кўнгил» китобига ёзилган сўнгсўз  
2008 йил. «Шарқ» нашриёти*

## **ТОМЧИЛАР СЕҲРИ**

Сиз эрталаб марваридгул баргидаги шудрингни ҳидлаб кўрганмисиз? Гул ифори билан омухталалиб кетган бир майин тароват кўнглингизни ҳушнуд эта-ди. Томчидали тиниклик дилингизга кўчгандек бўла-ди. Кайфиятингиз нурафшонлашади. Яхши шеър ўқиганингизда ҳам шунга ўхшаш бир ҳолатта туша-сиз. Шеърдаги самимийлик, оҳанг руҳингизни алла-лагандек, самолар сари кўтаргандек бўлар. Ҳар ҳолда менга шундай туюлади. Шунинг учунми мазмунли, туйгуларга тўлиқ асар ўқисам фойибона муаллифга миннатдорчилик билдираман. Ўқтамойнинг «Томаёт-ган кўнгил» («Шарқ» нашриёти, 2008 йил) шеърлар тўпламини ўқигач, ўшандоқ мамнунлик ҳисси чулга-ди мени. Китобга шоирона ном қўйилган. «Томаёттан кўнгил» бу шоиранинг сатрлар бўйлиб топган, сўз шаклига айланган туйгулар силсиласидир. Бу табиат-га ошуфталик, унинг некбин томонларини кўриш ва ўзи кашф этган гўзал тимсолларни акс эттириш ҳисси, хоҳишидир.

*Боқقا парда илар баҳмал тун,  
Тут пашиасин ўлтирасар қўриб.  
Ой дарахтга ёнбошлар секин,  
Келинчак – оқ либосли ўрик.  
Япроқларга хушомад қилиб  
Елпиб қўяр ойни шаббода.*

Чиройли ўхшатилган, китобхон кўз олдига келти-ра оладиган гўзал тасвир. Шоира фақат ўзига хос пейзаж чизгилари билан чекланиб қолмайди. Биз ҳар доим қўриб юрадиган нарсаларга янгича қиёс бера-ди. Қаранг:

*Fўза – мўмин, штоаткор қиз,  
Меҳнатлар қўлини бўшатмас.  
Она – куз келгунча бирорга  
Тишини оқини кўрсатмас.*

Мана шу тўрт сатрда ўзбекнинг меҳнаткашлигию қизларимиз ибоси ажойиб тасвириланган. Пахтанинг очилиши она келганда шодланган қизнинг кулишига менгзалади. Миллийлик руҳи уфуриб турган мисра, ҳар бир адабиёт миллийлиги билан гўзал. Ижодкорларнинг мана шу ўзгачаликнинг «теша тегмаган» сўзлар орқали ифодаланса ардоқлидир. Шоира мана шундай ифодаларни китобхон кўнглига сингадиган тарзда айтиш мумкинки рассомона чизади. «Тунларим оқариб кетади, хаёлнинг расмини чизмоқдан» деган шоира фақат ранглар ўрнига сўзларни қўллади:

*Куёш толиқиб кетиб  
Олов таёқларини  
Хуржунига саржинлаб  
Йиғиштира бошлади.  
Даладан хориб қайтган  
Товон ёриқ кетмонлар  
Чангли юзларин ювиб  
Гулзорга ёнбошлади.*

Табиатга шайдолик, «хазон тилида ёнган» сўзларни англаш истаги, умуман табиат тилини тушуниш орзузи кўнглига ором бермайди. Чунки табиат тили софлик тилидир. У табиат билан сирлашар экан, борлиққа кўнглини очади. Одамлар тушунмаган дардларини табиатга сочади, набобат билан сирлашади. Шунинг учун Ўқтамой шеърларида ой, қуёш, юлдузлар, гул, ялпиз, мажнунтол япроқлари сиз билан тиллашади, дардингиз олгандек бўлади. Айни пайтда ўз ке-

чинмаларини сизга сўйлайди. «Намозшомгул», «Дарахт» каби шеърлари бунинг намунасиdir:

*Кўклам берган либосим  
Ечиб олиб қўйди куз.  
Тўзғин хаёл – япрогум  
Битта қўймаги эссиз.*

. . .

*Кўпчир танамда жоним,  
Оҳ ақлдан озаман.  
Йўқ,, ўйқ соф туйғуларим  
Мен баҳорга ёзаман.*

ёки

*Шамол эшигимни тақиллатиб  
Лақиллатиб қочиб кетарди.  
Юраги тўлган ёмғир сирларин  
Деразамга сочиб кетарди.*

Нақадар гўзал жонлантириш, ўхшатиш.

Китоб тўрут томчидан иборат. Ҳар бир томчининг ўз мазмун, моҳияти бор. Биринчи томчи «Боқقا парда илар баҳмал тун» деб номланиб, унда асосан табиат манзаралари, иккинчи томчи «кўнгил-томиб тугаган кўз ёш» бўлиб, унда асосан муҳаббат, садоқат, меҳр ва вафо ҳақида, «Фам дарёси чуқур экан сузиб кета олмадим» деб номланувчи учинчи томчида турли мавзудалардаги шеърлар, тўртинчи томчи эса «сачратқилар» дейилиб унда мансуралар, қатралар жойланган.

Заррада қуёш акс эттанидек, ҳар томчида шоира кўнглининг мавжлари, қувончу андуҳлари ўз аксини топган. «Шеърият соғинчdir, севинчdir, аламdir, ўйdir» дея ёзганди истеъдодли шоир С.Сайид. Ҳақиқатан ҳам Ўқтамойнинг кўнгил томчилари шеър

бўлиб томар экан, бу томчилар бора-бора туйгулар дарёсига айланади. Бу дарё мавжларининг самимийлиги билан сизни ҳам ўз бағрига оҳанрободай тортади. Чунки сатрларга изоҳ даркор эмас. Шеърни шеър киulgувчи ундаги бадиий топилмалардир. Бадиий санъатнинг жозибаси эса ўринли қиёсларда. «Томаёттан кўнгилда» дилга суурур берувчи нарсалардаги биз илфамаган нафисликларини кўрсатувчи топилмалар анчагина. «*Елканли оқ қайиқ – бодом гуллари*», «*Лўли – ой фол очар кафтингда*», «*Чакнаган юлдузлар – кўз ёшларим*», «*Кўнгил – йиғлоқи бир фаввора*» кабилар. Шоира бир нарсага икки хил мажоз берсада (масалан, кўнгилга) сиз бунга ишонасиз, чунки у ўз ҳолатидан келиб чиқиб, руҳият измида юриб ёзади. Ўқтамойнинг кўпгина шеърларида бўртиб турган ҳис – соғинч. Бу соғинч кенг маънодаги қалб ҳолати. Ёлғонларга дуч келганда ҳақиқат соғинчи, хиёнат ўртаганда таскин соғинчи, ёлғизлиқда бир дилдош, дўйст соғинчи. Бу азоблар ҳеч кимга бегона эмас, инсон борки ниманидир, кимнидир соғинади. Шу туфайли шоира ўқувчининг фойибона сирдошига айланади. «Мен фойибдан сизни сўраб тилаб олдим, қолиб кетмай соғинчингиз соясида», «Фироқ қатл этар ҳар куни, соғинчларнинг ханжари билан», «Соғинчлар бош уриб дил ёрди тошга», «Соғинчим оч қушга айланди энди», «Соғинчларим – каллакланган тут». Бир туйгунинг турфа хил ифодаси. Ёлғизликнинг, соғинч ўртаган кўнгилнинг ўй-хаёллари. Бу ҳолатда лирик қаҳрамон сабрга суюнади. Сабрнинг ортидан ёруғлик кутади, шарқона тавсиф.

Ёмғирларин ичдим  
соғинчни соғиб,  
сарғайган сабримни  
тўкаёттирман.

*Сенинг ҳайратингдан  
яралдим дунё  
чўксам ҳайратингта  
чўкаётирман.*

Ўқтамой шеърлари енгил ўқилади. Унинг ўзига хос оҳанг йўли бор. Шеърларидағи ритмик уйғунлик, ўқирман қайфиятини бир хил ушлаб туришга хизмат қилади. Тўпламдаги асосий шеърлар руҳият тасвирiga бағишлиланган. Лирик қаҳрамоннинг ботиний ҳолатини тасвирлаш устувор. Бу айниқса муҳаббат мавзусидаги шеърларида яққолроқ сезилади. Шоира-нинг лирик қаҳрамони ўз муҳаббати йўлида ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга тайёр.

*Хижрон даштларида  
кетдим адашиб  
Тополмай тентийман  
висолингта йўл.  
Ишқечон жонимга  
ботар чирмашиб,  
Менинг чанқоғумдан  
қакраб кетар чўл.*

Лекин лирик қаҳрамон висол илинжида яшайди. Унга қувват бергувчи куч ҳам умиддир.

*Тошга меҳрим бердим  
кечмоқлик душвор,  
Вазмин ғамлар билан  
чўқдим фироққа.  
Балки кутадирсан  
мени шоҳсувор,  
Айрилиқ ишдати  
битган қирғоқда.*

Унинг зорланишдек кўринган сўзларида аксинча ёрни ардоқлаш, ундаги туйғулар тоза бўлиши истаги

ётади. Унинг туйғулари шунчалик кучлики, у муҳабат йўлида ўз «юрагига ўт қўйиш»и мумкин.

*Мен билмайман  
қандоқ севиши,  
Юрагимга қўядурман ўт.  
Тун чинқирап нолаларимдан  
Софинчларим – каллакланган тут.  
Еллар сезар мажнунлигимни  
Ҳасратимдан тутилади кун.  
Сир сочилар дил сандигимдан  
Алангамдан ёниб кетар гул.*

Ҳиссиётлари кучли бўлгани учун шоира мушоҳадаларини сюжетли шеър тарзида эмас, кайфиятдан келиб чиқиб тасвиrlашни хуш кўради. У ватан ҳақида ёзганда ҳам баландпаровозликдан сақланади, истакларига ургу беради:

*Юрак, сенга ишониб келдим...  
Кўзларимни ҳайратга тўлдири,  
Ватан сўзин қалбларга ўйдири,  
Тилга сайроқ қушларни қўндири,  
Юрак, сенга ишониб келдим.  
Уфқлардан уйғониб келдим,  
Ҳиссиётга чулғониб келдим,  
Юрт, бўйингта қувониб келдим  
Мен юракка ишониб келдим.*

Юракка ишонмоқ, ишончли қалбга ватан сўзини ўймоқ, умрлик садоқат, юрт хизматига ўзини шайламоқ эмасми?

Ў. Ходдорова шеърларининг яна бир жиҳати шева сўзларини ўринли, чиройли қўллашидир. «Сабр деб қичқирап кеча ҳам Севил», «Озорлардан кетдим увалиб», «Нима изляяпсиз куйканиб», «Хуллоларга ўраб

авайлаб». Сезгандирсиз бу мисралардаги «Севил», «куйканиб» каби сўзларни бошқа бирорта сўз билан алмаштириб бўлмайди. Алмашган сўз унинг маъно аттенкасини беролмайди. Зотан, сўз сеҳрини ҳис қилмоқликнинг ўзи шоирлиқdir. Тўпламга сўнгсўз ёзган таниқли шоир Б. Рўзимуҳаммад ҳам бекорга ўз фикрларини «сўз таровати» деб номламагандир. Баҳром таъкидлаганидек Ўқтамой анча фурсат матбуотда кўринмай, сўнг кетма-кет шеърий тўпламларини эълон қилди. «Томаётган кўнгил»ни ўқигач, менинг назаримда шоира бекорга нафас ростламаган экан. Ўз маҳоратини ошириш устида, туйгуларини янада тиниқ тасвирлаш малакасини эгаллаш йўлида излангани маълум бўлди.

Ўқтамойнинг қуийдаги сатрлари қалбини бир умр шеъриятта берганлигини далолатидир.

*Бармоқ билан шеърлар ёзаман,  
Қонли юрагимга ботириб.  
Ҳақ маҳримга тушган юракнинг  
Қолмагунча сиёҳи қуриб.*

Шоирага узоқ йиллар юрагининг «сиёҳи қуриб» қолмаслигини тилаб, тушкун кайфиятларга берилмасдан янада гўзал шеърлар ёзишини истаб қоламиз. Зотан, «Томаётган кўнгил» бунга умид уйғотади.

*Адҳамбек Алимбеков,  
гоцент.  
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»  
газетаси. 2008 йил.*

## **КҮНГИЛДАН ТОМГАНЛАРИ**

**(«Томаётган күнгил» номли  
китоб тақдимотидаги мушоҳадаларим)**

Ҳар бир шеър – ижодкор юрагидан жазиллаб узилган бир парча, унинг дарё күнглидан томган бир қатра. Шу асосга кўра, шеър ўқиш баайни шоир күнгил дунёсининг бир водийсига саёҳат.

Ўқтамой эл орасида бирмунча танилиб қолган шоира. Шунинг учун унинг шеърларига умумий таъриф-тавсиф беришдан қочиб мен шоиранинг «Томаётган күнгил» тўпламига кирган бир-икки шеъри мутолааси асносида туғилган айрим фикрларимни билдириб ўтмоқчи бўлдим.

Мана, «Хафа бўлар қари чумоли» мисраси билан бошланадиган шеър:

*Хафа бўлар қари чумоли  
Қайда шамол қайда у дайди.  
Хил-ҳил пишиб ётган тутлардан  
Биттагина узиб берсайди.*

Тўпламга сўнгсўз ёзган Б. Рўзимуҳаммад бу ма-салнамо шеър, аммо масал эмас, дея тўғри қайд қилибди. Аммо айни шеърдан «шоира истеҳзо йўсинида нафснинг вайрон қилувчи кучга эга эканини чиройли тасвирлаган», деган хulosага келибди. Билмадим, эҳтимол нафс масаласи ҳам орада бўлса бордир, аммо баднафс ким бўлди унда? Чумолими? Ахир у қарилиги сабабли ожиз, дараҳтга чиқишига қийналиб, кимнингдир мададига кўз тутган ҳолда, «биттагина тут узиб берсайди» дея зорланади, холос, кўп нарса сўраётгани йўқ. Ҳатто шамол тутни ер билан битта қилиб

тўкканида афсусланиб ўзини койийди, ундан аввалги ҳолатини афзал кўради.

*Келиб қолди ҳаллослаб шамол,  
Ҳар новдага осила кетди.  
Тутлар бўлди ер билан яксон  
Чумолини ғашлик банд этди.*

Менимча, бу шеърда ортиқча бойликка, кераксиз давлатга эга бўлиш уволлиги, керагидан зиёд бойлик ҳаммаёқни вайрон қилувчи ёмон нарса экани, ундан кўра бироз эҳтиёжмандлик ҳатто маъқулроқлигини бадиий ифодалаш мотиви етакчи. Чумоли эса мутлақо баднафс эмас, аксинча у сахий ҳам

*— Шунча тутни нима қиласман?  
Майиз солай десам томим йўқ.  
Қўни-қўшиним чақирай десам,  
Улар тўйлаб келган, қорни тўқ,*

ёки

*Қўполлик ҳам эви билан-да,  
Бир донага кўнглим тўларди.  
Кексалигим қурсин, бир тутни  
Ўзим еб тушсан ҳам бўларди.*

деб якун ясалади.

Бу шеърнинг афзал жиҳати шундаки, одамнинг эсида қолади. Ҳозирги замонда кунда-кунора янги биттаси чоп этилаётган шеърий тўпламлардаги юзлаб шеърлар орасида яққол ажralиб турадиган, хотирадан дарров ўчиб кетмайдиган шеър ёзиш эса осон иш эмас.

Мен бу шеърнинг бадиий жиҳатларини кўрсатишга уринмай қўя қолай (бир мисра ичидаги «**қайдада у дайди**» каби ички оҳангдор мисраларни шоиранинг ўзи ҳатто «сезмай қолган»дай бўлиб юзага чиқарган ва

х.). Ўқтамойнинг шеъриятида яна бир хусусият сезилади. Бу унинг айрим шеърларида уч бўғинли туроқларнинг сидирға келишидир.

Тўқилиб / кетаги / юрагим  
Сачраган / исмисиз / туйғудан.  
Бағримда / мурагран/ ҳур қушлар  
Уйғониб / кетаги / уйқудан.  
Ўғирлаб / кимнингдир/ оромин  
Завқ олдим / тинчини / бузмоқдан  
Тунларим/ оқариб/ кетаги  
Хаёлнинг /расмини /чизмоқдан.

Бундай туроқланишни мен Чўлпон шеърларида кўрган эдим (Кечаси, / ойдинга, / ойнинг ҳам / хира-роқ / вақтида // Не учун / кўзимга / ҳайбатлик / кўриндинг // Эй менинг / айвоним / олдига / тик турган / Биргина / туп арча?)

Назаримда, шеърият нафақат маъно янгиланишлари, шу билан бирга шаклий изланишларсиз тараққий этмайди. Шу йўлда изланаётган Ўқтамойнинг интилишларида яшил туйғулар тилайман.

*Зухриддин Исомиддинов,  
филология фанлари номзоди.*

## **ЎЗБЕК ШОИРАСИННИГ ҲИССИЁТ ЖИЛОЛАРИ**

Бегоналар учрашганда тил тўсифига дуч келадилар. Улар бир-бирлари билан имо-ишора орқали мулоқотга киришмоқчи бўладилар, лекин бу қийин жараён. Бироқ тиришқоқлик яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳатто сукунат ҳам мулоқотдан хабар беради. Ўзбекистонлик шоира Ўкта́мой ўзининг инглиз ва панжоб тиллардаги шеъри билан мамлакатимизга ташриф буюрди.

«Йифлаётган юрак» китобини инглиз тилига профессор Қосим Маъмурев, панжоб тилидаги китобни эса, шоир Сварнжит Севи таржима варианatlари тақдим этилди. Ҳар иккала китоб бўйича Панжоб уюшмасида тақдимот ўтказилди. У ердаги аудиатория ўзбек шоирасини жуда яхши кутиб олди.

Хинд ҳалқ оғзаки ижодида ҳам, бугунги шеъриятимизда ҳам бизнинг қизларимиз қайгуларини кўз ёши билан ифода этишган. Унинг ҳиссиётлари бизнинг ҳиссиётларимизга жуда яқин. Бизнинг хотин-қизларимиз ҳам қадимдан хурсандчилик ва қайгулардан кўз ёш тўкканлар. Бу Ўкта́мой шеърларида ҳам ўз ифодасини топган. Хотин-қизларимиз кўзларида тўла ёш билан табассумнинг ифода этиши ўзига хос мурожаат ифодасидир. Ўкта́мойнинг шеърларида ҳам ана шундай ҳолатларга кўплаб учрайди. «Кўзларимда йифлайди ёмғир», «Хазонлар кузнинг кўз ёши», «Кўз ёшларим оқиб гулга айланган», «Юрагимда бир дарё оқар», «Суздик дарёдек кўз ёшлар ичинда» кабилар шулар жумласидандир. Шундай экан, Ўкта́мой ўз фикр-туйғуларини унинг башарий тили бўлган кўз ёши орқали ифода этади.

Шоира ўз туйгуларини аниқ шаклларга киритиш учун мавхум иборалардан самарали фойдаланади. Охир-оқибат чин юрақдан донишмандлик бўртиб пайдо бўлиб унинг шеърлари безовта қалбнинг майин исёнини ифодалайди. Бинобарин, профессор Қозоқбой Йўлдош ҳам Ўқтамой майин ўйлаб, майин азобланади, у қўпол нарсаларни ҳам майин туйгуларда ифода эта олади – дейди. Унинг шеърияти тимсолларга жуда бой.

Майинлик Ўқтамой табиатининг бир қисми, ҳатто у шеър ўқиганда ҳам унинг оҳангига майин. Ҳақиқатан ҳам унинг шеърлари оҳангига мусиқийлик сезилиб туради. Ўқтамой туйгуларининг нозиклиги, аммо foяларининг мураккаблиги бир-бири билан қоришиб, уйғуналашиб тингловчининг онгига таъсир қилади. Айни мана шу пайтда тил назаримда ҳиссиётлардан устун келадиган бир ҳайқириқдек ўзини намоён қилади.

Ўзбек тилидан инглиз тили орқали Ҳиндистоннинг Панжобигача етиб келган Ўқтамой шеърияти экзотик муаттарликка эга. Бизнинг маданиятларнинг уйғунилиги шундаки, муҳаббатда доимо ҳажр ва висол устунликка эга бўлиб келган.

Унинг шеърларидан кўриниб турибдики, у табиат шоири, ўз кайфиятига мос табиатни рассомона чизади. Шоира шеърларидағи образлар ўқувчи тафаккурига таъсир қиладиган туйгулар бир вақтнинг ўзида ҳам ўткинчи, ҳам абадийdir. У ўз шеърларида ҳаммага маълум ва машҳур бўлган нарсаларни номаълум томонларини, хусусиятларини очиб беради.

Шоира шеърларида одамларнинг турли ҳиссиёт қирраларини очиш билан бирга ўз фикрларини образлар орқали ифода этиши инсоннинг ўйлашга ундейди ва вужудини эгаллаб олади. У ишлатган ибора ҳис-ҳаяжонга жуда бой. У ўз бошидан кечирган азобуқубатлардан чуқур хулоса чиқаради. Пировард на-

тижада бу юрақдан ҳис қилинган донишмандликнинг, безовта қалбининг нозик исёnlари намоён бўлади.

Машҳур инглиз шоири Уильям Уордзворснинг «Карнайгул» шеъри билан шоира Ўқтамойнинг «Лола» хақидаги шеърларининг тасвирилари ўртасида қандайдир руҳий яқинлик, боғлиқлик бордай. Чунки Уильям Уордзворснинг севимли гули карнайгул бўлса, Ўқтамойнинг севимли гули лоладир. Уларнинг ифода ва талаффуз мелодияси ҳам бири-бирига жуда яқин.

Ўқтамой:

*Пориллаб ёнаги лолалар  
Шодликлар чакиллаб томади.  
Ям-яшил туйгулар бағрида  
Лолага айлансан қанийди.*

деб ёзган бўлса,  
Уильям Уорзворс эса:

*Кўл бўйида карнайгуллар тебраниб рақс тушар,  
Менга пешвоз чиқиб, лутф этарди,  
Ва мен ўз ётогимда танҳо қолганимда,  
Карнайгуллар илтифоти кўз олдимга келтирсанам,  
Юрагим шодликка тўлиб кетарди.*

деб ёзади. Айниқса бу шеърларнинг инглиз тилидаги таржималари жуда бир-бирига яқин.

Ўқтамой айни баркамоллик ёшида, унинг парвози баланд. Ўйлаймизки, ҳали кўплаб шеърият мухлисларига ўзининг нозик туйгулари билан гўзал шеърлар ёзид, ошуфта кўнгилларга завқ-шавқ бағишлайди.

*С.Н. Тасниим, профессор,  
адабиётшунос олим.*

*Хингистон. «Лудхиана трибун»газетаси.  
4 май, 2009 йил.*

## **ТАРЖИМА – ДУНЁГА ЙЎЛ**

Бугунги кунда жаҳон шеърияти баланд баланд чўққиларга интилмоқда. Жумладан, ўзбек миллий шеъриятида ҳам турли йўналишларда ижод этаётган, изланаётган ижодкорларимиз асарларини ўқиб хурсанд бўласан киши.

Бугунги кун ўқувчисининг – дунёқараси, шеъриятнинг нозик тушуниши ижодкор зиммасига яна-да масъулият юклаши табиий...

Шоира Ўқтамой бир куни менга бир туркум шеърларини олиб келиб таржима қилиб беришимни илтимос қилди. баъзи шеърларини инглиз тилига ўтириб, Ҳиндистонда бўлиб ўтадиган Жаҳон шоирлари фестивалида иштирок этмоқчи эканлигини айтди. Фестивалда қатнашиш истагидаги шоирларнинг шеърлари конкурс асосида танланиши ва шунинг учун таржимани юқори савияда амалга ошириш кераклигини ҳам яширмади. Шунда мен бу шоира тушмагур инглиз тилидан ҳам анча хабари борга ўхшайди, деб ўйладим. Шеърларини синчилаб ўқиб чиқдим. Улар баланд руҳда ёзилган экан менга ҳам маъқул бўлди. Таржима жараёни ҳам кутилганидан анча енгил кечди. Шуни айтишни истайманки, Ўқтамойнинг шеърлари худди инглиз тилига таржима қилиш учун ёзилгандек эди. Шунинг учун руҳимда бир ишонч, ички қониқиш пайдо бўлди. Гўё шеърларидаги поэтик руҳ менга кўчгандай эди. Конкурс муддати яқин қолганлиги учун шоира таржимани тезлатишмни илтимос қилди. Мен таржимани уч кунда тутатиб, унинг электрон почтасига юбордим. Икки ҳафталар ўтар-ўтмай у мен таржима қилиб берган ўндан зиёд шеърларини барчасини сўзбоши билан

Ҳиндистонда инглиз ва ҳинд тилларида бутун дунёга тарқаладиган «Критя» деб аталадиган адабий веб-журналида босилганлиги ҳақидағи хабарни айтиши, ҳатто, ҳинд ва инглиз тилларида чиққан шеъларини интернетдан күчириб олиб келиши мен учун ҳам кутилмаган янгилик бўлди.

Фестивал бошланишига икки ой қолганида шоира маъруза ва ўз шеъларини инглиз тилида ўқиши, савол-жавобларини ҳам инглиз тилида олиб борилишини англаб етди ва тезкорлик билан инглиз тилини ўрнанмоқчилигини билдириди. Махсус тезкор тил матрекслари ва алгоритми асосида ишлаб чиқилган компьютер дастури асосида олиб борилган 2 ойлик машғулотлар давомида шоира инглиз тили мулоқот асосларини ва бир нечта таржима қилинган шеъларини ифодали ўқиш малакаларини тузуккина эталлаб олди.

Бир куни менга, домла шунча узоқ, йўл босиб бошқа бир давлатга борсамда қўлимда фестивал қатнашчиларига кўрсатадиган бирорта китобим бўлмаса, улар ўзбек тилидаги китобларимни ўқий олмасалар, ҳеч бўлмаса йигирма-ўттизтасини зудлик билан таржи-ма қилиб берсангиз. Мен кичикроқ китобча тайёрласам деб қолди. Лекин тиниб-тинчимас ижодкор жадал ҳаракатлар билан югуриб-елиб бир ҳафтада «Маъюс тонг» номли китобини инглиз ва ўзбек тилларида чиқариб улгурди. Шу тариқа шоира Жаҳон шоирлари фестивалида қатнашди. Унинг шеълари анчагина шов-шувга сабаб бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай унинг икки шеълар тўплами Ҳиндистонда инглиз ва панжоб тилларида нашр этилди.

Шоиранинг шеъларини ўқиган киши ўзини жонли табиат манзараларини томоша қилаёттандек ҳис қиласи. У шеъларида инсонни табиатнинг ажралмас бир бўлаги эканлигини, инсон руҳияти кўп жи-

ҳатдан табиат ҳодисаларига боғлиқлигини, улар ўртасидаги узвий яқинликни ўз ҳиссиётлари билан уйғунаштириб юборади. Шоира шеърларида ўзининг мавҳум туйғуларига сўз билан аниқ шакл беради. У ўзининг кўнгил сувратларини чиза оладиган истеъдодли ижодкор деб ўйлайман. Шоира фойдаланган образ ва иборалар, услублар мафтункор. Тўғри шеърларни таржима қилиш жараёни ҳам осон кечмади. Чунки унинг шеърлари образларга бой, турли ўзбекона қочиримлар ва истиораларга бойлиги боис, баъзан анча-мунча изланишимга, тер тўкишимга ҳам тўғри келди.

Ҳиндистонда китоб чиқаётган қунларнинг бирда кечки пайт шоира менга телефон қилиб қолди. Айтишича, у ҳозиргина интернет орқали бир хат олибди ва унда Ҳиндистонда чоп этилаётган китоби Тожмаҳалга бағишлиланганини айтишибди. Чунки, у учрашувларда Тожмаҳални бориб кўриш ёшлиқдаги орзуси эканлиги ва бу ерга келиб бу тарихий обидани кўриш шарафига мұяссар бўлганини алоҳида таъкидлаган экан. Менга «Китобим Тожмаҳалга бағишлиланган бўлса-ю, лекин китобимда шу ҳақида бирор шеър бўлмаса қандай бўларкин, агар ҳозир шу шеърни ёзсан эртага таржима қилиб бера оласизми, эртага охирги кун экан вақт жуда тифиз » деб қолди. Шу қунларда ишларим жуда кўпайиб кетганлигидан бош қашишга вақт йўқ эди. Бунинг устига таржима мураккаб жараёнлигини унга тушунтиридим. Шундай бўлсада тушликка чиқаман деб турган пайтим келиб қолди-да шеърни ҳозир юбормасак китобига кирмай қолиб кетиши мумкинлигини айтиб қатъий турив олди. Таваккал қилишга тўғри келди, у айтиб турди, мен компьютерда таржима қилиб ёзиб кетдим. Ўчакишгандай шеър анчагина катта экан. Ярим соат ичида шеър тайёр бўлди. Нимагадир шеърлар

таржимада қофияси билан қўйилиб келарди, бирор марта лугатга қараб бирор сўз ахтаришга эҳтиёж бўлмади. Билмадим, бу илоҳиётданми ёки Мумтозмаҳалнинг муқаддас руҳи қўлладими, хуллас таржима шу заҳотиёқ Ҳиндистонга юборилиб, китобга киритилишига эришилди.

Шоира Ҳиндистонда қўшалоқ китоблари чиқиб, у ерда кўплаб шаҳарларда шеърият ихлосманidlари билан учрашувлар ва китобининг тақдимотларини ўтказиб қайтгандан сўнг, унга Ҳиндистоннинг турли бурчакларидан мухлислардан хатлар кела бошлади. Ўкта-мой бу хатларни олиб келиб менга кўрсатганида жуда шод бўлдим. Чунки, булар менинг ҳам меҳнатим юзага чиқаётганидан бошим осмонда эди. Ҳинд диёрида ҳамюртимиз ҳақида чиққан газета ва журналлардаги мақолаларни ва унинг номига келган илиқ сўзлар битилган мактубларни тўплаб қўйган эдим. Шуни Сиз ўқувчиларга ҳам ҳавола этишни жоиз деб билдим.

1. «Йиглаётган юрак» номли шеърлар тўпламини панжоб тилида ўқиган «Дайник Башкар Панжоб» журналининг ҳаммуҳаррири жаноб Жаджииван Сони ўз хатида шундай ёзади: Мен сизнинг «Йиглаётган юрак» деган шеърлар тўпламингизни панжоб тилида ўқидим. У менга олам-олам лаззат бахш этди. Мен уни уч марталаб қайта-қайта ўқиб чиқдим. Мен авваллари ҳеч қачон ўзбек шеъриятини ўқимаган эдим. Сизнинг китобингиз менда ўзбек шеъраятини янада кўпроқ ўқишига истак пайдо қилди. Сизни худо ўз паноҳида асрасин, Сизга ўзбек адабиётининг баланд чўққилари забт этишни тилаб ибодат ва дуо қиласман.

2. Ҳиндистонинг Янги Деҳлида чиқадиган (**16 май, 2009 йил**) «АКС» ойлик адабий-бадиий журналида шоира шеърларига алоҳида саҳифа ажратиб, китобнинг муқовасига унинг «Йиглаётган юрак» деб китобини

номи қўйилган. **Журнал бош саҳифасида шоира китобларига ёзилган таҳлилий бир мақоласи босилган.** Унда бир адабиётшунос олим, таржиманинг муҳимлигига алоҳида урғу бериб, Ўқтамой шеъри ўзбек тилидан сифатли таржима қилинганлиги билан эътиборга таҳсин эканлигини алоҳида таъкидлайди. Сўнг китобда инсон туйғулари нақадар тийран тасвирлангани ва улар ўқувчининг юрагига чуқур таъсир қилишида ижодкорнинг ролига юқори баҳо берилган. Шоиранинг бир туркум шеърлари шу журналнинг икки саҳифасида берилиши эътиборга молиқдир.

**3. «САДА РОНДА ЕЙ ДИЛ МАХИЯ» ва «Май наат из вииипинг»** китобларининг Ҳиндистонда нашр этилиши ҳақида Чадигарҳда чиқадиган «Динак жардан» газетасида шундай маълумотлар берилган.

Яқинда Ўқтамойнинг (Ўқтамхонум) Ҳиндистонда нашрдан чиққан икки тилдаги «Йифлаётган юрак» китоби тақдимоти учун Чандигарҳга ташриф қилди. Ўқтамой ўзбекистонлик Зулфияхонумни Амрита Притам таржимасидан 30 йил кейин панжоб тилига таржима қилинган шоирадир. Ўқтамой китобларининг тақдимоти бир қатор шаҳарларда, жумладан, Чандигарҳ, Лудҳиана, Фрадкот, ва Амритсар шаҳарларида бўлиб ўтди. Тадбирларда Ҳиндистоннинг бир қатор машҳур шоир ва танқидчилари. жумладан, доктор. С.С Нур, Амаржит Гривал, Dr.N. Tasnim, Dr. D. Манмахан Синҳ, Манжит Индра , Dr. P. Навте Бхарз, Dr. Каждев Синҳ, Проф. Азиз Пархар, Жасванд Зафар, Девендра Рал ва бошқалар, қатнашиб, шоира шеърларини юқори баҳоладилар.

**4. Ҳиндистондаги «Крития» веб-сайтининг муҳаррири шоира Рети Саксина хоним ўз хатида Ўқтамойнинг Чандигарҳда Жаҳон шоиралари Фестивалида қатнашганлиги учун ёзган миннатдорчилик хатида**

шундай сўзлар бор: «Чандигарҳга Критя-2008 фествалига қатнашиш учун ташриф қилганингиз учун сизга чин юрақдан раҳматлар айтишни истайман. Сизнинг иштирокингиз фестивалга ўзгача руҳ ва тадбирнинг мафтункорлигига алоҳида файз бағишилади. «Крития 2008» фаолиятини шарафлаганингиз учун яна бир бор Сизга раҳмат.

**5.** Кералалик шоир: Шридҳаран ПарокодЭ: Менинг ҳурматли шоирам Ўқтамой, Сизнинг шеърларингизни ўқищдан жуда ҳам баҳтиёрман. Шеърларингиз мени ўзига маҳлиё қилиб қўйди. Бунинг учун Сизга катта раҳмат. Мен сизнинг баъзи шеърларингизни ўз тилимизга таржима қилишни истайман, токи бизнинг халқимиз ҳам сизнинг гўзал шеърларингиздан баҳраманд бўлсинлар.

**6.** Покистонлик дипломат Ҳуррам Аслам Хан:

Сизнинг ҳис-туйгуларга бой гўзал ва таъсирчан шеърларингизни ўқидим ва уларни Покистонда нашрдан чиқаришга қўлимдан келадиган барча саъиҳаракатларни қиласман.

**7.** Ҳиндистон Қитъаларо Маданиятлар уюшмаси директори, Халқаро Ёзувчилар клуби Президенти Дев Бҳардува:

Ўқтамой, Сизни Жайпур шаҳрида 2009 йил ноябр ойида бўлиб ўтадиган «5 Жаҳон Халқаро Ёзувчилар» фестивалига таклиф этаман. Албатта келинг, чунки кўплаб шоир-ёзувчилар сизни кўришга муштоқлар, ва сиз бу ерда Ҳиндистонинг турли ўлкаларидан келган, турли тилларда ижод қиласиган ёзувчилар билан учрашиши имкониятига эга бўласиз. Улар сизнинг шеърларингизни ўз тилларига албатта, таржима қиласидар деб умид билдираман

**8.** Доктор Шарма «Панжоб меҳрини қазониб» деган сарлавҳа остида эълон қилган мақоласида шундай фикрлар мужассам:

«Ифода воситасидан қатъий назар шеърият инсониятнинг бадиий туйғулари, ҳиссиётлари, илҳомларининг онаси ҳисобланиб, сўзларнинг шеърий ифода этилиши уйғунлик парадигмасида айнан қалба таъсир қиласи. Менимча, Ўқтамойнинг ўзи яратганинг моҳир устаси бўлган таъбиатнинг марҳаматидир. Ўзининг икки китобининг тақдимоти учун Ҳинди Ёзувчилари уюшмаси таклифига мувофиқ шаҳримизга ташриф этган шоира ўзининг шеърга бўлган меҳри, табиатта бўлган муҳаббати билан Панжобнинг бой маданиятини янада бойитди.

Янги Дехлидаги Саҳития Академиясида «Йифлаётган юрак» номли китоби ҳам инглиз, ҳам панжоб тилида тақдим қилинди. Ўқтамой ўз чиқишида инглиз тилидан Панжоб тилига таржима қилган шоир С. Севига шеърда ифодаланган ҳис-туйғуларни тўлиқ бера олганлиги учун миннатдрчилик билдириди. Унинг шеърлар тўплами Тожмаҳалнинг боқий гўзаллигига бағишланганлиги, шоиранинг ҳинд маданий меросидан нақадар тўлқинланиб, завқланиб гапирганидан далолат беради.

#### 9. Англиялик шоира И.Малерсон:

Шеъларингизни ўқиб ҳайратга тушдим жуда гўзал!

Сиз, чинакам шоирсиз. ёзганларингиз инсон қалбини жунбушга келтириб унга завқ-шавқ бағишлайди.

Бундай мисолларни яна кўплаб давом эттириш мумкин. 2009-йилнинг майида, Япониянинг ойлик «Аппиев» журналида «Ўзбек шеърияти Ҳиндистонда» номли мақолада ҳинд диёрида икки тилда босилиб чиққан шоира китоблари ҳақида батафсил маълумот берилган.

Бундан ташқари Ҳиндистонда чиқадиган бир нечта газета ва журналларда юртдошимиз ижоди ҳақида мақолалар ва ҳинд адабиётшунос олимларининг бир қатор тақризлари ҳам берилганлиги қувонарли ҳол албатта.

«Лудиантрибун» газетасида »Ўзбекистондан Лудианагача сўз қудрати», «Динак жарден» газетасида «Ўзбек шоираси Ҳиндистонда» сингари ҳамюртимиз ҳақида ўнлаб мақолаларни чоп этилиши нафакат шоирага берилган баҳо, балки ҳинд ҳалқи бизнинг адабиётимизга кўрсатган ҳурмати, эътибори ҳам деб қараш мумкин.

Олис Ҳиндистонда ажоддодларимиз барпо қилган гўзал Тожмаҳал ёдгорликлар обидаси шарафига бағишилаб тақдим этилган «Йифлаётган юрак» китобини ҳинд диёрида чоп этилиши маданий ҳаёти-мизда қувончли воқеа саналади. Бу ўзбек-ҳинд ҳалқлари дўстлиги ва ҳамкорлик алоқаларининг барқарорлигини, адабиётнинг чегара билмаслигини даголатидир.

*Қ. Маъмурев,  
доцент, таржимон*

# **МУНДАРИЖА**

## **ШЕЪРЛАР**

«Хазондек қовжираб...».....	4
«Шамол-фаррошлардай...».....	5
«Ёстигим бардоштир...».....	6
«Мен қўклам фармони...».....	7
«Ёлғизлик ҳоритган...».....	8
«Мен сизсиз ҳеч кимман».....	9
Ёмғир ўлчагич.....	10
«Юлдузлар — ошиқнинг...».....	11
Мен — хатоман.....	12
«Ўтган кун-хотира».....	13
«Сизни излай-излай».....	14
«Уйғониб кетади».....	15
«Хаёлларинг яшашга қўймас».....	16
«Тун лайлируй руҳимда».....	17
Гул дараҳти.....	18
«Кўклаб кеттан...».....	19
«Бошимга қилай болиш».....	20
«Бу — не ёмғирдирки».....	21
«Умрим — узун кўйлагим».....	21
«Мени абгор эттан...».....	22
Тушқунлик.....	23
<b>САЧРАТҚИЛАР</b> .....	24
<b>ТЎРТЛИКЛАР</b> .....	28
«Болам...».....	29
Ҳадик.....	30
Осмон эдим.....	31
Бу ризқим.....	32
Куз шовқини.....	33

Севинч.....	34
«Севинчдан иргишилар...».....	35
Софинч қушлари.....	36
«Бўрон...».....	37
«Хафа бўлар...».....	38
«Қуёш толиқиб кетиб».....	39
Намозшомгул.....	40
«Кетдим...».....	41
«Оғочлар бағрида...».....	42
«Маъюс тонглар...».....	43
Софинч сояси.....	44
«Сизни бошқа...».....	45
«Қаршимда бир гулхан».....	46
Сендан кетаман.....	48
«Орамизда сирли кўприк...».....	49
«Бу чарх мени...».....	50
«Мен билмайман...».....	51
«Олов билан...».....	52
Сифмайди.....	53
«Нигоҳингиз бошлаб...».....	54
«Ёнмоқ истаб...».....	55
«Кипригим шохида...».....	56
«Кўнгил...».....	57
Калта қўл.....	58
«Осмондай йиглагим келяпти...».....	60
«Қор ёғилар...».....	61
«Она...».....	62
«Кўзим — қайнаётган...».....	64
«Бармоқ билан шеърлар ёзаман...».....	65
Шўрқўргон.....	66
«Қахри қаттиқ...».....	67
«Маним бир душманим бор».....	68
«Куйлаб бўлгач...».....	70
Юрак.....	71

Дилобарнинг шеъри.....	72
«Сирдонимнинг сирлари...».....	73
Ҳали.....	74
Менга нима.....	75
Менга аталган кун.....	76
«Кун чиқди-ю...».....	77
«Тўкилиб кетади...».....	78
«Нима изляяпсиз...».....	79
«Сиз юксакни кўзлаган...».....	80
«Сиз кетдингиз...».....	81
«Ҳижрон даштларида...».....	82
«Мен ўйиндан чиқдим...».....	83
Хитой девори.....	84
«Боққа парда илар...».....	85
«Бесабр соғинчдан...».....	86
«Хаёлингга ўралгим келди...».....	87
«Мехрнинг этагин тутиб...».....	88
«Ёлғон мени...».....	89
«Уйғонмоқ мушкулми...».....	90
Тоғда.....	91
«Йиглаётган хазон...».....	92
Манзара.....	93
 Кашфиёт.....	94
Кадр ортидаги одамлар.....	99
Қўшиқ — миллат қалби.....	104
Кулдирив яшаш завқи.....	108
Иқтидор ва меҳнат қўшқанот бўлса.....	113
Ҳар ким қилса ўзига.....	119
Модаркүш.....	125
Яшил эди орзулари.....	135
 <b>ТАРЖИМАЛАР</b>	
Амрита Притам.....	142
Сварнжит Севи.....	147

Ислом Туркай.....	154
<b>ЛАТИФ СУХБАТЛАР</b>	
Х. Аҳмедова.....	160
Дийдор. О. Тўрақурова.....	167
<b>ҲАЙРАТЛАР ЎЛКАСИ</b> .....	173
<b>ЭЪТИРОФ</b>	
Яхши одамлар соғинчи. Ҳ. Қудратиллаев.....	254
Исён оҳанглари. Қ. Йўлдош.....	258
Сўз таровати. Б. Рўзимуҳаммад.....	268
Томчилар сехри. А. Алимбеков.....	271
Кўнгилдан томганлар. З. Исомиддинов.....	278
Ўзбек шоирасининг ҳиссиёт жилолари С. Н. Тасним.....	281
Таржима — дунёга йўл. Қ. Маъмуроев.....	284

*Уқтамой*

# *Сурдон*

Муқовадаги суратни рассом  
Темур Саъдулла чизган

Мұхаррир Ҳамроқул Асқар  
Мусаввир Даврон Ражабов  
Бадий мұхаррир Аслиғдин Жўраев  
Техник мұхаррир Шавкат Жўрабоев  
Саҳифаловчи Акмал Жўрабоев

[uktamoy@bk.ru](mailto:uktamoy@bk.ru)  
[www.uktamxonim.blogspot.com.](http://www.uktamxonim.blogspot.com)

Босишга рухсат этилди ?.?.?. 2010 йил.  
Бичими 84x108.<sup>1/32</sup> Ҳажми 18,5 ш.б.т  
Адади 500 нусха. Буюртма № ??.?.  
Шартнома ??/?

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси 33.